

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Арабий бағий, ифтилоий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 10 (149)

2009 йил, октябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

www.jad.uz

## М У Н Д А Р И Ж А

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Николай ЗАБОЛОЦКИЙ. **Юрак титрар хайрат комида**.....3  
Шоҳ Исмоил ХАТОИЙ. **Юзинг кўрмак саодатдир**.....70

### НАСР

Жауме ФУСТЕР. **Талваса**. Роман.....12  
Хулио КОРТАСАР. **Ҳикоялар**.....43

### БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Комил АВАЗ. **Муҳаммадризо Огаҳий**.....76

### ЁДНОМА

Умрзоқ ЎЛЖАБОЕВ. **Олмос истеъдод жилоси**.....81

### ТАРЖИМА МАКТАБИ

Муаттар ЖЎРАЕВА. **Таржимон чизмакаш эмас, рассом!**.....85

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Дейл КАРНЕГИ. **Имконни бой берманг!**.....88

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Гулноза АЗИМОВА. **Замонавий хитой шеърияти йўналишлари**.....135

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Насриддин НАЗАРОВ. **Ўзликни англаш йўли**.....138  
Рўзмат МАШАРИПОВ. **Ҳарбий атамалар луғати**.....140

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Чингиз АБДУЛЛАЕВ. **Борса келмасдан қайтганлар**. Роман.....142

### ЖАҲОН КУЛАДИ

Бенедикт САРНОВ. **Ҳеч ажабланманг**.....195

ТОШКЕНТ  
ОКтябр

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Азиз САИД  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Анвар ЖАББОРОВ  
Абдулла ИСМОИЛОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Абдурахим МАННОНОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Азимжон ПАРПИЕВ  
Ғайрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ

Навбатчи муҳаррир А.САИДОВ  
Техник муҳаррир У.КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 10. 2009**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди. 14. 10.2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1280 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2009 й.**

## Николай ЗАБОЛОЦКИЙ

# Титрар юрак ҳайрат комида

### ҚИШНИНГ БОШЛАНИШИ

**Қ**ишнинг замзамаси ортиб тобора,  
Бугун эшигимни қоқди уч бора.  
Чикдим далаларга. Чирсиллар ҳаво,  
Мусаффо кенгликлар бахш этди сафо.  
Хаёлан бир нафас уфқларни кучдим,  
Сўнг қирдан пастликка энтикиб тушдим.  
Қирғоқ тепасида туриб қолдим лол,  
Асов дарё оқар эди бемажол.

Аёзларга буркаб тириклик йўлин,  
Қиш узатган эди сувга ҳам қўлин.  
Ажалнинг домида сезиб ўзини,  
Дарё очолмасди ҳорғин кўзини.  
Ҳолсиз вужудини ҳар ён ташлади,  
Сўнг бирдан узаниб музлай бошлади.  
Гувраниб қирғоққа урди сўнг бор бош,  
Қорамтир мавжлари қотди мисли тош.

Кўрдим мен дарёнинг беришини жон —  
Бир кун, икки кунмас айнан ушбу он.  
Азобдан инграниб тортганида оҳ,  
Унинг дардларидан бўлдим мен огоҳ.

*Русчадан  
Мирпўлат МИРЗО  
таржималари*

Николай ЗАБОЛОЦКИЙ XX аср рус шеърятининг мумтоз вакилларида бири саналади. Унинг шеъряти майин лиризмга йўғрилган фалсафий тафаккурга бойлиги билан ажралиб туради.

Н.Заболоцкий 1903 йилда Қозон шаҳрида таваллуд топди. Унинг болалиги Витебск губерниясининг Уржум шаҳри яқинидаги Сернур қишлоғида кечади. У мурғаклигидан бетакрор табиат гўзаллигига ошна бўлиб ўсди. Ва у ўша даврдаги бокира туйғуларини қалбида умрининг охирига қадар сақлаб қола билди.

Бўлажак шоир 1920 йили Москвага келиб, Москва университетининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. Лекин у ерда яшашнинг оғирлиги сабаб Ленинградга борди ва Герцен номидаги Педагогика институтида таҳсил олишни давом эттиради.

У бу даврда Маяковский, Есенин ва яна турли хил оқимлар намояндалари иштирок этадиган давраларда фаол қатнашди, уларга эргашиб шеърлар ёза бошлайди.

Ёш истеъдод соҳиби ижодкор бўлишга қатъий аҳд қилади. У юрагидаги бу азму қарорини 1928 йили бўлажак турмуш ўртоғига ёзган хатида шундоқ изҳор этади: “Сиз ёзувчининг

Энг қайғули дамда — қолганда ночор,  
 Бўлмайин ёнингда на дўсту на ёр —  
 Талашар сониянг талвасада жон  
 Айнан шу лавҳада бўлди намоён.

Бўйнида кўрганда ажал сиртмоғин,  
 Туйдим мен дарёда қалбнинг тўлғоғин.  
 Бош устида ўлим қилганда таҳдид  
 Инсон ҳам жон берар худди шу тақлит.  
 Кўпириб оқишлар энди бир рўё,  
 Мункиган тулпордай ётар у гўё.  
 Муз узра тошган сув қалқир қорайиб,  
 Гўё зирҳли қирғоқ борар торайиб.

Турганча харсангтош ёргучоғида,  
 Ғамгин термилардим ботгувчи қунга.  
 Қоп-қора қузғунлар арча шоҳида  
 Ўткир кўзларини тикканди менга.  
 Кетдим. Сўнг зулмат тун ёйди пардасин,  
 Изғирин чарх урди тинмасдан сира.  
 Қолдирмай кўксиди тириклик сасин,  
 Дарё ётар эди тош тобут ичра.

## ОТ ҲАҚИДА ҚИССА

Жонворлар ухлмас. Тун ичра бедор  
 Турарлар тик қомат, мисли тошдевор.

Силлиқ шохлари-ла пичанни илиб,  
 Бошқалардан ўзин айрича билиб,  
 Сигир огилхона ичра тўкиб қўр,  
 Бўйнини ёнига буради базўр.

Отнинг сахт-сумбати кўркамдир бирам.  
 Кўзларида унинг ақл мужассам.  
 Ҳушёр у! Илғайди барглар шивирин,  
 Англлар гўё туннинг жамики сирын.

ҳаёт йўли қанчалик машаққатли эканини яхши биласиз. Мен ижод учун турмушимдаги фароғатдан юз бурдим, “жамиятдаги мавқеим”дан воз кечдим, туғилган оиламдан узилдим. Энди умримни ижодсиз тасаввур қила олмайман...”

1929 йилда шоирнинг биринчи китоби – “Туркумлар” дунё юзини кўради. Ва у шоирга юксак обрў келтиради. Тўплам ҳақида В.Каверин, С.Маршак, Н.Тихоновлар яхши фикр билдирадилар ва ёш муаллифни қўллаб-қувватлайдилар.

Шоир қатор шеърӣ тўпламлар чоп этиш билан бирга айна пайтда таржима соҳасида ҳам катта ишларга қўл уради. Унинг грузин мумтоз шеърӣятидан қилган таржималари, айниқса Ш.Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асарининг ажойиб таржимаси таҳсинга муносибдир.

Н.Заболоцкий 1938 йили ўзининг адабий-танқидий мақолалари учун қамоққа ҳукм қилинади. У мақолалар баҳонасида “бутун ижодига хос бўлган” эътиқодсизликда айбланади.

1946 йили шоир яна Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тикланади. У яна ижод билан машғул бўлади.

Шоир ҳаётининг сўнгги уч йили ниҳоятда баракали кечди. У бу даврда ўзининг бир қатор фалсафӣ руҳдаги шеърларини яратади. Ва ҳаётининг охириги кунларида умр сарҳисоби бўлган сўнгги шеърӣ тўпламини нашрга тайёрлайди.

Шоир 1958 йили 55 ёшида ҳаётдан кўз юмади.

ТАРЖИМОН

Бироқ у кимга ҳам сўйлагай, ахир,  
 Кун бўйи кўргани-билганларини?  
 Тун эса терандир – самовий, соҳир  
 Юлдузлар заминга тўкар зарини.  
 От эса турибди – соқчидек хушқад,  
 Ўйноқи шаббода завқи билмас чек;  
 Иккита қароғи нурланар фақат,  
 Ёллари нақ тилла шокилалардек.

Агар кўргандайди инсон ушбу он  
 Отнинг истарали мунис юзини,  
 Юлиб берар эди унга бегумон –  
 Тилини ва бешак бундан ўзини  
 Туйган бўлар эди бахтиёр чандон.  
 Ахир, от бўлмайин ортиқ жигархун,  
 Сўйлаб юборарди дардини ёна –  
 Ва нақшин олмадай дона ва дона  
 Сўзлар тўкиларди ё улар алҳол  
 Сутдек тошарди ё томар мисли бол.  
 Сўзларки, тунд ҳужра ичини ногоҳ  
 Ёритган чироқдай киргай юракка.  
 Сўзларки, қўшиққа мазмун бўлароқ  
 Юксалтар ҳориган руҳинг юксакка.

Бироқ хувиллайди отхона саҳар,  
 Дов-дарахт жилади яқин-йироққа.  
 Тоғларни тонг барвақт йўргаклаб олар,  
 Уйғонар одамлар меҳнат қилмоққа.  
 От ҳам аравани чиқади судраб,  
 Ҳали у терларга ботгайдир жиққа.  
 Ҳозирча нигоҳин ташлайди мудраб  
 Сирларга тўла бу кўҳна борлиққа.

### ТОНГГИ ҚЎШИҚ

Ажойиб кун келди. Дарахтлар хушқад,  
 Япроқлар тин олди. Шоҳу шаббанинг  
 Томири кучланди. Ва замин узра  
 Очди деразалар қанотларин ланг.  
 Ва кимки минора устида бўлса,  
 Қаради осмонга, осмон – зангори.

Дераза ёнида турардик биз ҳам,  
 Суюклим баҳорий қўйлагин кийган.  
 Унинг қўлидаги жажжи ўғилчам  
 Ажиб қувончидан қийқирар тинмай,  
 Бокира нигоҳин қадаган у ҳам  
 Қуёш чарақлаган мовий осмонга.

Пастда дов-дарахтлар, жонворлар, қушлар –  
 Йирик, кучли, юнгдор, чаққон ҳамда шўх,  
 Давра қуриб, олиб бамисли созни –  
 Найни, ғижжакнию гўс ноғорани,  
 Бошлаб юбораркан тонгнинг қўшиғин,  
 Бизни қаршиларлар. Сўнг куйлар борлиқ.

Борлиқ жўр бўлган чоғ ушбу кўшиққа,  
Эчки ҳовлини гир айланиб қолар.  
Ва мен англадим бу ажиб тонг пайти —  
Одамзоднинг бахти ўлмас, боқийдир.

### ЭРТА КЎКЛАМ

Бўрон тиниб, офтоб юзини  
Тунд осмонда кўрсатди илк бор.  
Қиш ортиқча сизди ўзини,  
Кўчаларда хира тортди қор.

Қора булут лахтаklarидан  
Сизди тунда ойдан олтин нур.  
Енгил тортди қарағайлар ҳам  
Муз лошидан қутулиб бир қур.

Сумалакнинг тугаб куч-қурби,  
Тонг жилғани чулғади зарга.  
Ялтирайди қўлмаклар худди  
Ўхшаб қумуш тақсимчаларга.

Ҳали мудрар оппоқ далалар,  
Йўғрилмишлар қишнинг хобига.  
Улар ишлар ушбу паллалар,  
Келсин деб ер айна тобига.

Ҳали-замон борлиқни қутлаб,  
Оқ булутлар ёяр елканин.  
Ва осмонни тўлдириб қушлар,  
Билдирарлар баҳор келганин.

### САЪВАЖОН, ЖОЙ БЕРГИН МЕНГА ЁНИНГДАН

Саъважон, жой бергин менга ёнингдан,  
Бир бора ошуфта ҳолимга боққин.  
Қалбимни сен учун садқа этгайман,  
Чечакдек чақнаган кўзларинг ҳаққи.

Баҳор ўз кўшигин куйлайди баравж,  
Тераклар сувдадир тиззаси қадар.  
Барги капалакдек урсин дея мавж,  
Новдаларда куртак бўртар тонг-саҳар.

Ҳатто далалар ҳам чуввосдан гаранг,  
Ирмоқлар чулдираб тинмайди сира.  
Иложинг бормикин — чордоқда бўлсанг,  
Ўзни отмасликка қайинзор узра!

Ишқий наволаринг бошла, саъважон!  
Нурлар ўйнаганда кўкнинг тоқида,  
Биз-чун илк навобахш ўзингсан, ишон,  
Қайинзорнинг кўшиқ илмгоҳида.

Бошла нағмаларинг, эй жимит ошиқ!  
Кетсин юраклардан алам, ҳасрат, доғ.  
Куйларинг кўкларга чиққайдир тошиб,  
Сен ўрмон кўксида сайраганинг чоғ.

Мен ҳам куйламоққа ташнаман роса,  
Бироқ шивирлади митти капалак:  
“Кимки баҳорда гар ҳаддидан ошса,  
Ёзда куйлай олмай бўлгуси ҳалак”.

О, баҳор яхшисан, бирам яхшисан!  
Настарин ифори борлиқда бутун.  
Қалбим, баландлатгин ошённинг сен ҳам,  
Сен ҳам чаманларни куйлагин мафтун.

Сурх новда устида руҳинг яйратиб,  
Жаҳонга ёя қол завқу суруринг.  
Қалбингни энг сайроқи кушдек сайратиб,  
Юлдузлар нурига боғла шууринг.

Тонгларга юзинг бур — ташвишдан холи,  
Қара — бойчечак қор қучоқларида.  
Куйлаб эси оған саъва мисоли  
Адаш сен ҳам баҳор пучмоқларида.

\* \* \*

Кимдир у — ўрмонда берган акс садо?  
Эман қарағай-ла сирлашдимиз ё,  
Ё елда тебранди қизил наъматак,  
Ё саъва куйлади — тин олиб андак,  
Ва ёки тоғчумчуқ — жонсарак бирам,  
Шом пайти ахтарди мени чекиб ғам?

Кимдир у — ўрмонда берган акс садо?  
Эҳтимол сендирсан, эй нозик адо —  
Яна баҳор келгач ёшлиқни эслаб —  
Мени филогингда куйдирганинг заб,  
Оҳлар ургандирсан гўшангда танҳо,  
Нофармон йилларни дилга қилиб жо?

Кимдир у — ўрмонда берган акс садо?  
Тонгда ҳам, шомда ҳам, ёз, қишда ҳатто  
Менга эшитилар ажиб, сирли сас.  
Илк севги саси бу — энди ҳеч қайтмас...  
Мен ўша ишқ боис шеър битгум ҳамон  
Ва улар кафтимдан учар сен томон...

## МУНИС ЁР

Ўлтирар у жиддий ва сокин,  
Излагандек ҳаёт тотини.  
Ичиб олгин, дея дорисин  
Узатади унга хотини.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ва меҳрли нигоҳин ташлар,  
 Нигоҳларки — ёнган шам музда:  
 Осилмишдир жингала сочлар  
 Ажин тушган пешона узра!

Тинмай ёзар, ёзар у ҳамон,  
 Қоғозлардан қўтармайди бош...  
 Гарчи хотин ўзи ярим жон,  
 Тилар унга тўзим ва бардош.

“Тиқ” этган сас унга нақ оғу,  
 Жим дашноми ўтар баридан.  
 Ер ўйилса, тушиб кетса у  
 Унинг ўткир нигоҳларидан.

Кимсан ўзи — даҳомисан ё,  
 Ҳатто Гёте, ҳаттоки Данте  
 Садоқати, меҳри дилга жо —  
 Бундай мунис ёр кўрмаганди.

Қоралайсан неларни нуқул?  
 Нималар хун қилмоқда сени?  
 Зулматларга чўмганча буткул,  
 Сен куюниб ахтаргунг нени?

Эзгуликнинг тушиб измига,  
 Изладинг гар ҳаётдан тотни,  
 Айт, сезмайсан томудом нега  
 Ёнингдаги энг мунис зотни?

## ШАФҚАТ ҚИЛМА ҚАЛБИНГГА АСЛО

Шафқат қилма қалбингга асло —  
 Лоқайдликдан юқтирмасин гард!  
 Умринг давом этар экан то —  
 У туну кун ёнмоқлиги шарт.

Холи қўйма уйингда уни,  
 Жонига тег сафарда минг бор.  
 Бевовта қил, терга ҳар уни,  
 Сен қалбингга раҳм этма зинҳор.

Турган бўлсин тўшакдан мутлақ  
 Тонг юлдузи ёнган дам сахар.  
 Ор қилмасдан ётиб олар нақ  
 Жиндаккина бўш келсанг агар!

Пўписангу танбеҳларинг кам,  
 Унга ҳатто зуғумлар қилгин.  
 Йўқса сўнгги қўйлагингни ҳам  
 Ечиб олар устингдан, билгин.



Айла уни заҳматга маҳқум,  
То бўлмасин арзанда, эрка.  
Ўргансин у сен билан ҳар зум  
Яшамоқни елкама-елка.

У қулингдир, маликангдир у,  
У чўрингдир, у қизинг — маъсум.  
Таратмоғи шартдир у ёғду,  
Ёнмоғи шарт унинг туну кун!

\* \* \*

Туғилганман қорли ўлкада,  
Шундан менга қадрли кўпроқ —  
Пахмоқ бошли қоқиўтлар ва  
Барги шамшир янглиғ отқулоқ.

Жўн гиёҳлар мен-чун кўп дилдор,  
Титрар юрак ҳайрат комида,  
Кўринсалар ер узра илк бор  
Майин, илиқ баҳор тонгида.

Шўх ирмоқлар чопқиллаб жўшқин,  
Мойчечаклар қулф урган қирда —  
Ётгим келар хаёл суриб жим,  
Ўқиганча самодан сирлар.

Ҳаёт эса дарёдай уйғоқ,  
Оқаверар тинмайин сира.  
Юлдузлар ҳам сочгайдир яшноқ  
Барглар аро нурларин хира.

Теваракда баҳор кезар шан,  
Кенгликлардан ел эсар сарин.  
Мен ётгумдир сурганча теран —  
Юксак эманзорлар ўйларин.

## БАҲОР ДОСТОНИ

Олиб келдинг сен ўз созингни,  
Бизларни ҳам ўргатдинг найга.  
Бошладинг сўнг айтиб розингни,  
Яшил қирлар бағри — кунгайга.  
Ғампарастга айлаб сен дашном,  
Гуллар тутдинг унга анвойи.  
Букри чолга бердинг-да салом,  
Юрагига солдинг хиргойи.  
Ифорларинг чулғаб дилини,  
Курумсоқ ҳам хуснингга боқди  
Ва ютоқиб, йиққан пулини  
Новдаларга барг қилиб тақди.  
Бадбинларнинг завқи билмай чек,

Ноинсофлар инсофга бориб —  
 Худди янги полопонлардек  
 Қобиқларин чиқдилар ёриб.  
 Курсисини севса ҳам чандон,  
 Мансабдорлар кўзида ҳавас —  
 Шайдо бўлиб жилвангга бир он,  
 Бахтдан ўзин туйдилар сармаст.  
 Ай, алдамчи, ай, тантиқ баҳор!  
 Таниш менга макринг, димоғинг.  
 Деразадан кўрдим илк наҳор  
 Истиғнонгни, нозу фироғинг!  
 Ўтлоқларда ҳилпирайди ел,  
 Капалакнинг кўзлари мунчоқ.  
 Китобларга мук тушиб апрел,  
 Чучмомадан тақмиш тақинчоқ.  
 У билади, мавзулар бисёр,  
 Барин ёзмоқ менга армондир.  
 Баҳор эса — нозанин баҳор  
 Менга ёрдир, менга дostonдир.

### ТУНГИ САЙР

Шом кўйнига кирди улкан бинолар,  
 Юлдузларни ўпди чинор барглари.  
 Боғда байрам руҳи жарангос солар,  
 Сайрга чиқмишдир одамлар бари.

Тўлдириб осмонни завқ нашъасига  
 Кумуш нур ёғдирар мушакбоз моҳир.  
 Бироқ туннинг бундоқ асъасасига  
 Ортиқ мафтун бўлма, ишонма, шоир.

Сўнгай мушакбознинг ёрқин мушаги,  
 Яна тун қоплайди борлиқни қаро.  
 Ўчмай ёнгай фақат шоир юраги  
 Унинг таъмасиз, соф шеърлари аро.

\* \* \*

Айтиб бергин сен менга — қайдан  
 Туғилгай бу хаёллар галат?  
 Зеҳним бундоқ мўъжизалардан  
 Халос қил — у тин олсин фақат.

Қўрқаманки, шундай он келур —  
 Ўзига йўл тополмайин мос,  
 Азобларда туғилган фикр  
 Юрагимни ёражак паққос.

Хаёлотга ортиқ бериб эрк,  
 Ундан ажиб тимсоллар излаб,  
 Худди беғам болакайлардек  
 Жар лабида ўйнаймиз бизлар.

Ўз навбати етган замона,  
Қанотларин куйдириб бутун,  
Шам ёнида ўлар парвона,  
Унинг нури сўнмасин учун!

### ДЎСТЛАР БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Сизлар хотирамда мисли офтобсиз —  
Кўлтиқда шеърдафтар, юзлар гулгун, ол...  
Энди эса, эвоҳ, хокитуробсиз,  
Настариннинг хазон барглари мисол.

Энди сиз ўзга бир мамлакатдасиз —  
Орзудан йўқ нишон, бари чилпарчин.  
Осмон ҳам йўқ унда, қабр бор ёлғиз,  
Ой ҳам шуъла тўкмас тунлари заррин.

Унда уқиб бўлмас, ўзга бир тилда  
Турфа ҳашаротлар айтурлар калом.  
Унда чироқчасин тутганча қўлда,  
Кўнгиз ўз қавмига беради салом.

Хушвақтмисиз, менинг дўстларим, унда  
Ёки сизлар учун ҳаммаси унут?  
Энди улфатингиз қурту қумурсқа,  
Илдизлар, чаёнлар, зимистон беқут.

Энди ҳамширангиз забун япроқлар,  
Гул барги — юзида заъфарон ангиз.  
Сизни ҳамон йўқлар, ҳамон сўроқлар  
Юқорида қолган дўстингиз ёлғиз.

Унга ҳали балки жой йўқ у ёқда —  
Сиз сингган диёрда, шарпалар мисол...  
Мен сизни эслайман ҳамон титроқда,  
Шоир жўраларим, гул юзлари ол!..



Жауме ФУСТЕР

# Талваса

*Роман**БИРИНЧИ ҚИСМ***ТУГУН:****ИККИ МУРДА ВА БИР САЁҲАТ**

1

**Қ**абулхона шип-шийдон: барча мебеллар у ердан чиқариб ташланган эди. Деворларда илгари диаграмма ва тақвимлар осилган жойларда оппоқ доғлар кўзга ташланади. Полда ёғ юқи газета парчалари сочилиб ётибди — бошқа жойга кўчиб ўтгандан кейин бўм-бўш хоналарда ҳар доим шунақа нарсалар қолади. Олтмиш шамли яланғоч лампочка сарғайиб қирланган деворларга, униққан яшил полга ва Рудергеснинг жонсиз танасига хира нур сочарди.

Пастдан, Фунтанель кўчасидан келаётган машиналар шовқини жимжит хоналарда ғалати акс садо берарди. Бир вақтлар мен Рудергес билан танишган кабинетдан қабулхонани ажратувчи эшик қоронғулик томон ланг очилган ва сариқ деворда қора доғга ўхшаб кўринарди. Ерда чалқанча ётган жасадни айланиб ўтиб (ўқ келиб теккан бошидан ҳамон қон сизарди), мен оҳиста кабинет эшигига яқинлашдим. Қабулхонадаги паст лампочка ёруғида бу хона ҳам мутлақо ҳувиллаб ётганига амин бўлдим.

Иш тескарисига олиб кетмоқда эди.

Мен деворга суяндим ва сигарета тутатдим. Дарбон аёл пастда мени кўрди, бироқ қаерга кетяпсиз, деб сўрамади. Бирор зарурат туғилганда у, албатта, мени эслатиши турган гап.

Уни ўлдириш нима учун зарур бўлди экан. Ўликлар ҳар доим тирикларнинг оёғидан чалиб келган. Ҳозир эса — бундан бешбаттари бўлганди. Чунки бу ўликнинг энсасидан отишганди.

*Русчадан  
Назира ЖУРАЕВА  
таржимаси*

Жауме ФУСТЕР (1945 йилда Барселонада туғилган). Испаниянинг истеъдодли адиби. Унинг “Талваса” романи жуда тез оммалашиб кетди. Адибнинг бундан ташқари “Олов олдида”, “Уч пўртаҳол ороли” каби қатор романлари машҳурдир. “Талваса” асарида қаламга олинган давр — ўтган асрнинг 60-70 йиллари Испанияда энг кескин, оғир давр бўлган эди, мамлакатда ё демократия, ё диктатура — шу икки ғоя учун ҳаёт-мамат кураши давом этарди. Романда шу давр одамлари юрагида кечаётган ҳам таҳдидли, ҳам умидбахш туйғулар ифода этилган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

12

Мен қабулхонага қайтиб келдим. Рудергес, ўз-ўзидан равшанки, жойидан қимир этгани йўқ. У ҳамон чалқанча ётар, юзида эса шу пайтгача менга нотаниш бўлган ғамгин ифода бор эди. Худди ифлосланишдан кўрққандай, жасадга қўл теккизишга журъат этмадим. Аммо ўзимни шунга мажбур қилишимга тўғри келди. Курткада ҳеч вақо йўқ эди. Мен жасадни ағдардим ва шимининг чўнтақларини кавлаштира бошладим. Кир дастрўмол, калитлар шодаси, бир қанча танга ва униққан қора чарм катмон чиқди. Хира пластикдан менга Жулиянинг суврати жилмайиб қараб турарди. Минг песетлик қоғоз пул, иккитаси — юзталиқ ва ҳужжатлар, унинг ҳужжатлари: қирқ саккиз ёшлардаги Андреу Рудергес. Чўчқа боласиникидай бир жуфт кўз сувратдан хиёл кўрққаннамо боқарди.

Биз одатдан ташқари ҳолатда танишдик, аммо танишув мен учун кўнгилдагидек бўлганди. Бир гал Жулия:

— Андреуга чет эл паспорти ва ҳайдовчилик ҳуқуқи бўлган эпчил йигит керак. Дурустгина тўлаймиз, деб айтаяпти, — деганди.

Мен Рудергес ва Жулиянинг муносабатлари ҳақида билардим, гарчи бизлар илгари тез-тез баҳслашиб турган бўлсам-да, бу сафар унга насиҳат қилиб ўтирмадим. Нима бўлганда ҳам Жулия кичкина бола эмас, нима қилаётганини ўзи яхши тушунади. Шундан кейин у менга ўз уйдан жой берди.

— Бир уриниб кўрмайсанми? Менга қара, Энрик, ахир бу қачонгача давом этади. Бу ерда бутунлай қолиб кетмайсан-ку. Нимадир қилиш, тирикчилик учун пул топиш керак... Сен барибир университетга қайтиб боролмайсан. Йўқ демасанг, мен у билан гаплашиб кўраман.

Жулия шундай қилди ҳам. Эртаси куни Рудергес мени соат етига Фунтанель кўчасидаги идорасига чақирди. Илиқ ва ёқимсиз ёмғир шиваларди. Кун ҳаддан ташқари иссиқ эди, бунақаси фақат Барселонада бўлади: гўё у тош йўлнинг ҳўл ва иссиқ плиталаридан жилдираб оқиб, аъзойи баданга сингиб кетаётгандай туюларди.

Рудергес тўладан келган, ўрта бўйли, бир оз тепакал, қўллари намчил, чўчқа боласиникидай киртайган кўзлари йўғон гардишли кўзойнаги ортидан боқиб турувчи одам экан. Шўрлик бурнининг тагидан нарини кўрмасди ва мени яхшироқ кўриб олиш учун худди ўпмоқчи бўлгандек жуда яқин келди.

— Энрик Видал деганлари сиз бўласизми?

— Ҳа.

— Сизни Жулия юбордими?

— Худди шундай.

— Гап нимадалигини биларсиз?

— Йўқ, мен айнан шу нарсани аниқлаш учун келдим.

Рудергес ҳаммасини сўзлаб берди ва гарчи мен барча икир-чикирларигача англаб етмаган бўлсам-да, умуман олганда, иш кўнглимга ёқди. Пул менга сув ва ҳаводек зарур эди. Ректор билан айтишиб қолганимдан кейин мен Африкага жўнаб кетгандим, у ёқдан эса чўнтагим қуруқ қайтиб келгандим. Хушрўй ва ёш йигит одатда чиройли ҳаётга ўч бўлади, Барселонада эса муллажирингсиз кун кўришинг амри маҳол. Ахир қачонгача онангнинг гарданига осилиб, бировларнинг увоғига зор бўлиб яшайсан. Айнан шунинг учун мен Рудергеснинг фикрига маҳкам ёпишиб олдим.

— Жулиянинг гапига қараганда, сизнинг ҳайдовчилик ҳуқуқингиз бор экан. Шу тўғрими?

- Ҳа.
- Чет эл паспортингиз ҳам борми?
- Яқинда олдим.
- Французча гаплаша оласизми?
- Ҳа.
- Италиянча-чи?
- Зўр-базўр.
- Немис тилида-чи?
- Йўқ. Мутлақо.

Қолган саволлар мени ўйлантириб қўйди. Рудергес кўп нарсаларни ёзиб олди. Ҳар гал, “Сиз Винтертурда бўлганмисиз?” қабилидаги саволга тасдиқ жавобини олганида, у кўзларини қоғоздан олардида, жилмайиб кўярди. Охири Жулиянинг ошнаси мендан суратимни сўради ва қандай қарорга келганини хабар қилиш учун эртага кўнғироқ қилажагини айтди. Негалигини билмадим-у, аммо мен иш кўнгилдагидек бўлмаганини дарҳол англадим ва кабинетдан шундай маънос кайфиятда чиқдимки, ҳатто калта юбкадаги кўғирчоқдай котиба қизнинг оёқчаларига ҳам эътибор қилмадим.

Ёмғир ҳамон шиваларди. Шаҳар чилп-чилп лой. Қаттиқ асабийлашмоқда эдим. Идора рўпарасидаги қаҳвахонага кирдим ва сутли қаҳва билан ширинлик буюрдим. Уйдан чиқиб кетиш олдидан Жулия менга харажат учун юз песет берганди. Мана, сигарета тутатиб ўтирибман, тутун томоғимни ёқимли ачитиб ўтади... Шу аснода қаҳвахонага кўринишидан жиддийроқ бўлган бир одам билан Рудергес кириб келди. Ёнидаги одамнинг қўлида қимматбаҳо чармдан қилинган қора портфель бор эди, эғнида буюртма билан тикдирилган тўқ жигарранг костюм, пўрим шойи кўйлақ бўлиб, уни кам деганда минг песетга сотиб олган бўлиши тайин. Улар нима ҳақдадир қизгин гаплашиб келар, ҳар иккисининг чеҳраси мамнун ҳолда. Рудергес қандайдир қоғозларни чиқарди ва уларни суҳбатдошига кўрсата бошлади. Шериги эса бошлиқларга хос қиёфада калласини чайқарди. Мени кўрмасликлари учун ўзимни панага олишимга тўғри келди, йўқса, улар худо кўрсатмасин, мени ортларидан тушган айғоқчига чиқаришлари ҳеч гап эмасди. Уларнинг суҳбатлари қулоғимга элас-элас чалинардди: қаҳвахона ёмғир тинишини кутиб турган, ёзги кийимдаги ёш йигит-қизларга лиқ тўла эди. Айрим сўзларни барибир илғаб олса бўларди: “Ишончли бўлиши керак... божхонада қийин бўлади... сиз кўнғироқ қиларсиз...”

Шунда даст ўрнимдан туриб, ҳожатхонага қочиб қолишимга тўғри келди, акс ҳолда Рудергес албатта мени кўрган бўларди: у тўғри мен ўтирган стол томон юриб келмоқда эди. Кўриб қолса, тамом — иш билан хайр-маъзур-да!

Беркинган жойим, яъни ҳожатхонадан Рудергеснинг телефон рақамлари тераётганини эшитдим.

- ...
- Рудергес гапирапти.
- ...
- Ташвишланманг. Мен бежавотир жойдан кўнғироқ қилаяпман, бу ер мутлақо хавотирсиз.
- ...
- Ҳа, у ҳам шу ерда, ниҳоят, ишга киришишим керак деяпти, ҳаммаси тайёр.
- ...

– Худди шунақасини топдик ҳам. Одатдаги фирибгарлардан, пул деса ўзини томдан ташлайди. Кўринишидан бемаъни, фирибгарроқ, аммо ҳаддан ташқари деб бўлмайди; хуллас, ишга ярайди. Кейин, мен унинг опаси билан яқиндан танишман, опаси уни ишбилармон йигит деяпти.

– Демак, эртага. Яхши, эртагача хайр.

Дастак ширқ этди, аммо мен эшитганларим устида мулоҳаза юритиб, яна бир неча дақиқа кутиб турдим. “Фирибгар” сўзи иззат-нафсимга қаттиқ тегди. Чунки пул деса ўзини томдан ташлайдиган фирибгар деб мени айтмоқда эди. Гарчи мўмайгина пул ишлашим аниқ бўлса-да, бу гап менга ёқмади.

Ҳаммаси шундай эканини мен энди тушуниб турардим. Мен чиндан фирибгарман. Улар мени бошлаб туширишди. Мен ўзимни тутиб туrolмадим ва Рудергеснинг жасадини бир тепдим. Сўнг сигарета қолдиқларини териб олдим, кулни авайлаб тўпладим, дастрўмол билан эшик тутқичи ва чироқ ўчирғичларни артдим. Нима учунлигини билмадим-у, аммо қандайдир ботиний овоз менга шундай қилиш керак деяётгандай бўлаверди. Сўнг эшикни ёпиб, чиқиб кетдим.

Пастда дарбон аёл кўринмади. Каталония майдонига, машина тўхташ жойи томон йўл олмоқчи бўлдим, бироқ кейин фикримдан қайтдим. Пелай кўчаси томон бурилиб такси тўхтатмоқчи бўлдим. Машинага минмаганим яхши: ортиқча далил. Энди ҳар бир қадамимни ўйлаб босишимга тўғри келади, деган хаёлга бордим.

Бебелнинг хонада йўқлиги нур устига аъло нур. Мен телефон гўшагини кўтариб:

– Уланг, илтимос, – дедим.

Алоқачи қизнинг эшитмаётганига ишонч ҳосил қилиб, Жулиянинг рақамларини тердим. У жавоб бермади. Опамга қайта-қайта кўнғироқ қилдим, бироқ ҳаммаси беҳуда кетди. Асабларим таранг тортилганди, Бебель қайтганида сигаретларим тугай деб қолганди. Юзимга қараб, у дарҳол ҳаммасини тушунди.

– Des problemes<sup>1</sup>

– Oui<sup>2</sup>.

Душда чўмилиш учун Бебель ечинди. Биз камтарона, аммо Гран-Виадан унча узоқ бўлмаган ўртамиёна бир меҳмонхонага жойлашган эдик. Шеригим Бебелнинг сариқ чақаси йўқ эди, мен эсам кўнглим хоҳлаганча пул сарф қила олардим, ахир мен энди бой эдим-да. Аслида жуда катта бой эмасдим, барибир юз минг песет – катта пул, ахир. Мен жомадондаги бир кўйлагим чўнтагида ётган чекни олдим. Менинг номимга ёзилган юз минг песет; кўйида эртанги сана ва Рудергеснинг имзоси бор эди.

Бебель ваннадан туриб мени чақирди.

– Нима керак сенга? – сўрадим мен, чекни яширар эканман.

– Сочикни узатиб юбор.

Мен сочикни олиб бориб бердим. Пировардида, улар тезда ҳеч нарсани билма олмади. Рудергеснинг ўлгани ҳали ҳеч кимга маълум эмасди. Бечоранинг калла суягини унинг идорасида очишган, ким ва нима учун шундай қилган – номаълум, борди-ю, кимдир одамларни оёққа турғизмаган бўлса, унинг энди ёруғ оламда йўқлигини бирон кимса билмасди. Агар жасадни эртагача топишмаса,

<sup>1</sup> – Бир нима бўлдими?

<sup>2</sup> – Ҳа (франц.).

мен чек билан пулни ола оламан. Чунки у менинг номимда, имзо ҳам турибди. Йигирма беш минг дуру<sup>1</sup> – бу фақат мен учун катта пул эди, банк учун эса – урвоқ ҳам эмас. Бундай чеклар билан улар юз марта тўлашгандир. Бу пул билан уларни ҳайратга солиб бўлмайди.

Эртасига Рудергеснинг олдига бориб келганимдан кейин ҳам тўшақда ётар эканман (бир кун олдин ёмғирда ивиб, шамоллаб қолган эдим), опам хонага кирди-да, мени уйғота бошлади:

– Турсанг-чи, дангаса, ётаверасанми!

– Сенга нима! Ухлаб олай, ўзимни ёмон ҳис қилаяпман.

– Андреу телефон қилди, сен билан гаплашмоқчи экан. Сен унга маъқул бўлибсан.

Мени кўриб, котиба қиз оҳиста жилмайиб қўйди, бу – “Хуш келибсиз, корхонамизнинг бўлажак азиз ходими”, деган маънони аёнларди. Кеча кўрганим ўша калта юбка икки сантиметрча юқорига кўтарилганди. Энди мен ҳаммасини бамайлихотир кўздан кечирардим. Қизнинг юзи силлиқ, пардоз-андозсиз ҳам тиниқ кўринарди. Унинг ёноқлари хиёл қизарди, бу менинг унга қаттиқ тикилиб қараганимдан бўлса керак. Назаримда, овози хиёл титраб чиққандек бўлди:

– Бир дақиқа, сеньор Видал, сеньор Рудергес ҳозир сизни қабул қиладилар.

Мен ўриндиқлардан бирига чўкдим-да, хонани диққат билан кўздан кечириб бошладим.

Хона пардозсиз эди, деворлари сарғиш рангга бўялган, шифтдан кир босган чироқлар осилиб турарди. Хона чорси эди, иккита ўриндиқ, пештахта; ўртада эса устига гулдон қўйилган унча катта бўлмаган столча, гулдондаги гул сунъий эди. Котиба қиздан ташқари пештахтанинг нариги томонидаги бўёқлари кўчиб кетган столларда икки қиз эгилиб ўтирганча эски “ундервуд”ларда “чиқ-чиқ” қилиб матн босишарди; иккиси ҳам менга ўғринча қараб қўйиб, эшитилар-эшитилмас даражада ўзаро чуғурлаша бошлашди. Деворларга, каталоглар солинган сийқаси чиққан қутилар қатори узра диаграмма ва иккита тақвим осиб қўйилганди: бири – қандайдир саёҳатлар бюросиники бўлса, иккинчиси – идора ашёлари етказиб берувчи фирманики эди. Чапдаги бир эшик ҳожатхонага олиб чиқарди, ҳозирча ёпиқ турган иккинчи хона Рудергесники эди.

Рудергес ўзининг намчил кафтлари билан қўлимни сиқди ва узук-юлуқ қилиб: “Азизим Видал, сизни кўрганимдан хурсандман”, тарзида бир нима деди. Унинг чоққина кабинети қабулхонадан кўра шинамроқ эди. Бу ерда паррак тинмай айланарди, хонанинг оғир, дим ҳавосини бир оз янгилаб турарди. Столларга очиқ рангли мато қопланган ва шундан хона кенгроқ бўлиб кўринарди. Рудергес каттакон оромкурсида ўтирар, ўзини йирик шахс, деб ҳис этарди. У жой кўрсатди, мен ўриндиққа чўкдим.

– Хўш? – сўрадим мен дабдурустан.

– Мен ўйлаб кўрдим, сиз бизга маъқул келасиз деган тўхтама келдим, Видал.

– Ростданми?

– Башартики, сиз аввалгидек бизда ишлашга қарши бўлмасангиз.

– Нима деяпсиз, албатта, қарши эмасман. Аммо мен аввал тўлов ҳақида гаплашиб олсак, дегандим.

– Ҳа, ҳа, албатта.

<sup>1</sup> Беш песетга тўғри келадиган пул бирлиги.



У кўзига бошқа кўзойнагини тақиб, столдаги қандайдир қоғозларни титиб, топди-да, уларни диққат билан кўздан кечириб, менга жилмайиб қараб қўйди, кейин яна қоғозларга қаради, тантанавор йўталиб қўйди-да, ниҳоят деди:

– Машинани, албатта, сизга берамиз. Бензин, меҳмонхона, озиқ-овқат ва бошқалар — бизнинг ҳисобдан. Булардан ташқари эса, қайтганингиздан кейин ўн минг песет нақд пул.

Бу менга малол келганини кўриб, у ажабланди.

– Ҳўш, бу сизга ёқмадими?

– Йўқ.

Сўнги қарорни айтиш гали келганди. Бу юмшоқ супурги Жулия билан яқинлигидан фойдаланиб, мени чув туширмоқчи эди. Аллақандай ўн минг песет учун деб машинани тўрт мамлакатдан олиб ўтиш ҳазилакам ишми?

– Агар шундай бўлса... Борди-ю, сизга тўғри келмаса...

– Шошманг. Мен сизга маъкул эмас деб айтганим йўқ-ку. Иш кўнглимдагидай. Мукофоти эса — жуда кам. Сиз мени она сути оғзидан кетмаган бола деб ўйлаясизми?

Хуллас, энди ҳаммаси жой-жойига тушгандек эди. Рудергес менга кўнгли лат еган одамдай қараб турарди. Йўқ, Рудергес йирик лўттибоз эмасди. Шунчаки майда-чуйда ифлос ишлардан пул топар эди. Мана бу барча “ўйлаб кўрдим”, “тўхтама келдим”ларга қарамай, у бор-йўғи кучли қўлларда қўғирчоқ эканлиги кундай равшан эди. Мен бундан йирикроқ шахсга рўпара бўлишни хоҳлардим. Бунақа пасткаш билан вақтинг бекор кетгани қолади, холос.

– Менга қаранг, Рудергес, бу ўзи ифлос иш. Модомики, қўлни булғашга тўғри келар экан, уни тозалаш ҳам керак бўлади. Яхшигина тозалаш керак бўлади. Ҳўжайинларингизга айтинг, мен улар билан гаплашиб кўрмоқчиман. Биламан, сизга пул деса ўзини томдан ташлайдиган доғули керак. Ўша доғули мен бўламан, аммо пули ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Сиз мени тушунгандирсиз, тўғрими?

Тун бўйи юриб чиқдим. Бебель шаҳарни кўриб, Рамбласда сайр этиб, хитой маҳалласини кезгач, у ерда бир қадаҳ вино ичиб, ўша жойда тамадди қилмоқчи эди. Сайёҳлар учун чолғу асбобларини чалиб, қўшиқ айтадиган испан аёллари бўлган таблога киришни, аравага тушиб сайр этишни ихтиёр этганди, — хуллас, ҳеч нарса бўлмагандек, гўё Рудергес тирикдек, биз роса дилхушлик қилдик, йигирма минг дурулик чек аллақачон тўланган-у, барчаси эсан ҳам чиқиб кетгандек эди гўё. Аслида мен Рудергеснинг ўлими ҳақида Бебельга ёрилишга журъат этмаётгандим. Борди-ю, қиз ўзини шундай тутадиган бўлса, бунинг сабаби битта эди: у мени қандайдир майда-чуйда, унинг фикрича, кўнгилсизликлардан чалғитиш эди, холос.

Майда-чуйда кўнгилсизлардан ҳам ўргулиб кетдим!

Бебель қорни билан ётарди, малла сочлари куёшдан қорайган елкаси узра ёйилган. Мен эсам қоронғиликда сигарета чекиб, хаёлга толдим. Чекар ва ўйлар эдим. Жулияга нима бўлди экан? Жулия ҳар доим мустақил бўлиб келган. Ўн саккиз ёшида у уйдан чиқиб кетганди ва кейин билишимизча Лондонда ва Парижда бўлибди, аввал Лондон дўконларида, кейин эса қандайдир авиакомпанияда ишлабди, ишини Парижга кўчирибди. Биз яна кўришганимизда — бу отамнинг дафн маросимида бўлганди — Жулия Рудергес билан дон олиша бошлаганди ва ишини ташлаб юборганди. Опамдан билишимча, Рудергес оилалик экан, шунинг учун у Жулия билан алоқаларини қонунлаштира олмас

экан. Сирасини айтганда, бу хилдаги одамнинг гуноҳи мени ташвишга солмасди. Мен Африкадан иккала кўлимни бурнимга тиқиб қайтиб келиб, опамникига келиб қўнган эдим. Нима бўлганда ҳам, пул қоринни оғритмайди, уни қандай топишнинг нима фарқи бор.

Кун иссиқ эди — оғир август жазирамаси, тер дегани шовуллаб оқади. Бебелни уйғотиб юбормаслик учун оҳиста ўрнимдан турдим ва душда ювиндим. Соат тўртни кўрсатиб турарди. Мен маҳаллий телефон гўшагини кўтардим, афтидан, телефончи қиз жойида эмасди ва узоқ кутишимга тўғри келди. Охири мени улаб беришди.

Жулиянинг телефони жавоб бермасди.

Мақсадимга қандай етишни билардим ва хато қилмаган эдим. Идорадан чиқиб, ўзимни рўпарадаги қаҳвахонага урдим ва шойи кўйлақдаги нусхани кута бошладим. Қирқ дақиқалардан кейин у кириб келди.

Зинадан ўқдай учиб телбаларча қабулхонага, ундан — кабинетга кирдим, котиба қизнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қараганим йўқ. Яқиндан бориб қарасам, шойи кўйлақдаги нусха ажабтовур одам экан. Оппоқ сочили, ундан атир ҳиди келиб турибди, тирноқлари тоза олинган, салобатли одам экан. Рудергеснинг безовталик билан ўшқирришига парво қилмай, мен тўғри унинг ҳамсуҳбатига мурожаат қилиб:

— Мен ўша пул деса ўзини томдан ташлайдиган суллоҳ бўламан, — дедим.

У қўл ишораси билан Рудергеснинг овозини ўчирди ва қошларини кўтариб:

— Сизга нима керак?— деб сўради.

— Сиз билан гаплашмоқчиман. Мукофот пули дурустроқ бўлмаса бўлмайди. Сизнинг бу ерда нима иш қилишингизни билмадим-у, аммо ўйлашимча, назорат ва ваколат ҳақидаги барча бу машмашалар — ғирт уйдирма. Мен саёҳатга боришга розиман, бироқ лаънати темирга, яъни ақчага қўшмаса бўлмайди.

— Ҳўш, қанча демоқчисиз?

— Йигирма минг.

— Песетми?

— Дуро. Билиб қўйинг, мен кам айтаяпман.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Рудергес қошини чимирди ва ўзининг кенг столи ортидан менга маъюс тикилди. Шойи кўйлакли нусха сигарета тутатди.

— Катта пул. Демак, сиз биз ҳақимизда биласиз?

— Ҳеч нарса билмайман. Балки, жуда кўп нарса биларман, қандай қарашга боғлиқ. Ахир мен ёш бола эмасман. Борди-ю, сиз ўз филиалларингизни текширмоқчи ёки у ерда қандайдир намуналарни тақдим этмоқчи экансиз, нима учун чет элга ўзингиз бормайсиз? — Мен таваккалига сўзлардим. — Нима учун кеча Рудергес мени топганидан бунчалик мамнун эди? Кейин, пул деса ўзини томдан ташлайдиган фирибгар дегани нимани англатади? Мавжуд далилларни тўплаб, уларга озгина фаросат қўшса, ҳаммаси кундай равшан бўлади: барчаси нопок иш. Гиёҳванд моддаларми? Обрўни туширадиган хужжатларми? Тупурдим уларга. Сизларга мен керакман, менга эса пул керак. Йигирма минг дуру унчалик катта пул эмас. Онт ичаман: мен дарҳол ғойиб бўламан, мен ҳақимда ҳеч нарса эшитмайсизлар... Бироқ тўламасликка ҳаракат қилиб кўрсангиз... балки... ўшанда кимдир сизларнинг юмушчаларингизга қизиқиб қолар.

— Мен... мен бошқалар билан гаплашиб олишим керак.

— Тушунаман. Аммо мен очиқ ўйин ўйнашни истайман.

Биз кабинетдан чиқдик ва мен сабр билан ўриндиққа чўкдим. Рудергес машинкачи қизларга топшириқлар бериб бўлгунча унинг шефи пастга тушиб турди.

Орадан бир соат ўтди.

– Ҳал бўлди, – гап бошлади мен бошлиқ деб ўйлаган одам қайтиб келиб, – сизнинг таклифингизга рози бўлишди, Видал. Аммо шартларни биз қўямиз. Барча зарурий нарсаларни сотиб олгани ҳозир сизга пул беришади. Қолганини...

– Бу қанақаси?

– Қайтганингиздан кейин беришади.

– Мен муҳлатни эмас, пулни назарда тутаяпман.

– Биз юз минг песетга келишгандик, шундай эмасми?

– Жуда соз. Кафолат-чи?

Улар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарадилар. Гўё менинг гапимни тушунишмагандек эдилар. Ҳолбуки бу муттаҳамлар ҳаммасини аъло даражада тушуниб туришарди.

– Ҳа, айнан шу, кафолат. Фараз қилайликки, ҳозир сизлар менга пул бераяпсизлар. Жуда яхши. Мен уни истаганимча сарфлайман... ахир саёҳатга бинойидек чиқиш керак-ку... Яъни... нима дейди... костюм, ботинка ва ҳоказо. Мен чет элда ҳаммасини қоидага биноан қиламан, қайтиб келгач – ва... хайр-маъзур! Сеньорлар йигирма минг дуру тўғрисида ҳеч нарсани билмайдилар. Келишувми? Сеньорлар ва аллақандай мишиқи ўртасида қанақа келишув бўлиши мумкин? Тижорат мақсадларида биргина бадбахт саёҳат учун йигирма минг талаб қиладиган зумраша билан-а?.. Ҳе, йўқ, чучварани хом санабсизлар.

– Сизга ўзи нима керак? – деди шу пайтгача ўзини мутлақо хотиржам тутиб келган кўйлакли нусханинг тоқати тоқ бўлиб. – Биз ёзма битим ҳам, шартнома ҳам тузмоқчи эмасмиз, тилхатнинг бизга умуман кераги йўқ. Кейин, билмадим...

– Қайтиб келганимдан кейин пул олишим учун менинг номимга чек ёзиб беринг. Ана шу чинакам кафолат бўлади.

– Аммо шахсий имзо билан чек – ҳужжат ёзиб бериш...

– Унда гаплашишимизнинг ҳам кераги йўқ.

– Бир дақиқа кутиб туринг.

У гўшакни олди, дискни қўли билан паналаб, рақамларни терди ва жуда паст овозда деди:

– Ҳа, бу мен. Ҳа.

– ...

– Биладан! Бироқ Видал чек талаб қиляпти, ўз номига, қайтганидан кейин тўлов кафолати учун.

– ...

– Яхши. Ҳа, борлигига умид қиламан.

Гўшакни кафти билан босиб, у менга мурожаат қилди.

– Яқинроқ келинг.

Мен телефонга яқинлашдим. Симнинг нариги томонидан баланд, кескин овоз келди:

– Видалмисиз?

– Ҳа, бу мен.

– Сиз асабимизга тега бошляпсиз, Видал.

– Сизлар эса менинг асабимга тегаяпсизлар.

– Хўп, яхши. Сизга Рудергес имзолаган чек бўлаверадими?

– Майли. Эътирозим йўқ.

– Энди ишга ўтайлик. Сиз Рудергесдан зарурий ашёни оласиз, яна айрим йўриқларни ҳам. Мана шу чоршанбада Лионга жўнайсиз.

У ерда бизнинг вакилимиз мсьё Тур билан учрашасиз. Кейин Винтертурга йўл оласиз, у ерда сизни сеньор Перис кутиб олади. Ўша ерда сизга бошқа машина беришади, унда Австрияга борасиз: Зальцбург, Вена, Грац – бизни қизиқтирадиган бозорлар мана шулар. Ҳа, ҳа, биламан, бу барча учрашувлару ташрифларни сиз бир пулга олмайсиз. Сизга шундай-у, аммо менга ундай эмас. Мен ишнинг виждонан бажарилишини истайман. Грацдан Венецияга, ундан эса Милан ва Генуяга ўтасиз. Кейин яна Лионга қайтасиз, у ерда Перис сизга эски машинангизни қайтаради. Шунда Барселонага боришингиз мумкин. Олдин айтганимдай, Рудергес сизга ҳаммасини тушунтириб беради. Эҳтиёт бўлинг, оғайни, бирон қор-ҳол чиқиб қолса... Қисқаси, фармацевтика факультетида кимёвий моддалар ўғирланганлиги ҳақида биз оз-моз нарсаларни биламиз, бу яқинда рўй берган... Иш бости-бости бўлган, аммо ўзингиздан қолар гап йўқ. Агар бизлар бир-биримизга ишонсак...

Сухбат узилиб қолди. Юзим лов-лов ёнаётганини, қўлимда гўшак титраётганини сезиб турардим. Шойи кўйлақдаги нусха ва Рудергес мендан кўзларини узмасди. Демак, улар ҳаммасидан бохабар. Аммо қаяқдан? Буни ректор, ўқитувчи Льюпис ва мендан бошқа ҳеч ким билмасди. Ҳатто Жулия ҳам ҳеч нарса билмасди. Гарчи...

– Ҳўш, нима гап? – сўради бошлиқ бўлмиш.

– Ҳаммаси равшан. Чекни беринг.

Рудергес мамнун ҳолда қўлларини ишқалаб қўйди.

Мен хонадан чиққанимда, Бебель ҳали ухлаб ётарди. Мен энг яхши костюмимни кийдим. Нонушта устида рўзномаларни кўздан кечирдим. Рудергеснинг ўлими ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ эди. Банкка бемалол борса бўларди. Отелдан чиқишдан олдин мен Жулияга қўнғироқ қилишга яна бир уриниб кўрдим. Барчаси беҳуда кетди. Унинг олдига кейинроқ боришга тўғри келади.

Йўл узоқ бўлмаса ҳам такси олдим, банк Пасео-де-Грасидада жойлашганди.

Замонавий бино, маҳобат ила савлат тўкиб турибди. Ерига мраммар тўшалган ва шиша эшиклари яқинлашган ҳамон ўзи очилади. Қойил қолмай илож йўқ! Ёқимли мусиқа янграрди ва одамлар ўз пулларини кутиб, салқинда маза қилиб дам олиб туришарди. Мен чекни фарқи очилган йигитчага узатдим. У бошини ҳам кўтармай менга рақамли талонни топширди ва кутиб туришимни айтди. Дунёда энг бахтиёр одамдек ўзимни ўриндиққа ташладим. Аслида бахт дегандан менда зиғирча ҳам йўқ эди. Фақат кўрқув бор эди. Узоқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят, ҳашамдор кўк пиджакдаги ёрқин галстукли одам рақамимни айтиб чақирди. Мен яқин бордим.

– Сеньор Видалмисиз? – қўлида у менинг чекиمنى тутиб турарди.

– Ҳудди шундай.

– Ёнингизда шахсий ишончномангиз борми?

– Нима учун? Нима гап ўзи?

– Оддий расмиятчилик. Чек исмга ёзилган, уни ишончнома билан солиштириб кўриш лозим бўлади.

Аслида ҳалиги одам ошқора асабийлашарди. Оддий расмиятчилик туфайли у ўзини бундай тутиши ақлга сиғмасди. Хизматчи ишончномани олди, сувратга диққат билан қаради ва уни менга қайтара туриб, деди:

– Яна бир оз кутиб туришингизга тўғри келади. Маъмурият билан гаплашиб чиқишим керак.

Чек пештахта устида қолаверди.

Мен қаттиқ ҳаяжонда эдим. Аллақандай арзимас нарсани деб бунчалик ташвиш чекмасам? Бирдан Рудергесни топиб олишган бўлса-чи? Ҳашамдор пиджакдаги одам хира ойнали эшик ортида ғойиб бўлди, у ёқдан унинг кўланкасигина кўринарди. У телефонда гаплашарди.

Шунда англадимки, у полицияга кўнғироқ қилмоқда.

Жеронага борадиган йўл анча яхши, айни соатларда деярли холи эди. Сайёҳлар оломони ҳали бостириб чиқмаган, Жункерага борадиган йўлда аҳён-аҳёндагина чет эл рақамларидаги машиналар кўзга ташланарди. Озмунча километрлар айланиб улгурганига қарамай, машина шамолдай елиб борарди. Фақат тезлик қутчаси бир оз тарақламоқда. Автомобиль алмаштириш билан боғлиқ мана бу барча тартибсизлик оёқдан олмаса бўлгани: олдинда ҳали йўл узоқ эди.

Мен Рудергес билан номардларча йўл тутгандим, у менга хоҳлаганимдан анча ёмон машинани тиқиштириб, бошлаб ўчини олди. Жерона бўйлаб, опамнинг дўстини лаънатлаганча, — кўм-кўк боғлар, кичик-кичик фабрика ва фермалар ёнидан ўтиб борардим. Онам ҳам шу жойларда туғилган — у Жерона шаҳридан эди.

Мен бир ресторан ёнида тўхтадим: бундай замонавий ресторанлар энди чет элликларни жалб қилиш учун барча йўллар ёқасида қурилган. Ичкари бўм-бўш эди; қизилюз ва гапдон йигитча менга егулик олиб келди ва бир йўла барча зарурий маълумотларни берди.

Чегарадан тушга яқин, патруль алмашганда юриш қулайроқ. Дам олишга кетадиганлар кекирдақларигача ишга ботиб бўлган, уларни алмаштирадиганлар эса ҳали ғайратга келмаган ва шу боис ўткинчиларга унчалик эътибор қилмасдилар. Биз биттадан сигарета чекдик, мен ҳисоб-китоб қилдим ва яна рулга ўтирдим. Хўжайинларимиз, мен Рудергес ва шойи қўйлақдаги кишини назарда тутаяпман, менинг роса қулоғимни пишитишган эди. “Энг асосийси — эсингизда бўлсин: ҳеч қанақа йўл ҳодисаси бўлмасин”, деганди Рудергес. Равшанки, улар мен олиб кетаётган юкни жуда қадрлашаётган эди, бунинг нима экани тўғрисида заррача тасаввурга эга эмасдим. Мен машинадан тушдим-да, юкларни обдон титкилаб чиқдим. Аммо бу муттаҳамлар яширишни дўндиришган эди! Мен ҳеч нарса топа олмадим ва Винтертурга етиб боргунча қайси юк учун юз минг ақча тикишлари мумкинлигига ақлим етмади.

Божхонага соат бир яримда етиб келдим. Официант ҳақ бўлиб чиқди: чегарачилар паспортимга нардан-бери кўз югуртиришди. Ҳатто машинадан тушишимга ҳожат ҳам қолмади. Ҳа-да, агар ҳамма жойда шундай бўлса, йигирма минг дуру қўлимга шундоқ ўзи келиб тушиб турибди-да. Ҳолбуки, ҳали олдинда мушкулотлар бўлиши мумкин. қийинчиликлар бўлишини тасаввур ҳам қилолмасдим.

Лион — катта шаҳар ва бир оз бемаъни ҳам, унда машинада юриш қийин. Аммо у ернинг уйлари чиройли, соҳил бўйи эса бизнинг Рамбледан сира қолишмайди.

Мен “Отель дю Миди”га йўл олдим, у ерда номимга хона банд қилиб қўйилганди, номимни қайд қилдириб, сўнг ҳаддан ташқари тор ва иссиқ хужрамга кўтарилдим, кийимларимни алмаштирдим-да, кинога келдим. Эртасига мсьё Тур билан учрашишим керак.

Мен эшикка отилдим. Ортимдан: “Сеньор Видал, сеньор Видал!” — деб қичқириб қолишди, бироқ чек қўлимда эди, мени ҳеч ким тўхтата олмасди. Ҳатто полиция ҳам. Эшикда кимдир елкамдан тутди, аммо

мен юлқиниб чиқдим, қандайдир юмшоқ нарсани тирсагим билан туртиб, кўчага отилдим.

Пасео-де-Грасиада мана шу тонгги соатларда одам гужгон эди, улар ташвишли бир тусда у ёқдан-бу ёққа юрар, машина ёки таксилардан тушишар, банк ва идораларга шошар эдилар. Мен бурчакка бурилдим ва китоб дўконига яшириндим. Ёш сотувчи жувон менга қараб қўйди, бироқ ҳеч нарса сотиб олмоқчи эмаслигимни кўриб, орқасига ўтирилди. Вақт ўтишини кутиш керак эди. Мен битта сигарета чекдим, сўнг иккинчисини тутатдим, хўжакўрсинга дуч келган бир китобчани сотиб олиб, дўконга чиқишга қарор қилдим. Бу сафар мен қамоқхонадан қутулишга муваффақ бўлгандим. Бу сафар, холос.

Мен такси тўхтатиб, тўғри Жулиянинг олдига кетдим.

Филиал ёки ваколатхона, ёки худо билсин яна нимадир, Лиондаги шарикподшипниклар ишлаб чиқарадиган испан-француз бирлашмаси Отель де Вилдан икки қадам нарида эди. Вакил мсьё Тур у ерда йўқ экан. Унинг котибаси, ўттиз ёшлардаги меров хотин мендан нима кераклигини сўради.

– Мсьё Турни кўрмоқчи эдим, – жавоб бердим Берлицдан мустақил ўрганган ва Парижда бир оз такомиллаштирганим дабдабали француз тилида.

– Бугун бунинг иложи йўқ.

– Эртага-чи?

– Эртага эса ёпилаямиз. Ҳамма таътилга кетаяпти, тушунаяпсизми?

– Аммо мен у билан суҳбатлашиш учун Барселонадан атайлаб келгандим.

– Афсус, иложи йўқ.

Мен ўзим билан олиб келган қоғозларни унга қолдирдим, улар: фотосувратли каталоглар, Рудергес имзолаган хатлар ва маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ииккинчи нусхалари.

Котиба, мадемуазель Фонтеной уларнинг барини столдан олдида, эринибгина варақлаб чиқиб, хатжилдга жойлади, сўнг менга ҳамдардона қараб қўйди ва биз хайрлашдик.

Энди мен амин эдимки, бирлашма – бор-йўғи қандайдир ифлос ишни хаспўшлаб турувчи ниқоб, бу иш Савдо палатаси ва ваколату пудратчилар орқали бутун ҳалол компанияга: Рудергесга, шойи кўйлакли нусхага ва ҳалиги номаълум ингичка овозли одамга озмунча пуллар келтирмайди...

Албатта менга ҳам, чунки юз минг песет – бу ҳазилакам пул эмасди.

## 2

Почта қутиси рўзномалар билан лиқ тўлган эди – анчадан бери уларни олишмагани шундоқ кўриниб турарди. Аммо мен Жулиянинг янаги ой охиригача ҳеч қаяққа кетмоқчи эмаслигини жуда яхши билардим. Дарбон хотинга билдирмай лифтга чиқиб олдим. Мен Жулияникида турганимда бу кампиршо роса жигимга текканди. У бизнинг опа ва ука эканимизга ишонмагани аниқ эди. Ҳар доимгидай лифтда бўёқ ҳиди анқирди, деворларда – ўша-ўша ножўя сўзлар ва расмлар, бу вақт ичида уларга бир қанча янгилари ҳам қўшилганди.

Икки марта узун, битта қисқа шартли кўнғироққа ҳеч ким эшикни очмади. Начора, киришга уриниб кўрамиз. Калитни кетишдан олдин Жулияга бергандим, аммо мен бунақа ёғоч, катак-катак ойнали эшикларни ҳеч қандай калит-палитсиз ҳам очавардим: шахсий

ишончномани ойна ва эшик ораллигидаги тирқишга суқиб, кескин ҳаракат билан уни кўтариш, лўкидонни суриш ва ҳосил бўлган тешик орқали қулфни бураш кифоя эди. Эшик зич ёпиб қўйилган, аммо қулфланмаганди. Хона ичи қоп-қоронғи, пардалар тушириб қўйилганди.

Хона газнинг кўнгилни беҳузур қилувчи ҳидига тўлганди.

Балконни очиш учун бўғилганча емакхонага чопдим. Кўчанинг рутубатли, иссиқ ҳавоси хонага бостириб кирди.

Мен ҳали Жулияни кўрмаган бўлсам-да, дарҳол ҳаммасини тушундим. Меҳмонхона бўлмасида дастурхон тузоғлиқ эди. Дастурхонда бир шиша вино, сувли кўзача, ювилмаган бардоқ, ликопга пишлоқ ва колбаса парраклаб кесилган, нонли саватча ва чала ейилган қўймоқ ҳамда шафтоли данаклари бўлган яна бир ликобча турарди. Илгари мен яшаган хонада бор нарса ўшандай қолганди. Ваннада ҳам. Бироқ Жулиянинг ётоқхонасида ҳамма нарса сочилиб ётарди. Кўйлақлар ва ичкийимлар ҳар ёнда, тўшақ йиғилмаган, пардоз столчасида эса шиша идишча синиқлари; одатда аёллар хонасига териб қўйиладиган турли безак буюмлари ерда ва каравотда, ҳаммаси синган ва мажақланганди.

Бамисоли ётоқхонада муштлашув бўлгандек.

Жулияни ошхонадан топдим. У юзтубан ётарди. Резина газ қувуридан қилинган плита ёнида бадбўй сув илондай вишиллаб отилиб турарди. Мен эгилдим-да, жўмакни бурадим; Жулиянинг эғнида фақат тунги қўйлақ бор эди, холос. У кўтарилиб, баданини ҳаёсизларча яланғочлаб қўйганди. Мен беихтиёр эгилиб, уни ёпдим. Бир оёғида қизил шиппак бор эди.

Мен чекмоқчи бўлдим, бироқ газ ҳали бутунлай чиқиб кетмаганини ва портлаб кетиши мумкинлигини бирдан англаб қолдим. Тўғри ваннахонага йўл олдим, йўл-йўлакай барча деразаларни очдим ва ювиндим; гўёки ифлосни ювиб ташламоқчи бўлгандек. Балки бу ростданам ифлослик эди. Атрофимда ўликлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганди. Манфур рақсга кимдир ишора берган-у, мен ўртада рақс тушишга тайёр турибман гўё; аммо мусиқа ҳозирча эшитилгани йўқ.

Шу тобда полицияга қўнғироқ қилиб бўлмасди. Банкда нима бўлгани ҳали номаълум эди. Ҳойнаҳой, изқуварлар Рудергесни топишган ва ҳозир ишга дахлдор шахс сифатида мени қидиришаётган бўлса ажаб эмас.

Мен ёмон чув тушган эдим.

Винтертурдаги Бирлашма вакили сеньор Перис дароз, озғин, бесўнақай ва мужмал одам бўлиб чиқди. То эртаси кунгача иш ҳақида гапиришдан буткул бош тортди, Барселона ҳақида ҳеч нарса сўрамади, аммо менга шаҳарни кўрсатишга жон-жон деб рози бўлди.

Илгари бир кўниб ўтадиганим Винтертур чоққина, кўримсиз шаҳарча экан. Перис тановул қилгани мени ресторанга судраб кетди — ресторан яшил тепалик устида бўлиб, гавжум ва сершовқин жой эди; ўша оқшом у ерга кўплаб муҳожирлар, шу жумладан, каталонияликлар — тўқимачилик ва металлургия саноатининг малакали ишчилари тўпланган эди, олмишинчи йилларнинг муҳожирлар тўлқини худди Жулияни Лондонга келтириб ташлагандай, уларни ҳам Швейцарияга олиб келиб ташлаганди. Уларнинг барчалари Перис билан салом-алик қилишди, менинг яқинда, уларнинг тили билан айтганда, “нариги ёқдан” келганимни эшитиб, устимизга ёпирилиб келишди, столчаларга жойлашиб, мени саволга кўмиб ташлашди. Улар бизда иш масаласи қандайлигини, мен фалон-фалон одамларни танийманми, йўқми ва фалон маҳаллада яшайманми — шуларни билгилари келарди.

Ресторандан ярим тунда чиқдик, роса пивога бўкканимиздан бошимиз тарс ёрилиб кетгудек оғир эди.

Марказий меҳмонхоналардан бирида мен учун жой банд қилиб қўйилганди; хайрлашишдан олдин Перис эртага эрталаб, соат тўққизда олдимга келишини айтди, аммо унинг гапи бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиқиб кетди.

Меҳмонхонада галисиялик бўлган ходим менинг “нариги ёқдан” эканимни эшитиб, қандай кўнглимни олишни билмасди. Мен бир шиша маъданли сув буюрдим ва ётишдан олдин икки бардоқ ичдим. Пиводан, муҳожирлардан ва ҳалиги ғайриоддий таомлар — кечки тамаддига беришган ёғсиз мугуз яхнаси ва чала пишган бифштексдан (ҳаммаси битта ликобчада) тўйиб еб, бўлганимча бўлгандим.

Тун бўйи тош қотиб ухладим. Пиво ҳовуридан оғир тушлар кўрдим, уларда Леман кўли негадир Женевада эмас, Бернда эмиш, Каталония майдони ёмғир остида, биз хизмат қилган Африкадаги казарма ва Рудергесга икки томчи сувдай ўхшаш лейтенант — бари аралаш-қуралаш эди. Лейтенант — Рудергес билан суҳбатлардан қаттиқ эзилиб уйғондим. Ёмғир челақлаб қуярди, шаҳар менга кечагидан ҳам файзсизроқ, ҳам кўримсизроқ туюлди.

Мен душда чўмилиб олдим ва кийиниб бўлган ҳам эдимки, Перис келиб қолди.

— Нонуштани менинг уйимда қилсак-чи, Видал оғайни? У ерда ишларни бемалол гаплашиб... муҳокама қилардик. — Сўнгги сўзларни айтганда унинг овози хиёл титради.

— Нима ҳам дердим, яхши.

— Мен яёв келдим. Агар йўқ демасангиз, келинг, сизнинг машинангизда кетсак.

— Сиз нима десангиз, шу.

Машинада бўлса, машинада-да. Тезроқ ҳаммасини тугатсаму мана бу хатдан қутулсам — фақат шуни хоҳлардим, холос.

Перис бошдан-оёқ муҳожирлар кўчиб келган шаҳар ташқарисида яшарди.

— Касбимни ҳисобга олганда, ажойиб жой.

У Винтертур қорхоналарига ишчилар сафарбар қилаётганини сўзлаб берди. “Нариги ёқдан” одамлари, бу ўз-ўзидан равшан. Аслида Перис судхўр эди. Муҳожирларни иш ва турар-жой билан таъминлагани учун унга узоқ вақтгача пул тўлар эдилар. Бундан ташқари, менинг янги танишим Бирлашманинг “вакили” саналарди. “Вакил” сўзини айтганда унинг овози яна титраб кетди.

Периснинг чоққина боғли ғоят хушманзара уйчаси ва текис қилиб тарашланган майсазори бор эди. У ерда ҳеч қандай Перис хоним учрамади, бироқ ҳавас қилгулик тартиб ҳукмрон эди, меҳмонхона бўлмасида эса тўқис қилиб тузалган нонушта дастурхони бизга мунтазар эди: қовурилган бурда нон, мармелад, қора нон, сут, ёғ ва майда бадхўр мугузсимон кулчалар. Биз дастурхонга ўтирдик. Иштаҳам карнай эди.

— Гаражда сизни бошқа машина кутиб турибди, — деди мезбон мийиғида қулиб, стулни сургач, менга сигарета тутатуриб. — Балки, кабинетга ўтармиз?

Биз сайёҳ агентларнинг плакатлари осилган чоққина хонага кириб келдик. Кабинетда каталоглар темир қутиси турарди, қора ёғоч столда телефон ва Дон Кихот ҳайкалчаси шаклидаги ёзув қуроли, бурчақда эса — ёзув машинаси бўлган филдиракли стол бор эди.

— Мендаги барча қоғозлар мана бу ерда, — дедим мен портфел қулфини ширқ этказиб очгач, худди шундай тархларни узатиб, уларни



Лионда мсьё Тур котобага берган эди. — Улар сизни унчалик қизиқтирмаса керак деб ўйлайман.

Перис қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Албатта, қизиқтирмайди. Нега ҳаммасини бу қадар мураккаблаштириш кераклигини тушунмайман. Сиз Рудергес билан анчадан бери ишлайсизми?

— Унчалик эмас, — жавоб бердим мен сир бой бермаслик учун.

— Яхшигина тўлашса керак деб ўйлайман, бундай ишни ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Гарчанд улар бекорга бунчалик ўзларини эҳтиёт қилишса ҳам. Энди божхона — қуруқ хўжакўрсинга.

— Ҳа, ёмон тўлашмайди.

— Қандай эканини билмадим-у, аммо Андреу ҳар доим мана шунақа ишларни топиб юради. Илгари менга ишчилар юбориб турарди, энди эса — мана бунақа нарсалар...

Қизиқ, “мана бунақа нарсалар” нима дегани экан?

— Ҳа, албатта, алоқалар... — истамайгина жавоб бердим мен.

— Бўпти, ўзи билади-да. Биз ўз пулимизни оламиз — шундан хурсандмиз. Хўш, ишга киришамизми? Юринг, сизга машинани кўрсатаман.

Хонадонда менинг нарсаларим оз эди. Аммо барибир менинг бир вақтлар бу ерда яшаганимни кимдир эслар. Ҳаммасини изқуварларга тушунтириб беришга тўғри келади.

Иккита жасад — бу энди ҳаддан ортиқ даҳмаза.

Мен яна деразалар ва балконни ёпиб чиқдим ва ётоқ билан емакхонани саришта қила бошладим. Ликобчаларни ювишнинг иложи бўлмади: бунинг учун Жулиянинг жасади устидан ҳатлаб ўтишимга тўғри келарди. Мен уларни тўшладим-да, чаноқда қолдирдим. Кейин опамни кийинтирдим. Қўлимдан келганча унинг ичкўйлаги ва халати этаklarини туширдим, аммо қизил шиппакнинг нариги пойини топа олмадим ва Жулияга пошнаси паст теннис туфлисини кийдириб қўйишга қарор қилдим.

Бу ишни саранжомлаб, қўлим теккан барча буюмларни обдон артиб чиқдим. Миямга бир фикр келди, уни қандай қилиб бўлмасин, амалга ошириб қўйиш керак эди. Шунда мен вақтдан ютар эдим ва ҳеч ким мени “қотилликни яшириш” да айблай олмасди. Жулияни кимдир ўлдиргани ва ўз жонига қасд қилгандай қилиб қўйгани яққол кўриниб турарди. Фақат бир нарса етишмасди: видолашув хати ёки ҳеч бўлмаганда бир энлик хат. Полицияга чап бериш осон: оилали одамнинг жазмани, турмушдаги воқеалар ва ҳоказо. Барибир ҳам Жулиянинг хатидек қилиб ёзишга журъат қилмадим. Эртами, кечми ёзув уники эмаслигини аниқлашади, ўшанда иш менгача етиб келиши тайин.

Нарсалар солинган сумкани олдим-да, уйдан чиқдим, бироқ бўсағада тўхтаб қолдим: нимадир етишмаётганди. Муздек тердан эгим жимирлаб кетди, орқага қайтишимга, Жулиянинг жасади устидан ҳатлаб, яна газни очиб қўйишимга тўғри келди. Мана энди ҳаммаси жойида.

Мен чиқаётганимда, ҳид анча кучайиб бўлганди.

Кўчада ҳамон кўёш чарақлаб, дарахтлар ям-яшил товланиб турарди, гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Садоқатли кўшпак каби ажал орқамдан таъқиб қилаётганини ҳеч ким билмасди. Мен такси тўхтатдим ва машинага ўтириб, таксичига манзилни айтдим.

Бибель ўрнидан туриб, нонушта қилиб бўлганди, мени маъюс кутарди.

— Қаёқда эдинг?

— Бир иш билан кетгандим.

- Башаранг менга ёқмаяпти. Бирон кор-ҳол бўлдим?
- Ҳа.
- Бу... анови ишми?
- Ҳа. Менга қара, қизалоқ, энди қармоқни йиғиштиришимиз керак.
- Яъни?
- Яъни бу меҳмонхонадан кетишимиз керак, тушундингми?
- Сени қидиришяптими?
- Шундай бўлиши ҳеч гап эмас.

Биринчи галда улар меҳмонхоналардан қидирадилар, улар полицияга бу ерда турувчиларнинг рўйхатини топширишади.

– Қани, қизалоқ, жомадонларни йиғиштир.

Бebelь нарсаларни тахлагунча мен пастга тушдим-да, ҳисоб-китоб қилдим. Холлда деярли ҳеч ким йўқ эди, фақат иккита сайёҳ оқшомги спектакль дастурларини варақлаб ўтирар ва бурчақда югурдак болалар ивирсирди. Мен портъедан юқорига жомадонга одам чиқаришни, швейцардан эса такси чақирини илтимос қилдим. Борди-ю, изқуварлар Жулиянинг жасадини топишган ёки чек билан бўлган можаро туфайли мени қидиришаётган бўлишса, бу ердан тезроқ қорамизни ўчиришимиз лозим эди. Менинг қаерда яшаётганимни аниқлаш учун уларга кўп вақт керак бўлмасди.

Менга абадийдек туюлган бир неча дақиқадан кейин биз Бebelь билан худди ортимиздан алвасти қувгандай шаҳарнинг қуёш нурларига тўлган кўчаларидан шитоб билан кетиб борардик.

Ҳақиқатан ҳам ортимиздан одам тушганига имоним комил эди.

Перис тайёрлаб қўйган машина биринчисидан асло фарқ қилмасди. Фақат рақамни алмаштирса бўлди – туя кўрдингми, йўқ. Тезлик коробкаси ҳам энди қийинчилик туғдирмасди.

Мен яна йўлга тушдим, фақат Зальцбургга. Австрия автойўллари қулай ва текис эди. Кўнглим тинч – ишнинг энг қийин қисми бажариб бўлинганди. Энди ваколатхона билан боғлиқ майда-чуйдаларгина қолганди. Портфелимга лиқ тўла қоғозларни топшириш, бир оз саёҳат қилиш ва ортимдан эҳтимол тугилган судга сафаримнинг соф тижорат мақсадини тасдиқлайдиган аниқ изни қолдириш. Йўриқ ана шулардан иборат эди.

Зальцбургда мен йил фаслига қарамай лиқ тўла катта меҳмонхонада тунадим. Машинани қолдириб ва кийимларимни алмаштириб, қовоқхонага йўл олдим. У ерда бесўнақай тўрт қиз саҳнада ўз таначаларини ўта нўноқларча намойиш қилгани учун бир талай пулимни шилиб олишди. Лаънати темир тангачалар ҳақида ўйламай қўйгандим. Барселонада менга йигирма минг дуρο мунтазир эди.

Рудергес буюрганидек, Венадаги меҳмонхонада нарсаларимни қолдириб, мен элчихонага кетдим. Савдо палатаси котибаси ахборот “алмаштириш” баҳонасида менга Оперирингнинг техника бўлимлари манзилени берди. У ерда иш Лиондагидан бешбаттар эди: ҳеч ким ҳеч қанақанги шарикли подшипниклар ишлаб чиқарадиган Бирлашма ҳақида ҳеч нарса билмасди, мени у ердан ҳайдаб юбормаганларига ҳайрон қоламан. Охири, қоғозларни олишди, ўрнига менга қандайдир немисча алламбалолари бўлган бирталай формулалар, фотосуратлар ва жадвалларни тиқиштиришди. Мен уларни итоаткорона қабул қилдим, ҳурмат билан таъзим бажо айладим ва тушлик қилгани Мария-Терезиенштрассдаги ўзимнинг отелимга кетдим.

Бироқ дастурхонга ўтиришдан аввал югурдакни чақирдим-да, Барселонага қандай кўнғироқ қилишни сўрадим. Биз бир-биримизни

тушунмадик. У фақат немисча гапирарди, менинг саволим маъносига етиш учун заррача ҳаракат ҳам қилмади. Сухбатни қолдиришга тўғри келди. Гарчи отель аъло ҳисобланса-да, тушлик ўртача эди.

Портъе испанчадан бир нечтагина сўзни биларди, инглизчани анча яхши эгаллаганди ва бирмунча вақтдан кейин менга Барселона симда эканлигини хабар қилишди.

Биз Рудергес билан Венадан кундузи иккида қўнғироқ қилишимга келишиб олдик. Мен сал кечроқ, соат икки яримда қўнғироқ қилдим, Андреу қўнғироқни кутиб турарди. Ҳар доимгидай овоз жуда ёмон эшитиларди.

– Видалмисиз? Бу сизми, Видал?

– Рудергес? Ҳа, ҳа... Салом, мен, Видалман.

– Хўш, ишларингиз қалай? Янгилик борми?

– Ҳаммаси жойида. Мен Венадаман.

– Элчихонага бордингизми?

– Ҳа.

– Перис сизнинг келишингизни кутаётган эканми?

– Ҳа. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди.

– Ҳеч қандай савол пайдо бўлмадимми?

– Менимча, йўқ. Ҳар ҳолда, у менга ҳеч нима демади.

– Бўпти, у билан мен ҳали гаплашаман. Нимага келишдиларинг?

– Сиз буюргандек, Лионда учрашишга келишдик.

– Яхши. Италияда ҳали ишларингиз кўп бўлишини унутманг.

Миландаги консулхонага албатта бориш керак...

– Ташвиш қилманг, мен ҳаммасини айтганингиздек бажараман.

Яна кўрсатмалар борми?

– Йўқ. Хайр.

– Хайр.

Қандай ахмоқона сухбат, бунинг учун яна мўмайгина пул тўлашга тўғри келди. Ҳолбуки Рудергес мени текширмоқчи бўлгани мутлақо тушунарли эди.

Пратер хиёбонида бекорчилар тўла эди, улар аттракциондан аттракционга кезар, худди сайёҳларга ўхшаб, деярли барчалари фотоаппарат кўтариб олган эди. Ўзимни Вена фуқароси аҳли деб ҳис қилишим учун мен томоша чархпалагида айланишга қарор қилдим, аммо чайқалавериш кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Ёнимда оқ шим ва кенг свитер кийган ойдеккина қиз ўтирарди. Бечорагинанинг ҳам кўнгли беҳузур бўлмоқда эди.

Ерга тушиб, ўзимизга келгач, биз гаплаша бошладик. Маълум бўлишича, қиз бельгиялик экан, саёҳат қилиб, Италияга бормоқчилигини айтди. Кейин эса, балки Испанияга ҳам ўтиб қолиши мумкин экан. Унинг исми Изабель эди, бироқ дўстлари уни Бебель деб аташаркан.

– Эртага айнан машинада Италияга жўнаб кетаман. У ёқда ишларим бор – Венецияда, Миланда, Генуяда. Кейин эса Барселонага қайтиб келаман. Агар хоҳласанг, мен билан бирга кета қол.

Биз французчалаб гаплашардик.

Гўё яхши тушунмаётгандек, қиз менга синчков тикилиб турарди. Афтидан, мен ҳаддан ташқари шошаётгандим. Аммо шошишга арзийдиган нарсаси эди.

– Ҳозирча эса биз бирга кечлик овқатни еб олсак яхши бўларди.

Бебель дарров кўна қолди. Унинг қорни қаттиқ очқаганди. Икковимиз ҳам шаҳарни яхши билмасдик.

Дунай ёқасидаги ресторани танладик; дарё мовий эмас, бўтана эди. Ресторандаги овқатлар қиммат эди-ю, аммо хизматни қотириб

қўйишарди, тик туриб овқатланадиган мижозларга шинамлик туғдирилларди. Қиз кам гапириб, кўп овқат ерди. Мен ўзимдан мамнун эдим, энгил-боши одмигина бўлганига қарамай, менинг янги қиз танишим атрофдагиларнинг диққатини ўзига торгарди. Унга, менга ёқасан, дедим ва ишим борасида қандайдир ёлғонни тўқиб ташладим.

Соат энди ўн икки бўлганди, бироқ Венада ва Европанинг бошқа шаҳарларида ҳам бу соатда ҳеч нима қилиб бўлмасди.

– Йўқ демасанг, сени меҳмонхонага кузатиб қўяман.

Маълум бўлишича, қизнинг тунашига жойи йўқ ва ўтган икки тунни очиқ ҳавода ўтказган экан.

– Нарсаларим вокзалдаги юкхонада, бир чақаям пулим йўқ.

– Хоҳласанг, меникига кетдик...

Бебель иккиланди.

– Менинг меҳмонхонамда сенга жой топилиб қолиши мумкин.

Бунга унинг ишонгиси келмади.

– Битта ўзинг нима қиласан?

Қиз нима қилишни билмасди. Охири уни кўндирдим. Эшик оғаси билан бир оз гижиллашиб олдик. У ўламан саттор Бебелни ичкарига қўймайман, деб туриб олди. Бир неча шиллинг уни дарров ўзига келтирди-қўйди.

Бебель учун унча-мунча чиқим қилса арзийди.

Сеньора Нурия мени таний олмади. Мен унга исмимни айтдим.

– Энрик Видалмисан?.. Ё Худойим! Бу ерда нима қилиб юрибсан? Ахир Африкада хизмат қилаётувдинг-ку.

– Хизмат тугаган, сеньора Нурия. Эртами-кечми, ҳамма нарса ҳам тугайди. Эрта эмас, кечроқ бўлса ҳам ҳатто хизмат ҳам тугар экан.

Мен унга Бебелни таништирдим.

– Ҳали уйланиб ҳам олдим де, тирранча!

– Ҳа, энди...

– Тагин чет эллик қизга-я! Гўё ўзимизда чиройли қизлар йўқдай. Эҳ, бу ёшлар, ёшлар!

Оққўнгил аёл кўз қири билан Бебелга разм солди. Бироқ зинадан кўтарилар эканмиз, мен тўқиган воқеа ёлғон хотинни узил-кесил тинчлантирди.

– Шунақа, Энрик, фақат сен учун... Ахир ўзинг биласан-ку, уйда аёллар, айниқса, чет эллик аёллар бўлса хуш кўрмайман... Бир куни...

Шундай дея у бизга ўз эри ва аллақандай немис аёли ҳақидаги узундан-узун воқеани ҳикоя қилиб берди. Бебель битта ҳам сўзни тушунмаганча уй соҳибасига қараб турарди.

– Бу эса сиз кутган жавоб, у тезда кетадими?

– Албатта, сеньора, кўпи билан бир ҳафта қолади, нари борса, бир ярим ҳафта.

Бу ерда ҳеч нима ўзгармаганди. Бешинчи районнинг<sup>1</sup> ўша руҳи, ўша гулдор халат, истасанг-истамасанг, ичишга тўғри келадиган ўша бир оз ширин вино, ўша жиҳозлар ва ўша вайсақи хотин. Иккаламиз танҳо қолганда буларнинг барини мен Бебелга сўзлаб бердим.

– Сен шу ерда яшаганмидинг? – У ҳамма нарсага танқидий кўз билан қарар эди. – Брюсселдаги хонамга ўхшар экан.

– Қизалоқ, сал хушёрроқ бўл. Мен унга эр-хотинмиз деб айтдим. Акс ҳолда у гапимга қулоқ солмаган бўларди.

<sup>1</sup> Б е ш и н ч и р а й о н – Барселонадаги хитой маҳалласи.

Отам ўлимидан кейин мен талаба бўлиб яшаган ўша хонада жойлашиб олгач (ҳамма нарса ўз жойида турарди: сувоғи кўчган шифтдаги яланғоч тўсинлар, каравотдаги оч мовий сатин чойшаб ва ҳатто Исо Масих тасвири туширилган гравюра – уни сеньора Нурия олиб ташлашга зинҳор рухсат бермасди), биз овқатлангани йўл олдик. Сеньора Нурия бизга бир шода калитни топширди ва ўша-ўша ҳар доимгидек кўплаб насиҳатларини қилди.

– Нима гаплигини сенга тушунтириб қўймоқчиман... – гап бошладим мен ширинликни еб бўлгач ва сигарета тутатдик.

– Начора, модомики сен шуни хоҳлар экансан... – деди Бебель менга тикилиб қараб.

– Э-ҳа, истайман. Аммо қандай бошлашни билмайман. – Мен йўталиб олдим ва охири гапиришга жазм этдим. – Сенга айтганимдай, мен вакил ҳисобланаман.

– Ҳа.

– Бу ҳақиқат, аммо бутунлай эмас. Биласанми, бу ерда қандайдир қинғир иш бор. Бугун мен опамникида бўлдим ва уни... ўлик ҳолда кўрдим. Уй соҳибаси билан мени у таништирганди.

– Ўлик ҳолда? Нима бўлган экан унга?

– Газдан заҳарланган. Гўё ўз жонига қасд қилгандай. Аммо бу ўз жонига қасд қилиш эмасди.

Мен ҳаммасини унга оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб бердим. Нима бўлганини тушунмаётгандай Бебель менга бақрайиб қараб турарди. Тўғри-да, мен француз тилини мукамал билмасдим, аммо гап бунда эмас. Унга ҳам бошпана топган, ҳам тўшакдош бўлган одам ўзини кўрсатганидан мутлақо бошқача бўлиб чиққани қизни ҳам кўрқитмоқда, ҳам ҳайратга солмоқда эди. Ҳа, Бебелнинг нақ ўтакаси ёрилгудай бўлганди, сўзимни тугатганимда эса қилт ҳам этмади; ўша заҳоти ўртага бизни бошқалардан ажратиб қўйган галати сукунат ўртага чўкди – хўрандалар хотиржам овқатларини ер ва нималардир деб жавранар эдилар, гўё бўлаётган ишлар ҳақида ҳеч нарса билмагандек.

– Энди нима қиласан? – сўради қиз ҳушига келиб.

– Билмадим.

– Полиция...

– Полиция ҳадемай мени қидиришга тушади, тушиб бўлгандир ҳам. Агар ҳозир уларнинг олдига борсам, ҳаммаси менинг гарданимга тушади – иш пачава. Полиция ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас... – Мен “des flics” сўзини ҳаддан ташқари баланд айтиб юборгандим. Қўшни столдаги одамлар менга бурилиб қарашди. Тўғри, улар ҳеч нарсани тушунишгани йўқ, аммо эҳтиёт бўлиш керак эди.

– Ахир умр бўйи яшириниб юролмайсан-ку, Энрик. Эртами-кечми, билиб олишади.

– Яширинишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Кимдир уларни ўлдирган, аммо ким? Дейлик, Рудергес Худо билсин қанақанги ифлос ишларга боши билан кўмилиб кетмаганди. Аммо Жулия-чи, Жулия уларнинг арпасини хом ўрибдими? Уни ўлдиришга сабаб йўқ эди. Гарчи... Балки менинг ўзим ёки мана бу лаънати сафар, ёки бу ердаги юклар айбдорми?

– Жулиянинг ҳам бу ишда қўли бор демоқчимисан? У бор-йўғи сени Рудергес билан боғлаган, холос.

– Кимдир, ҳозирча кимлиги номаълум, Жулия ва Рудергес ўртасидаги яқин алоқаларни билган ва мени ташкилотчилар билан, оғзи катталар билан улаб турувчи риштани узишга қарор қилган,

шулар ичидан биттасини бирров кўрган, иккинчиси билан эса телефонда гаплашгандим. Улар қотилликни менга тўнкашмоқчи.

– Анови машинада нима олиб кетаётгандинг ўзи?

– Билмайман. Агар билганимда, ҳозир ҳаммаси равшан бўлган бўларди.

– Балки гиёҳвандлик моддаларидир?

– Эҳтимол. Ўзи йўқ металлургия компаниясининг гиёҳвандлик моддаларига қандай алоқаси бор? Бундан ташқари, Перис айтгандики, илгари Рудергес чет элга ишчиларни ноқонуний жўнатиш билан шуғулланган экан. Йўқ, бу ерда бир гап бор.

– Битта машинада кўп нарсани...

– Эҳтимол... Ҳа, ҳа, энди равшан. Машина. Ҳозирча бу ягона илмоқ. Лицензиялар ва бошқа ҳужжатлар кимнингдир номига расмийлаштирилган бўлиши керак. Борди-ю, олиб борса, бу Рудергес бўлиб чиқади.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди, қаҳвахонада деярли одам қолмаган эди. Мен официантни чақирдим ва ҳисоб-китоб қилдим.

Эшампле кўчаларида бу вақтларда одатдаги гала-говур тинчиган қуёшнинг ҳам шашти қайтган бўларди. Дарахтлар салқин соя ташлай бошлади. Бироқ юрагим бир оз гаш эди.

– Машина олиш керакмиди.

Бекатда, Каталония майдонида менга ҳеч ким оғиз очгани йўқ. Бебель кўчада, дўкон олдида мени кутиб турарди. Мен тўхташ вақтига пул тўладим-да, кетдим. Мени рулда кўриб, қиз енгил нафас олди. У ёнимга ўтирди.

– Энди нима қиламиз? – сўради у.

– Барча идоралар аллақачон ёпилган, қидирувни қолдиришга тўғри келади... Сенинг бирон мўлжаллаган ишларинг борми?

Бебель мени Тибидабога<sup>1</sup> судраб кетди, у ерда ёш болалардек чопқиллаб ўйнадик. Аслида чалғиш учун бу энг соз ўйин эди.

Венецияда ҳаммасига тупурдим, шарикли подшипниклар ишлаб чиқарувчи сохта Бирлашма қоғозларини ҳеч қаёққа олиб бормадим, балки Бебель билан шаҳарни томоша қилишни афзал билдим. Гарчи илгари ҳеч қачон бўлмаганман деса-да, у шаҳарни ҳар бир ўйдим- чуқуригача биларди. Биз барча музейлар, черковлар ва саройларни биттама-битта кўриб чиқдик ва севишган жуфтликлардек сайр ҳам қилдик.

Миланга якшанба куни кечқурун, йўриқномада кўзда тутилганидан бир кун кейин жўнаб кетдик. Назарий жиҳатдан мен Венециядан шанба куни тушдан кейин чиқиб кетишим, якшанбани Миланда ўтказишим, душанба куни эрталаб эса савдо фирмасида ишларни тугаллаб, Генуяга йўл олишим керак эди. Милангача етиб бора олмай Веронада тунадик. Бебелнинг ёнимдалиги ва дастурдаги ўзгаришлар менинг бюджетимга таъсир қилмай қолмас эди, аммо мен бунга парво қилмаётгандим. Бу тушунарли эди: мени йигирма минг дуру кутиб турарди.

Аввал Брешияда овқатланиб олиб, соат тўртга яқин биз Миланга етиб келдик. Бебель нима қилиб бўлса ҳам жомени, Ла Скалани ва Дуомони кўришни истарди, лекин мен аввал бирон янгилик бор-йўқлигини билишим учун менга жой банд қилиб қўйилган меҳмонхонага киришга қарор қилдим. Менинг исми шарифим қулоғига чалиниши ҳамон маъмур менга Рудергесдан келган

<sup>1</sup> Барселонадаги чўққида аттракцион жойлашган тоғ.

телеграммани топширди. Лионда Перис билан учрашув бир кун олдинга тайин қилинганди. Мен Бебелни истаган жойингда айланиб юравер, деб қўйиб юбордим ва савдо фирмаларининг манзилларини олиш учун консулхонага йўл олдим, икки соатда ишларимни битиргач, етти яримда биз Женевага елиб кетмоқда эдик. Олдинда рудда ўтириб ўтказишим керак бўлган бутун тун турарди, истиқбол у қадар ёқимли эмас эди.

Бибель елкамга бошини қўйганча ухлаб кетмоқда. Менинг Женевага боришим мутлақо кўнгилсиз эди. Гарчи йўл янги бўлса-да, охиригача ҳали узоқ юриш керак эди. Бироқ отам айтганидай, кимнинг пули бўлса, ўшанинг ошиғи олчи. Мен газни қаттиқ босиб борардим, аммо йўл тоққа чиқиб борар, машина зўриқиб торгарди.

Мени телеграмма ташвишга солмоқда эди: Швейцарияда не воқеа бўлган бўлиши мумкин? Хаёлларимга кўмилиб кетганим сабабли, то қулоғим тагига келиб чинқирмагунча полиция сиренасини эшитмабман. Ортимиздан автоназоратчи машинаси қувиб келарди.

Мен тўхтаётган олмас эдим. Барча ҳужжатлар ўз жойида эди-ю, двигатель рақами ҳайдовчилик ҳуқуқимга тўғри келмасди. Борди-ю, боз устига улар мени қоидадан бузганим учун тутиб олишса борми, машинани тинтув қилишади-да, Худо билсин нималарни топишмайди. Мен тезликни оширдим. Бироқ менинг шалоқ аравам полициячилар моторига бас кела олармиди? Сирена чинқирғи тунги сукунатни тешиб юборай дерди. Бибель уйғониб кетди.

– Нима гап?

– Ортимиздан қувиб келишяпти.

– Тўхта, Энрик, ўт билан ўйнашма.

– Тўхтаётган олмайман.

– Нега ахир?

– Мен билан ишинг бўлмасин, ухла.

Биз энди машинада эмас, гўё самолётда кетаётгандай эдик. Ортимиздан катта тезликда қуролли полициячилар қувиб келишаётганди. Кафтларим шунақанги терлаб кетган эдики, рулни базўр тутиб борардим.

– Энрик, тўхта, ағдарилиб кетамиз!

Йўқ, ағдарилишимиз мумкин эмасди, машинамиз ағдариладиган даражада тез юраётгани йўқ эди. Охири полициячилар бизни қувиб ўтишди-да, тўхташга буйруқ бериб, қўлларини силкитишди. Мен тормозни босдим ва йўл четига чиқдим.

– Хайрли кеч, — менга мурожаат қилди назоратчи, честь бериб. — Ҳужжатларингиз.

– Нима дедингиз? — қайта сўрадим испанчалаб.

Полициячи гапимни тушунмади ва ўз шеригига юзланди:

– Булар испанлар. Улар ҳеч нарсани тушунмайдилар. Нима қилдик?

Наригиси менга ўқрайиб қараб қўйди-да, яқинроқ келди.

– Бу ёққа бер-чи, бир кўриб қўяй, — деди у ҳужжатларни фонар ёруғига солиб қараркан. — Ҳа-я, испанлар экан. Жин ургур сайёҳлар.

– Кечирасиз, — дедим тутила-тутила, — бирон қоидадан буздимми?

– Нима дедингиз? — такрор сўради ўз навбатида қуролли полициячи.

– Қо-и-да буз-дим-ми? — такрор айтдим бўғинга бўлиб.

– Тезлик. Жуда баланд. Ошириб юбординг, — жавоб берди у испанча ва итальянчани аралаштириб.

– Афсусдаман. Кечирасизлар. Билмабман.

Бибель аралашмоқчи бўлган эди, бироқ мен ишнинг пачавасини чиқарма дегандек тирсагим билан туртиб қўйдим.

– Жин ургур сайёҳлар. Жарима солсанг – тўлашмайди, қўйиб юборсанг, итальян полициячилар аҳмоқ экан деб ўйлашади. Ҳой, нима қилдик бунди?

– Қўйиб юбор-е. Аммо қизалоқ чакки эмас экан.

Мен уларга ёмон қараб қўйдим. Кейин яна дедим:

– Кечирасизлар. Мен чет элликман, бу ерда чеклов борлигини билмовдим. Катта йўл...

– Бўпти, бўпти. Кетаверинглар, аммо хушёр бўлинглар, биз кузатамиз.

– Демак, кетаверсам бўлади, а? – сўрадим гўё ҳеч нарса бўлмагандек.

– Кетаверинглар! – қичқирди қуроли полициячи. Кейин шеригига юзланди: – Ҳеч бўлмаса икки оғиз итальянчани ўрганиб олсанг бўлмасмиди, жин урсин ҳаммангни.

У ҳужжатларни менга қайтиб берди ва қўл силкитиб даф бўлинглар ишорасини қилди. Мен аста қўзғалдим ва анча узоққа бориб олгандан кейингина теримни артдим.

– Нега дарров тўхтаётганинг? – сўради Бебель.

– Менга жарима солишларини истамайман. Лаънати айғоқчилар!

– Аммо-лекин бопладинг-да уларни!

– Ҳа. Полиция тўхтаётганда бир ўртоғим доим шундай қилар эди ва доим сувдан қуруқ чиқарди.

Биз Женевага кириб келардик. Соат бир бўлиб қолган эди, аммо шаҳар ҳали уйқуда эди.

## 3

Машинани қаёқдан олишганини аниқлаш осон иш бўлмади. Мен иссиқ нам ҳавода қора терга ботганча рўйхатларни биттама-битта эринмай кўриб чиқар, чидам билан муассасаларни айланиб кўрар эдим. Бу ердаги барча хизматчилар таътилга кетган, уларнинг ўрнига қолганлар эса ҳеч балони билишмасди. Бўғриққан чехралар, қўлтиқлар остидаги қора доиралар, паррактларнинг мияни эговловчи гирр-гирр овозлари...

Тушга яқин машина Рудергес номига расмийлаштирилганини, у уни қўлдан сотиб олганини, худди менга берилганга ўхшаган чек ёзиб бериб, эгасига пул тўлаганини аниқлай олдим, холос. Тамом-вассалом. Машина уни сотганнинг ҳисобидан таъмирланар ва таъмирни қандайдир ҳеч ким билмайдиган бир одам қилар экан.

Ҳафсалам пир бўлди. Йўқ, бу йўлдан бориш фойдасиз. Мен тонгги ва кундузги газеталарни сотиб олдим, аммо уларда жўяли бир гап топмадим: на Рудергес, на Жулия ҳақида лом-мим дейилганди. Ё полиция ҳали жасадларни топмаган, ёки ишни овоза қилишни хошлашмаяпти.

Мен Бебелни кутардим – қизгина Монтжуик пансион ёнидаги барда жойлашган роман санъати музейига кетганди. Шунда, бир бардоқ лимонадни ичиб турганимда бирдан миямга бир фикр келди. Ажойиб гоя, фақат уни қандай амалга ошириш ҳозирча ноаниқ. Мен тепага чиқдим, бармен билан ҳисоб-китоб қилдим ва Бебель учун хат қолдирдим.

– Кўп ўтмай бу ерга бир қиз келиши керак – баланд бўйли, малласоч, жинси ва свитерда. У чет эллик. Сиздан илтимос, мана бунди унга бериб қўйсангиз. Уни кутишга вақтим йўқ.

Бармен менга им қоқиб қўйди ва сўради:

– Бериб қўйсам бўлдими? Йўқ демасангиз, у билан шахсан шуғулланишим мумкин.



Мен кулиб кўйдим-да, бардан чиқдим.

Машинани Пасео-де-Грасиада, банк рўпарасида қолдирдим. Ёпилишига икки дақиқа қолганди, дарбон эшикларни қулфламоқчи бўлиб турган экан.

– Хўш, уй-уйигами? – сўрадим мен.

– Ҳа, ёпаяпмиз.

– Менга чеклар билан шуғулланадиган одам керак. Бу ерда қаердан чиқилади?

– Ҳов анави ерда. Хўп десангиз, мен уни чақириб бераман.

– Йўқ, керак эмас, раҳмат.

Мен машина олдига қайтдим, худди шу пайтда кўчада банк хизматчилари пайдо бўла бошлаганди. Қизлар жуфт-жуфт бўлиб, гаплашиб, кулишиб борар эдилар. Эркаклар эринибгина судралишарди, афтидан ичларида жазирама иссиққа лаънатлар ўқишарди. Мен кутган одам иккита шериги билан чиқиб келди, улар нима ҳақдадир қизгин суҳбатлашар ва бир-бирларининг елкаларига қоқар эдилар. У ўша кўк пиджакда эди. У кўчани кесиб ўтди, ўз эгаларига мунтазир турган машиналар турган жойга қараб йўл олди ва оч-яшил рангдаги кичик ҳажмли машинага ўтирди. Мен уни олдинга ўтказиб юбордим ва изидан эргашдим. Яхшиямки, бу пайтда ҳаракат сийрак эди. Шу тариқа биз Сан-Пау касалхонасига етиб бордик, у ерда “нишон” бир оз холи жой қидириб айланган бўлди, машинасини тўхтатди, эшикларни ёпиб қўйди ва машина ичида ечган пиджани яна кийиб олди. Ўзидан мамнун бўлганча у битта-битта одимлаб борарди. Мен шалоқ аравани тўғри келган жойда қолдирдим-да, кўзимга қора кўзойнак тақиб, унинг ортидан қолмадим. “Нишон” газета сотиб олди ва йўлка ўртасида тик турганча уни варақлай бошлади, сўнг текис қилиб буклади-да, қўлтигига суқди.

Мен нариги томонда тўхтадим ва сигарета тутатдим, бундан кейин нима қилишни билмасдим. Нима бўлганда ҳам у билан гаплашиш керак. Орқам ҳўл бўлиб кетди, юрагим гурс-гурс урарди, қўлларимни тер босди. “Нишон” табиий гулли туваклар қўйилган ва почта қутилари осиглиқ ҳашамдор йўлакка кириб кетгач, мен йўлни зумда кесиб ўтдим. Пастда дарбон хотин йўқ эди. Мен бояги одамни лифтда қувиб етдим. У эшикни ушлаб турарди ва танимасдан мени ўтказиб юборди.

– Сизга қайси қават?

Мен индамай тугмачани босдим ва кўзойнагимни ечдим. Лифт кўтарила бошлади ва шунда у менга разм солди.

– Сиз...

Мен тугмачани босгандим, лифт ғийқиллаб тўхтади.

– Ҳа, бу менман.

– Яъни...

Мен у томон бир қадам ташладим-да, кўксидан чангалладим ва иложи борича таҳдидли овозда:

– Кеча чек билан нима бўлганди ўзи?– дея сўроққа тутдим.

Мен асабийлаша бошладим, чунки ҳар дақиқада кимдир лифт қаватлар орасида осилиб қолганини пайқашни мумкин эди-да. Шошилмоқ керак.

– Қанақа чек? Тушунмадим, ўзи нима гап?

Мен уни қимир этмаслиги учун деворга қаттиқ қисдим. У ўлгудай қўрқиб кетди.

– Бўпти, бўпти, ўзингни олиб қочма. Гап нимадалигини жуда яхши биласан... Кеча тўланмай қолган юз мингга чек. Нега полицияга кўнғироқ қилдинг?

– Менга қаранг, мен... У ерда баъзи чала нарсалар бор эди... Имзо чеккан одам...

– Андреу Рудергесми?

– Ҳа, ҳа, айнан сеньор Рудергес бизни огоҳлантирган эдики, унинг хизматчиларидан бири, Видал, ҳа, Энрик Видал чекни ўғирлабди. Сиз пайдо бўлишингиз билан полицияга қўнғироқ қилишимизни буюрди...

– Қачон айтганди буни?

– Чоршанба куни эрталаб.

– Телефонданми?

– Йўқ, бундай нарсалар ҳақида ёзма равишда айтиш ва шахсий имзосини қўйиш керак бўлади...

– Демак, сен уни кўргансан?

– Ҳа, сеньор, ҳа.

– У қанақа кийимда эди? Уни олдин кўрганмидинг?

– Ҳа, сеньор Рудергес – бизнинг доимий мижозимиз, мен уни кўп марта кўрганман. Шунда мени маъмур чақириб қолди ва айтдики, борди-ю, мана шу исмга чек кўрсатишса (чекларни текшириш – менинг вазифам), зудлик билан полицияга қўнғироқ қилинсин... Сеньор Рудергес сизни таърифлаб берганди...

Унинг аъзойи бадани қалт-қалт титрарди. Мен тугмачани босдим ва лифт оҳиста пастга шўнғиди. Шўрликнинг пешанасида тер доналари пайдо бўлди. Менда ҳам.

Мен кабинадан отилиб чиқдим-у, ортимдан ташланишидан аввалроқ “юриш” тугмачасини, сўнг эса тўхташ тугмачасини босдим. Бечора қаватлар орасида осилганча қолаверди.

Лифтдан асабий қўнғироқ овози қулоққа чалинарди, бироқ шўрликни то лифтдан чиқариб олгунларича мен машинага чиқиб олдим.

Ножойиз жойга машина қўйганим учун менга жарима солишди.

Бебелни кўриб, Перис ҳеч нима демади. Қизни вақтинчалик бу ердан йўқотишга тўғри келди.

– Бор, ўйна, қизалоқ. Менинг ишларим бор.

Перис унинг орқасидан қараб қолди, тирсаги билан мени туртди ва маънодор им қоқди:

– Роса чарчагандирсан?

– Нима бўлди?

– Нимаиди?

– Бунча шошиш зарурмиди? Миландан мен телеграмма олдим.

Рудергес менга бу ерга бир кун олдин келишни буюрганди. Мен телбаларча ошиқардим.

– Ҳа. Бугун эрталаб Андреу телефон қилиб айтдики, биз иккаламиз Лионда албатта учрашимиз керак экан. Менда машина тайёр эмасди, шошилишга тўғри келди. Ўзингдан қолар гап йўқ, катта ишлар билан шугулланган одамлар ҳар доим бир оз томи кетган бўладилар...

Сўхбат “Отель-де-ля-Виль” қаҳвахонасида бўлмоқда эди. Перис ола-була қўйлак ва очиқ рангли шимда эди.

– Истасанг, машинага борайлик. У гаражимда турибди.

Биз йўлга тушдик. Перис тўғри келган одамни йўлдан урадиган кишилар тоифасидан. Ўзига ишонган ва манман, у ҳамма ҳақида сўкиб-сўзлаб гапирар, жанжалга-ку, суяги йўқ. Қисқа қилиб айтганда, ярамас нусха.

Биз машина рақамларини ўзгарттирдик, мен Перисга калитларни топширдим ва энди хайр-хўш қилмоқчи бўлганимизда, у:

– Нишонлаш керакмиди... – деб айтиб қолди:

– Тўғриси айтганда...

– Бир сўз ҳам ортиқча. Сенинг ёлғиз эмаслигингни пайқамаганим деб ўйлайсанми? – Қизиқ, нима учун у мени “сен”лаб гапира бошляпти? – Дарвоқе, шарт эмас. Истасанг, қизни ўзинг билан олиб олишинг мумкин. Кетдик, кийимларимизни алмаштирайлик, мен бир жазман қизимга кўнғироқ қиламан ва бирон жойда кечлик қилиб оламиз. Бу ерда бир жойни биламан, у ерда тамадди қилиб олгандан кейин яхшилаб дилхушлик қилса бўлади... Ҳа, бу ер сенга уйинг эмас.

Гарчи боришга сира кўнглим бўлмаса-да, мен рози бўлдим. Бебелга мана бундай тушунтиришга тўғри келди:

– Биласанми, яхши мижоз, улар билан муносабатни бузиш тўғри келмайди... Буни ўзинг биласан: бирпас ўтирамиз, кейин эса, хоҳласанг биргаликда...

Биз меҳмонхона саҳнида учрашдик. Перис эгнига деярли оппоқ костюм кийиб олган, катта ола-була галстук таққан ва ундан атир ҳиди анқиб турарди.

– Ҳозир бир сеньорита келиши керак, бизга улфат бўлади... агар йўқ демасангиз, – у Бебелга соф французчада мурожаат қилди.

Кечлик таомга гап йўқ эди. Перис ҳаддан ортиқ ичиб юборди, унинг Луиза исмли француз жазмани эса гирт суюқоёқ экан. У тўхтовсиз жаврарди, Бебель нима қилишини билмас, мен ҳам ундан кам ҳайратда эмасдим.

– Ишимиз ёмон эмас, – каловланиб, мужмалланди Перис. Энди у француз тилини ҳам, қизларни ҳам, ресторанны ҳам, пулдан бошқа ҳаммасини унутиб каталончада гапирарди. – Даромадли иш. Сен ёмон топмаяпсан, мен ҳам, аммо ҳақиқий мўмай пулни анча юқоридагилар топади. Итваччалар, ҳамма нарсадан шилишади. Бир ифлосни кўриб қолишса, мана шу Перис қилган дейишади. Перис унақа, Перис бунақа. Перис эса, “ҳа, сеньор, йўқ, сеньор”дан бошқани билмайди. Аммо улар ҳали мени кўп эслашади. Қачондир булар бари жонимга тегар, ўшанда уларнинг обрўсига ҳам, уларнинг прокурадорларию<sup>1</sup> вазирлари билан алоқалари, мансаблари ва танишликларига ҳам тупураман. Ҳаммасини асфаласофилинга жўнатаман, ҳа, билиб кўйинглар, аблаҳлар! Ҳали сенларга гапирадиган гапларим кўп.

Кейин, Барселонага борганимизда бу гапларнинг маъносини тушундим. Аммо унда кеч бўлганди. Ўшанда унча эътибор бермай тинглаганим. Биз дабдабали “бир жойда” ўтирган эдик, у ерда смокингдаги официантлар ҳам, қизчалар ҳам бор эди. Перис бир шиша виски буюрди.

– Яшашинг ёмон эмас, ҳеч бўлмаса шундан фойдаланиб қолиш керак, нима дейсан?

Мен ҳеч нарсани ўйламаётганим, қаттиқ чарчадим, ухлашни истардим, эрталаб эса – яна рулда бўламан. Бундан ташқари, мен бир нарсдан ташвишда эдим, машина алмаштирилганини Бебель сезиб қолмасмикан? Ўзи ёмон қиз эмас, аммо уни ишларга аралаштириш тўғри келмасди. Бизнинг муносабатларимиз аниқ: шерикликда маза қилиб саёҳат қилиш, тамом-вассалом.

– Маблағдан унумли фойдаланиш, ҳа, сеньор... Рудергес буларнинг барини менга таклиф қилганида, мен пул яхши нарса-ку, айниқса,

<sup>1</sup> Франкочилар ҳукумат аъзоси.

Швейцарияда у жудаям керак, деб жавоб бергандим. Бу ерда ҳеч қачон бўҳрон ҳам, пул алмашиш ҳам, бошқа бало-баттарлар ҳам бўлмайди. Сенга этади дейсанми? Ҳар доим этади дейсанми? Бу ерда яшаб кўрчи, ёнингда қанча пул бўларкан!..

Мен Луиза билан рақс тушардим, у менга бутунлай осилиб олганди, аллақандай иш ҳақида вайсарди, кейин эса бўйнимдан тишлай бошлади. Бу менга ёқмади, кейинги танишувдан бош тортдим.

– Швейцария менга ёқади. Аммо уни Францияга тенглаштириб бўлмайди. Ҳеч Парижда бўлганмисан? Ана уни шаҳар деса бўлади! Айниқса, аёлларни айтмайсанми! Мен у ерда тез-тез бўлиб тураман, Парижда. Винтертур – ўлик шаҳар. У ерда одамларнинг билган нарсаси ишлаш, овқат ейиш ва ухлаш. Агар чиройли яшамоқчи бўлсанг, Парижга боришинг керак.

Бebelъ азбаройи чарчаганидан ўзини ташлаб юборай дерди. Мен турдим-да, уни етаклаб кетдим.

– Бўпти, Перис, энди кетайлик.

– Ҳали эрта-ку?

– Эртага биз кетамиз. Мен Барселонага ошиқаяпман...

– Энди ошиқмаса ҳам бўлади. Ҳамма ишлар қилиб бўлинди. Бу ерда яна тура тур. Йўқ демасанг, қизларни ташлаймиз-да, бир жойга борамиз...

– Қанийди боролганимда, дўстим. Бирон бошқа вақтда, хўпми? Иш барибир – иш. Кейин, мен ҳали пул олишим керак...

– Бўпти, кетавер. Буни қаранглар... Олиш ҳам гап бўлибдими. Эҳтиёт бўл, тагин чув тушириб кетишмасин.

– Ҳа, ҳа, бўлмаса-чи.

– Балки, қоларсан? Бир кун минг кун бўлмас, ахир...

– Йўқ.

Мени қолдиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб, у қўлимдан ушлаб олди, бироқ мен юлқиниб чиқдим-да:

– Хайр, кўришгунча, – дедим.

Сеньора Нурия истиқомат қиладиган масканга олиб борувчи йўлда сешанба куни тунда Лионда Перис билан хайрлашувни эсладим. Ўша оқшом мен Периснинг сўзларини негадир тезда эсдан чиқарган эдим, энди бўлса улар қулоғим остида жарангларди. У дерди:

– Анави нусхаларни кўрганингда, мендан салом деб қўй. Рудергесга айт, келсин, у билан Цюрихга борамиз, хонимнинг олдига. Нимаиди... ҳаҳ... Рудергес биледи; қизларнинг олдига-да... Балки ўшанда эслар у эски дўстларини, димоғидан тушар ва сеньорлар Румагоза ва шунга ўхшаганларни ўз ҳолига қўяр...

Агар Румагоза исми бўлмаганда, буни қуруқ вайсаш деб атаса ҳам бўлаверарди.

Чўккан чўпга ёпишгандек, мен ҳам уни маҳкам ушлаб олгандим.

Банк хизматчиси Рудергесни чоршанба куни эрталаб кўрганини айтди. Мен уни пайшанба оқшоми ўлик ҳолда топдим. Эҳтимол, бечорани айнан пайшанбада ўлдиришгандир. Ушанда, агар полиция қотиллик куни ва соатини белгилаган бўлса, менда ҳеч қандай айб йўқ.

Тўсатдан миямга бир фикр келганда мен бешинчи квартал кўчаларининг энсиз йўлларида одимлаб борардим. Рудергес чўнтагидан топилган ишончномани очиб, у ерда менга нотаниш бўлган манзилни кўрдим. Жулия унинг дўстининг Пасео-де-Грасиа

қуйи қисмида қаердадир бұш ётган квартирси бор деганди. Мана бу манзил эса бешинчи округ ва Сарья оралиғидаги Сант-Жервази кўчасига бошлар эди. Мен чаққонлик қилдим, машинани автомобиллар оқимидан олиб чиқдим, бу оқим мени нарироққа, Оспитал кўчасига тортарди ва ишончномада кўрсатилган манзил бўйича кетдим. Гарчи манзил фақат кўзни чалғитиш учун бўлса-да, ўйин чакки эмасди.

Худди шундай бўлиб чиқди ҳам.

Девор ва боғ-роғли замонавий уй — вилла, пастки қават ва зинапоя валенсия кошинлари билан безатилган. Боғда турфа гуллар тўла: ёронгул, чирмовуқ, атиргуллар. Ҳаммаси батартиб, ороланган. Эшикни саккиз ёшлардаги қизалоқ очди.

— Сеньор Рудергес шу ерда турадимиз?

— Нима? Бирпас шошмай тулинг, ҳозир онам чиқади.

Мен ўн дақиқача кутдим, битта сигарета чекиб ташладим ва иккинчисини чека бошлаганимда бўсағада эгнига халат кийган ўтгиз ёшлардаги аёл пайдо бўлди.

— Сизга ким керак?

— Сеньор Рудергес шу ерда турадимиз?

— Йўқ, бу ерда унақа одам йўқ...

— Ахир менга шу манзилни беришди...

— Улар кўчиб кетишган. Анча бўлди.

— Уларни қандай топсам бўлади, мабодо, айта олмайсизми? Биласизми, шошилинич иш бор эди...

— Менда манзили бор, аммо хотининики... Сизга қандай айтсам экан... уларнинг бу ердан кўчиб кетишгани — улар ажрашишган. Рудергесни бир марта ҳам кўрмаганман, бироқ хотини ҳар эҳтимолга қарши менга янги манзилни қолдирганди, агар хат-пат бўлса... Шошманг, қидириб кўрай.

Беш дақиқача кутишимга тўғри келди, аммо мен гоят мамнун эдим. Эҳтимол, Рудергеснинг хотини, гарчи эри билан турмаса ҳам, кўп қизиқ нарсаларни айтиши мумкин, масалан, собиқ эрининг ошналари исмларини; балки бу кўнглимдаги шубҳаларни тарқатишга ёрдам берар.

Аёл Испания майдони ёнида яшарди. Эшикни кўринишидан каталон бўлмаган оқсоч очди.

— Сеньора Рудергес уйдами?

— Ким сўраяпти уни?

— Айтинг, бир дўсти келган... йўқ, яхшиси мен унинг эри билан боғлиқ бир иш билан келганимни айтинг.

Мезбон узоқ куттириб қўймади. У малласоч, баланд бўйли, яхши кийинган хотин эди. Аммо юзи отжағ, кўзлари эса ёвузларча боқарди.

Мен ундан олдин отни қамчиладим:

— Сиз сеньора Рудергесмисиз?

— Сизга нима керак?

Суҳбатимиз қовушмади. Меҳмонхона бўлмада суҳбатлашиш ундан кўра ёқимлироқ бўларди. Мени ичкарига олишади, файзли муҳит ишонч билан суҳбат қилишга ёрдам беради, Рудергеснинг ўлими ҳақидаги даракни эшитиб, аёл даҳшатга тушади, деб ўйлаган эдим. Аммо мана бунақа бўсағада туриб мен ҳеч нарса айта олмас эдим ва нима қилишимни билмай чайналдим; охири таваккал қилдим:

— Мен... қандай айтсам экан... эрингизнинг мижозиман. Кеча у мендан қарзга олган пулни олишим керак эди, аммо уни тополмадим. Идора ёпиқ... Балки, сиз...

Ҳа-да, бошламаси ёмон чиқмади. Ҳар ҳолда, аёл гапимга ишонгандек эди.

– Яна қанақа идора?

– Қанақа бўларди, Фунтанелья кўчасидаги-да!

– Ҳа-а!

Йўқ, ҳеч нарса чиқмади, мен хато қилдим. Афтидан, аёл идора ҳақидаги тасаввурга эга эмасди... Бундай ҳолда ундан нимани ҳам билиб бўларди? Мен мавзуни давом эттирдим, аммо энди ҳеч қандай муваффақиятга умид қилмаётгандим.

– Балки улар у ердан кўчиб кетишгандир...

– Мен... эрим, — деди аёл нафрат билан, — эрим билан аллақачон ажрашиб кетганмиз. Билмадим, сизга бизнинг манзилимиз қандай тушиб қолибди; нима бўлганда ҳам у бу ерда яшамайди ва ўзингиз билгандек, у ўз ишлари ҳақида ҳам, қарзлари ҳақида ҳам менга ҳеч нима хабар қилмайди, бу мутлақо ортиқча нарсалар...

Аёл суҳбатлашишдан астойдил бош тортишга ҳаракат қиларди ва эшикни ёпмоқчи бўлди, аммо мен ишора билан уни тўхтатдим:

– Балки унинг қаерда яшаётганини сиз биларсиз?

– Афсуски, йўқ.

Эшик ёпилай деганда мен яна бир ҳаракат қилиб кўрдим:

– Сиз сеньора Румагозани танийсиз, у эрингиз билан ишлайди ва балки...

Бу сўзларни эшитиб, аёл сесканиб тушди ва ранги докадек оқарди. Эшик қайта очилди.

– Румагоза дедингизми?

– Ҳа.

– Жауме Румагозами?

– Ҳа-да, унинг ошнаси.

– Шошмай тулинг-чи.

Баланд пошналарида чайқалганча аёл ичкарига кириб кетди. Мен энди сигарета тутатаман деб турганимда аёл яна қаршимда пайдо бўлди.

– Менинг билишимча, сеньор Румагоза эрим билан ҳеч қандай муносабатда бўлмаган, аммо агар сиз у билан гаплашмоқчи бўлсангиз...

– Ҳа-ҳа, бўлмаса-чи.

– Мен сизга манзилини бераман.

Бу аёл ниманидир яшираётганди: асаблари таранг ҳолга келгани кўриниб турарди. У бир парча қоғозга исм ва манзилни ёзди-да, менга узатди. Сеньор Рудергес хотини билан нега ажрашгани энди тушунарли: бу сеньора мен хизмат қилганим саҳро каби қуруқ ва бийдай эди. Мен раҳмат айтишга ҳам улгурмадим: эшик нақ юзимга қарсиллаб ёпилди.

Манзил мени қарийб шаҳар ташқарисида жойлашган Вальвидрерадаги уйга олиб келди. Қанақа уй денг! Бу авангардча усулда қурилган ва худди америка фильмидагидек боғ билан қуршалган чинакам қаср эди. Аммо ҳозир мени уй эмас, унинг эгаси қизиқтирарди. Борди-ю, Румагоза мен ўйлагандек одам бўлиб чиқса, менда унинг турар жойини кўриб чиқиш имкони бўлар эди. Бироқ гишт қолипдан кўчганди. Эшикни дум-думалоқ, мўйловдор кекса хизматкор хотин очди. Сизни қаранг-у, сеньор уйда йўқ, ёзда у ҳар доим кетиб қолади. Менинг бундан беҳабарлигим уни таажжубга ҳам солди. Қаёққа кетган? Одатдагидек, Калельяга-да. Калелья-де-Палафружелга, сеньорнинг бутун оиласи туғилган маскан, хотиннинг ўзи ҳам ўша ерлик. Аммо манзил, афсуски, йўқ.

– Сиз уни топишингиз қийин эмас. Унинг қаерда туришини у ерда ҳамма билади.

Албатта, мен янглишгандирман, аммо исм ўша-ўша эди. Бунименга Лионда Перис айтиб берганди, бунименга Рудергес тасдиқлаганди. Мен ўйланиб қолдим, Румагоза – Рудергесга ўхшаган майда балиқча ва бирданига мана бунақа қаср! Ҳолбуки, бу унчалик муҳим эмасди. Асосийси, энди унинг кимлигини мен билардим.

Мен сенъора Нурия турар жойига қайтиб келганимда, Бебель бўларича бўлган эди.

– Кун бўйи қаерларда қолиб кетдинг? – менга ташланиб қолди у.

– Ҳеч қаерда. Фақат вақтим беҳуда кетди.

– Овқатландингми?

– Йўқ, қароғим. Овқатланганим йўқ.

– Бирон янгилик борми?

– Бир дунё. Аммо ишларим жуда пачава.

– Нега?

– Мен банкдаги полицияга қўнғироқ қилган йигитча билан гаплашдим.

Унинг менга ҳикоя қилишига қараганда, Рудергесни ҳали топишганича йўқ. Унинг ўзи ҳеч нарса билмайди ва бир кун олдин Рудергес гўё чек ўғирланганини айтгани учун полицияга қўнғироқ қилган.

– Демак...

– Икки нарса бор: биринчидан, бу муттаҳамлар Рудергес ўлдирилишидан олдин пулларни биргаликда ўмаришга қарор қилишган; иккинчидан, Рудергес чоршанба куни эрталаб тирик бўлган. Иккинчи фикр бизга яраб қолиши мумкин, нима учунлигини ҳозирча ўзим билмайман.

– Кейин-чи?

– Кейин мен сенъор Рудергес ҳузурига йўл олдим.

– Ахир ўзинг айтмаганмидинг, улар бирга туришмас экан деб?

– Улар бирга туришмайди. Хотини ҳеч балони билмайди, бироқ менга Рудергеснинг дўсти ва мижози манзилени берди, бу одам балки мана бу ишларга бош қўшган...

– Ие?..

– Эртага нима қилмоқчисан?

– Билмадим. Сен нима десанг шу.

– Унда чўмилгани Калелья-де-Палафружелга кетдик, баҳонада соҳилни томоша қиласан.

Мен Бебелни ресторандан сал бўлмаса куч билан судраб чиқдим; Периснинг валақлашлари, аравани қуруқ олиб қочишлари ва қийшанглашлари жонимга тегиб кетганди. Бундан ташқари, мен ҳам ичиб олгандим ва бошим қаттиқ оғрирди.

– Ишлар нима бўлди? – сўради Бебель кўчага чиққач.

– Тағин қанақа ишлар?

– Ахир ўша энг яхши мижоз шу эмасмиди?

– Ҳа, нимаиди?

– Нимаидинг нимаси? Сен унга ҳайвонларча муомалада бўлдинг-ку.

– Унга шундай қилиш керак эди. Писмиқ.

– У ҳеч қанақа ишбилармон эмас – учига чиққан сурбет.

– Сен нима деб ўйловдинг? Ишбилармон одамлар ҳар доим сурбет бўлишади, буларни миянгдан чиқариб ташла.

Бироқ Бебель тиниб-тинчимаётганди. Отелга келишимиз биланоқ у яна сўради:

– Сенинг мижозингнинг жаҳли чиқмайдими?

– Нималар деяпсан, бу ёғидан хотиржам бўл.

– Шундай яхши мижозларни йўқотишингни истамаган бўлардим.

Сўнги сўзларда киноя бор эди.

– Айтдим-ку, хотиржам бўл деб. Бу менинг ишим.

– Шундай одамлар билан сенинг қандай ишинг бўларди?

– Бас қил.

– Энрик, жаҳлинг чиқмасин.

– Савол беришни тўхтат – жаҳлим чиқмайди. Жонимга тегаверсанг, сени зўрлаб олиб қололмайман. Тушундингми?

– Кечир, бошқа бўлмайди. Бундоқ олиб қараганда, менга нима ўзи.

Кечгача Барселонага етиб олиш учун эртасига анча эрта турдик. Бахтимга, кеча Бебель ҳам ичганди, уйқусираганча машинага ўтирди ва ҳеч қанақа ўзгаришни пайқамади. Нима бўлганда ҳам менга шундай туюлди.

Овқатланиш учун биз Монпельяда тўхтадик. Шаҳарда шимолдан келган саёҳлар тўлиб-тошиб ётарди, улар каталон офтобида тоблангани кетмоқда эдилар, шунинг учун божхонадан ўтиб олиш қийин бўлмади. Ҳатто машинадан тушиб ҳам ўтирмадик. Полициячилар хўжатларимизни текширишди, Бебельнинг паспортини икки марта текширишди, қизнинг ўзига диққат билан разм солишди, менга тушунганнамо жилмайиб қўйишди ва ўтказиб юборишди. Бу ёғига биз саргузаштларсиз кетдик.

Бироқ Жеронага келгач, Бебель нима бўлса ҳам маҳаллий жомени томоша қилишни хоҳлаб қолди. Мен бутунлай ҳолдан тойгандим, чунки ўтган тунда бир соат ҳам мижжа қоқмагандим, бошим тарс ёрилай дерди. Биз тўхтадик, жомени томоша қилдик ва бир тун шаҳарда қолдик.

Барселонада Фунтанелья кўчасига қўнғироқ қилишга ҳаракат қилиб кўрдим, аммо у ерда ҳеч ким жавоб бермади. Афтидан, ҳамма тарқалиб бўлганди.

Шунда идоранинг бўм-бўшлиги, ерда эса Рудергеснинг жасади ётганини хаёлимга ҳам келтиролмасдим.

Соҳилда нина ташласанг, ерга тушмайди. Мен Бебельни қўлинг ўргулсин бикинида<sup>1</sup> ўша ерда қолдирдим, уни чўмилиш учун барча зарурий ашёлар билан таъминладим-да, шаҳарчага йўл олдим. Шаҳар кенгаши биноси олдида икки полициячи ўтирарди, улар менинг қандай тормоз берганим-у, машинадан тушишимни кузатиб турардилар!

– Салом.

– Салом. Нима янгиликлар бор?

– Ўша-да, сенъор Румагозани қидираяпман.

– Нима-нима?

– Румагозани, Барселоналик. У бу ерга ҳар ёзда келади. Менга шу ерда унинг вилласи бор дейишганди.

Мен билан гаплашаётган полициячи бош кийимини боши орқасига сурди-да, елка қисиб:

– Бу ерда ёзда кўп одам бўлади, – деди.

– Менга уни бу ерда ҳамма танийди, деб айтишганди... Румагоза, Жауме Румагоза.

– Бир дақиқа тўхтаб туринг.

У оғир кўтарилди, шимини тортиб қўйди ва эшик ортига ғойиб бўлди, бироқ кўп ўтмай яна пайдо бўлди.

– Сизга, эҳтимол, Льебейж вилласидаги Жауме керакдир? Тўғрига юрасиз, сўнг ўннга буриласиз. У ўша ерда. Сўрайсиз: Льебейж вилласи десангиз, сизга дарҳол кўрсатиб юборишади.

<sup>1</sup> Бикини – чўмилиш кийими.



Йўл дегани яқинда асфальтланган, қайинлар ўтқазилган шоссе бўлиб чиқди. Кўрғоннинг ўзи катта томорқа билан қуршалган эди. Қаёққа қараманг, ҳамма жойда гуллар, майсазорлар, ҳайкаллар — умуман, чиройли ҳаёт учун керакли ҳамма нарса бор. Мен янглишганимга тобора имоним комил бўлмоқда эди. Рудергес билан ишлайдиган ўша Румагоза бундай катта дабдабанинг эгаси бўлиши мумкин эмасди. Ўшандай бўлиб чиқса-чи?

Уй — хаёлдагина этилган ҳақиқий орзу. Оппоқ кабутардек қанотларини кенг ёзиб, учишга шай турибди. Уй эмас, нақ мўъжиза! Катта эшик олдида — бир нечта ярқираган автомобиль турарди. Ўзимнинг шалоқ аравамни ўйлаб ҳатто уялиб кетдим. Шу пайт юнга либоси кийган, юзи тунд дарбон олдимга келди.

— Салом, — дейман аста. Кир ювиш машиналари сотиш бўйича агентнинг қуйиб қўйгандек ўзи. У “салом” дегандек нимадир деб гўлдираб қўйди, менга нафратомуз разм солди ва совуқ оҳангда сўради:

— Сизга нима керак?

— Жауме Румагоза билан гаплашмоқчиман. — Гўё Жауме менинг энг яхши дўстимдай атайлаб хўжайиннинг исмини тилга олдим.

— Сеньор Румагоза ҳозир йўқлар, — “сеньор” сўзига ургу бериб менга маълум қилди.

— Йўғ-е? Менга шу ердалар деб айтишди-ку.

— Ким айтди сизга?

— Нима ишингиз бор?

— Менга кўрсатма берилган. Сизга ўхшаганларнинг бу ерда қиладиган ишлари йўқ.

— Бунга хўжайинингиз ҳал қилиши керак, дурустими?

— Нима керак, нима йўқ, бунга хўжайин яхши билади.

— Демак, у мен билан гаплашиш кераклигини билади.

— Сеньор, ҳозир йўқ дедим-ку.

— Қачон бўладилар?

— Сиз учун — ҳеч қачон.

— Унда айтиб қўйинг, мен бизнинг умумий танишимиз Рудергес ҳақида гаплашгани келганман. Исмини яхшилаб эсда сақлаб қолинг: Рудергес. Хўжайин унга қизиқади, мен биламан.

— Хўжайин ҳозир йўқлар.

Бу жонимга тегиб кетди.

— Менга қаранг, билагон, ҳозир борасиз-да, Румагоза олдида тиз чўкаси ва мен у билан гаплашмоқчилигимни айтасиз.

Дарбон негадир иккиланаётганди. Бечора мендан анча пастроқ ва нимжонроқ эди. Билмадим, пировардида у бирдан инсофга келди — таҳдидли овозданми ё нима бўлганда ҳам у ўтирилди-да, дарвоза ортида ғойиб бўлди.

Уйнинг чап ёнидаги ҳовуз бўйида ўтлоқзорда олти одам офтобда тобланиш ва у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди. Кўринишидан энгилтак икки қиз қандайдир урфий оҳангдаги куйга монанд рақс тушар эди. Мен сигарета тутатдим. Юнга либосидаги йигит ярим соатдан кейин оқ костюм кийган паст бўйли озгин йигит ҳамроҳлигида қайтиб келди.

— Нима керак сизга? — сўради оқ костюмдаги нусха мендан.

— Сиз Румагозамисиз?

— Мен унинг котибиман, Марти. Хизматингизга тайёрман.

— Энрик Видал.

Биз кўришдик. Унинг қўли латтадай юмшоқ эди. Денгизчи либосидаги йигит ғойиб бўлди.

- Мен хўжайин билан гаплашмоқчи эдим.
- Сеньор ҳозир йўқлар. Бироқ муҳимроқ бир ишингиз бўлса, мен унга албатта айтаман.
- Йўқ, мен унинг ўзи билан гаплашишим керак.
- Аммо мен сеньор Румагозанинг шахсий котибиман. Мен унга ишонқирамай синчковлик билан қарадим.
- Гап бизнинг умумий дўстимиз Рудергес устида кетаётир.
- Рудергес? Ҳеч эшитмаган эканман...
- Аммо хўжайининг эшитган. Мен унга Рудергес ҳақида қизиқ бир нарса айтмоқчиман.
- Мен унга етказаман, сеньор Видал.
- Қачон?
- Албатта, бугун кечқурун.
- Соат нечада келиши мумкин?
- Аввал кўнғироқ қилинг. Билмадим, сеньор сиз билан гаплашишни истармикан.
- Исташига ишончим комил.
- Нима бўлганда ҳам кўнғироқ қилиш лозим. Балки бугун у қайтмас.
- Бўпти, кўнғироқ қиламан. Рақамни беринг. Соат нечада кўнғироқ қилсам бўлади?
- Еттиларда. Мартидан сўранг.
- Дуруст.

У менга карточка қолдирди-да, кетди. Қизлар фаввора атрофида чарх урар эдилар. Бу жаннатий гўшани тарк этишга кўзим қиймаётганди. Аммо бир нарсани мен энди аниқ билардим: бу қадар қаттиқ яшириниб олган одамнинг виждони пок эмас.

Мен машинага ўтириб, энди кўзгалай деганимда кўзим юнганинг тунд чехрасига тушди. Мен уни беғараз сўкиб қўйдим-да, кетдим.

Барселонага тушга яқин қайтиб келдик. Мен опамнинг ҳузурига Бебель билан бирга бора олмас эдим, бунинг устига калитларим ҳам йўқ эди. Шу боис биринчи навбатда бошпана қидириб топиш билан шуғулланишга тўғри келди. Биз ярим шаҳарни айланиб чиқдик, бироқ ҳамма жойда битта гапни эшитардик: “Жой йўқ, ўзингиз биласиз, мавсум...” Ниҳоят, узоқ оворагарчиликдан сўнг Гран-Виадаги тинч бир меҳмонхонага жойлашишга муваффақ бўлдик. Мен жомадонларни номерга олиб чиқишларини буюрдим, юқорига ўзим чиқдим, кийимларимни алмаштирдим ва Бебелни айланиб келгани юбордим.

– Мен идорага боришим керак. Ўзинг овқатланарсан, кеч келаман, олтиларда. Истасанг, шаҳар айланишинг мумкин. Ма, ушла, – деб унга пул бердим ва кетдим. Соат уч эди. Идора очиқ экан, аммо кўнғироққа ҳеч ким жавоб бермади. Мен эшикни итардим.

Қабулхона бўм-бўш эди: барча мебелларни у ердан олиб чиқишганди. Ерда саргайиб кетган газета парчалари сочилиб ётарди – кўчиб ўтгандан кейин бўш хоналарда ҳар доим шунақа нарсалар қоларди. Олтмиш шамли яланғоч лампочка дағал сарғиш деворга, сийқаланган яшил полга ва Рудергеснинг жонсиз танасига хира нур сочиб турарди.

*Давоми бор*

---

---

Хулио КОРТАСАР

## Ҳикоялар

### АВТОБУС

– **А**гар малол келмаса, қайтишингизда менга “Оила”ни ола келинг, – дея илтимос қилди сеньора Роберта креслода чайқаларкан.

Клара силжима столчага дориларни териб қўйди ва хонани бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Ҳамма нарса жойида, Матильда сеньорага қараб ўтиради, оқсоч нима қилиш кераклигини ўзи билади. Энди кетавериш, кун бўйи то тунга қадар бемалол юриш мумкин, дугонаси Кларани кутаяпти, дугоналар мириқиб гаплашади, радио тинглашади, соат беш яримда шоколадли конфетлар билан ширин чой ичишади.

Соат иккида, халқ ҳали муассасаларга ёпирилиб келмаган маҳал Вилья-дель-Паркда бирор кимса кўринмас, кўча ҳувиллаб турар ва ёп-ёруғ эди. Клара пошналарини шахдам тақиллатганича дарахларнинг узун-узун соялари орасидан йўлига кўндаланг бўлган ноябрь куёшидан қувониб, Тинагаст ва Самудьодан тушиб келди. Қиз Сан-Мартин ва Ногойя муюлишида 168-автобусни кутаркан, боши узра чумчуқлар патиллашиб уришаётганини эшитди, Флоренция услувида ишланган ибодатхона минораси унга қип-қизил ва бошни айлантиргудай баланд туюлди. Ёнидан соатсоз дон Луис ўтди, унга таъзим қилди, бу билан илк бора қизнинг келишган қадди-қоматига, қаймоқранг кофтасининг оппоқ ёқаси ва айниқса, янги бошмоқларда чиройли кўринган оёқларига баҳо бергандай бўлди. Хилват кўчадан автобус физиллаб келди ва пешиндан кейинги жимжит муюлишда улов тўхтатган ягона йўловчи қизга эшикларини очаркан, зарда билан пишқирди.

Клара ҳамёни кераксиз майда-чуйдага тўлиб кетганлигидан керакли тангани дарҳол топа қолмади. Миқти кондуктор калта, бесўнақай оёқларини кERGанича бардош билан хўмрайиб кутиб турди. Клара икки марта: “Менга ўн беш песо<sup>1</sup>лик”, – деди, – кондуктор бўлса, худди ажаблангандай, унга тикилиб тураверди. Сўнг унга пуштиранг патта узатди, шунда Кларанинг ёдига болаликдаги шеър мисралари тушди, тахминан мана бундай: “Ке, паттангни бер, пушти ёки ҳаворанг, унга довур қўшигингни айт, бир кўрай”. Қиз мийиғида кулди, қаерга ўтирсамикан, деган ўйда чеккароқдан, эҳтиёт эшигининг олдигинасидан жой топди, деразага яқин ўтирган одамлар ичида соддадиллик билан қувонгани каби у ҳам бундан қувонди. Шунда Клара кондуктор яна ундан кўзини узмай қараб турганини пайқади. Автобус муюлишга етганида, кўприкка яқин жойда бурилиши олдидан Кларага ҳайдовчи ҳам қараб қўйди – орқасига қайрилиб қаради ва нигоҳлари уни қийинчиликсиз топди, чунки қиз бир бурчакка тикилиб олганди. Ҳайдовчи ориқ, сочлари сарғиш бўлиб,

---

<sup>1</sup> П е с о – Аргентина пул бирлиги.

турқи оч одамни эслатарди. Ҳайдовчи кондуктор билан нималарнидир пичирлашди, иккалови яна Кларага, кейин бир-бирларига қараб қўйдилар ва автобус одатдагидай бир силкиниб олиб, Чорроарин бўйлаб гизиллаб кетди.

“Жинними ўзи булар”, – деб ўйлади Клара ҳавотирланиб. Қиз паттани ҳамёнига соларкан, катта чиннигул дастасини кўтариб олган аёл унинг олдига келиб ўтирганини кўрди. Аёл гуллар узра бошини кўтарди, худди яшил бута-девордан мўралаган сигир сингари Кларага мунис назар ташлади. Клара кўзгусини олди ва қош, лабларини кўздан кечира бошлади. Шунда нимадир гарданини қитиқлади, у яна биров сурбетлик билан менга тикиляптими, дея жаҳли чиқиб, зарда билан бошини кўтариб қаради. Кларадан икки сантиметрларча нарида, эгнига ёқалари крахмалланган кўйлак кийиб олган, қўлида кўнгилни беҳузур қиладиган қўланса исли дасторгул дастасини тутган бир чолнинг кўзлари ялтираб турарди. Автобуснинг энг охиридаги узун ва яшил ўриндиқда ўтирганларнинг барининг кўзи Кларада эди, худди унга бир нима илашгану, бу нарса уларни ҳайрон қолдирган ва гашларини келтираётганга ўхшарди, қиз ўзига тикилган нигоҳлардан, димоғига урилган гуллар исидан ўзини йўқотаёзди, муҳими, назарида, мана-мана, бу ҳозир шунчаки ҳазил билан тугайдиганга ўхшарди; масалан, бурнига қорақуя тегди, дейлик. Лекин бурнига ҳеч нима тегмаган, топ-тоза эди; энди ана шу тешиб юборгудай нигоҳлар унга қулгили туюлмади қолди. Назарида Кларага одамлар эмас, гуллар тикилаётганга ўхшаб кетди.

У ўзини жуда ноқулай ҳис этди, ўрнидан сирпангандай сал сурилди ва олдидаги ўриндиқнинг эскиб, ситилиб кетган орқасига, эҳтиёт эшигининг ричагига ва: “Тутқични ўзингизга тортиб, ўрингиздан туринг”, деб ёзилган ёзувга тикилиб қолди – ҳарфлар негадир сўзларга унчалик қовушмаётганга ўхшади. У шу тариқа хотиржам ўгириш имконини қўлга киритди. Автобустагиларнинг янги чиққан йўловчи қизга қарашининг сира ажабланарли жойи йўқ, гуллар қабристонга олиб борилиши табиий-ку ахир – ҳамманинг қўлида гулдаста бўлгани жуда яхши. 168-чи Альвеар қасалхонасини ортда қолдириб кетди, Кларадан ўнг томонда Эстрельянинг яйдоқ ерлари ястаниб ётар, лой-балчиққа беланган тўриқ отлар бўйниларида узилган арқонни судраганларича юрарди. Ҳаттоки қуёш ҳам бу манзарани безай олмаган бўлса-да, Клара кўзларини деразадан ололмаётган эди, фақат икки марта кўз қири билан ёнидагиларга тезгина, ҳадик билан қараб қўйди. Қип-қизил атиргул ва қарнайгуллар, сал нарироқда эса – жирканч, сўлиб қолган, кўкимтир доғ-дуғли, хира пушти, кир келингуллар турарди. Иккита дераза нарида ўтирган йўловчи ( унга бир қараб, бир қарамасдан ўтирди, мана, яна қараяпти, энди қарамаяпти, йўқ, яна қараяпти), қандайдир мижиғланган нарсага зич қилиб босилган деярли қора чиннигулларни ушлаб ўтирарди. Олдинда, ёнбошда ҳам, – бўйи етган қирғийбурун қизлар биргина сунбулагул ва мойчечак дастасини кўтариб олгандилар; гарчанд қизлар унчалик камбағал кўринмасаларда (эгниларидаги жакетлари яхшигина, қат-қат юбка, тиззасигача келадиган оппоқ пайпоқ кийиб олгандилар), қўлларидаги гулдасталари ночор кўринарди, қизлар Кларага тепадан кеккайиб қарадилар. Шу сурбет мишиқи қизлар одамдан кўзларини олар энди, деб Клара ҳам уларга қаради, бироқ тўртга қорачиқ унга тешиб юборгудай тикилди, кондуктор ҳам Кларадан кўзини узмади, чиннигул кўтариб олган одам ҳам назар солди, бу гуллардан гардани қизиб кетаёзди, ёқаси крахмалланган чол ҳам бурни ерга теккудай, энгашиб унга тикилди,

ёнидаги ўспиринлар ҳам улардан қолишмади, — мана, Патерналь бекати, ким ўн песолик патта олган бўлса, тушсин.

Ҳеч ким тушмади. Бир одам автобустга чаққонлик билан ирғиб чиқди ва йўлида қўлларига қараб, уни кутиб турган кондуктор қаршисига келиб, туриб олди. Йўловчи ўнг қўлида чақа, чап қўли билан пиджагини тортиб тўғрилади. Янги йўловчи ўзига тикилган нигоҳларга эътибор бермай, бир оз тараддуланиб қолди, кейин Клара унинг: “Ўн беш песолик”, деганини эшитди. Худди Кларага ўхшаб, у ҳам ўн беш песолик патта олди. Бироқ кондуктор унга патта бермади. Аксинча янги йўловчи ахири кондукторнинг ўзига қараб турганини пайқаб, чин кўнглидан: “Ўн беш песолик, деяпман-ку!” — демагунича ундан кўзини узмай тикилиб тураверди. Сўнгра йўловчи паттани олди ва кондуктор қайтимини қайтаргунича чиннигуллар ёнидаги бўш жойга “лип” этиб ўтиб олди. Кондуктор йигитга беш сентаво қайтариб берди, худди йўловчининг боши қизиқтираётгандай, унга тепадан қаради; лекин йўловчининг кўзи қора чиннигулларда эди. Гулдаста эгаси янги йўловчининг қараб турганлигини пайқаб, бир-икки марта унга тезгина қайрилиб қаради ва тез ўгирилди, улар ҳали ўзаро тил топишга улгурмасларидан бир-бирларига қарадилар. Сунбулагул кўтариб олган қизлар Кларадан ва автобустга янги чиққан йигитдан кўзларини узмай қонини қайнатди. 168-чи қабристон девори бўйлаб ўтаётиб, ҳамма унга ва Кларага қаради — кўпроқ янги чиққан одамга тикилди, бу одамлар йигитни ва уни, Кларани ҳам нигоҳлари билан тутиб, қўлга олгандай ва уларга, иккита сурбет бир бўлди энди, дегандай қараш қилдилар. Шунақаям бемаънилик бўладими, кап-катта қизлар — анавиларчи, ёшлари бир жойга бориб қолганига қарамасдан гул опкетишяпти, ўзларига ярашадиган ишни қилишса бўлмайдами, тагин тикилиб қарашларини-чи! Клара янги чиққан одамни ана шу нигоҳлардан ҳимоя қилгиси келди, унга нисбатан юрагида сингилларча илиқлик пайдо бўлди. “Икковимиз ҳам ўн беш песолик патта олдик!” — дегиси келди, — айнан шу нарса уларни яқинлаштиргандек эди. Йигитнинг қўлларига нуқиб, унга маслаҳат бергиси, ёрилгиси келди: “Уларни қаранг, шунақаям безбет бўладими, гуллари орасидан ҳам қарашяпти-я, аҳмоқлар!” У Кларанинг ёнига ўтирса, яхши бўларди; бироқ йигит — гарчанд башарасига қайғу-ғам ажиндан чизиқ тортган бўлса-да, ҳали ёш эди, — дастлаб дуч келган жойни эгаллади. Клара ҳам кулиб, ҳам хижолат тортганича манави қизлар ва келингул кўтариб олган холанинг нигоҳларига бардош беришга қарор қилди; ана энди яна чиннигулли одам қизга маъносиз, хира, худди кўпиктош сингари туссиз нигоҳ ташлади. Клара унга тик қаради, назарида вужуди бўм-бўш бўлиб қолгандай бўлди, шунда бирдан автобусдан тушиб кетгиси келди (нима учун ахир? Қўлида гули бўлмагани учунми?). Клара янги йўловчи ҳам ўзини ноқулай ҳис этаётганини сездди, — йигит уёқ-буёққа аланглади ва орқа томонда ўтирган тўрталовига ҳамда дасторгул кўтариб олган чолга кўзи тушди. Чолнинг нигоҳи Клара томонга ўтди, унинг лаблари, иягида бир он тўхтаб қолди. Олдинда кондуктор ҳам, қизлар ҳам, келингулли хола ҳам диққат билан тикилиб турардилар; шунда янги йўловчи гўё уларни тийиб қўймоқчидай ўша ёққа ўгирилиб олди. “У бечоранинг ҳам гули йўқ экан”, — деган бемаъни ўй келди негадир Кларанинг хаёлига. Йигит нима учундир ҳимоясиз кўринар, ўзини ҳар томондан ўраб олаётган совуқ аланга каби нигоҳлардан кўзлари билан ўзини-ўзи мудофаа қилмоқчидай бўларди.

168-чи тик қияликда, қабристоннинг қатор тизилган устунларига етай деганда, икки йўл айрилишида тезликни янада оширди. Қизлар олдинга ўтиб, эшикка яқин туриб олдилар: уларнинг изидан дасторгул, атиргул, келингуллар саф тортди. Қолганлари орқада тикилиши ва Клара деразаси олдида анқиган чучмал ислардан кўнгли озди, лекин ичида шунча одам тушиб кетаётганидан қувонди. Боши узра қора чиннигуллар пайдо бўлди; янги йўловчи ёнидаги одамни ўтказиб юборди ва қовушмайгина, ёнбоши билан Кларанинг олдидаги бўш жойга чўкди. Унинг афти ангори тузуккина эди, очиққўнгил ҳам оддий кўринар ва кўринишидан, чамаси, дорихонадами, бухгалтериядами ёки ҳаттоки конструкторлик бюросида ишларди. Автобус аста тўхтади, эшиклари бир силтаниб, очилди. Янги йўловчи ҳамма тушиб бўлсин, кейин одамга ўхшаб ўтирса бўлади, деган ўйда кутиб турди. Клара ҳам унга ўхшаб, тоқат қилиб кутди ва ичида чиннигуллар, келингулларни тезроқ туша қолишса эди, дея шоширди. Эшик очиқ эди, аммо ҳамма йўлда туриб олганича янги йўловчи билан Кларадан кўз узмасди – тушмасдан, худди ер тагидан шамол туриб, бутун гулдастани чайқатгандай тебранган гуллар орасидан уларга мўралардилар. Ниҳоят атиргуллар, чиннигуллар ҳам, орқа ўтиргичдаги гулдасталар ҳам, қизлар ҳам, дасторгулларини олиб, чол ҳам тушиб кетди. Фақат автобусда Клара билан янги йўловчи қолди ва 168-чи мўжазроқ, дилкашроқ, туссизроқ бўлиб қолди. Клара севиниб кетди ва гарчанд атрофда жой кўп эканлигига қарамай, янги йўловчи унинг ёнига келиб ўтирганлигидан ажабланмади. Йигит ўтирди ва улар бошларини эганларича қўлларига қарадилар. Қўллар, шунчаки қўллар, оддий, бўм-бўш, гули йўқ қўллар.

– Қабристон! – қичқирди кондуктор .

Клара ҳам, ёнидаги қўшниси ҳам қатъий нигоҳлари билан тушунарли жавоб қайтардилар: “Бизнинг паттамиз – ўн беш песолик”. Улар бундай демадилар, фақат хаёлларидан ўтди, бўлди-да!

Бироқ эшик ёпилмади, кондуктор уларнинг олдига келди.

– Қабристон! – деди у уларга нималарнидир уқтирмақчи бўлгандай.

Йигит кондукторга қарамади, Кларанинг эса унга раҳми келди.

– Мен Ретирогача бораман, – деди қиз паттасини кўрсатиб. “Ке, паттангни бер, пушти ёки ҳаворанг”.

Ҳайдовчи уларга қарайман, деб ўтирган жойидан тушиб кетай деди; кондуктор журъатсизлик билан орқасига ўтирилди-да, қўлини силкиди. Яна эшиклар силтанди – ҳеч ким автобусга чиқмади, –168-чи худди занжирини узгандай, олға елди, шунда Клара кўрққанидан юраги орқасига тортиб кетди. Кондуктор ялтироқ тутқични ушлаб, кабина олдида турганича уларга маъноли тикилиб турарди. Улар ҳам Доррего муюлишига етгунча кондуктордан кўзларини узмай кетавердилар, бир пайт Клара, ёнидаги қўшниси олд томондан бу қилиғи кўринмаслигидан фойдаланиб, астагина кафтини унинг қўлларига қўяётганлигини сизди. Кафти майин, иссиқ эди, Клара қўлларини тиззаси томонга сурди-ю, аммо қимирламади. Ойна ортида шамол ҳўштак чалди.

– Шунча одам, – деди секингина йигит. – Ҳаммаси тушиб кетди.

– Улар қабристонга келишаётган эди, гуллари билан, – изоҳ берди Клара. – Шанба кунлари кўп боришади.

– Албатта, лекин ҳар ҳолда...

– Ҳа, ғалати. Сездингизми?

– Сездим, – деди йигит. – Сиз ҳам шундай ҳолатга тушдингизми? Шундай бўлди, кўрдим.

– Жуда ғалати. Ҳозир ҳеч ким чиқмайди.

Шофёр шлагбаумга яқинлашиб, шартта тўхтади. Улар автобуснинг кескин залпидан олдинга қалқиб кетдилар ва бу силкинишдан енгил тортгандай бўлдилар. Автобус худди кимнингдир баҳайбат гавдаси сингари силкинди.

– Мен Ретирогача бораман, – деди Клара.

– Мен ҳам.

Кондуктор жойида узоқ туриб қолди – шофёр билан жанжаллашди. Сўнгра шофёрнинг (улар томонга қараётганларини яширганча) ўзлари томонга келаётганини кўрдилар; кондуктор унинг изидан келмоқда эди. Клара шофёр билан кондуктор ёнидаги ҳамроҳига тикилиб қолганларини, йигит эса худди жанг олдидан қилгани сингари қаддини ростлаётганини сизди. Йигитнинг оёқлари қалтиради, қизнинг кифтига тегиб турган елкаси сесканди. Шу пайт поезд ваҳима билан чинқирди, кўкни қоп-қора тутун қоплади. Вагонларнинг тарақа-туруғи бари овозларни ва улардан икки қадам нарида – гўё сакрашга чоғланиб, пастга аста энгашган шофёрнинг сўзларини ҳам босиб кетди. Кондуктор шофёрнинг елкасидан чангаллаб олди-да, сўнгги вагон темирларни жанарлатганча уларнинг яқингинасидан ўтиб кетгунига қадар кўтарилиб турган шлагбаум томонга қўлини ниқтади. Шофёр лабларини қисди, тез жойига ўтирди ва 168-чи жаҳл билан ўрnidан кўзгалди, бир силкиниб, темир йўлни кесиб ўтди, сўнг қияликка кўтарилди.

Кларани ҳамроҳининг мушаклари бўшашди ва жойидан сал пастроққа силжиди.

– Бунақасини сира кўрмаганман, – деди йигит ўзига-ўзи сўзлангандай.

Клара йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деди. Йиғлаш осон, аммо бунинг сира кераги йўқ эди. Қиз буни ўйламаётган эди, у қўрқинчли ҳеч гап йўқлигини, айтиш мумкинки, бўм-бўш автобусда, биттагина ҳамроҳи билан кетаётганлигини тушунган, умуман олганда, фақат кўнғироқни боссанг бўлди, дуч келган бурчакда тушиб қолсанг бўлади. Ҳа, шундай кетаётганининг ҳам ёмон томони йўқ, фақат автобусдан қандай тушаман, йигит қўлларидан қўлларимни қандай суғуриб оламан, деган ўй қизни қийнамоқда эди.

– Мен кўрқяпман, – деди шунчаки Клара. – Лоақал гунафша тақиб олганимдаям майли эди!

Йигит қизга, унинг жўнгина кофтасига кўз ташлади.

– Мен баъзида кўйлагим тугмаси илгагига ясмин қадаб кўярдим, – деди йигит. – Бугун шошдим-да, улгурмадим.

– Аттанг! Умуман- биз Ретирога кетяпмизку-я.

– Албатта, Ретирога.

Улар гаплашиб кетдилар. Гапимиз узилиб қолмасин тагин, деб гапиравердилар, гапиравердилар, нима ҳақда сўзлашаётганларининг аҳамияти ҳам йўқ эди.

– Деразани очмайсизми? Жуда дим бўлиб кетди.

У қизга таажжуб билан қаради; афтидан, йигит жунжикаётганга ўхшарди. Кондуктор шофёр билан гаплашиб олиб, уларни зимдан кузатмоқда эди. 168-чи йўлда бирор марта ҳам тўхтамади, энди Каннинг ва Санта-Фе муюлишига бурилди.

– Буниси очилмайди, – деди йигит. – Кўряпсизми, фақат биз томондагиси очиқ эмас. Бу ерда эҳтиёт эшиги бор.

– А! – деди қиз.

– Балки бошқа жойга ўтирақолармиз?

– Ҳожати йўқ. – Қиз унинг қўлини сиқди, туришига қўймади. – Яхшиси, тинчгина жойимизда ўтираверайлик.

– Бўлмаса, бошқасини, олдидагисини очамиз.

– Йўғ-э, керак эмас, қўйинг!

Йигит, қиз яна гапирмоқчидир, деб ўйлади, лекин Клара негадир гужанак бўлиб, ўша ёққа, уларга аччиқ қаҳр-ғазаб билан нигоҳ ташланаётган олдинга қарамаслик учун ҳам ҳамроҳининг юзига тикилди. Йигит қизнинг тиззаларига иккинчи қўлини қўйди, Клара ҳам ўз қўларини яқин олиб борди, энди улар бармоқларнинг бири-бирига тегиши билан, кафтлар ҳарорати билан гаплаша бошладилар.

– Мен жудаям паришонхотирман, – деди журъатсизлик билан Клара. – Ҳаммасини олдим, деб ўйлайсану, барибир ниманидир эсдан чиқарган бўласан.

– Ахир бу эсимизда йўқ эди-да.

– Ҳа, майли. Ўша одамларнинг ҳаммаси, айниқса, анави қизларнинг бизга қандай ажабланиб қараганларини кўрдингизми, ўлаёздим-а!

– Менам, – деб қизнинг гапини илиб кетди йигит. – Эсингиздами, уларнинг бари худди келишиб олишгандай, биздан кўзларини узмадилар-а!

– Ҳа-ҳа! Топганлари бетайин гул-ку, керилганларига ўлайми!

– Чунки бизга бошқалар ҳам ажабланиб қарашди-да, – деди аччиқланиб йигит. – Айниқса, чиннигуллари мижиғланган анави қушбурун чолни айтмайсизми. Олдин ўша чол бошлади-да, кейин бошқалар ҳам қарашга тушди. Орқадагиларни-ку, кўрмадим. Фаҳмляяпсизми, ҳаммаси-я?..

– Ҳаммаси, – дея жавоб берди Клара. – Мен буни дарров тушундим. Ўзим Ногойя билан Сан-Мартин муюлишида чиқдим. Уёқ-буёққа разм солсам, ҳаммаси бирдан мендан кўзларини узмай қолишди, денг.

– Хайрият-э, тушиб кетишди!

Пуэйрредон. 168-чи бирдан таққа тўхтади. Баланд уйчадаги йўлни тартибга солувчи мулат худди худога илтижо қилгандай, қўларини хоч қилиб, кенг ёйди. Шофёр ўрнидан аста тушди, кондуктор унинг энгидан тортмоқчи бўлди, бироқ шофёр бунга қўймади ва бир йигитга, бир қизга қараганича автобус ичида юра бошлади. У қаддини ростлади, нам лаблари титради. “Йўлни бўшат!” – деб қичқирди кондуктор галати овозда. Автобус ортида ўнлаб машиналар гудок чалиб ҳайқирди, шунда шофёр алам билан жойига қўрқа-писа ўтирди. Кондуктор дам-бадам бир Кларага, бир ёнидаги йигитга назар ташлаганича шофёрнинг қулоғига нималарнидир шивирлади.

– Агар сиз бўлмаганингизда... – аста деди Клара. – Агар сиз бўлмаганингизда, мен бир амаллаб тушиб кетган бўлардим.

– Сиз ахир Ретирога кетяпсиз-ку, – деди таажжубланиб йигит.

– Ҳа, мен меҳмонга кетяпман. Барибир, тушиб қолган бўлардим.

– Мен ўн беш песолик патта олганман, – деди йигит. – Ретирогача.

– Мен ҳам. Ёмон томони, кейингисини кутишга тўғри келарди-да...

– Албатта, кейин унисига чиқиб бўлармиди-йўқмиди, худо билади.

– Эҳтимол. Ҳозир бирор жойга бориш қийин бўлиб қолди. Метрода нималар бўлганини эшитдингизми?

– Даҳшат! Бир жойга бораман, деб йўлга чиқсанг, ишлагандан кўпроқ чарчайсан.

Яшил, ёруғ ҳаво машинани тўлдирди, йўл-йўлакай музейнинг қизғиш деворлари, сўнгра – ҳуқуқшунослик факультетининг янги биноси лип-лип этиб ўтиб кетди, шунда 168-чи тезроқ маршрутини тугатишга сабри чидамагандай, Леандро Алем бўйлаб учиб кетди. Икки марта тартибга солувчи йўлни тўсди, икки марта шофёр сакрамоққа чоғланди, иккинчи мартасида ҳам кондуктор уни қўймади, ўртада туриб олганича, худди



оғриқдан силкигандай, ғазаб билан бошини чайқади. Клара тиззаларини кўксига босди, ҳамроҳи унинг қўлларини кўйиб юборди, шунда қиз йигит қўлларининг суяклари туртиб чиққанлигини ва унда йўғон томирлар бўртиб турганлигини кўрди. Клара ҳозирга доғур эркак қўлларининг бу қадар кучли нафрат билан муштга айланганлигини кўрмаган эди, қиз кўрққанидан индамай қолди, ана шу оғир муштларга бўйсунди. Шунда қиз ҳозир бирор жойга бориш қанчалик машаққат бўлиб қолганлиги ҳақида, Май майдонидаги турнақатор навбатлар ҳақида, одамларнинг қанчалик ваҳшийлашиб кетганликлари, ҳозир қанчалик сабр-тоқатли бўлиш кераклиги ҳақида эзмаланиб гапираверди, гапираверди. Қиз бирдан жим бўлиб қолди, шунда улар темир йўл панжарасини кўриб қолдилар. Йигит ҳамёнини чиқариб ичини тита бошлади, унинг бармоқлари титради.

– Озгина қолди, - деди қиз қаддини ростлаб. – Етиб қолдик.

– Ҳа. Бурилдикми, тез ўрнингиздан туринг-да, тушинг!

– Бўпти. Майдоннинг ўзида.

– Мана-мана. Бекат – нарироқда, Инглиз минорасида. Сиз олдин тушасиз, кейин – мен.

– Фарқи йўқ.

– Йўқ, мен – кейин тушаман, шундай қилиш керак. Бурилдик дегунча, мен сизни ўтказиб юбораман. Тезроқ қимирланг, зинанинг пастига тушиб олинг. Мен орқангизда тураман.

– Яхши, – деди Клара йигитга безовталаниб қараб. – Раҳмат.

Шунда улар қандай ўринларидан туришни ҳамда эшиккача бўлган масофани чамалаганларича режа тузишга киришдилар. Улар муюлишга етганда, автобусдан “лип” этиб, сакраб тушиш осонроқ бўлади, деб мўлжал қилдилар. 168-чи майдоннинг ўзида, ойналарини дириллатганича, бор тезлиги билан бурилди. Ҳамроҳи ўрнидан ирғиб турди, Клара зинада безовта бўлиб туриб қолди, йигит орқасидан уни пана қилди. Қиз қаттиқ қалтираганича эшикка, қора йўл-йўл резина тасмасига ва ойнадаги кир квадратларга қаради; у бошқа ҳеч нимани кўргиси келмаётган эди. Йигитнинг оғир-оғир нафаси унинг сочларига тегмоқда эди. Бирдан автобус бир силкинди-да, ёнбошига сурилиб, тўхтаб қолди – эшик очилди-ю, ҳайдовчи қўлларини олдинга чўзганича, автобус ўртасида югурди. Бу орада Клара пастга, майдонга сакрашга, тушишга улгурган эди, орқасига ўгирилиб, ҳамроҳининг пастга сакраётганлигини, автобус эшиклари қаҳр билан ёпилганини кўрди. Қора резина тасма ҳайдовчининг қўлларини, оппоқ, тик бармоқларини қисиб қолди. Ойнадан кондуктор нинг рулга қорни билан этиб олганича, шофёрни чиқариб юбормаслик учун эшикни ёпадиган ричаг томон интилгани кўриниб турарди.

Ҳамроҳи Кларанинг қўлидан ушлаб олди ва улар болалар билан музқаймоқ сотувчиларига эпчилик билан чап бериб, майдондан ўтдилар. Улар индамай, бир-бирларига қарамасдан кетмоқда, бироқ хурсандликларидан титрамоқда эдилар. Кларанинг кўзлари ўт-ўланларни ҳам, тўгарак гулзорни ҳам элас-элас илгар, итоат билан йигит изидан борар, ёқимли шабада юзларига урилмоқда эди. Девор тагида гул сотилмоқда эди. Кларанинг ҳамроҳи харракда турган гул савати қаршисида тўхтади ва капалакгуллардан икки дастасини танлаб олди. Йигит Кларага гулдасталардан бирини, сўнг – иккинчисини узатди, ҳамёнини чиқариб, гул учун ҳақ тўлади ва қиздан ўзининг гулини олди. Улар йўлда давом этдилар (йигит қизнинг қўлидан ушлаб олмади), энди иккаловининг ҳам қўлларида гуллари бор, шундан бахтиёр эдилар.

## ДАҲШАТЛИ ТУШЛАР

Кутиш керак, ҳамма шундай деяпти, бундай ҳолларда ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди, доктор Раймонди ҳам Мечанинг ёшида бундан баттарроқ бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам кутиш керак, деяпти, кутиш керак, сеньор Ботто, ҳа, доктор, лекин қизим мана, икки ҳафтадирки, уйқудан уйғонмаяпти, икки ҳафтадирки, у худди ўликдай ётибди, доктор, биламан, сеньора Луиса, бу команинг классик ҳолати, нима ҳам қила оларди киши, фақат кутиш керак. Лауро ҳам доктор айтганидай қилди, кутди, ҳар куни факультетдан қайтаркан, эшикни очиш олдидан бир лаҳза жойида тўхтаб қолар ва: мана, бугун Меча аниқ уйғонади, кўзини очади ва онаси билан гаплашиб ўтирган бўлади, деб хаёл қиларди; йигирма ёшдаги қиз шундай ўлиб кетавермайди-ку, ахир, аниқ — у ҳозир ўрнидан турган-да, каравотига ўтирганча онаси билан суҳбатлашиб ўтирган бўлади; лекин кутиш керак экан, ўғлим, ҳаммаси бояги-боягидай, доктор кечга томон келади, қўлимиздан нима ҳам келарди, ҳамма шундай деяпти. Бирон нима еб олсангиз-чи, дўстим, онангиз Мечанинг ёнида ўтириб туради, сиз тамадди қилиб олишингиз керак, ахир, имтиҳонларни ҳам унутманг-да, биз у ёқда телевизорда янгиликларни кўриб ўтираемиз. Бари ўтди, фақат Меча ўзгармади, кун кетидан кун ўтди, у ҳамон бояги-боягидай ётади, каравот тана оғирлигидан эгилади, Мечанинг нозиккина вужуди букилади, у рокка рақсга тушарди, теннис ўйнарди, лекин мана, неча ҳафтадирки, эзилиб ётибди ва бошқаларни ҳам адо қилмоқда, бу оғир вирус касаллиги, кома ҳолати, сеньор Ботто, олдиндан бирон нарса деб бўлмайди-да, сеньора Луиса, унга қараб туринг, қизингизнинг бундан қутулиб чиқишига ёрдам беринг, бу ёшда одам куч-қувватга тўла, яшашга иштиёқи ҳам кучли бўлади. Ахир у ўзига-ўзи қарайдиган аҳволда эмас, доктор, ҳеч нимани билмайди, у худди — э, худо, ўзинг кечир, нималар деяётганимни ўзим ҳам билмайман.

Лауро ҳам кўриб турганларига ишонгиси келмас, буларнинг барини Меча ўйин қилаётганга ўхшар, унинг ана шунақа аҳмоқона қилиқлари кўп эди, гоҳ худди шарпа сингари зинапояда кийим-бошини алмаштиради, гоҳ қаламдонини тўшаги остига яшириб қўяр, бўлар-бўлмасга кулаверарди; ака-сингил бир-бирларига шундай “тузоқ” қўйишарди, болалик пайтларида бекинмачоқ ўйнаганлари... Оғир вирус дардига чалиниб қолди-да бояқиш, бир кун кечқурун ҳарорати ҳам тушганди, оғриғи ҳам қолганди, бирдан ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди, терисининг ранги худди кул сингари гезариб кетди, қиз оҳиста ва узун-узун нафас ола бошлади. Докторларнинг ўзларини хотиржам тутишлари, аппаратлар, ҳар хил анализлардан сўнг, Мечанинг ваҳимали ҳазили ҳаммани кўрқитиб юборди, соат сайин у баримизни оёққа турғизди, донья Луисанинг чорасизликдан қилган фарёдлари аламли йиғи, гам-гусса билан алмашди; отам ҳам янгиликларни кўрмай, газета ўқимай, онамга таскин берарди, шунда у тинчланарди; Лауро факультетга келганида, йигилишга кирганида кўксидаги газаби тарқарди; ҳар сафар у марказдан қайтаётганида нимагадир умид қиларди: Меча, мана шу қилигинг учун ҳали мендан кўрасан, уятсиз, нима қилганинг бу, деб ичида январди. Уйда хотиржамлик — Мечага қаровчи ҳамшира ниманидир тикиб ўтирар, итни амакисига бериб юборгандилар, доктор Раймонди ҳамкасабалари билан келмади, вақт тунга оққанда бир кириб ўтди ва деярли турмади ҳам, афтидан, у ҳам кун сайин бизни эзаётган,

бизни кутишга кўниктираётган Мечанинг оғирлигини ҳис қилган эди, ҳа, биргина кутиш қолганди, холос.

Мудҳиш тушга ўхшаш бу гусса донья Луиса термометрни топа олмаган ва кўққисдан келиб қолган санитар аёл кўча муюлишидаги дорихонадан бошқасини олиш учун югурган ўша оқшомда бошланган эди. Бу гап шунинг учун айтилдики, термометр шундайгина йўқолиб қолмайди-да, ҳарорат ўлчагич кунига уч марталаб керак бўлиб тургандан кейин нима бўларди, улар Мечанинг каравоти ёнида бақриб гапираверадиган бўлиб қолдилар, олдингидай шивирлаб гаплашишга энди ҳожат қолмаганди, чунки Меча барибир ҳеч нимани эшитмайди, кома ҳолати қиз танасининг бари ҳис этиш аъзоларини фалаж қилиб ташлаганлигига доктор Раймондининг ишончи комил, унинг ҳузурда истаган нарсаларни валақлаш мумкин, барибир Мечанинг бепарво юзида ҳеч қандай ифода сезилмайди. Кўча муюлишидан отишма овозлари кулоққа чалинган, ҳаттоки пича олисроқда, Гаон кўчаси томонда ўқ овозлари эшитилганда ҳам термометр ҳақида гаплашаётган эдилар. Улар бир-бирларига қараб қўйдилар, Мечага қараётган ҳамшира шунчаки елкасини қисди, чунки отишма уларнинг квартали ва шаҳарнинг ҳар қандай мавзеси учун одатий ҳол бўлиб қолганди, донья Луиса яна термометр ҳақида бир нима демоқчи бўлди, шунда Мечанинг қўллари қимирлаб кетганини кўриб қолди. Бир сониягина, бироқ уларнинг иккалови ҳам дарҳол сергак тортдилар ва бирдан донья Луиса бақриб юборди, ҳамшира унинг оғзини қўллари билан пана қилди, сеньор Ботто хонасидан чиқди, шунда учалови Мечанинг бутун бадани бўйлаб қандай қалтироқ турганини кўрдилар, худди калтакесак “лип” этиб, қиз кифтларидан оёқлари томон югуриб кириб кетгандай бўлди, ёпиқ қовоқлар остидаги қорачиқлар қимир этгандай, енгилгина сесканиш қиз башарасини буриштириб юборгандай бўлди, худди Меча нолигандай, бирон нима дегиси келгандай, пульси тезлашди-да, яна аста ўзининг ҳаракатсиз ҳолатига қайтди. Телефонда – Раймонди, умуман, ҳеч қандай янгилик йўқ, деди, гарчанд Раймонди бу ҳақда эшитишни ҳам хоҳламаса-да, юракларидаги умид ортди, художон, қани эди шундай бўлса, қани эди ана шу турма азоби тезроқ тугаса. Лекин бу ҳол яна ва яна қайталанаверди, орадан бир соат ўтиб, яна шундай бўлди, гўёки Меча азобли туш кўраётганга ўхшарди, босинқираш яна ва яна такрорланди, қиз улардан қутулолмади, уларни нари ҳайдолмади, ана, унинг ёнига ўтиринг-да, тинчлантиришга ҳаракат қилинг, Меча ҳеч нимани қабул қилмаяпти, уни нимадир эзяпти, балки узундан-узун туш кўраётгандир, ҳеч билиб бўлмаяпти, уни ўзинг асра, худойим, уни бундай ташлаб қўйма. Лауро ўқишдан қайтди ва худога илтижо қилаётган онасининг елкасига қўлини қўйди-да, каравотга ўтирди.

Кечкурун яна докторлар келишди, электродли ва сўрғичли янги аппаратларни қизнинг бош ва оёқларига ёпиштирдилар, Раймондининг икки нафар шифокор оғайнилари меҳмонхонада нималар ҳақдандир узоқ баҳслашдилар, яна кутиш керак, сеньор Ботто, аҳвол ўзгармаган, яхшилиқ томонга ўзгариши ҳақида ўйлашга ҳали эрта. Лекин у туш кўряпти, доктор, туш, ўзингиз кўрдингиз-ку, бу яна такрорланади, у нималарнидир ҳис қиляпти ва шундан сиқиляпти. Буларнинг бари асабдан, сеньора Луиса, бу ҳали ҳушига келади, дегани эмас, сизларни ишонтириб айтаманки, кутинглар ва буларга аҳамият берманглар, қизингиз ҳеч нарсени ҳис қилмаяпти, биламан бунинг қандай азоблигини, агар сиз уни ҳамшира билан холи қолдир-

сангиз, яна ҳам яхши бўларди; пича дам олишга ҳаракат қилинг, манави дориларни ичиб олинг.

Лауро ярим тунгача Мечанинг ёнида ўтирди, ора-сира имтиҳонга кириш учун ёзиб олган қоғозларини қараб чиқди. Сирена товушлари эшитилганда, Лусеро берган телефон рақамига қўнғироқ қилиши кераклиги ёдига тушди, бироқ уйдан қўнғироқ қилиб бўлмас, сирена товушларидан сўнг кўчага чиқиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. У Мечанинг чап қўли бармоқлари оҳиста қимирлаётганини кўрди, яна қовоқлар остидаги қорачиқлар ҳаракатга келгандай туюлди. Ҳамшира: бораверинг, кутишдан бошқа қўлимиздан нима ҳам келарди, деди.

“Лекин у туш кўряпти-ю, - деди Лауро, - қаранг-а, туш кўряпти”. Бу ҳол кўчада сирена увлашидан узоққа чўзилмади: худди Мечанинг қўллари ниманидир излаётганга, бармоқлари чойшаб остидан нажот истаётганга ўхшаб кетди. Донья Луиса дарҳол бу ерда ҳозир бўлди, унинг уйкуси қочган эди. “Нега доктор Раймонди берган дориларни ичмадингиз? — деб сўради ҳамшира аччиқланганини яширолмай. “Уша дориларни тополмаяпман-да, - фаромушхотирлик билан жавоб қайтарди донья Луиса, — анув тунчироқ остидаги жавонда турганди, лекин у ердаям кўринмаяпти”. Ҳамшира дорини қидиришга кетди, Меча яна бармоқларини қимирлатди, Лауро билан онаси бир-бирларига қараб қўйдилар. Улар — мудҳиш туш давом этаётганлигини, унинг узлуксиз чўзилганлигини билиб турардилар, кўнгилларидаги хайрихоҳликка, ҳамдардликка ўхшаган туйғу билан қизни уйғотгилари, ҳаммани азобдан халос этгилари келарди. Бироқ қиз ўқтин-ўқтин бармоқларини қимирлатганча ухлайверди. “Мен дориларни ҳеч қаердан тополмадим, — деди ҳамшира, — биз ҳаммамиз шунчалик паришонмизки, бу уйда нима қаёқда турганлигини ҳеч ким билмайди”.

Эртаси Лауро уйга кеч қайтди, сеньор Ботто стадиондан қизгин репортаж олиб борилаётган телевизордан кўзини олмай шунчаки унинг нега кеч қолганлигини сўраб қўйди. “Жўраларим билан ўтирдик”, деб жавоб қайтарди Лауро нимадан ўзимга сэндвич тайёрласамикин, деган ўйда. “Ажойиб гол бўлди, — деди сеньор Ботто, — такрорий кўрсатаётганлари яхши бўлди-да, чемпионларнинг бари ҳаракатларини кўриб оласан киши”. Афтидан, Лаурони урилган гол қизиқтирмаётганга ўхшарди, у полга ўтирганча таом еди. “Нима қилаётганларингизни биласизларми, болалар, — дея сўзланди тўпдан кўзини олмай сеньор Ботто, — эҳтиёт бўлиш керак-да”. Лауро кўз қирини ташлаб, ҳайратдан қотиб қолди: отаси биринчи маротаба шунақа шарҳни ўзига эп кўрган эди. “Хотиржам бўлинг, қария”, — деди у отаси гапни кўпайтирмаслиги учун ўрнидан тураркан.

Ҳамшира тунчироқни ерга қўйди. Меча кенг, юмшоқ диванда аранг кўзга ташланарди, донья Луиса юзидан қўлларини олди, Лауро онасининг пешонасидан ўпди.

— Ҳеч қандай ўзгариш йўқ, — деди донья Луиса. — Ҳамиша бирдай ётибди, ўғлим, — деди донья Луиса. — Қара, қара, унинг лаблари титраяпти, худойим-эй, қачонгача чўзиларкин-а, бу?..

— Ойи.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, Лауро, бу туш қизимни қанчалик қийнагандан-қийнаб ташлаганини, шунинг учун ҳам у сира уйғонмаётганлигини ҳеч ким менчалик билмайди, тушунмайди.

— Биладан, менам тушунаман. Агар бирон нима қилишнинг иложи бўлганда эди, Раймонди аллақачон қилган бўларди. Бу ерда шундай ўтираверсангиз, унга ёрдам беролмайсиз, бориб ётинг. Тинчлантирувчи доридан ичинг-да, ухланг.

У онасини ўрнидан турғизиб, эшиккача кузатиб қўйди. “Бу нима-си экан-а, Лауро?” – тўсатдан онаси тўхтаб қолди. “Ҳеч нима, ойи-жон, қаердадир отишма бўляпти, ўзингиз биласиз-ку”. Ҳа, энди кеч бўлиб қолди, у онасини ётоғида қолдиради-да, дўконга тушиб, ўша ёқдан Лусерога қўнғироқ қилади.

Лауро ўзи яхши кўрадиган мовий курткасини тополмади, эҳтимол онам уни ўша ёққа илиб қўйгандир, дея даҳлиздаги бари жавонларни титиб ташлади, – ахири тополмай қўлига илашган пиджакни эгнига кийди, ҳаво салқин эди. Кўчага чиқиш олдидан бир дақиқага Мечанинг олдига шўнғиди, ғира-ширада синглисига яхшилаб разм солди, ана шу мудҳиш тушни, тери остида сирли сирпанган титроқ қўлларни ҳис этди. Ташқаридан яна сирена товушлари эшитилди, шунақа кеч кўчага чиқишнинг кераги йўқ эди аслида, бироқ дўконни ёпиб қўядилар, у қўнғироқ қилолмай қолади. Мечанинг кўз қорачиқлари қимир-қимир этди, худди қовоқлари остидан қарагиси, ака-сига ўгирилиб тикилгиси келаётганга ўхшаб кетди. Лауро синглисининг пешонаси узра қўлларини юргизди; унга қўл тегизиш кўрқинчли эди, худо кўрсатмасин, билмасдан тегиб кетсанг, мудҳиш туш яна зўрайиб кетиши мумкин. Қовоқлар остида қорачиқлар уёқдан-буёққа ўтарди, Лауро бирдан орқасига тисланди; нимагалигини билмади-ю, бироқ ҳар қараганида, Меча қовоқларини очиб, унга қараша, кет, дея ҳайдаши мумкиндай туюлди, хаёлига келган бу фикрдан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Агар отаси ҳали ухламаган бўлса, меҳмонхонадан қўнғироқ қилишга уриниб кўради ва аста шивирлаб гапирарди, бироқ сеньор Ботто спорт шарҳловчисининг сўзларини тинглайверди. “Ҳа, бу ҳақда кўп гап сотяптилар, – хўрсинди Лауро. – Энди эртароқ туриш керак-да, факультетга кетмасдан олдин Лусерога қўнғироқ қилиш керак”. Хона ўртасида кўзи ҳамширага тушди, у ётоқхонадан қўлида ялтираб турган аллақандай нарсани – шприцни-ми, қошиқни-ми кўтарганича чиқиб келмоқда эди.

Вақт узундан-узоқ кутишлар, уйқусиз тунлар, озгина мижжа қоқиб олиш умидидаги кундузги уйқу билан ўтаётган эди; донья Луисани чалғитиш ёки бўлмаса, сеньор Ботто билан домино ўйнаш учун қариндош-уруғлар, дўст-жўралар кети узилмай келиб турардилар; Мечага қаровчи аёл яна алмашди – олдингиси бир ҳафтага Буэнос-Айресга кетадиган бўлиб қолибди; хонадан-хонага олиб ўтилаверганидан биров қаҳва финжонларини тополмасди; Лауро иложини қилса, уйга бирровга кириб ўтар, истаганида кетарди; келишидан олдин азалий одатича телефон қиладиган Раймонди энди олдиндан қўнғироқ қилмай ҳам келадиган бўлиб қолди; салбий оқибатга олиб келадиган ҳеч қандай аломат йўқ, сеньор Ботто, бу шундай жараён-ки, унга фақат далда бўлиб туриш керак, холос, мен уни зонд орқали овқатлантиряпман, кутиш керак. Қизим туш кўргани кўрган, доктор, унга қаранг, Меча энди деярли ухламаяпти. Хавотир олманг, сеньора Луиса, ўзингиз бир тасаввур қилинг-а, унинг тушлари – бу тана аъзоларининг таъсирланиши, буларнинг барини тушунтириб бериш қийин, бундай ҳолларда бошқа омиллар ҳаракатга тушади, биз туш деб ўйлаган нарсани у англаб етмапти, деган хаёлга борманг, бундай ҳолатда шунчалик яшаш қобилияти ва ана шу рецидивлар – яхши аломат ҳисобланади, менга ишонсангиз-чи, ахир мен қизингизни жуда диққат билан кузатиб боряпман-ку, сиз дам олишингиз керак, сеньора Луиса, буёққа келинг, қон босимингизни ўлчаб қўяй.

Факультетда рўй берган воқеалардан сўнг, Лауронинг марказдан қайтиши борган сари қийинлашиб бормоқда эди, у тўсатдан пайдо

бўлиб қолар, уни Мечадан кўра кўпроқ онаси хавотирга соларди, уйда бир дақиқача турар, аҳвол ўша-ўша эканлигини билар, қариялар билан гаплашар, жилла бўлмаса, уларни ваҳимали хаёллардан пича чалгитиш учун гаплашадиган мавзусини олдиндан ўйлаб кўярди. Ҳар сафар Мечанинг каравотига яқинлашганида, яна қудратли куч уни ўзига тортар, Меча шундоқ яқингинасида, — гўё чақираётганга, бармоқларининг тушунарсиз имо-ишоралари билан ич-ичидан нигоҳ ташлаётганга ўхшарди, чарм қопланган деворга урилган товуш сингари бу даъват азобли ва маънисиз эди. Баъзида Мечани тутқаноқ тутар, шунда Лауро бирдан бир нарсани: синглизининг ёнида туриб, унга тикилганида қиз онаси ва ҳамширадан кўра акасини яхшироқ сезаётганлигини ҳис этди, ҳозир алоқ-чалоқ туш энг кўрқинчли лаҳзасига кўтарилади, яхшиси, тезда жуфтакни ростлаб қолган маъқул, ахир унинг бирор ёрдам бериш қўлидан келмаса, Меча билан гаплашишдан ҳам маъно йўқ, тентаккина синглим, бўлди-да энди, қани бир кўзингни оч-чи, тезроқ шу қилигингни бас қил. Меча, эси паст сингилжоним, устимиздан шунчалик ҳам куласанми, етар, жинни қиз, бўлмагур комедиянгни бас қил-да, ярамас, тур ўрнингдан, мен сенга шунчалик кўп нарсаларни гапириб бераманки, ўзинг ҳайрон қоласан, сенинг ҳали ҳеч нимадан хабаринг йўқ, уйимизда қандай қиёмат кўпганлигини билмайсан, мен сенга буларнинг барини гапириб бераман, Меча, ўзим сенга айтиб бераман. Лауро таҳликага тушди: балки овоз чиқариб, бирон сўз айтмасдан Меча томон эгилиш керақдир, лекин ҳамшира билан донья Луиса уни сира ёлғиз қолдирмайдилар, унинг эса синглизига айтадиган гаплари шунчалик кўпки, назарида Меча ич-ичидан, ёпиқ қовоқлари остидан чойшабида маъниси ҳарфларни чизаётган бармоқлари билан акасига мурожаат қилаётгандай туюлиб кетди.

Пайшанба кунини эди — бугун қандай кун эканлигини атрофдагилар билишлари учун эмас, бунинг уларга қанчалик аҳамиятга эгаллиги учун ҳам эмас, буни ҳамшира ошхонада қаҳва хўплай туриб айтди ва шунда сеньор Ботто телевизорда янгиликларнинг махсус сони намойиш қилиниши кераклигини, донья Луиса эса — синглизини Росарио кўнғироқ қилганлигини, пайшанба ёки жумада келишини эслаб қолди. Лауронинг имтиҳонлари бошланганлигига шубҳа йўқ эди, у уйдан саккизда чиқиб кетган ва хайрлашмаган, меҳмонхонада, хавотир олманглар ва кутманглар, эҳтимол кечки овқатга келолмасман, деб хат қолдирибди. Айтганидай, у кечки овқатга келмади, яна ҳамшира донья Луисани эртароқ ётишга кўндиришга муваффақ бўлди, сеньор Ботто телеўйинлар сеансидан сўнг деразадан қаради, Плас Ирланд томондан ора-сира пулемёт овозлари қулоққа чалинди, кейин бирдан ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди, тошдай оғир сукунат, кўчада патруль машинаси ҳам кўринмасди, яхшиси, ухлашга ётган маъқул, анави аёл кеч соат ўндаги телеўйиннинг ҳамма саволларига жавоб берди, — жуда калласи ўткир экан, антик тарихдан шунчалик кўп нарсаларни биларканки, худди Юлий Цезарь даврида яшаганга ўхшайди, нима бўлгандаям маданият соҳасида маошнини кўпроқ тўлайдилар, бу сенга ким ошди савдосида болга уриш эмас. Ҳеч ким бутун тун бўйи эшик очилмаганлигига, Лауро уйга келмаганлигига эътибор бермади, эрталаб ҳамма у навбатдаги имтиҳондан сўнг ухлаётгандир ёки нонушта олдида дарс қилиб ўтиргандир, деб хаёл қилди. Фақат соат ўнларга бориб, Лауро уйда йўқлигини билиб қолдилар. “Хавотир олма, — деди сеньор Ботто, — тайин, у дўстлари билан ўтирган”. Айни шу пайт донья Луисанинг ҳамширага Мечани

ювинтириш ва унинг кийим-бошларини алмаштиришга ёрдам бериши керак эди, ёнида иссиқ сув ва одеколон, пахта ва чойшаблар турибди, пешин ҳам бўлди, ғалати, ҳалиям Лауродан дарак йўқ, Эдуардо, у ҳатто кўнғироқ ҳам қилмади, ҳеч қачон бундай қилмасди, эсингдами, курсни тугатганларидан сўнг ўтириш қилганларидаям, бизни хавотир олишмасин, деб тўққизда телефон қилганди, ахир Лауро ўшанда ёшроқ эди-ку. “Болакай шу имтиҳонларни деб нақ эс-ҳушини йўқотаёзди, – деди сеньор Ботто. – Мана, кўрасан, у роппа-роса соат бирдаги янгиликларга етиб келади”. Бироқ соат бирдаги, спорт янгиликлари ҳамда тартиб муҳофазаси кучларининг ўз вақтида аралашуви тўфайли бостирилган янги қўпоровчилик ҳаракати ҳақидаги хабар ҳам ўтиб кетди-ю, Лауро келмади, ҳеч қандай янгилик йўқ, ҳаво ҳарорати аста-секин пасаяркан, тоғли туманларда ёмғир ёғаркан.

Ҳамшира донья Луиса томон йўналганда, соат саккиз бўлиб қолган, аёл ҳамон таниш-билишларга кўнғироқ қилар, сеньор Ботто, агар хабар топса, телефон қилиши керак бўлган комиссариатдаги дўстининг кўнғироғини кутар, бетиним донья Луисадан телефонни банд қилиб турмасликни сўрар, бироқ хотини ёзув дафтарчасидан танишлар рақамларини излар ва эҳтимол Лауро Фернандо амакиникида қолгандир ёки яна навбатдаги имтиҳонини топшириш учун факультетга қайтгандир, дея бирваракайига ҳаммага кўнғироқ қилаверарди. “Барака топкур, телефонни ўз ҳолига қўй, – дея яна ундан ўтинди сеньор Ботто. – Нега ахир тушунмайсан, болакай айни шу пайт уйга телефон қилаётгандир, телефон бўлса ҳамиша банд, сен унинг... автоматдан телефон қилишини истаётган бўлсанг, агар ўша телефон-автоматнинг абжағи чиқмаган бўлса, барибир бошқаларнинг ҳам кўнғироқ қилиб бўлишини кутиб туради”. Ҳамширанинг қистови билан донья Луиса Мечанинг олдига келди, қиз бирдан бошини чайқай бошлади, бошини ҳадеб уёқдан-буёққа силкитаверганидан, пешонасига тушган сочларини ҳам йиғиштиришга улгуриб бўлмай қолди. Зудлик билан доктор Раймондига хабар қилиш керак, кечқурун уни топиш қийин эди, лекин соат тўққизда докторнинг хотини унинг ҳозир келиб қолишини айтиб кўнғироқ қилди. “Келиши қийин бўлади, – деди ҳамшира дорихонадан бир қути ампула билан қайтиб келаркан. – Нима сабабданлиги номаълум, бутун квартални ўраб олишибди, эшитяпсизми сиренанинг овозини”. У эндигина Мечадан узоқлашгач, қиз калласини узоқ ва қайсарлик билан силкита кетди, донья Луиса сеньор Боттони чақирди, йўқ, ҳеч ким ҳеч нимани билмайди, болакайнинг кўчадан ўтиб келолмаётганлиги аниқ, аммо Раймондини ўтказиб юборишади, ахир у оқ халатда-ку.

– Гап бунда эмас, бунда эмас, унга бирор нарса бўлганлигини кўнглим сезиб турибди, шу пайтгача ҳеч ким ҳеч нарсани билмаслиги мумкин эмас-ку ахир, Лауро доим...

– Қара-қара, Луиса, - деди сеньор Ботто, – қара, панжаси, қўли қимирляпти, у биринчи марта сўлини қимирляпти, Луиса, балки...

– Бу илгаригисидан ҳам ёмонроқ, Эдуардо, сира тушунгинг келмаяпти, Меча ҳалиям галлюцинация<sup>1</sup> да, у ўзини ҳимоя қияпти, нимадандир... Роса, унга бирор нима қилинг, мен ҳозир, ёки яхшиси, Эдуардо, телефон қил, улардан сўрагин-чи.

Сеньор Ботто меҳмонхонада телефон рақамини терди ва тўхтаб, гўшакни жойига илди. Аслида Ромеро, ҳа, Ромеро Лауро ҳақида ниманиям билиши мумкин, яхшиси, яна бир оз кутган маъқул. Рай-

<sup>1</sup> Г а л л ю ц и н а ц и я – йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши ва эшитилиши.

монди келмади, уни муюлишда ушлаб қолишган, балки у бирор тушунтириш бераётгандир. Роса ортиқ Мечага дори юборолмади, бу анча кучли тинчлантирувчи восита, яхшиси, доктор келгунча кутиш керак. Донья Луиса Мечанинг юмуқ кўзларига халақит қилаётган сочларини йиғиштириш учун эгиларкан, бирдан орқасига қалқиб кетди. Роса уни ўтқазиш учун аранг курси қўйишга улгурди. Гаон кўчаси томондан эшитилган сирена овози кучайгандан-кучайди, Меча қовоқларини ним очди, бир неча ҳафта гўёки ёпиқ парда ортида юмилиб ётган нигоҳи деразадан кўриниб турган бир парча тиниқ осмонда қотиб қолди, сўнг аста донья Луисанинг юзига ўтиб олди. Донья Луиса қичқириб юборди, қўлларини кўрагига қўйди-да, бақирди. Роса чорасиз аҳволда, сеньор Боттони чорлаганча, Луисани олиб кетишга уринди, сеньор Ботто келди, Мечанинг оёқ томонига руҳсиз ўтирди ва қизига тикилиб қолди, гўё бари қизнинг нигоҳида жам бўлганга ўхшар, унинг нигоҳи донья Луисадан сеньор Боттога, ҳамширадан осмон чеккасига ўтди, қўллари секин-аста қорни томон кўтарилди, чайқалди, вужуди оғриқдан, сиқилишдан қалтирай бошлади, чунки қиз ҳозир сиренанинг тобора кучаяётган наърасини, эшикка урилаётган зарбалардан бутун уй ларзага келаётганини, команда ҳайқирикларини, автоматлардан отилаётган ўқ овозларидан дарахтларнинг қасирқасур қулаётганини, донья Луисанинг фарёдини, қочишга уринган оломон ур-йиқитини эшитаётганга ўхшар, бари худди унинг уйғониш вақтига, ана шу мудҳиш туш поёнига етган ва Меча ниҳоят ҳақиқий, ажойиб ҳаётга қайтиши мумкин бўлган вақтга тўғри келган эди.

## ИБЛИС СЎЛАГИ

Бориб, буни қандай тарзда ҳикоя қилиш мумкинлигини билиш керак: биринчи шахсданми, иккинчи шахсданми, эҳтимол кўплик сонининг учинчи шахсидан сўзлаган маъқулдир ёки шундай тўқиб ташлайсанки, калаванинг учини ҳатто ўзинг ҳам тополмай қоласан. Масалан, фараз қилайлик, мана бундай: “Ой чиқиб келаётганини кўриб турибман” ёки мана шундай: “Бизнинг, уларнинг кўзлари туб-тубида оғриқ сезилди”, айниқса, мана шунисини олсак: “Улар, сарғиш аёл, булутлар ҳамон менинг, сенинг, сизнинг, бизнинг кўз ўнгимизда намоеън бўлмоқда...” Падарига қусур, бунинг нималигини ким биледи дейсиз!

Яхшиси — барга бориб пиво ичиш керак, машинка эса ўз фаҳми идроки етганича ҳикояни ёзаверсин (ахир мен бирдан машинкада ёзаман-да).

Зўр-да, худо ҳаққи, бу қуруқ гап эмас, мен буни ҳикоям “контактс”<sup>1</sup> га дахлдор бўлганлиги учун айтяпман; шуниси ҳам борки, бир машина бошқаси ҳақида мендан ҳам, сен ва у, панжарадаги сарғиш аёл ва булутлардан ҳам кўпроқ билади. Ва буларнинг бари бўлмагур сафсата, мен яна шуни ҳам биламанки, ўрнимдан турдим, дегунча “ремингтон”<sup>2</sup> им қотиб қолади, икки баробар қайсарлик билан туриб олади, гўёки тошга айланади, бу ҳол биз фақат ҳаракат пайти кўриб турган ҳамма жонсиз жисмларга хос. Қисқаси, ҳикояни

<sup>1</sup> Машҳур япон фирмаси ишлаб чиқарган фотоаппарат (*Тарж.*)

<sup>2</sup> Ёзув машинкаси



ёзишим керакка ўхшаяпти. Икковимиздан бировимиз ёзишимиз керак, яхшиси, ўзим ёзганим маъқул, мен ўлганман, демак, энди мутлақо холис бўлишим мумкин. Модомики, кўзларим осмондан бўлак ҳеч нимани кўрмаётган экан, демак, менинг ўйлашимга, ёзишимга (мана, четлари гезариб, булут ҳам чиқиб келди), ўз хаёл-кечинмаларимни титкилашимга ҳеч ким халал бермайди. Мен ўлсам-ўлгандирман, йўқ, ахир тирикман-ку, ҳа, ҳа, бунинг ёлгон жойи йўқ, вақти келиб, бари равшанлашади. Нимадандир бошлаш керак, мен дастлаб воқеа рўй берган нуқтадан бошладим, ҳа, пировардида ҳар қандай ҳикоя шундай бошланади-да ахир.

Ҳақиқатга кўчганда, умуман, бу ҳақда нима учун ҳикоя қилиш кераклиги менга азоб бермоқда. Агар биз бирор ишни нима учун қилишимизни ўзимиздан ўзимиз сўрасак ва инсон бу саволга аниқ жавоб бериши мумкин бўлса, масалан, таклиф этилган зиёфатга нима учун рози бўлганлигини айтиб бера олса (ҳозир каптар, янглишмасам, чумчуқ учиб ўтди), қизиқ латифани эшитиб нима учун кулгиси қистаганини, нима учун қотиб-қотиб кулганлигини билганида эди. Кейин нима учун ана шу латифани кўшни бўлимдаги ошналарига айтиб беришга сабри чидамаганлигини-чи? Нима учун киши шу латифани айтмагунча ишга қўли бормаслигини айтмайсизми. Менимча, ҳеч ким бу саволнинг тагига етолмаган, яхшиси, киши ақл ва виждонини маломатга қолдирмасдан нима бўлганлигини тўкиб солгани маъқул: ахир аслида нафас олиш ёки пойабзал кийишнинг айб-ли томони йўқ-ку – бу одатий ҳол. Лекин бирор кор-ҳол юз бергудай бўлса, айттайлик, пойабзалингга ўргимчак кириб қолса ёки худди ойна сингандай, ўпканг ғалати тасирлаб кетса, – ҳар қандай киши буни ишхонасидагиларга айтишга тушар ёки докторга боришга ошиқарди... “Оҳ, доктор, биласизми, нафас олсам...” Ичдан келган кулгини босиш учун ҳам ҳикоя қилинади, вассалом.

Модомики, шундай экан, биз тез орада ҳикоя айтишга киришамиз, майли, анъанавий тартибга риоя қилсак-қила қолайлик. Бунинг учун аввало ана шу уй зиналаридан тушиш ва бундан роппароса бир ой олдинги еттинчи ноябрга, якшанба кунига қайтиш керак бўлади. Мана, биринчи қаватдан тушамиз, шунда бизни якшанба ва Париж кузи учун мисли кўрилмаган қуёшли тонг қарши олади. Ва шунда шаҳар бўйлаб сайр этгинг, теварак-атрофни томоша қилгинг ва суратга олгинг келиб кетади! (Биз суратчилармиз, яъни мен – суратчиман.) Мен ҳикоя қандай дунёга келишини бутунлай ҳал қилиб олиш ҳаммасидан ҳам мушкул эканлигини билман. Бу ҳақда айтиб ўтилди, бироқ шу гапни яна такрорлашдан ҳеч уялмайман. Энг қийини шундаки, аслида ҳикоя қилувчи ким эканлигини билиб бўлмайди – менми ёки бўлиб ўтган воқеами, ёки бўлмаса, ҳозир кўриб турганим: булутларми, булутлар, баъзан – каптар пайдо бўлади... Эҳтимол мен шунчаки ҳақиқатни, фақат ўзимники бўлиб қоладиган ҳақиқатни ҳикоя қиларман ва бу фақат менгагина керак, ана шу аҳмоқона кулги қистагини босиш учун керак бўляпти, ҳа, буни тезроқ йўқотиш керак – кейин нима бўлса бўлар!

Йўқ, шошмасдан ҳикоя қилмоқ лозим – кейин бари ўз-ўзидан жойига тушиб кетади. Агар менинг ўрнимни кимдир эгалласа, агар гапиришга гапим бўлмаса, булутлар тарқаса-ю, ниҳоят ўрнида бутунлай бошқа нарса пайдо бўлса-чи? (Ахир киши фақат булутларни, аҳён-аҳёнда-каптарларнигина кўрган бўлиши мумкин эмас-ку.) Ана шу бари “агар”лардан сўнг мен қандай сўзни қўллашим мумкин?

Жумлани қандай тўғри тугатиш мумкин? Агарда мен савол бера бошласам, ҳеч нима чиқмайди, яхшиси, тинчланиб, ҳикояни давом эттирганим маъқул. Кутилмаганда у лоақал биттагина, ҳикояни ўқиган кишига жавоб бўла олар!

Роберто Мишель, ярим француз, ярим чилилик, малакали таржимон, бўш вақтларида эса — ҳаваскор суратчи, Мосье-ле-Пренс кўчасидаги ўн биринчи сонли уйдан чиқиб келди. Бу шу йилнинг еттинчи ноябрь куни эди (ҳозир камида иккита булут чеккалари бўзариб чиқиб келмоқда). У муттасил уч ҳафта ўтириб, Сантьяго университети профессори — Хосе Норберто Альенде қаламига мансуб апелляцияга оид илмий ишни таржима қилди. Парижда шамол кам бўлади, лекин аҳён-аҳён бурчак-бурчакларда ҳалқа бўлиб ўйнашади, қуюн бўлиб кўкка кўтарилади, ранж-алам билан кўҳна уйларнинг ёғоч чийпардаларига урилади, парда ортидаги аёллар ўзларича бетайин обҳаводан нолийдилар. Ўша куни эса кун чиққан эди: у шамолни жиловлаб, Париж мушуклари ва менинг кўнглимни хуш қилиб, шаҳар бўйлаб нур сочмоқда эди — мен энди маза қилиб, Сена соҳилида сайр қилишим ҳамда Консьержери ва Сент-Шапелни қандай суратга олиш ҳақида ўйлашим мумкин эди. Соат миллари ўнга яқинлашмоқда эди, мен ўн бирда кун ёруғ бўлади, деб чамалаб кўрдим, куз кунлари учун энг яхши об-ҳаво. Вақтни ўтказиш учун секин-секин Сен-Луи ороли томон йўл олдим, сўнгра соҳил бўйлаб аста Кэ д'Анжуга жўнадим ва бир пайт нигоҳим дангиллама Отель-де-Лозен иморатида тўхтади. Мен шунда албатта Аполлинер<sup>1</sup> нинг ўзим севган мисраларини ўқидим (бошқа шоирни эсласа, яхши эди, бироқ Мишель... бунақа қайсарни ўлиб ҳам тополмайсан!). Бирдан шамол тиниб қолди ва қуёш икки баравар мўлроқ нур сочди (мен — ҳаво икки баравар илиқ бўлди, демоқчи эдим, аслида бунинг унча аҳамияти ҳам йўқ), панжарага ўтириб олдим ва ниҳоят, ана шу якшанба тонги мени нақадар бахтиёр этганини ҳис этдим.

Азоб-қийноқли Ҳеч нимани енгишнинг кўпгина усуллари бор, шулардан бири — суратчилик. Лекин суратга олишни болалик пайтларидан бошлаб ўрганган маъқул, чунки қатъий тартиб-интизомга риоя қилмасдан туриб, теран нигоҳ ва эстетик тарбия ҳамда ишончли бармоқларсиз — ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу ўринда гап умуман навбатдаги хом-хатала материални зўр бериб тиқиштирадиган ёки қандайдир муҳтарам зотнинг беўхшов шарпасини вақтида суратга олишга улгуриб қоладиган муҳбир аҳли ҳақида кетмаяпти. Бу бошқа масала. Гап шундаки, қўлингда яхши камера бўлиши гуноҳ, лекин айниқса қуёшнинг қисқагина “ялт” этиб ярақлашини, нурининг отилган ўқ сингари эски тошдан учишини ёки сочлари шамолда силкинганча юмшоқ булка билан бир шиша сут олиш учун елган қизалоқни суратга олмай ўтказиб юборишинг бориб турган гуноҳдир. Мишель аллақачон суратчи оламга ўз нигоҳи билан қарай олмаслигини, бунга ўзи изн беролмаслигини англаб етган эди — шум камера ҳар ерда ва ҳамма жойда кишига ўз ҳукмини ўтказаверади (ҳозир эса осмонни булут қоплаб келмоқда, деярли қоп-қора). Лекин Мишель шуни ҳам аниқ биладики, борди-ю, кўчага “контакс”сиз чиқадиган бўлса, бир зумда ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқ одамга айланади — кадрдан ташқаридаги олам ҳам, диафрагмасиз ва 1/250 ҳолатдаги

<sup>1</sup> Аполлинер Гийом (1988–1918) — XX аср бошларида яшаб ижод этган машҳур француз шоири «Янги замонавий шеърятнинг ёрқин вакили. Илк марта адабиётга сюрреализм атамасини олиб кирган. (Тарж.)

фотоаппарат ҳам ғойиб бўлади. Ҳа, мана, ҳозир ҳам (“ҳозир” эмиш, ёлғон!) панжарага ўтириб олдим-да, кўзларим билан қизил ва қора кемачаларни кузата бошладим ва қандай қилиб яхши сурат чиқариш учун кадрга тушириш эсимга ҳам келмади, хаёл шунчаки мени, вақтга кўра ҳаракатсиз одамни атрофимдаги нарсалар билан бирга қайларгадир етаклаб кетган эди. Муҳими — шамолнинг ўзи йўқ!

Сўнгра Бурбонлар соҳили бўйлаб то орол тубига қадар бордим, бу ерда ўзим севган жой бўлиб, у жуда дилкаш, тўғрироғи, сирли хиёбон эди (сирлилиги яширин эканлигида эмас, мўъжазлигида эди: аксинча хиёбон дарё ва осмонга кенг бағир очганди). Хиёбонда ҳеч кимса кўринмасди — ягона севишганлар жуфти ҳам... бу каптарларга ўхшайди). Эҳтимол мен ана шу каптарлардан бирини ҳозир ҳам кўриб тургандирман. Бир сакраб, панжарага ўтириб олдим, шунда ноябрь кўёши вужудимни ўз нурларига чирмаб илитди, — мен кунга гоҳ юзимни, гоҳ кўлоғимни, гоҳ қўлларимни тутдим (қўлқопим киссамда эди). Менинг сира суратга олиш истагим бўлмади, — чекдим, шунчаки эрмакка. Шу вақт бўлса керак, кўзим бир ўспиринга тушди.

Мен дастлаб севишганлар деб ўйлаганим кўпроқ она билан ўғилга ўхшаб кетарди, гарчанд бир кўришимдаёқ уларнинг она-бола эмасликлари аён бўлганди, иккиси биз назарда тутган маънони англатардилар, яъни икки киши — йигит билан қиз бир-бирларига биқинишиб турсалар ёки боғдаги ўтиргичда кучоқлашиб ўтирсалар, албатта биз уларни севишганлар, деб ўйлашимиз табиий. Мен бирдан азбаройи қизиққанымдан нима учун йигитча шу қадар ҳаяжонда, худди ҳуркиб кетган қулундай ёки тутқун қўендай олазарақ эканлигини билишга жазм қилдим... Йигитча гоҳ иккала қўлини киссасига солар, гоҳ бирини олиб, ирғитгудай бўлиб, юзига тутар, гоҳ қўллари билан сочларини тарагандай бўлар, гоҳ ундай, гоҳ бундай туриб оларди. У бутун туриш-турмуши билан қочмоққа чоеланган одамни эслатар, ҳар бир ҳаракатида кўрқув, қандайдир уят аралаш таҳлика зоҳир эди.

Бу шунчалик аниқ-равшан кўзга ташланиб турардики, — мендан нари беш метр масофада ва оролда биз учовимиздан бошқа ҳеч кимса йўқ эди, — қаттиқ кўрқиб кетган ўспирин бутун диққат-этиборимни эгаллаб олганлигидан дастлаб сарғиш аёлни пайқамабман ҳам. Энди ҳаммасини бир бошдан хотирласам, мен ўшанда башарасини кўрсатган онлардан кўра уларни ҳозир яхшироқ кўриб турибман, шунда йигитчага нима бўлганлигини фаҳмлай бошладим, кейин қолиб, энди буюғи нима бўлишини кўришга аҳд қилдим (аёл бирдан мис флюгер<sup>1</sup> сингари бошини бурди, шунда кўзлари, ҳа, аввал, кўзлари пайдо бўлди). Шамол уларнинг сўзларини, тўғрироғи, шивир-шивирини олиб келди.

Умуман олганда, ҳаётимда қўлимдан келадигани — қараш, лекин қарасанг ҳам, қарамасанг ҳам барча нарсаларда сохталиқ аломати бўлади, негаки томоша, мушоҳада эҳтиётсизлик билан бизни ўз “мен”-имиздан нариларга иргитиб юборади, сезмоқ — бошқа гап ёки... (Бўлдида, етар, бизнинг Мишель доимо унисидан бунисига иргитгани иргиган, унга қўйиб берсанг бас). Ундайми, бундайми, агар ана ўша сохталиқ ҳақида эсланадиган бўлса, унда нигоҳингга, ҳаттоки ўз кўзларингга ишонишинг мумкин; муҳими, сен қарайсанми ёки сенга қарайдиларми, ана шуни ҳал қилиб олиш, сўнгра эса нарсалардан ортиқча кераксиз ниқобни олиб ташлаб, буларни ошкор этиш, фош қилиш керак бўлади. Тургап гапки, буниси қийин.

<sup>1</sup> Шамол йўналиши ва тезлигини кўрсатиб, аниқлайдиган асбоб.

Дарё буйидагидан кўра (сўнгра бари равшан бўлади) суратдаги ўспирин хотирамда кўпроқ сақланиб қолганди, аёлни эса яхши эслайман, у ҳозир ҳам шундай қаршимда – нозиккина, хушбичим (иккита нотўғри, кераксиз сўзларни қўлладим), мўйнали, деярли қора, деярли узун, деярли башанг мантода турибди. Якшанба тонгининг бутун шамоли оқиш ва гира-шира (яна иккита нотўғри сўз) юзини тутган тилларанг сочларини тўзгитарди. Ана шу сочлар тўзгишида – қора кўзлар ажралиб туради, шундай кўзларки, улар олдида ўзингни ёлғиз, кимсасиз сезасан. Кўзлар эмас, ўлжасига ташланган нақ иккита қалхат, ям-яшил ботқоқзорда “ялт” этган чақмоқ дейсан. Буни мен кўзлар ҳақида ёзмайпман, шунчаки ўзим тушуниб олгим келяпти, мана, айтдим: “Ям-яшил ботқоқликдаги иккита чақмоқ”.

Адолат ҳаққи ҳурмати, айтиш мумкинки, йигитча бинойидай кийиниб олганди; қасам ичаман, сариқ қўлқоплар акасига, ўйлашимча, ҳуқуқшунослик ёки ижтимоий фанлар факультетида таҳсил олувчи талабага тегишли эканлиги тайин; ана шу қўлқоп бармоқлари пиджак чўнтақларидан жуда галати тарзда диккайиб чиқиб турарди. Мен анча вақтгача унинг юзини кўра олмадим, ён томонидан зинҳор аҳмоқ бўлмаган башараси сал-пал кўзга ташланарди – гўё безовта қуш, Фра Филиппо<sup>1</sup> расмидаги фаришта, гуручли пудингнинг ўзгинаси. Кўз олдимда мана-мана, дэю-до усулларини кўрсатишга чоғланган, шу тарзда синглисини ҳам ҳимоя қилган, аллақандай гоёлар учун ёқалашган, ҳатто ўн беш ёшида, кўриниб турибдики, ота-онаси бағрида ҳамма нарса тап-тайёр шароитда яшайди, бироқ чўнтагида сариқ чақа бўлмайди ва ҳар сафар бир қадаҳ коньяк, бир қути сигарета ёки бир финжон қаҳва хусусида гап кетганида бечора танишлари ҳузурда кўзларини ерга олади. Эҳтимол у бир синфда ўқийдиган қизлар ҳақида хаёл сурганича кўча санғиган, нима қилиб бўлмасин, янги чиққан кинони томоша қилиш учун югуришни ёки романми, яна урф бўлган бўйинбоғми, янаям яхшиси сариқ ва яшил ёрлиқ ёпиштирилган бир шиша ликёр сотиб олишни орзу қилган бўлса ажаб эмас. Унинг уйида (бу ҳашаматли уй бўлиши мумкин: роппа-роса соат бирда тушлик қилинади, деворга романтик услубда чизилган расм илинган, нимқоронги даҳлиз ва эшик ёнгинасида соябонлар учун таглик қўйилган) онасининг умидига айланишга мажбур бўлиб, дадасидан ибрат олиб, сабоқларни ёдаки қилиб, Авиньонда яшайдиган холажонига мактублар битиш билан вақт имирсилаб ўтмоқда эди. Мана, сал юрсанг – кўчага чиқасан, сабаб, дарё бўйи шу қадар кенг (аттанг, чўнтакда ҳемири йўқ-да!) туюлади. Мана, эшикларига алоҳида тамға урилган, дарвоза тагида ҳурпайган мушук чўнқайган, ўттиз франкли қовурилган картошка халтаси, тўрт бўлакка букланган шахвоний журнал турган шаҳар нима учун бунчалик ўзига тортиши маълум бўлади. Худди бўм-бўш чўнтак каби ёлғизлик ҳам, шодон учрашувлар ҳам, ҳамма нарсаларга интилиш ҳам ҳали ошкор бўлмаган сирдирки, у шамол ва бўм-бўш кўчаларга ўхшаш буюк муҳаббат ҳамда эркинлик билан чароғон бўлади.

Бу йигитчанинг ҳаёти менга мана шундай ўта жўн ҳамда ўша дақиқаларда ана шу кечирмиш кунлари ҳам зўрлик билан тортиб олингандай туюлди ва ҳозир эса у томоғидан хиппа бўлган аёлнинггина сўзларини диққат билан тингламоқда эди. (Мен ҳадеб бир нарсани қайта-қайта такрорлайверишдан чарчадим, ҳозир осмонда иккита увада булут сузиб ўтди. Ўйлаб кўрсам, ўша тонгда бир марта ҳам

<sup>1</sup> Ижоди XV–XVI асрларга мансуб итальян рассоми.

осмонга кўз ташлаб кўймабман, мени ўспирин билан аёл ўртасида нима гап бўлиши мумкин, деган ўй чулғаб олганди, улардан ҳеч кўзимни узолмаётган эдим — фақат қарардим ва кутардим, қарардим ва ... ) Қисқаси, йигитчанинг аҳволи танглиги шундоқ кўриниб турарди, шунда менинг бундан ярим соат илгари нималар бўлиб ўтганлигини тасаввур қилишим унча қийин бўлмади. Ўспирингина, эҳтимол, бекорчиликдан сандироқлаб оролнинг энг чеккасига адашиб келиб қолади-ю, аёлга кўзи тушади ва ҳайратдан оғзи очилиб қолади. Аёл бўлса... аёл фақат шуни кутган, фақат шунинг учунгина панжара ёнига келган. Балки воқеа мутлақо бундай бўлмагандир, эҳтимол йигитча олдинроқ пайдо бўлгандир ва аёл уни балкондан ёки машина ойнасидан кўриб қолгану, бирор баҳонани рўкач қилибми ёки ваз бўлмаса ҳам гаплашиш учун унга пешвоз чиқишга шошилгандир, чунки аёл олдиндан унинг кўрққанидан жуфтакни ростлаб, қочиб қолгиси келаётганини ва ҳеч қасқа кетолмаслигини ва яна-тагин чираниб, ўзини ҳамма нарсени кўришга улгурган саргузашт ишқибози қилиб кўрсатишини билган. Якуни ҳам равшан: ҳаммаси кўз олдимда содир бўлмоқда эди ва менинг ўрнимда бўлган ҳар қандай одам бемалол ўйиннинг кейинги ривожини ҳам чамалаши, тўғрироғи, ана шу нотенг беллашувдаги қизиқ ҳолатни кўриши мумкин эди. Бунинг ажойиб томони шунда эдики, айнан ҳозирги манзара ана шу беллашув якуни, унинг ечими эканлигини яққол тасаввур қилса бўларди. Йигитча, эҳтимол, янги учрашув учун баҳонани ўзи ўйлаб топади, сўнгра эса уйи томон секин-секин, судралиб жўнайди — у ўзига ишонч билан лапанглаганича — орқасида аёлнинг масхараомуз нигоҳини ҳис қилганича боради. Лекин шуниси ҳам эҳтимолдан холи эмаски, йигитча эс-ҳушидан айрилганлигидан ёки кўрқоқлигидан ҳаттоки шунга ҳам журъат қилолмайди ва худди жойида қоққан қозикдай серрайиб туради, аёл бўлса, ошигининг сочларини хурпайтириб, тутамлаб, эркалайди, юзларини силайди ва у билан сўз қўшмай гаплашади, кўлидан тутганича уйига етаклаб олиб боради; негадир сўнги дақиқага келиб, қандайдир тушуниб бўлмас хоҳишсизлик кўланка солади — афсус!— йигитча ана шу кайфиятини яшириб, дадилланади: аёлнинг лабларидан ўпади ва қўллари нозик беллардан кучади... Буларнинг бари содир бўлиши мумкин эди, лекин ҳозирча бу воқеа рўй бермади ва панжарада ўтирган Мишель ана шу якунлардан истаганини олдиндан сезиб, завқланганича оролнинг хилват бурчагида суҳбат билан машғул, шу қадар банд севишганларни вақтида суратга олиш учун беихтиёр ва бехосдан камерасини тўғрилай бошлади.

Қизиқ, мана шу саҳнага (умуман, ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ: йигитча билан аёл, улар ҳам ўзларича ёшлар-да) қандайдир хавотир соя солиб турганга ўхшарди. Ҳатто назаримда, бу хавотир ўзимнинг ичимда бўлгандай ва суратлар — агар чиқса, фавқулодда оппа-осон ҳақиқатни очиб ташлайдигандай туюларди. Ҳа, айтмоқчи, мен бирдан кўприкда тош қотган машинада ўтирган одамни қандай хаёллар чулғаб олганини жудаям билгим келди. Мен уни ҳозиргина пайқаб қолганимга ажабланмаса ҳам бўлади: ахир ҳаракатсиз машинанинг ичида ўтирган ҳар қандай киши ҳаракат ва журъат гўзаллигидан маҳрум ҳолда кўз илғамайдиган даражада ғойиб бўлади, шунчаки ана шу нотавон яшик ичида йўқолади. Шундай бўлса-да, машина аввал-бошдан ҳеч қасқа силжмай шу ерда, ана шу ажиб дилкаш манзарага халақит қилиб, аксинча уни поёнига етказиб, қаққайиб турарди. Машина — бу манзарада фонарь осиладиган симёғоч ёки боғдаги

ўтирғич сингари бир ёрдамчи деталь; шамол билан қуёш нури эса бошқа гап: уларда доимо кўз ва тери учун янги бир нарса яширинган бўлади. Мана, йигитча ўз жонони билан турибди, улар худди қадрдон оролга мутлақо бошқача нигоҳ ташлашим учун турганга ўхшайдилар. Эҳтимол, муккасидан тушиб газета ўқиётган одам ҳам уларни кузатаётган, ва, эҳтимол, мен каби унга ҳам ҳадеб кутавериш, афтидан, ёқмай турибди... Аёл писибгина киши билмас бир чеккага силжиди ва бирдан шундай туриб олдики, ўспирин у билан панжара ўртасида бўлиб қолди. Мен уларни ёнбошларидан кўриб турардим. Ўспириннинг бўйи баланд эди, хийлагина бўлса-да, баланд эди, шу аснода аёл оёқлари учиде кўтарилгандай бўлди, худди унинг устига энгашган каби (гўё ҳавони хивич билан қамчилагандай, аёлнинг кўққисдан кулгисини қулоқларга олиб келди) йигитчани шу ерда ҳозирлиги, табассуми, қўлларини силкиши билан эзгандан-эзиб турарди! Яна нимани кутиб турибман ўзи? Диафрагма – ўн олти, кадр танланди, тамом-вассалом, худога шукур, анави лаънати машина ҳам йўқ, мана, бир хилдаги сўлгин фонни безаши керак бўлган дарахт турибди.

Худди ана шу севишганлар умуман қизиқтирмаётгандай, камерани кўзларимга олиб бордим, ўзим эсам чехранинг ўзимга керакли юз ифодаси, бари жумбоқлар ечими бўлмиш сирли имо-ишораларни илғаб, тутиб олишга муваффақ бўлишимни билиб турардим, мен кўпгина суратларда бўлгани сингари авжи ҳаракатнинг кескин ўзгараётган жойини беҳудага ўтказиб юбормасдан ушлаб олишим керак эди, агарда бўлинган вақтнинг жонли лаҳзаси бой берилса борми... Кўп кутишимга тўғри келмади. Аёл ишонч билан ҳужумга ўтди, шунда йигитча азобли ҳамда ширин қийноқ исканжасида озодлигининг сўнгги илинжини ҳам йўқотиб бўлди. Кўз ўнгимда боягидай шу воқеанинг эҳтимолий якуни гавдалана бошлади (энди осмонда биргина ёлғиз момик булут сузиб юрибди). Мен хаёлан хонимнинг йигитчани уйига қандай олиб келганини кўрдим (мушуклар ва ола-чипор ёстиқчалар гиж-гиж биринчи қаватдаги уй), болакайнинг ночор ва аянчли башарасини, унинг қандай довдираб, саросимага тушишини, буни сохта бетакаллуфлик остига яширишга уринишини – гўё, бизга шуям янгилик бўптими, дегандай ҳаракатини кўрдим. Мен юмўқ кўзларим билан (юмўқмиди?) бу манзарани ипидан-игнаси-гача яққол кўз олдимга келтирдим: ҳазилнамо бўсалар, оч бинафшаранг, ҳа, ҳа, каравотга тўшалган оч бинафшаранг партўшак шундоқ кўз олдимда намоён, аёл-чи, эркаланиб, қўллари билан кўйлагини эгнидан ечишга шошилади (ҳаммаси худди романлардагидай); шунда аёлнинг ўзи уни, мўмингина, мўлтайиб турган йигитчани ечинтиради, – уларни гўё оч долчин тусидаги маъдандан ишланган тунчироқнинг сарғимтир нурлари остида мисли она ва бола дейсиз. Кейинми – кейин бари худди одатдагидай бўлади, балки, йўқ... ана шу чўзилиб кетган муқаддима қандай ривож топишини ким билади – қўлларнинг ошиқич саросимаси, шиддатли эркалашлар, ўнғайсиз, қовушмаслик оқибати нима билан тугайди? Балки йигитчага олдиндан такаббуруна табассум остида қарши зарба тайёрлаб қўйилгандир, балки бечорагина бола аччиқ ҳайрат ичида мурдадек қотиб қолар? Балки ёлғизгина, заифгина қувонч бўлар? Бари шундай, бари мутлақо шундай бўлиши керак... Ахир шундай мишиқини ҳам ўйнаш қиладиларми ҳеч? Агарда бошқа кишига мўлжалланган ёвуз ўйинни тасаввур қилмасдан туриб, бу аёлнинг қандай ниятни кўзлаганлигини билиб бўладими?

Мишель ана шунга ўхшаш адабий хаёллар суришга муккасидан кетган эди. Ҳаётда бўлмаган ғалати вазиятлар, мантиқан тушунтириб бўлмайдиган қаҳрамонлар ва аллақандай махлуқларни ичидан тўқиб чиқариш унинг жони дили эди, ахир булар ҳаммиша ҳам гашига тегавермайди-да. Бироқ бу ерда вазият бошқача эди: бу аёл унинг хаёлотли, тасаввурини қўзғаб юборган ва айнаи вақтда ўзининг ҳар бир ҳаракати билан бунинг ҳақиқат эканлигига ишора қилмоқда эди. Мен бир сония ҳам кутмасликка аҳд қилдим — қуруқ таваккалчилик кимга керак? Ҳозир (менинг ўтиб кетган воқеаларни ҳуда-беҳудага қайтараверишга мойиллигим учун ҳам бу ҳақда узоқ бош қотирсам керак), фотоаппаратим объект ҳолатининг кузатувчиси атрофдаги бари нарсаларни — дарахт, панжара, қуёшни қамраб олган лаҳзани эслайман. Ниҳоят, сурат олинди! Шунда иккови “ял” этиб менга қаради, улар нима гаплигини тушуниб етганликларини дарров англаб ета қолмадим. Ўспирин — таажжубланган, кўзларида соқов савол ифодаси қотиб қолган алфозда эди, аёл эса шундай газабландики, афти башараси, фақат башарасигина эмас, бутун вужуди қаҳрга тўлиб-тошди, улар жимитдай фотокадр асирлари бўлиб қолганликларидан қаттиқ жазавога тушди.

Бу ҳақда анча батафсил сўзлаб берсам бўлар эди. Лекин нима учун? Аёл ҳеч ким бегоналарни руҳсатсиз суратга олишга ҳаққи йўқлигини айтди ва плёнкани унга қайтариб беришимни талаб қилди. Талаффузига қараганда, аёл асл паришлик эди; унинг қуруқ, қатъий овози ҳар бир ибора сари кўтарилиб, тобора ранг-баранг оҳанг касб эта бошлади. Умуман олганда, менга — плёнкани қайтариш ёки қайтармасликнинг фарқи йўқ эди, лекин ҳамма иш яхшилиқ билан битади, шунинг учун ҳам тўсатдан менинг ўжарлигим тутди ва ҳеч ким, ҳеч қачон жамоат жойларида суратга олишни тақиқламаганлигини ва аксинча: суратчилик ҳар қанақасига ҳам хусусий, ҳам давлат муассасалари томонидан рағбатлантиражаклигини айтдим. Мен буларнинг барини тўқиб соларканман, яширин завқ билан йигитчанинг бирдан чеккага ирригудай бўлиб, орқасига тисланаётганини... кузатдим ва мана, у, қандайдир ақл бовар қилмас даражада эпчиллик билан ўзини олиб қочди ва югура солди. Бечора балки ўзимни муносиб тутиб, жўнадим, деб хаёл қилгандир, аслида эса у оёғини қўлига олди, машина ёнидан елдай учиб ўтди ва худди тонгги сарин ҳавода дарахтлардан тараладиган, Аргентинада “фариштанинг соч толаси”, деб аталмиш узун-узун иплар сингари кўздан ғойиб бўлди.

Ана шу ўргимчак ини толасининг яна бир — “иблис сўлаги” деган номи ҳам бор, шунда бизнинг суратчимиз оғзидан тупук сачратиб, бўралаб сўкина кетди. Шуни айтиш керакки, Мишель ўзини мардонанвор тутди (бу ундан ортиқча заҳмат талаб этмади): у саховат қилиб айтилган ҳақоратларни назокатли табассум билан қарши олди ва ўта одоб билан таъзим қилди. Мен бировларнинг ишларига бурнини суқадиган аблаҳ, палид ва нобакор хусусидаги узундан-узоқ монологдан гоят зерикканимда бирдан машина эшигининг “тарс” этган овозини эшитдим ва аёл ёнида бир эркакни кўрдим — у тўғри бизга қараб турарди. Шундагина мана шу саҳнада унинг ҳам ўз роли борлиги “ярқ” этиб миямга урилди.

У машинада бағоят қунт билан ўқиган ўша газетани қўлидан қўймай биз томон йўналди. Айниқса унинг афтини ғалати буриштиргани ёдимда қолди — бунақасини осонгина унутиб бўлмайди, — юзининг бужмайиши оғзини қийшайтириб қўйган, бурушиқ башарасини бузиб, из қолдириб ўтган эди, муҳими, лаблари гоҳ ўнгга,

гоҳ чапга қимирлаб, қандайдир жонли, гайришуурий нарса вишил-лаб чиқарди. Бу — оппоқ бўрга беланган, бир томчи қони йўқ, қоқча-как териси шалвираган, тош қотган масхарабознинг башараси эди. Кўзлари чуқур-чуқур, бурун тешиклари — ҳаддан ташқари очиқ, қоп-қора, қошлардан ҳам қора, сочлардан ҳам қора, қора бўйинбоғдан ҳам қора эди. Эркак чағиртошларни худди оёқларини яра қиладигандай, эҳтиёткорлик билан босди, лок пойабзалининг тагчарми жуда юпқа эди — буни мен жуда яхши эслайман, — ҳаттоки майдагина тошдан ҳам йиртилиб кетадиганга ўхшарди. Нимагалигини ўзим ҳам билмай, дарров панжарадан тушдим. Яна нима учунлигини билмайману, мен узил-кесил ўлиб қолсам ҳам уларга плёнкани бермасликка, хавотир, тўғрироғи, кўрқув, таҳлика ошқора намоён бўлган талабчан овозга бўш келмасликка қарор қилдим. Аёл билан масхарабоз индамай бир-бирларига қарадилар — биз ўта оғир, чидаб бўлмас даражада мудҳиш учбурчакни ҳосил қилганимизча турардик, ушбу учбурчак бузилиши, ҳозир-ҳозир гумбурлаб қулашига шак-шубҳа йўқ эди. Мен негадир уларнинг юзларига қараб туриб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордим-да, нари кетдим ва анави мактаб ўқувчисидан кўра обрў билан жўнадим, деб умид қилман. Кўприкда, кўприк билан тенглашиб, дастлабки уйлар кўзга ташланганда орқамга қайрилиб қарадим. Улар ҳамон ўша жойда туришар, фақат газета ерда ётар, аёл эса панжарага суянганча титраб-қақшаб, қўлларини тошлар бўйлаб юргизарди — бу қутулиш илинжидаги тутқун одамнинг одатий ва маъносиз ҳаракати эди.

Бари қолган гаплар шу ерда ва яқиндагина — бешинчи қаватдаги уйимда рўй берди. Мишель якшанбада олинган плёнкани ювиб қўйганига ҳам бир неча кун бўлган эди. Сент-Шапель ва Консьержери чиндан ҳам бинойидай чиқибди. Икки-учта синаш учун олинган кадрлар хотирамдан кўтарилаёзибди. Қай мўъжиза билан жамоат ҳожатхонаси қувурининг энг учига чиқиб олган мушук кадри яхши чиқмаганлиги шундоқ билиниб турарди. Мана, оролда олинган сурат — сарғиш аёл ва ўспирин. Негатив аёло даражада чиққанлигидан Мишель тасвирни йирик планда бермоқчи бўлди. Йирик пландагиси ҳам чакки чиқмади, шунда Мишель уни катта афиша ҳажмича катталаштирди. Мишель ўша лаҳзада Сент-Шапель ва Консьержери суратларигина ортиқча дахмаза бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмаганди (шунинг учун ҳам у ҳозир ажаблангандан-ажабланмоқда эди). Бутун бошли плёнкадан негадир аёл билан ўспирин кадригина унинг диққатини тортди. У катталаштирилган суратни тўғри деворга ўрнатди ва биринчи кун тасвирга қараб туриб, эслади, тўғрироғи, эсламади, ўлиб бўлган ҳақиқатни хотира билан (тўғрисини айтсам, бу анчайин ғамгин машғулот), ҳаракатсиз, қотиб қолган хотира билан таққосладим — гўёки ҳамма нарса жой-жойида, ҳеч нима йўқолмаганга ўхшаб кўринган ҳар қандай сурат ана шу хотирага айланиши мумкин, лекин шундай бўлса-да, ана шу Ҳеч ниманинг ўзи тасвир устидан ҳукмронлик қилмоқда эди. Мана, аёл, мана, йигитча, мана, уларнинг бошлари узра пана бўлган, жойида тош қотган дарахт ва осмон, ўз туб моҳиятига кўра ягона ва айнан бир хил, мисли тош панжара сингари аниқ-тиниқ қуйма булутлар (ҳозир эса кўкка булут сузиб чиқди, у худди момогулдуракни етаклаб келадиганга ўхшаб турибди). Дастлабки икки кун бемалол юрдим, суратнинг ўзи ҳам, деворга осиеғлиқ, катталаштирилган нусхаси ҳам менга маъқул эди ва нега қилаётган таржимамдан дам-бадам узилиб, ўқтин-ўқтин аёл юзига ёки тош панжарадаги қоп-қора доғга диққат билан тикилаётганим учун шунчаки ўзимга-ўзим ҳисоб беролмасдим. Мен



ана шунда пешонамга бир урдим... Нима учун ҳанузгача шундай оддийгина нарса ҳаёлимга келмади экан-а! Агар биз суратни тўғри кўз олдимизга келтириб тутсак, кўзларимиз аниқ объектив ҳолатини такрорлайди-ку! Одамлар шундоқ кўриниб турган ҳақиқат ҳақида бош қотириб ҳам ўтирмайдилар. Мен ёзув машинкаси қаршисида ўтириб, тасвирга қарадим – бизни кўп эмас, уч метрча масофа ажратиб турарди, – шунда мен ўша пайт камерам объективи қаршисидаги сингари ҳолатда турганлигимни англаб етдим. Яна нимаси маъқул? Суратнинг бари фазилатларини осонгина баҳолаш мумкин, агар диагоналига қарасанг, бунинг ҳам ўз жозибаси, тасодифий ҳолати борлиги маълум бўлади. Тўғрироғи, Хосе Норберто Альенде испан тилида яхшилаб ёзганини француз тилида унча яхши ифода қилолмай қолганимда вақт-вақти билан суратга қарардим – гоҳ аёл қиёфаси, гоҳ ўспирин, қуриган япроқ, ён томондан олинган суратни аъло даражада тўлдириб, унга маъно бериб турган тош йўл мени ўзига жалб этмоқда эди. Ишдан дам олган пайтларим мана шу сурат ижодкори бўлган ўша кунги тонгга ҳаёлим кетиб қоларди. Аёлнинг суратга олинган плёнкани қанчалик титраб-қақшаб, аччиғи чиқиб, қайтариб беришимни талаб қилганини эслардим, йигитчанинг қочиб қолгани кулгили, айнаи вақтда ўша ғалати одамнинг тўсатдан пайдо бўлиши кишини хавотирга соларди.

Виждонан айтганда, мен ушбу саҳнани унча чиройли тарк этмаган бўлсам-да, ўз-ўзимдан мамнуният ҳосил қилишим мумкин эди. Агар французлар тезоб бўладилар, десалар, менинг нима учун фуқаролик ҳуқуқлари, эркинликлар ва алоҳида имтиёзларни керагида исбот қилолмай, бирдан жуфтакни ростлаб қолганлигим ўзимга ҳам қоронғи эди. Бироқ бошқа томондан – шуниси энг муҳими, – мен йигитчанинг вақтида қочиб қолишига, қутулиб кетишига имкон яратдим (агарда менинг ҳисобим тўғри бўлса, йигитчанинг қочганими йўқми, буниси номаълум). Мен ўзим истамаган ҳолда бировларнинг ишига бурнимни сукдим, лекин шу билан бирга қўрқувдан ўтакаси ёрилган болакайнинг таҳликадан қутулишига пича бўлса-да, ёрдам бердим. Энди у афсусланса афсусланаверсин, уялса, уялаверсин, ўзини ландавур деб ўйласа ўйлайверсин, кейин бу панжарадан ўзига ғалати қараган аёлдақалар билан танишишдан кўра дурроқдир.

Мишелда баъзан ўта одоб-ахлоқли одам уйғонарди, у шунда табиатиға хос бўлмаган тарзда хунук, ножўя ишлар ҳақида ўйлайверарди. Демак, тасодифий олинган сурат ўзининг эзгу вазифасини бажарибди-да. Шунини айтиш керакки, мутлақо ихтиёрсиз равишда ҳар бир бандда ишимни тўхтатиб қўймоқда эдим; ўша дақиқаларда ушбу тасвир нима учун мени бунчалик ўзига тортаётганлиги ва нима учун уни катта қилиб деворга осиб қўйганлигим ҳақида ўйлаб ҳам қўрганми йўқ эди... Эҳтимол фақат шунда, фақат шундай вазиятларда бари юз бериши муқаррар воқеалар содир бўлса керак.

Дарахтларнинг астагина, аранг сезиларли шитирлаши мени сира безовта қилмади, бошлаб қўйган жумламни яна ёза бошладим ва уни бемалол муваффақият билан тугатдим. Сира ажабланарли жойи йўқ! Биз одат қилиб олган нарсалар – каттакон гербарий. Чиндан ҳам йирик пландаги, саксонга етмиш ҳажмдаги сурат экранга жуда ўхшаб кетади, ушбу экранда аёл тилёғламалик билан йигитчани суҳбатга тортмоқда ва уларнинг бошлари узра япроқлари қуруқшаб қолган дарахт бутуқлари чайқалади.

Аммо манави қўлларни қаранг — буниси жуда ортиқча! Шуниси қизиқки, мен эндигина таржима қила бошлаганимни биламан: “Donc, la seconde olé résid dans la nature intrinséque des difficultés que les sociétés...”<sup>1</sup> — бирдан аёлнинг кафти, бармоқлари аста-секин бирлашиб мушт бўлганини кўриб қолдим. Кўз очиб юмгунча ўзимни йўқотдим, батамом чала, тугалланмаган французча жумла, полда машинка, гичирлаб қолган курси ва туман ўз ҳолича қолди. Ўспирин бутунлай ҳолдан тойган боксчилар сўнгги зарбани кутаётиб қилганидай, бошини мағлубона эгди. У ёқасини кўтариб олган ва шу ҳолати билан асирга, ҳалокат сари ўзи йўл очиб берган ҳақиқий қурбонга янада кўпроқ ўхшаб кетди... Аёлнинг қўллари яна ёзилди ва узун-узун бармоқлари ўспириннинг бетларига узалди. Аёл йигитчанинг қулоғига нималарнидир шивирлади, у эса, кўрқув ичида, тўғроғи, безовталаниб, аёлнинг елкаси узра бошини чўзди ва дам-бадам ўша томонга қаради, қаёққалигини — Мишель жуда яхши биларди — уёқда машина ва кулранг шляпали одам турарди. Улар кадрга тушмабди, хўш, тушмаса нима қипти? Ўша одам ўспириннинг кўзларида (бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади), аёлнинг сўзлари ва қўлларида, маълум бўлишича, атиги воситачи ролини ижро этаётган ҳузуридаги ана шу аёлнинг иштирокида яшамоқда эди. Сўнгра эса мен ўша одамнинг уларга яқин келганини, уларга қандай нигоҳ ташлаганини — қўллари чўнтагида, башарасида ранжишми, тоқатсизликми зоҳир, - мисоли ҳозир-ҳозир берилиб ўйнаган итига ҳуштак чалиб, чорлаган қаҳри қаттиқ хўжа-йинни кўрдим. Шунда мен, агар бу ўринда “тушундим” иборасини қўллаш жоиз бўлса, ўша пайт бошланган ва албатта содир бўлиши керак бўлган иш, беихтиёр ва қўққисдан келиб қолиб халал бермаганимда, эҳтимолдаги воқеа, бўлиши зарур ҳодиса, шак-шубҳасиз, шу кишилар ўртасида рўй бериши муқаррарлигига тушуниб етдим. Ҳақиқат, менинг тасаввурим намоён этган манзарадан ҳам даҳшатлироқ эди. Бу аёл панжара ёнида ёноқлари қипқизил беозоргина фаришта билан ўз ихтиёри билан турмаган, болакайнинг қалтираши ва журъатсизлигидан маза қилиб завқланмоқчи, вақтини чоғ қилмоқчи ҳам эмас. Ҳақиқий хўжайин мавриди келишини пойламоқда ва ҳаммаси рисоладагидай бўлишига ишонмоқда эди.

Янги-янги қурбонлар изидан бир марта эмас, икки марта эмас, кўп маротаба аёлни жўнатган... Кейинми — кейин воқеалар оддийдан ҳам оддий кечачи: машина, уй — бунақаси эмас, бошқача уй, шароблар, шаҳвоний суратлар ва кечиккан кўзёшлар. Мен бу сафар тамоман ҳеч нима қила олмадим, мутлақо ҳеч нима. Аслида суратчилик менга асло ёрдамчи эмас, балки душман экан, у ошқора қасос олди — энди нима бўлишини кўр, бир маза қил, дегандай бўлди. Мен суратни аллақачонлар чиқариб қўйганман, орадан соатлар эмас, кунлар, ҳафталар ўтди, биз энди бир-биримиздан йироқда турибмиз, ўкинч-пושаймонлик кўзёшлари аллақачонлар тўкилиб бўлган, фақат ҳасрат ва ҳайрат қолган, холос, биз бирдан ўрнимизни алмаштирдик, бу одамлар яшамоқдалар, ҳаракат қилмоқдалар, ишларини ҳал этмоқдалар ва уларнинг қарорлари ўзлари томонидан идора қилинмоқда, мен эсам буюқда ана шу кишилар — сарғиш аёл, ўспирин ва эркак кимлар эканлигини билмаслигим, бу ҳақда хабарсизлигим асирга, мен — фақатгина ўз камеранинг аянчли линзаси, тош қотган, ҳаракатланишга қодир бўлмаган қандайдир нима асирга айланаман. Кўз ўнгимда рўй берган бари воқеалар менинг ожизлигим устидан шу қадар шафқатсиз-

<sup>1</sup> Лекин бошқа йўли ҳам бор — қийинчиликларнинг ички табиатига кўра, жамият... (Франц.)

лик, шу қадар бераҳмлиқ билан кулгандай, мазах қилгандай бўлди: мен башараси оппоқ бўр билан чапланган масхарабозга йигитчанинг қандай нигоҳ ташлаганини кўрдим; мен боланинг тузоққа тушишини, уни пул билан йўлдан оздиришларини билдим. Мен энди — қоч! — дея ҳайқира олмаслигимни — бир лаҳзада қимматбаҳо атирлар ифори ва ҳирс-эҳтирос тупуги билан мустаҳкамланган синчни бузиб юборган тасодифий суратга олишдай, арзимас бўлса-да, ҳаракатим билан болани энди қутқариб қололмаслигимни билдим. Бу воқеаларнинг бари қандайдир табиий сукунатга ўхшамаган сукутга чўмган ўша дақиқаларда содир бўлган эди. Назаримда, мен қичқариб юбордим, умидсизлик, ранж-алам билан ҳайқирдим, ўша лаҳзада уларга пешвоз,- бир қадам, ярим қадам, яна бир қадам босиб бораётганимни тушуниб етган эдим. Олдинги планда дарахт новдалари майин силкинмоқда эди, панжарадаги доғ ҳам кадрга тушиб қолибди. Аёл ўтирилди, шунда унинг хавотирли, кўрқиб кетган башараси менга таҳдид қилди. Ушанда мен бир оз чеккага сурилдим, тўғрироғи, мен эмас, менинг камерам силжиди. Аёлни кўздан қочирмай, мен, яъни камерам, ўша одамга яқинлашди, у эса саросимага тушиб, даргазаб кепатада менга кўз ўрнидаги қоп-қора, чуқур ўралари билан тикилди, шундай тикилдиги, нақ ниманидир ҳавога миҳлаб ташлагиси келгандай бўлди. Мана, шу ерда, қаршимда, фокусдан ташқарида бир каттакон қуш бутун суратни тўсиб, ўтиб кетди. Мен бир он ўзимни бахтиёр сездим ва деворга суяндим — нима бўлса ҳам менинг болакайим қочиб қолди-ку, кўздан ғойиб бўлди-ку. Сўнгра мен уни фокуснинг ўзида кўришга муваффақ бўлдим: у оёғини қўлига олиб югурди, йўқ, югурди эмас, орол узра қанот қоқиб учди — унинг жингала сочлари шамолда — ўша кўприкка томон елди, ҳилпиради. У учишга ўрганди ва шаҳарга қайтишни эплади.

Иккинчи марта шундай бўлдиги, йигитча жуфтакни ростлади, мен иккинчи марта унга ёрдам қўлини чўздим ва ўспиринни омонат жаннатга қайтариб юбордим. Бирдан нафасим ичимга тушиб кетди, шунда мен тўғри улар қаршисида тўхтадим. Яна олға юришдан маъно йўқ — ўйин ўйналиб бўлди! Аёл кифти ва бир тутам сочи аранг кўзга ташланган, менга еб қўйгудай тикилган ўша одам тушган янги кадр шу қадар шафқатсиз эдики, унда ўша одамнинг ним очиқ ўра каби оғзи, қоп-қора тили қанчалик титраётганини кўрдим... У қўлларини оҳиста кўтарди, бир онга фокуснинг ўзига тушди ва олдинги планга чўзди, сўнгра эса каттакон яхлит бўлак сингари барини — дарахтни ҳам, оролни ҳам тўсиб олди, мен эсам бориб турган телбаи девонадай ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Ҳозир, ҳа, ҳамиша — боши ҳам, кети ҳам кўринмайди — осмонда катта оппоқ булут сузиб юрибди. Мен ҳозир кўкда биттагина булут ёки иккита булут борлиги ҳақида, ёки соатлаб осмон ғоят тиниқ бўлиши ҳақидагина гапиришим мумкин, холос. Яна деворга нинатўғнағич қадалган квадрат қоғоз бор. Мен кўзларимни очиб, бармоқларим билан кўзёшларимни артганимда дастлаб кўрганим мустаффо осмон бўлди, сўнгра эса булутлар — чапдан чиқиб келиб, аста-аста, гўё савлат тўккан каби ўнг томонга сузиб бормоқда эди. Шундай ҳам бўладиги, ҳаммаёқ кул рангига, улкан қора булутга бурканади ва кейин ёмғир томчилаё бошлайди. Бу ёмғир мисли эгри чизиқча-чизиқча бўлиб ёғади, бу худди менга ўзгача йиғи, нолага ўхшаб туюлади. Сўнгра квадрат топ-тоза бўлиб қолади — бунга қуёш сабабчи бўлса керак — ва яна осмонга булут чиқади: битта, иккита, баъзан учтаси бирданига пайдо бўлади. Гоҳо каптарлар, гоҳо битта-иккита чумчуқлар ҳам кўриниб қолади.

## Хулио КОРТАСАР:

### “XX АСР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАН БИР ЛАВҲА”

“Американинг иккинчи бор кашф қилиниши” — яқиндагина, яқин ўтган XX аср охирларида Лотин Америкаси ёзувчиларининг катта тўлқин билан кўтарилишини, яъни ижодий парвозини жаҳоннинг йирик адабиётшунослари шундай дея баҳолаган эдилар. Оламушумул кўтарилиши, ижодий парвоз муаллифлари — колумбиялик Габриэль Гарсиа Маркес, гватемалалик Мигель Анхел Астуриас, кубалик Алехо Карпентьер, мексикалик Карлос Фуэнтес ва шубҳасиз, аргентиналик Хулио Кортасар бўлдилар. Бу забардаст ижодкорлар ўтқир қаламлари билан бутун бир қитъани янги, ёрқин ва ўзига хос бўёқларда намоён эта олдилар. Ана шу муаллифлар сафидан “№ 1 Аргентина адаби” Хулио Кортасар муносиб ва мустақкам ўрин эгаллади. Ақлий салоҳияти асарларида уфуриб турган, бошланғич манбаи — индивид, шахс онги бўлган ёзувчи Кортасар насрда кашфиёт ясай олди, нафақат Лотин Америкаси, балки жаҳон адабиётида инсон портретини чизиши, мураккаб ва нозик қалб тугъгани моҳирона тасвир этиши орқали жамиятни ўзига хос талқин этишида янгилик яратди.

Бельгиядаги Аргентина савдо ваколатхонаси ходимининг ўғли бўлган Хулио Кортасар 1914 йилда немислар томонидан босиб олинган Брюссель шаҳрида дунёга келади. У тўрт ёшга чиққанида оиласи Аргентинага қайтади. “Болалик йилларим, — дея ёзади ёзувчи — Буэнос-Айрес яқинидаги Банфиельда, мушуклар, итлар, тошбақаларга тўла уйда, гўё жаннатда кечди”. Адабий-фалсафа факультетига ўқишга кирган Кортасар бир йил ўқир-ўқимас уни ташилайди: оиласидаги этишмовчилик уни ишлашга мажбур қилади. У қишлоқ ўқитувчиси бўлади, Китоб палатасида ишлайди. Шу йиллари Кортасар тинимсиз ёзади, аммо ёзганларини эъло қилишига шошилмайди. Ёш Кортасар болалигидан Эдгар По ҳикоялари руҳида улғаяди, у фантастик ҳикоя ёзиши анъанасини давом эттиради. XX аср Аргентина адабиётида бу жанрни Орасио Кирога ва Хорхе Луис Борхес сингари Лотин Америкасининг атоқли ёзувчилари намоён этардилар. Кортасар бу ёзувчилардан кўп нарсаларни ўраанади. Лотин Америкасининг забардаст ёзувчиси, уруввайлик Орасио Кирогадан олган сабоқларини ўзининг “Қисқа ҳикоя ва унинг ҳудудида” деб номланган мақоласида эътироф этади, ҳикоя концепциясини адабий жанр сифатида таҳлил қилиб, ўз ижодий услубини баён қиларкан, Кироганинг ҳикоя ёзиши санъати сирлари ҳақидаги ушбу маслаҳатларини самимият билан ёдга олади: “Шундай ҳикоя қилгинки, гўё бу ҳикоя ўзинг яратган адабий персонажларининг мўъжасзгина давраси учун қизиқарли бўлсин. Бу персонажлардан бири ўзинг бўлишинг ҳам мумкин. Фақат шундагина ёзган ҳикоянг ҳаётий чиқади”.

Кортасар бу ўғитга амал қилади, шунинг учун ҳам унинг ҳикоялари қанчалик мураккаб, тушуниши қийин бўлмасин, уларнинг ишонтириши қудратига тан бермасдан бўлмайди. Ёзувчи гўёки ўз ҳикоясини ўқувчига “ишониб” топиради ва китобхоннинг у билан алоқа бовлай олишига умид қилади. Кортасарнинг кўпгина ҳикоялари биринчи шахс номидан ёзилади, аммо ёзувчи ҳикояда пайдо бўлган вазиятга ҳукмфармолик қилмайди, уни изоҳлаб бермайди. “Мен ёзаётганимда, инстинктив тарзда яратувчи бўлишга ҳаракат қилмайман, — деб ёзади у. — Истайманки, ҳикоя ўзининг мустақил ҳаётига эга бўлсин, ўқувчи эса ўз-ўзидан туғилган, ўзининг ичидаги, ҳаттоки ўз-ўзидан пайдо бўлган нимадир, қандайдир туйғуни ҳис қила олсин”.

Кортасарга маҳорат бобида иккинчи устози, ёзувчи Хорхе Луис Борхес бево-сита кучли таъсир кўрсатади. Шоир, эссенавис, ҳикоянавис, қудратли тасавури ва ҳаёлот билан ажралиб турган Борхес ўтган асрнинг 40-йиллари бошларига келиб, ўзига хос тўлақонли бадиий концепциясини яратади. Ушбу концепция асосида англаб этиши мушкул олам тартибсизлиги, абсурдлиги этади.

Кортасар она замини халқлари ҳаёти, портрети, тақдирини қалами, сўзида мужассам эта олиши масбулятини англаб этиши учун узоқ ижодий йўл босишига тўғри келади. Шунинг ҳам айтиши жоизки, у ижодий йўли бошиданоқ бу туйғуни

<sup>1</sup> Cortázar. El último Rouna. Méxiko. Sidlo XXI, 1970.

ҳис қила олган эди. Ана шу туйғу Борхеснинг аччиқ фатализмига қарши ўлароқ, ёзувчи Кортасарни бошқа, ўз ижодий йўлидан боришига ундайди.

Биз эътиборингизга ҳавола этаётган уч ҳикоя ҳам ана шу туйғу билан суғорилган. Бу ҳикоялар услубан бир-биридан фарқ қилса-да, уларни бир нарса бирлаштириб туради. У ҳам бўлса, ёзувчи қалби, тафаккури ҳамда ўқувчига айтажак ўзига хос дадил сўзи.

“Автобус” ҳикоясини кўпгина кортасариунослар турлича талқин қиладилар. Бизнинг талқинимизда, ёзувчи услубига хос мистика бу ерда ҳам сезилади: ҳикоя лўнда, равон ўқилади, шу билан бирга ўқувчини ўйлашга, фикрлашга мажбур эта олади. Гўёки ҳикоя содда ёзилгандай туюлади: Буэнос-Айрес кўчалари бўйлаб юрадиган оддийгина автобус, ўн беш песога патта олган оддий йўловчи қиз Клара, тунд кондуктор ва йўловчилар. Аммо Кларанинг автобусдаги саёҳати мудҳиш тушга айланади, ҳар бир одим сари, ибора сари даҳшатли хавф китобхон қалбини ҳам эгаллаб боради. Бу хавф тилга олинмайди, лекин уни ҳис қилиши кишини хавотирга солиб қўяди, чунки Клара ва унинг кутилмаганда пайдо бўлган ҳамроҳи ўзларини сўлиб қолган гул кўтарган йўловчилар ҳамда индамай уларни бошқалар билан автобусдан тушиб кетишига ундаган кондуктор ва йўловчиларнинг ёвуз иродасига кўр-кўрона итоат қилган ҳайдовчига қарши қўядилар. Кортасар айтмоқчи бўлгани — инсонлар ҳаётда рақами бўлмаган ўз йўллари, йўналишларини танлашларида қанча синовларга, қийинчиликларга дуч келадилар ва уларни енгиб ўтишлари керак бўлади.

Биз юқорида Кортасар ижодига таъсир этган ёзувчилар, Эдгар По, Борхесни тилга олдик. Албатта, Эдгар По, Борхес ижод этган тушлари Кортасарга таъсир қилмай қолмади. Аслида туш — жанр. Маълумки, Борхес ижод этган туш — бошқа тушларни башорат қиладди, яъни бошқа тушлардан дарак беради. Кортасар бошқача йўл туттади. Унинг туши уйғонишни олдиндан ҳис қиладди. “Даҳшатли тушлар” ҳикояси қаҳрамони Меча гўёки ҳаммани воқеликдан “огоҳ этади”. Ёзувчи айтмоқчиси, летаргик уйқуда ётган қиз сергак, бедор, уни қуршаб олган кишилар эса уйқудалар. Кортасар ҳикоя сўнгида қаҳрамонини уйқудан уйғотади ҳамда ўқувчисини бирданга тушларнинг эгри-бугри кўчаларидан чиқариб юборади ва уни ўз ҳаёти билан рўбарў қилиб қўяди. Биз ҳикояни ўқиб, бир ҳақиқатни ўқмоғимиз даркор бўлади: мудҳиш воқелик — летаргик уйқудан даҳшатлироқдир. Воқелик кўр, тушнинг эса кўзи очиқ, барини равшан кўра олади.

Биз танлаган учинчи ҳикоя “Иблис сўлаги” — ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлган ва машҳур итальян кинорежиссери Микеланжело Антониони бу ҳикоя асосида 1967 йилда “Суратни катталаштириш” номли кино ишлаган эди. Мазкур фильм 1969 йилда Канн кинофестивалининг бош совринини олишга сазовор бўлади. Аслида итальян кинорежиссери “Иблис сўлаги” ҳикоясининг фақатгина бошланғич сюжети оҳангини ўзлаштирган ва уни ўзига хос талқин этган. Фильм қаҳрамони ҳақиқатнинг тағига ета олмай, ахири ўйин талабларига бўйсунди, яъни бу оламда нима ёлғону нима ростлигига тушуниб етишга интилмайди. Кортасар эса бундай релятивизмга қарши чиқади. Айнан ёзувчи “Иблис сўлаги”да тўғридан-тўғри бундай фикрга зидма-зид иш кўради: инсон бу қадар разилликка қарши чиқа олади, ёвузликка халал беради. Ижодкорнинг поэтик тасаввур, хаёлотини эса ўзи иштироқчиси бўлган воқеани қайтадан тиклашга, уни таҳлил қилишга имкон беради. Ёзувчи хаёлотини ёрдамида тикланган манзарага, яъни ёвузликка қарши ўз олижаноб, эзгу сўзини айта олади.

Кортасар баракали ижод қилди, умрининг кўп қисмини Парижда ўтказди, худди “Иблис сўлаги” ҳикояси қаҳрамони сингари таржимон бўлиб ишлади. Парижда ўтказган йиллари унинг ажойиб асарлар яратишига замин яратди. У 1984 йилда бу оламдан ўтди. Йиллар ўтибдики, Хулио Кортасарнинг “Имтиҳон”, “Ютуқ”, каби романлари, “Таъқибчи”, “Бошқа бир осмон” қиссалари, “Онамнинг мактублари”, “Сеньорита Кора” “Бестиарий”, “Истило қилинган уй” сингари ҳикоялари аслабидиятга намуна бўлиб қолмоқда, катта адабиётга абадий хизмат қилмоқда.

Таржимон ва  
матн муаллифи  
Маъсума АҲМЕДОВА

Шоҳ Исмоил ХАТОИЙ  
**Юзинг кўрмак саодатдир**

**Ғазаллар**

\* \* \*

**Х**оки пойинг, дилбаро, бир тож-давлатдир менга,  
Бас, юзинг кўрмак сенинг бахту саодатдир менга.

Чун ғами ишқингда ўлмақдир ҳаёти жовидон,  
Ҳақ билар ўлмақ эмас, ул айни роҳатдир менга.

Мунчаким дардингда заҳмат чекибман, эй бевафо,  
Чунки сендандир бу заҳмат, жумла роҳатдир менга.

Гарчи ўртарсен ҳижобда доим, эй оромижон,  
Гоҳ юзинг кўрсатганинг айни иноятдир менга.

Тушда кўрди тун Хатойий, ёр бўлибдур ҳамдами,  
Ё тушимдир, ё хаёлим, бу не ҳолатдир менга?

\* \* \*

Найларам жаннатни мен ул ерда дилдор бўлмаса,  
Кўй у боғ вайрона ўлсин мева, гулзор бўлмаса.

Фафлат аҳли қолди ҳақдан шундай балким бенасиб,  
Қайда дийдорин кўрар, ул бунда бедор бўлмаса.

Дуняда ошиқ киши кийди маломат тўнини,  
Ҳар етишган ошиқ эрмас дард унга қор бўлмаса.

*Озарбайжончадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржималари*

Озарбайжон мумтоз адабиётнинг атоқли намояндалари орасида Шоҳ Исмоил Хатойийнинг муносиб ўрни бор. Озарбайжон сафавийлар давлатининг бунёдкори сифатида шуҳрат қозонган Шоҳ Исмоилнинг сиёсий фаолияти, маданиятни равнақ топдириш соҳасидаги хизматлари унинг бадиий ижоди билан чамбарчас боғлиқдир.

Шоҳ Исмоил 1486 йилда Ардабил шаҳрида Шайх Ҳайдар оиласида дунёга келди. Оқ кўйунлилар орасида тахт талашишлар ва жангу жадалларда ғалаба қозонган Шоҳ Исмоил 1502 йилда сафавийлар давлатини барпо этди ва Табризни пойтахт қилди. Унинг мамлақати шарқда Шайбонийхон, ғарбда Усманийлар давлати билан чегарадош эди. Фотиҳ ва шоир сифатида танилган Шоҳ Исмоил ижодда Хатойий тахаллусини танлаганди. У 37 ёшида шоҳликни ўғли Тахмасибга қолдириб, ўзи ижод билан шуғулланди. Кўплаб ишқий ғазаллар, ҳамдлар, наътлар битган Хатойий “Насиҳатнома”, “Даҳнома” сингари фалсафий-тарбиявий дostonлар ҳам ёзиб қолдирди. Шоҳ ва шоир Исмоил Хатойий 1524 йилда, 38 ёшида вафот этди ва у Ардабилдаги Шайх Сафи мақбарасига кўйилди.

Ошиқ аҳлин боши майдон ичра тўпдек ўйналар,  
Бошини майдонга қўймас кимки сардор бўлмаса.

Тўғрилиқ дўст эшигидир, тўғри кел, кир бу йўла,  
Эгри майдонда уялгай, унда иқрор бўлмаса.

Эй Хатойй, сўз дурин харж айлама нодонга сен,  
Дур-гуҳар қадрини билмас ким харидор бўлмаса.

\* \* \*

Бу олам ҳуснинга ҳайрондир, эй дўст!  
Сенга бу гунчалаб хандондир, эй дўст!

Мен ул Ёқуб мисоли зор бўлдим,  
Жамолинг Юсуфи Канъондир, эй дўст!

Ҳилолдек қошларинг кўрганда кўзлар,  
Бу жоним ийд<sup>1</sup>инга қурбондир, эй дўст!

Азалдан бу жаҳон ҳайронинг эрур,  
Ки, ҳуснинг сурати раҳмондир, эй дўст!

Жамолинг сафҳасида хатти холинг,  
Юзингда ояти Куръондир, эй дўст!

Сенинг ишқинг вужудим шаҳри ичра  
Бу кўнглим тахтига султондир, эй дўст!

Хатойй кўп жафо чекти, демишсан —  
Бу бизга лутф ила эҳсондир, эй дўст!

\* \* \*

Дилрабо, дардимга дармон сендан ўзга кимса йўқ,  
Ҳам яна кўнглимда дерман, сендан ўзга кимса йўқ.

Ҳажр уйинда ким билан мен ҳамдам, эй санам,  
Кўнглим шаҳрида меҳмон сендан ўзга кимса йўқ.

Хизрдек зулматда қолдим, бир мадад қил тангри-чун,  
Ташналарга оби-ҳайвон<sup>2</sup> сендан ўзга кимса йўқ.

Ҳар на ким, ҳукм айласанг, айла менга эй, ишқи ёр,  
Бу кўнгул тахтида султон сендан ўзга кимса йўқ.

Бу Хатойй хастанинг бергил муродин, ё илоҳ —  
Ким, менга лутф бирла эҳсон сендан ўзга кимса йўқ.

\* \* \*

Ҳасратинг дардидан, эй жон, бағрим ўлди поралар,  
Тиғи ишқинг бу юракни ҳар дам айлар ёралар<sup>3</sup>.

Ёндириб ҳижрон ўти кўнглимга берди бода гар,  
Тутди афлоки жаҳонни, кийди кўк ҳам қоралар.

<sup>1</sup> И й д — байрам.

<sup>2</sup> О б и ҳ а й в о н — ҳаёт суви.

<sup>3</sup> Я р а — англамида

Тушди хуснинг бандига жон бирла дил, бу кўзларим,  
Чора йўқ, ночор бўлибдир, найласин бечоралар.

Тарк этиб, қўйдим, кетарман, хонумонни<sup>1</sup>, мулкни мен,  
Ҳажринг этди мен ғарибни, телбаю оворалар.

Ўлди дардингдан Хатойй, бир қадам ранжида қил —  
Қабрига боргил, эшитгил юз-ҳазорон нолалар.

\* \* \*

Вужудингни бу кўнглим жон демишдир,  
Лабингни лаъл ила маржон демишдир.

Сочинг рангин қаро тундир деганлар  
Юзинг нурун моҳитобон демишдир.

Бу кўнглим ишқини, эй ғамгусорим,  
Вужудим шаҳрига султон демишдир.

Оқур икки кўзим ёши юзимга —  
Бирин Нилу бирин Уммон демишдир.

Оёгинг чангига, эй нури раҳмон,  
Хатойй жонини қурбон демишдир.

\* \* \*

Токи тушдим ҳажринга, кўнглим фиғона бошлар,  
Келди оҳимдан менинг фарёдга тоғу тошлар.

Хуснингни ёд айласам, эй сарв бўйли дилбарим,  
Фурқатингда чашмадек оққай кўзимдан ёшлар.

Меҳри рўйинг сарбасар сеҳри-ла тутди оламни,  
Фитнаю говғага солди ул кўз ила ул қошлар.

Ишққа дил бердинг дея, жабр этма, эй зоҳид, менга,  
Жон берар маъшуққа доим ошиғи қаллошлар<sup>2</sup>.

Носиҳо<sup>3</sup>, айб айлама мискин Хатойй шеърини,  
Ҳаққа чун маълум эрур кўнглингда сирру фошлар.

\* \* \*

Кўнгул бир ёрни севди, ул паридир,  
Жаҳон ичра гўзаллар сарваридир.

Бўйи боғ ичра сарвинозга ўхшар,  
Ёноғи ҳам анчайин бор — аҳмаридир.

Юзидир нисбати хуршиди тобон  
Фалакда шоҳ унинг-чун Муштарийдир.

Юзи саҳни гулистон ичра гулдир,  
Сочининг бўйи мушки анбаридир.

<sup>2</sup> Х о н у м о н — оила, сулола.

<sup>3</sup> Қ а л л о ш л а р — қаландарлар.

<sup>4</sup> Н о с и ҳ о — эй насиҳатгўйлар, устозлар.



Унинг васлига ким бир дам эришса,  
Жамъи мулки оламнинг бори<sup>1</sup> дир.

Сочининг рангидир чун лайлатулқадр,  
Жамоли нури шамси ховаридир.

Азалдан уни севдим жону дилдан,  
Уйламасинки, ишқим сарсаридир.

Боқиб ҳайрон бўлур ҳуснингга олам,  
Хатойй хастанинг ул дилбаридир.

\* \* \*

Ишқ майдонида ҳар ким жон билан бош ўйнатар.  
Ёр ёнида ғамзадир, киприк-ла қош ўйнатар,

Шоҳи мардоннинг йўлида кўп киши бордир вале,  
Офарин ул бошга ким, минг бошга бир бош ўйнатар.

Шоҳга қул, маҳрам бўлиб, жону бошидан кечар,  
Сонма<sup>2</sup> ким ёри қошида тегма фаррош ўйнатар.

Кеча мен-ла рўбарў келгач нигор, бўлди рақиб,  
Кўзлари-ла кўп ишоратлар қилиб, қош ўйнатар.

Эй Хатойй, ғам ема, чун душманинг кўп бўлса ҳам,  
Муддаий доим йироқдан карпичу<sup>3</sup> тош ўйнатар.

\* \* \*

Эй пари, ҳуснинг сенинг жони-жаҳондан яхшидир,  
Балки, фақат жон эмас, жону жаҳондан яхшидир.

Гарчи Ёқубни ожиз қилди фироғи Юсуфнинг,  
Заъф ичида ул тағин мен нотавондан яхшидир.

Мақтаманг моҳи фалакнинг партави-рухсорини,  
Ул парининг ҳусни моҳи осмондан яхшидир .

Ошиқни вайронадан манъ этма, эй ақл аҳли ким,  
Хастадил Мажнунга саҳро хонумондан яхшидир.

Бу Хатойй сой каноринда на боқсин сарвгаким,  
Қадди қомати унинг сарви равондан яхшидир.

\* \* \*

Ишим ишқингда фарёд айламакдир,  
Висолинг ваъдасин ёд айламакдир.

Хароб этди, демам, ишқинг кўнгилни,  
Бас, ул вайронни обод айламакдир.

Бу кўнглим одати ҳар тун ғамингда,  
Фигону оҳ бунёд айламакдир.

<sup>1</sup> Б о р и — мулки, бойлиги.

<sup>2</sup> С о н м а — ўйлама.

<sup>3</sup> К а р п и ч (кирпич) — гишт.

Берур ғам дилга, оҳ, уммиди васлинг,  
Бу расм ила уни шод айламакдир.

Хатойӣ, қуллуғинг мақбул қилсанг,  
Бу кун юз банда озод айламакдир.

\* \* \*

Шаҳо, не буюрсанг, фармон сенингдур,  
Йўлингда жону тан қурбон сенингдур.

Хато мендан, афу сендан, аё дўст,  
Мурувват конисан, эҳсон сенингдур.

Сувсабди лабларинг Хизри замона,  
Суғор, кел чашмаи ҳайвон сенингдур.

Севар бўл давлат отини ҳамиша,  
Саодат тўпига човгон сенингдур.

Малаклар муштаридир гул юзингга,  
Сур энди, эй қамар, даврон сенингдур.

Азалдан жонни мен қурбон қилардим,  
Қабул айла, шаҳо, фармон сенингдур.

Эшигингда қулингдир бу Хатойӣ,  
Назар қил ҳолига, ҳайрон сенингдур.

\* \* \*

Кўнгул, шод бўлки, жонон келди, дерлар,  
Бу мурда жисминга жон келди, дерлар.

Шикоят қилма сен ҳижрон ғамидан,  
Сенинг дардинга дармон келди, дерлар.

Бу зулмат жабрини кўп тортди булбул,  
Баҳор бирла гулистон келди, дерлар.

Қумурсқа боғлади бел хизматига,  
Эсар еллар Сулаймон келди, дерлар.

Хатойӣ, жон фидо дўстинг йўлига,  
Бу кун дўст сенга меҳмон келди, дерлар.

\* \* \*

Ҳоли дилимни бандадан ул ёра сўйлангиз,  
Ҳажр ўқидан бағрим неча бир ёра, сўйлангиз.

Аҳволимни сўраса менинг ул жафоли ёр,  
Зору назару хастаю овора сўйлангиз.

Гулгун ёноқларин ғаму жабру жафолари,  
Қилди ҳавола бағримни юз пора, сўйлангиз.

Кўп меҳнату жафонгизни чекдим, вафо қани?  
Ғам ҳаддан ўтди, дилбари ғамхора, сўйлангиз.

Сахрога солди оҳу чашминг Хатойӣни,  
Ул бўйи зулфи, нофейи тотора сўйлангиз.

\* \* \*

Мавсуми қиш кетди, даври навбаҳор ўлди яна,  
Мажлиси гаштга ажойиб рўзигор ўлди яна.

Соқийё, вақти тарабдир, қўлингда тугил жоми май —  
Ким, бинафша маст бўлиб, наргис хумор ўлди яна.

Мавсуми гул келди, гул-гулшан безанди базм учун,  
Боғу сахро, жумла яксар лолазор ўлди яна.

Қелди наврўзу баҳору ийду даври дўстком,  
Ёр қўлидек ер юзи нақшу нигор ўлди яна.

Абри найсон жўша келди, тўқди раҳмат ёмғирин,  
Кўк юзидан ер юзига дур нисор ўлди яна.

Боғчага сайрона чиқди гашт учун ул гулситон,  
Гул хижолатдан қизориб, шармисор ўлди яна.

Қоматинг-ла баҳс этарди доимо ул сарви боғ,  
Кўр, хижолатдан унга манзил канор ўлди яна.

Гул юзини кўргани ортди фиғони қушларнинг,  
Лол экан булбулларнинг савти ҳазор ўлди яна.

Эй Хатойӣ, шод бўлиб, байтулҳазондан чиқ бу кун,  
Боғу боғча сувига вақти гузор ўлди яна.

\* \* \*

Дам-бадам йўл кўзларман ул сулув ёрим келмади,  
Қолибман қиш ташвишида, навбаҳорим келмади.

Хийла муддатдирки, мен то айри тушдим ёрдан,  
Кўрмоқ учун ҳаддан ўтди интизорим, келмади.

Токи, кўрдим уйқуда мен ул паришон зулфини,  
Ўрнига шундан бери сабру қарорим келмади.

Ихтиёрим кетди қўлдан, жону дилдан қўл ювдим,  
Ул менинг жону кўнгилдан ихтиёрим келмади.

Ҳасратдир мискин Хатойӣ гар мисоли андалиб,  
Ҳусн боғида жамоли гулузорим келмади!



*Огаҳий таваллудининг 200 йиллигига*

## **Муҳаммадризо Огаҳий**

### **САЛОҲИЯТ САОДАТИ**

**Х**алқимизнинг маънавий меросига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, тарихнавис олим, моҳир таржимон, давлат ва сиёсат арбоби Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудига 200 йил тўлади.

У 1809 йилнинг 17 декабрида Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида, мироб оиласида дунёга келган. Огаҳийнинг уйи Қўҳна Арқдан тахминан 5–6 чақирим масофада, Қиёт қишлоғининг Хива–Қўшқўпир йўлининг чап тарафида. Шу кунларда, шоирнинг “уй-музеи” жойлашган бу ҳовли “Огаҳий боғи” деб аталади. Шоирнинг борлиқ умри ўтган бу боққа қадам қўйишингиз билан осмонга сапчиётган отга менгзар тут хаёлингизни мозийга олиб кетади.

Муҳаммадризо отадан эрта етим қолиб, амакиси, замонанинг етук шоири, катта мансаб эгаси — хоннинг бош мироби, устоз Мунис Хоразмий қўлида тарбия топади.

У амакиси ҳам устози Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ила бамаслаҳат ўзига Огаҳий таҳаллусини олади. Шоирнинг таҳаллуси ҳам ўзи айтмиш огоҳлик билан хушмавзундир:

Не тонг огоҳ бўлса, Огаҳий, ишқинг сиридин ким,  
Онга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо.

Огаҳий “Таъвиз-ул ошиқин” девони дебوحасида “Саодатлик асрининг ёқимли, услуби чиройли баён фозилларига ва шарофатлик замонининг ширин тиллик шоирларига диққатли шеърлари ва назокатга яқин назмлари бахшишлиги учун мўл инъомлар, хурсандлик ва кўп эҳсонлар билан баҳрамандлик етқариб, қадру мартабада ўзгалардан азиз ва мўтабар, иззат ва шавкатда ўзга одамлар орасида қуёшдек порлоқ ва сарбаланд қилди”, дея ўзининг қадри баландлигидан шодмонлик туйғусини изҳор қилади.

Юқоридаги дил изҳори бежиз эмас. Чунки мавлоно тириклигидаёқ элда азиз шоир, тарихнавис олим, таржимон, улкан мироб бўлиб етишган, камол топган улкан Шахс эди. Буларнинг бариси тинимсиз меҳнат, илм олиш, изланишлар, Оллоҳ берган истеъдодий ижод мулкидан самарали фойдаланиш маҳсулидир. Шунинг учун ҳам Огаҳий аввалам бор илмни юқори даражада шарафлайди: “Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамгаким, кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анга”, дея улуғловчи шоир, кейинларда оёғида қувват йўқлиги ишорасида, илмга нисбатан янада юксак мартабада урғу беради:

Эй, келди фунуну илм таслим санга,  
Қилмоқ манга лозим ўлди таъзим санга.  
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,  
Келдим бош ила олғоли таълим санга.

Шоирнинг газалиёти, унинг назм наҳри, юртга жон бахшида этиб турган Жайхунга менгзайди, гаҳи шиддатли, гаҳи сокин, гаҳи шўҳ, гаҳи маҳзун оқади. Дарёлар қай тарзда оқмасин, улар элу элатларга ҳаёт бахшида этиб

турадилар. Наинки ёзиш, ҳатто баъзи бировларнинг умр мобайнида ўқиб чиқишга ҳам вақти етмайдиган даражада сермахсуллик ҳамма ижодкорларга-да насиб этавермайдиган ноёб бахтдир.

1826 йилдан сипоҳийлик — ҳарбий хизматда бўлган давридаёқ элга шоир бўлиб танилган, Хива адабий муҳитида тилга тушган Муҳаммадризо Огаҳий хон саройида мирза бўлиб ишлай бошлайди.

1829 йилда амакиси, машҳур шоир ва тарихчи Муниснинг 51 ёшида вафот этиши, шитоб билан адабиёт майдонига кириб келаётган ёш шоир учун катта йўқотиш эди. 20 ёшида Оллоқулихон томонидан у мироблик вазифасига тайинланади.

## МИРОБЛИК

Асосий тирикчилиги ердан, суғорма деҳқончиликдан иборат бўлган Хоразмда мироблик ҳамиша улуғ мансаб ҳисобланган. Илмий битикларда ал-Беруний бобомиз ҳам мироблик билан шуғулланган ва алломанинг бевосита бошчилигида ўша даврда икки ярим милён таноб экин майдони суғорилган, дейилади.

Хива хонлигида мироблик илмига, мироблар масъулиятига эътибор кучайтирилган. Айниқса, Муҳаммадраҳимхон I нинг хонлик даврида (1806—1825) Мунис Хоразмий — Шермуҳаммад мироб Хоразм мамлакатининг бош мироби сифатида иқтисодий ривожланишнинг бош омили бўлмиш сув ҳўжалигининг такомили учун катта ишлар қилган, “Орналар” (дарёдан оқиб чиқадиган анҳорлар) ҳақида асар яратган.

Сўнгра Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммадаминхон, Сайидмуҳаммадхон даврларида Тоғай мироб ва Муҳаммадризо мироб — Огаҳий (1825—1857 йилларда) бош мироблик вазифасида ишлаган.

Огаҳий айни кучга тўлган, 36 ёшида ариқ ёқасида отдан йиқилиб оёғи синади ва майиб бўлади. Аммо жисмонан бақувват, иродаси мустаҳкам шоир руҳини туширмайди. 1847 йилда Мадаминхонга ҳамроҳ бўлиб Кўҳна Урганчга боради. У ерда Хонобод ёпи<sup>1</sup> қазилади ва боғлар барпо этилади.

Огаҳий ўзи иқтидор, ишбилармонлиги туфайли ҳаётнинг энг олий неъматини бўлмиш сув ва ундан фойдаланиш илмини мукаммал эгаллаб, улкан давлат арбобига айланади.

Албатта, йиллар ўз ҳукмини ўтказмай қолмайди. Огаҳий 1857 йили касаллиги сабабли ўз хоҳиши билан бош мироблик вазифасидан истеъфога чиқади.

Огаҳийнинг умр йўли 8 нафар хон ҳукмронлик этган даврларда кечади. У 8 хил бошқарув, 8 хил муҳитда ҳам ўзи танлаган саодатли йўлдан оғишмай яшаган, ишлаган, ижод қилган. Шу хонларнинг қай бири замонида балки шоирга нисбатан совуқ муносабат бўлган бўлса не тонг:

Рух каби шаҳдин йироқ ўлмай десанг бу арсада,  
Ҳар тарафга мойил ўл, андоққи фарзин, эй кўнгул.

Ёки:

Жоҳ учун оламда ҳар нокасга таъзим айлама,  
Истамас эрсанг агар жуҳҳол аро бўлмоқ ҳақир, —

дея нидо қилишида қайсидир фарзин — вазирни кўзда тутганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмаса ҳам керак. Умри ҳамжиҳатлигу курашларда ўтган шоир катта амалдор бўлишига қарамай, ҳалоллик рутбасига мушарраф бўлган, саодатда улуғ инсондир. Бир байтида дейди:

Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санга бир қулча ер,  
Барча умрингда на ҳосил айласанг мироблиғ.

Огаҳий нечоғлик катта мансаб эгаси бўлса ҳам бойликка ружу қўймаган, фоний дунё шавқига берилмаган ва газалларида ҳам мол-дунёга ҳирслик балосидан айрила олиш мушкуллигини фалсафана, тасаввуфана рақам этади:

<sup>1</sup> Ё п — Хоразм шевасида ариқ.

Солма кўз ушбу жаҳон шавқиға зинҳор, э кўнгул,  
Айрила олмас балоға бўлма дучор, э кўнгул.

Шунинг учун ҳам қаноатни ҳар недан юқори қўяди:

Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,  
Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдур.

Сабру қаноати туфайли элда азиз, ишга фидойилик, ишбилармонлик, юрт равнақи учун жонини фидо этишга бел боғлаган Огаҳийнинг мироблик даврида (1829—1857) юқорида таъкидлаганимиздек, Хоразмда кўпгина янги каналлар қазилиб, сув иншоотлари қурилгани, воҳанинг суғориш истиқболлари борасидаги муаммоларнинг оқилона ҳал бўлиши ҳазрат номи билан боғлиқдир.

Огаҳийнинг мироблик даври ҳали яхши ўрганилмаган ва ёзилмаган. Унинг тарихий асарлари (матн шарҳлари ила) чоп қилинса, Хоразмнинг суғорилиш тарихи янада ойдинлашади ва не-не илмий ишларга асос бўлади, деб ўйлаймиз.

Улуғ шоир миробликдан истеъфога чиққач, назм, тарих битиш, таржимонлик билан машғул бўлади. Огаҳий 1874 йилда вафот этди.

## ОГАҲИЁНА ОГОҲЛИК

Инсоннинг ақлу тафаккури умрнинг асл муддаоси эканини кенг мушоҳада этган ва шу баробарида унинг қадрини кўк қадар баланд тутган алломалардан бири Муҳаммадризо Огаҳий ишқ жозибасини, унинг моҳиятини наинки шоирона, балки орифона рақам этган беназир шоир.

Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,  
Чашми ибрат бирла дардангиз девонимға боқ.

Огаҳийнинг ошиқлик лирикаси замирида ҳам, ижтимоий-сиёсий битиклари талқинида ҳам адабиётимизнинг азалий мавзуси — ошиқлик ва огоҳлик, маъвиза (панду насиҳат) етакчи ўринни эгаллайди. Лекин, ошиқлик, огоҳлик ва маъвиза замирида майиший огоҳлик, маддоҳий насиҳат эмас, балки маърифий огоҳлик, наводир насиҳат ётсагина у ижтимоий даражага кўтарила олади. Негаким, маърифий огоҳликда комиллик мавжуд. Комилликда миллат тақдир, элу юрт тақдир, наводир насиҳатда эса икки оламга, ватанга, дўсту биродарга муҳаббат талқини мужассамдир.

Мулку миллатға амин ўлса агар огоҳлар,  
Икки олам обрўйини ҳосил эткай шоҳлар.

Огаҳий, қил шоҳи огоҳинг дуойи давлатин,  
Ким онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар.

Огаҳийнинг огоҳликка даъват борасидаги битиклари ҳозиржавоблиги билан диққатга сазовордир. Унинг фалсафий қарашларида ҳам, панду насиҳатларида ҳам олам сирларидан, адабу икром хислатларидан воқифлик туйғуси бош мезон ҳисобланади.

## ШОИР ҚАЛБИ СОЗДА

Сўз ва сознинг ёзилишию талаффузида ажиб бир муштараклик бор. Ва ажабким, муомалот дунёсининг тириклиги бўлмиш сўз ҳамиша соз оҳанги ила мавзунлик касб этади.

Огаҳий ҳазратларининг “Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбахо” дейишида ҳикмат кўп, негаким, “Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини”, дейди.

Унинг ғазалларини мутолаа этганингиз сари меҳрингиз ошиб бораверади, чунки Огаҳий ҳар бир сўзга заргарлардек сабр ва собитлик билан сайқал беради. Шоир бир ғазалида кўнгил денгизидаги заххор (лиқ тўла) сўз маъни шоҳидига зевар бўлса, покиза гавҳарга айланади дейди:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

78

Кўнгил бир баҳри заххору ондадур покиза гавҳар сўз,  
Вале шарт улки маъни шоҳидига бўлса зевар сўз.

Огаҳий битикларидаги сержило оҳанг, мусиқий мунавварлик алоҳида таҳсинга лойиқ. Шоир ғазаллари беихтиёр куйга тушиб кетаверади:

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,  
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.

Шоир ғазалларидаги оҳанг ўйноқчилиги, сўз кўркини жилолантиргани билан бир қаторда гоёни кучайтирганлигига ҳайратланмай иложингиз йўқ:

Келиб ногоҳ мени ул қоши ё ўлтирмай ўлтирди,  
Отиб мужгон ўқин, айлаб жафо ўлтирмай ўлтирди.

Мавлоно хоҳ табиат, хоҳ ижтимоий-сиёсий, хоҳ ишқу муҳаббат — қай мавзуда қалам тебратмасин, ўз ҳаётига қисман ёндашиб ўтади:

Қилма ҳавас, э Огаҳий, эмди йигитлик айшини,  
Ким етти умринг муддати эллик ети ёш устина.

Ёинки:

Шоҳи замон лутфидур тенг ёвуку йироқғаким,  
Файзи нигоҳи еткуси ҳам бийигу ашоқғаким,  
Боқмаса ул боқар эди ман қаби бир чўлоқғаким,  
Муддати умрин, Огаҳий, чексун угон узоқғаким,  
Айшу тараб замонидур шоҳи жаҳон замонаси.

Огаҳийнинг 2000 мисрадан зиёдроқ назм дурдоналарини ўзида жам этган “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девони абадул-абад ишқ аҳлининг тумори бўлиб қолади.

## ТАРИХНАВИС ВА МУТАРЖИМ

Огаҳий тарихнавис олим сифатида беқиёс из қолдирган улкан илм соҳибидир. Амакиси Мунис ёзиб улгурмаган “Фирдавс ул-иқбол” (“Бахт боғи”) асарининг Муҳаммадраҳимхон I (1813–1825 йиллар) хонлиги даврига бағишланган қисмини Оллоқулихон буйруғи билан 1842 йилда ёзади.

“Фирдавс ул-иқбол” асарини тугатганидан кейин Огаҳий 5 та мустақил тарихий асарларини яратган: “Риёз уд-давла” (“Саодат бўстонлари”) — Оллоқулихон ҳукмронлиги даври, (1825–1842), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар сараси”) — Раҳимқулихон даврига оид (1843–1846), “Жоме ул-воқеоти султоний” (“Султонлик воқеалари тўплами”) — Муҳаммадаминхон, Абдуллахон, Қутлуғмуродхон даври (1846–1855,56), “Гулшани давлат” — Саййидмуҳаммадхон даври (1856–1865), “Шоҳиди иқбол” — Муҳаммадраҳимхон Соний — Феруз ҳукмронлигининг (1865–1873) қарийб 10 йиллик даврини ўз ичига олади.

Огаҳийнинг таржимачилик борасидаги маҳорати хусусида кўп ёзилган, ҳали кўп ёзилажак. Айниқса, филология фанлари доктори, огаҳийшунос олим профессор Нажмиддин Комилов тадқиқотлари бениҳоя улкан таҳсинга лойиқ. У киши Огаҳий таржималарини асл нусхалар, бошқа таржималар билан солиштириб, ҳазрат иқтидорига, қойил қолиб, ниҳоятда юксак баҳо берган. Н.Комиловни Огаҳийнинг таржимонлик фаолиятини ипидан игнасигача ўрганган, десак муболаға бўлмайди. Негаки, проф. Н.Комилов нафақат номзодлик, балки докторлик диссертациясини ҳам ҳазрат Огаҳий ижодига бағишлаган устод ҳисобланади.

Саъдийнинг “Гулистон” асари таржимаси хусусида тўхталиб, шундай ёзади: “Тасвирланишича, бир доно одам бир паҳлавон йигитни учратадики, у ниҳоятда ғазабланиб, қўлига тош олиб турибди. Доно атрофдагилардан бунга нима

бўлди, деб сўраганда, улар фалон киши танбеҳ берди, деб жавоб берадилар. Шунда у: “Ин фуруман ҳазор ман санг бармедораду тоқати сухане намеорад”, деб ўтиб кетади. Бу жумлани Огаҳий: “Бу бечоранинг минг ботмон тошни кўтармакка қуввати бордур, бир сўзни кўтармакка тоқати йўқдур” деб ўгирган. “Фуруман” сўзининг луғавий маъноси асли, насаби паст, демакдир. (Муродхўжа “паст ва бадасл” деб таржима қилган). Аммо Огаҳий уни “бечора” деб ўгирган. Бу тўғрими? Агар ҳикоятнинг умумий мазмуни ва доно сўзининг оҳангини назарга олсак — бу тўғри. Сабаби, бу сўз жисмоний бақувват бўлиб, маънавий ожиз бўлган паҳлавонга нисбатан кесатиқ маъносида ишлатилган, соҳибдил унинг важоҳатидан кулади. Шунинг учун Огаҳийнинг уни ўзбек тилида таъна ва киноя оҳангини ифодаловчи “бечора” сўзи билан ағдариши айни муддаодир”.

Бу Огаҳийнинг битта асардаги, битта жумласидаги маҳорати. Огаҳий таржималарини илмий ўрганиш бизга катта мактаб вазифасини ўташ билан бирга таржимашунослик сир-асрорларидан воқиф қилади, бадиий ва илмий салоҳиятимизнинг янада сайқаллашишига ёрдам беради. Ҳазрат мумтоз асарларни туркийга ўгириб, ўзбек адабиёти хазинасининг бойишига муносиб ҳисса қўшган аллома ҳисобланади.

Иқтидорли олим Нурғди Тошев “Жоме ул-воқеоти султоний”нинг Тошкент нусхаси: “Огаҳий дастхатими?” мақоласида: “Муҳаммадризо Огаҳий ҳақли равишда энг сермаҳсул ва серқирра қаламкашлар қаторида эътироф этилади. У йирик шеърӣ девон ва тарихга оид 6 та асар битган, бундан ташқари, 19 та бадиий, тарихий ва бошқа жанрлардаги асарларни форс тилидан, битта асарни усмонли турк тилидан эски ўзбек тилига ўгирган. Саналган 27 та асардан 23 таси кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган”, деб ёзади.

Огаҳий авваламбор баракали ижод қилган улкан шоир. Навоий, Фузулий, Бедил, Мунис ва бошқа кўплаб шоирлар газалларига мухаммаслар боғлаб, Хоразм адабий муҳити равнақига катта ҳисса қўшган. Биргина Навоийнинг қирққа яқин газалларига чиройли мухаммаслар битиб, ҳазрат ижодининг халқ ўртасида оммаллашишига кенг йўл очган.

Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш борасида муайян ишлар қилинди. Р.Мажидий, С.Долимов, А.Қаюмов, Қ.Муниров, Ф.Ғанихўжаев, А.Абдуғафуров, И.Ҳаққулов, Н.Комилов, Ҳ.Абдуллаев, Н.Жабборов, Н.Тошев каби ўнлаб таниқли олимлар, адабиётшунослар яратган рисоалар, монографиялар алоҳида диққатга моликдир. Истиқлол туфайли бу хайрли иш кўлами янада кенгайди. Бугунги кунда, шоир таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан олимлар, адиблар, айниқса ёш тадқиқотчилар Огаҳий ҳаёти ва ижодини чуқур таҳлил қилишга киришдилар.

Бой адабий меросга эга XIX аср Хоразм адабий муҳитини Огаҳийсиз тасаввур қилиш қийин. Ана шу катта адабиётнинг вориси Огаҳий ҳазратлари Феруздек, Комил Хоразмий, Комил Девонийлардек забардаст шогирдлар етиштирди, ўзидан катта адабий-тарихий мерос қолдирди.

*Комил АВАЗ,  
Огаҳий номидаги  
жамғарманинг  
фахрий раиси*



## Олмос истеъдод жилоси

**У**стоз Озод Шарафиддинов табиатан кулгига, ҳар хил ҳазилларга мойил инсон эдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў.Ҳошимовнинг «Шумликлар» туркумига кирган ҳикояларини ўқиган киши бу гапларнинг қанчалик тўғри эканлигига амин бўлади. Домла қатнашган даврада ҳамиша ўзгача бир руҳ, алоҳида кўтаринкилик, самимий кайфият ҳукмрон эди. Озод ака ҳар қандай даврага ҳам жон киритиб юборарди. Бу ҳолат у киши бор жойда ҳар хил майда-чуйда, баланд-паст, ғийбат гаплар бўлишига имкон бермасди. Ўтирганлар ўртасидаги муносабатлар ўз-ўзидан беғараз, самимий бир тусга кирарди. Устоз билан ҳамсуҳбат бўлган кишилар ҳам кўп янги гаплардан хабардор бўлиб, ўзларининг тасаввур, билим доираси анча кенгайганини сезмай қолардилар, ҳам мириқиб кулиб ҳордиқ чиқарардилар. Биламизки, тўғри сўзлик, муросасизлик, ҳалоллик каби сифатларни барча бирдек қабул қилавермайди. Бундан ташқари юқорида тилга олинган хислатлар, собиқ шўро мафкурасининг талабларига унчалик мос келавермасди. Бу ҳолатдан устомонлик билан фойдаланганлар ҳам кўп бўлди. Озод ака билан тенгдош адабиёт-шуносларнинг ҳеч бири мустақилликка қадар бунчалик кўп таъқибу таъйиқларни бошидан кечирмаган. Яна бунинг устига Озод ака ҳаётининг сўнгги йигирма йилини оғир дард билан курашиб ўтказганлигини эсласак, масала янада ойдинлашади. Тўғри, домла ҳам темир одам эмасди. Баъзи ўринларда ижодида мураса йўлига киришга мажбур бўлган жойлари ҳам бордир. Лекин ҳар қанча қийин бўлмасин, у бош йўлдан — адабиётни эстетик ҳодиса эканини, унинг асосий вазифаси ҳаётни қандайдир сиёсий қолиплардан келиб чиқиб кўрсатиш эмас, балки бадиий воситалар орқали кашф этишдан иборат бўлиши лозимлигини ҳолислик билан ёзишдан, тушунтиришдан, исботлашдан ҳеч қачон чекинмаган, ўз истеъдодини қандайдир майда манфаатлар, сохта шуҳратлар йўлида сарф қилмаган. Эҳтимол, умрининг сўнгги босқичларида, вужудга келган фикр ва кўнгил эркинлигидек бир шароитда домланинг жўшиб, тиним билмай ижод қилишларига сабаб бўлган омил ҳам шу бўлса керак.

Хуллас, домла ҳар қандай ҳолатда ҳам, ўзи дуч келган турфа хил шароитларда ҳам характеридаги юморга, ҳазил-мутойбага мойилликдан узоқлашгани йўқ.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Домла 2-ТошМИнинг жарроҳлик бўлимида ётибдилар. Олдинроқ бир оёқлари кесилган. Энди иккинчи оёғида ҳам муаммо пайдо бўлган. Бир неча кўнгил яқин кишилар биргалишиб кўргани бордик. Суҳбат қизгин кетаяпти. Ҳар замонда эшикдан оқ халат кийган кишилар мўралаб қўйишади. Биз, ўзимизча, докторлар домланинг ҳолидан хабар олиб туришибди, шекилли, деб ўйладик. Вақт ўтган сари бундай «xabар олишлар» тезлаша бошлади. Шунда домладан бунинг сабабини сўрадик. «Докторлар қолган оёғингизнинг бармоқлари энди сизга керак бўлмайди, куриб қолибди. Уларни олиб ташласак ҳам бўлади, дейишган эди. Шу ишни бугун амалга оширишлари керак», деди бепарво оҳангда ва яна суҳбатни келган жойидан давом эттираверди. Ўтирганлар — ҳаммамиз ҳам бу гапдан ҳаяжонланиб кетдик. Мураккаб жарроҳлик жараёни ҳақида домла бемалол, бежавотир, худди

оддий бир нарса ҳақида гап кетаётгандек гапираяптилар. Суҳбатимиз яна давом этаверди. Охири бир доктор чидолмасдан кирди-да: «Домла-жон, сиз суҳбатни давом эттиравеинг. Фақат мана бу қизимиз сизга битта укол қилиб қўйсин», — деди. Қисқа фурсатда ҳамшира қиз чаққонлик билан вазифасини бажарди ва сўнгра ҳар иккаласи ҳам чиқиб кетишди. Улар кетгач, қарасак, бирга келган дўстларимиздан бири бу ердан жуфтакни ростлаб қолибди. Бунга ҳам биринчи бўлиб Озод ака эътибор бериб, фалончи кўринмай қолди, дедилар. Бу дўстимиз уколдан қўрқшини гапириб бердим. Ҳамма мириқиб кулди. Сўнг Озод ака Тувага борганларида шоир Абдулла Ориповнинг тиши оғриб қолганига ўхшаш кулгили воқеани айтиб бердилар. Шу тарзда гап гапга, кулги кулгига уланиб, суҳбат қизигандан қизиб бораётган пайтда бундоқ эшикка қарасак, операция қилиши лозим бўлган жарроҳлару ҳамширалар хонага кириб, саф тортиб турибдилар. Домлани уларнинг ихтиёрига топширишдан бошқа иложимиз қолмади.

Умрининг сўнги йилларида домланинг дарди кучайиб кетди. Панжалардан кейин иккинчи оёқ ҳам бутунлай кесиб ташланди. Шу ҳолатда ҳам Озод ака ўзига шароит яратиб олиб, тиним билмасдан ишлади. Кўзи ҳам хиралаша бошлади. Шунчаси камлик қилгандай, қизилўнғачдан овқат қийинчилик билан ўтадиган, баъзан умуман ўтмай қоладиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида кўргани бордим. Гарчи касаллик турли томонлардан келиб, у кишига азоб бераётган бўлса-да, кайфияти ёмон эмасди. Суҳбат домлани тарк этмаётган касалликлар ҳақида эмас, адабиёт, ижод билан боғлиқ масалалар ҳақида кетди. Гап оралигида иштаҳаси қандайлигини сўрадим. «Чёрт побери, умуман олганда ейиш-ичиш ёмон эмас-у, лекин баъзан томоқдан ҳеч нарса ўтмай қолади. Зўрлаб есам, ҳатто шўрваниям қайтариб ташлайман», деб жавоб бердилар. Буни қандайдир нолиб, дардларидан шикоят қилиб эмас, балки оддий бир гапдек айтдилар. Шунда мен, гапни бир оз ҳазилга буриб, «унда пиво нима бўлаяпти?» деб сўрадим (домла бу ичимликни гоё хуш кўрардилар!). «Пиво балодай ўтиб турибди», дедилар домла. «Хўп, пиво ўтиб турган экан, томоқни сал чалғитиб, олдин пивони ўтказиб юбориб, орқасидан шўрвани ичсангиз бўлмайми?» дедим. Домла ҳазилни давом эттириб, «Мен шундай қилаяпман. Лекин бу қизилўнғач деганлари жуда сезгир бўлар экан. Пивони бемалол ўтказиб юбориб, шўрвани ушлаб қолаяпти», деган жавобни қилдилар. Мириқиб кулишдик.

Кулги, ҳазил-мутойиба ижодда ҳам ёзиш услуби, тафаккур тарзининг муҳим бир таркибий қисмига айланиб кетган эди. Бу хусусият домланинг, айниқса, кейинги 10-15 йиллик ижодида яққол кўзга ташланади. Масалан, унинг 2002 йилда ёзилган «Сизни соғиндим, Зулфия опа!» номли асари бор. Зулфия опа 1996 йилда вафот этганлигини биламиз. Лекин домла ўз мақоласига, худди тирик одамга мурожаат қилгандек, «Сизни соғиндим, Зулфия опа!» деб сарлавҳа қўйганлар. Шунинг ўзи, аввало, одамни анча ўйлантириб қўяди. Домла олдин ҳам бу атоқли шоира ижоди ҳақида мақолалар ёзган, ҳатто, ажойиб бир адабий портрет ҳам яратган эдилар. Лекин домла Зулфия опа ҳақидаги ҳамма гаплари айтилмай қолган экан шекилли, бу гаплар Озод акага тинчлик бермай қўяди. Бутун умри давомида аёл қалби — ўзбек аёли қалбининг нозик, ҳаё ва ибога, бардош ва матонатга тўлиқ туйғулар оламини қўйлаб ўтган бу мунис шоира хотираси олдида ўзини қарздордек ҳис қилаверади. Шоиранинг ҳам ижоди, ҳам улуғ шахсияти ҳақида кейинги йилларда кўнглида йиғилиб қолган, айтилиши лозим бўлган гапларини ўзгача бир эҳтирос билан қоғозга туширади. Мақола ўз моҳиятига кўра гоё жиддий оҳангни талаб этади. Домла ҳам ана шу талабга амал қилган ҳолда фикр-мулоҳаза юритади. Лекин бари бир Озод аканинг табиа-

тидан келиб чиқиб, услубига сингиб кетган фазилат — юмор бир ўринда ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Зулфия опанинг шахси билан боғлиқ ҳолат ҳақида сўз юритар экан, домла шундай ёзадилар: «У киши шундай улугсифат аёл эдиларки, ҳар гал рўпара келганимда дарров хушёр тортар, кийим-кечакларимни тўғрилар, сочларимни (ҳа, ҳа, сочларимни — бир замонлар бу тақир бош устида қоп-қора қалин сочлар ҳам бўлар эди) текислаб олардим — хуллас, у кишининг кўзига ҳар жиҳатдан ораста бўлиб кўринишга тиришардим». Бу ерда, авваламбор, домланинг ҳаракатларининг ўзида кишининг кулгисини кўзгайдиган нималардир бор. Қолаверса, гап йўналиши соч томон бурилиши билан Озод акани яқиндан биладиган одамларнинг юзига табассум югуриши табиий.

Худди шунга ўхшаш — бир ишора, битта кичик детал воситасида бутун бошли асарга ўзгача самимий руҳ бериш «Умарбековнинг ўлмас фазилатлари» мақоласида ҳам кўзга ташланади. Озод ака бу ёзувчининг ижоди ҳақида турли муносабатлар билан фикр билдириб келган. Уларда Ў.Умарбеков ижодида эришаётган ютуқлари ҳақида анча мақтов гаплар айтган. Айни вақтда ҳаётни юзакироқ, схематик тарзда акс эттирган бир асари ҳақида кескин чиқиш ҳам қилган. Озод ака бу ишни қандайдир шахсий ғаразлардан келиб чиқиб эмас, балки ёзувчининг ижодий тақдирига бефарқ эмаслигидан, бундай асарларни эълон қилиш ҳеч қачон унга обрў келтирмаслигини билганидан қилган. Мақола чиққандан сўнг ҳам маълум муддат муносабатлар олдин қандай бўлса, шундай давом этаверган. Лекин кейинчалик домла билан Ў.Умарбеков ўртасидаги муносабат ўзгаргандек бўлади. Бу ҳолатга жиддий эътибор қилишга, сабабларини аниқлашга тўғри келади. Юқорида номи тилга олинган мақолада Озод ака шулар ҳақида — ёзувчи билан муносабатларида сўнги пайтларда қандайдир совуқлик пайдо бўлгани тўғрисида анча ташвишланиб, хавотир билан гапиради. Бу албатта, жиддий ўйлайдиган, безовта бўлишга арзийдиган ҳолат. Лекин у шу тарзда қолиши, давом этавериши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун домла бу ишни юзма-юз, очикчасига гаплашиш йўли билан ҳал қилишга қарор қилади. Шу мақсадда Ў.Умарбековнинг ҳузурига — унинг иш кабинетига келади ва ундан ўзгариш сабабини сўрайди, бундай муносабатга арзийдиган ҳеч қандай иш қилмаганини, ҳеч нарсани эслай олмаётганини ҳам очикчасига айтади. Шундан кейинги вазият қуйидагича берилади: «— Ростдан ҳам нима деганингизни билмайсизми? Чинми шу гап?

— Ўлай агар билсам. Нима ҳам дейишим мумкин. Мен ҳамини сиз тўғрингизда жуда юқори фикрда бўлиб келганман ва ҳозир ҳам шундай.

— Агар чиндан ҳам нима деганингиз эсингизда бўлмаса, бўпти. Гинакудуратга шу ўринда нуқта қўямиз. Тамом!»

Айнан шу ўринда асарда давом этиб келаётган жиддий руҳни муаллиф кичик бир тафсилот орқали маълум муддатга ўзгартириб юборади, ўқувчида энгил, кулгига мойил кайфият ҳосил қилади. «Шундай деб у ўрнидан турди-да, қўлини узатди, — дея ҳикояни давом эттиради Озод ака. — Мен ҳам қўлимни узатдим. У қўлимни қаттиқ қисиб, бир-икки силкитди. Ташқаридан кўрган одам бизни нимагадир «бор, барака» қилишяпти, деб ўйлаши мумкин эди». Ана сўнги бир жумла таранг турган вазиятни энгил кайфият, юзга табассум югурган бир ҳолатда яқунланишига сабабчи бўлган.

О.Шарафиддинов мунаққид сифатида шоир Ҳусниддин Шарипов ижоди ҳақида анча-мунча мақолалар ёзгани маълум. Шунга асосланган ҳолда Ҳ.Шариповнинг кейинги бутун ижодий фаолияти ҳам доимо домланинг назар-эътиборида бўлган, деб гапни бемалол айтиш мумкин. Масалан, 2003 йилда Озод аканинг бу шоир ҳақидаги «Қуёшга ошиқ шоир» номли мақоласи чиқди. У шоирнинг етмиш ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган эди.

О.Шарафиддинов мазкур мақолада Ҳусниддин Шариповни фақат шоир сифатида тавсифлаб қўя қолмайди. Балки унинг шахсига кенг ёндашади. Қандайдир схемаларга туширилган ижодкор шахсни эмас, балки тирик, бошқаларга ўхшаш турли фазилатларга эга инсонни кўрсатишга интилади. Худди мана шу ўринларда мақолада енгил, қувноқ қулги кучаяди. Масалан, Ҳ.Шарипов катта шоир, ижодкор бўлиш билан бирга шахмат ишқибози эканлигидан ҳам хабардор бўламиз. Домла ним табассум билан ёзган сатрлари орқали бу кишининг шахмат мусобақалари бўлаётган жойларда қандай пайдо бўлиши, қандай ҳаракатлар қилиши каби тафсилотлар билан танишамиз. Айниқса, домла бу инсоннинг пивони хуш кўриш одатига алоҳида ургу беради. Чунончи, домла ёзади: «Ҳусниддин пивони яхши кўради – Тошкентда уни танимайдиган пивофуруш йўқ, деса бўлади. Уларнинг ҳар қайсиси ҳозир шу дақиқада шоир шаҳардаги қайси пивохонада қўлида кружка билан навбатда турганини айтиб беради». Яна: «Ҳусниддин Шарипов 70 ёшга тўлди. Албатта, унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари дастурхон теварагига тўпланиб, қўлларидан пиво тўлдирилган қадаҳлар билан уни муборақбод қилишади» ва ҳоказо.

Домлани кўришга бир гал борганимда, мен шу мақолани жуда мазза қилиб ўқиганимни, ўқиб бўлгач эса негадир бирданига пиво ичгим келиб қолганини айтганимда у кишининг ўзлари ҳам анча ёйилиб, яйраб қулган эдилар.

Ҳар ҳолда Озод аканинг, худди рассом ишлаётган суратининг бирикки жойига мўйқалам учини сал теккизиши билан бутун бошли манзара жонланиб, жозиба касб этганидек, юмор унсурларидан, синчковлик билан кузатилган ҳаётий ҳолатлардан, кўрган ва эшитган қизиқ воқеалардан тасвирда ўринли фойдаланиб, бетакрор асарлар яратганига гувоҳ бўламиз.

*Умрзоқ ЎЛЖАБОЕВ,  
филология фанлари номзоди*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуглаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

## Таржимон чизмакаш эмас, рассом!

“**А**сқад Мухтор деганда ХХ аср ўзбек адабиётининг чинордай бақувват, йирик намояндаси, бадиий прозанинг ҳикоя ва очерк сингари мўъжаз турларидан тортиб йирик, салмоқдор романларгача, поэзияда шеър ва кичик миниатюрвий қўйма мисралардан тортиб қамровдор поэмаларгача бўлган ажойиб намуналарни яратган баркамол носир ва шоир кўз ўнгимизда гавдаланади”, – деб ёзган эди марҳум олим Файбулла Саломов. (Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. – Тошкент, Маънавият, 2003. – Б. 7-бет.) Адиб айни замонда драматург, публицист, таржимон сифатида адабий жараёнда фаол иштирок этди. У бадиий ижоднинг қайси соҳасига қўл урмасин, қайноқ инсоний туйғуларга йўғрилган ажойиб бадиий тафаккур намуналарини яратди, адабиётшуносликнинг мураккаб қирраларидан бири ҳисобланган таржимашунослик жанрини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Асқад Мухтор ўз мақолаларида таржима санъати таржимондан чуқур билим, образли тафаккур, шоирона фикрлаш ва бадиий шаклни ўзига хос жиҳатларини сақлай олиш маҳоратини талаб қилишини эътироф этади. Адиб таржимонлар маҳоратини ошириш ва бадиий таржима соҳасини ривожлантиришнинг асосий тамойилларини қуйидагича белгилайди: муайян тил, муайян жанр ва муаллифларга ихтисослашган таржимонлар даврасини шакллантириш, бадиий таржима танқидчилиги асосларини яратиш, таржима назариясини ривожлантириш, таржимонлар журналинини нашр этиш ва унга етук мутахассисларни жалб этиш, иқтидорли таржимонлар авлодини тайёрлаш, таржимонларни ўқитиш, таржима асарларнинг маънавий имкониятини ошириш каби долзарб масалалар хусусида сўз юротади.

Асқад Мухтор таржимонларнинг ихтисослашуви таржимачилик ривожига ижобий таъсир кўрсатадиган энг муҳим жиҳатлардан бири эканлиги, бу ихтисослашув таржимон маҳоратининг ортиб боришига хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди. Таржимон бирор муаллифга ихтисослашса, аслият моҳиятига чуқурроқ кириб боради. Масалан, Чехов, Тостой, Горький, Маяковский ва бошқаларнинг бир қатор маҳоратли таржимонлари етишиб чиқдиларки, уларнинг таржималари ҳозирги кунда ҳам севиб ўқилади.

Муаллиф бундай ихтисослашишнинг яна бир жиҳатини ҳар бир таржимон ағдараётган асарига ўзидан ҳам нимадир қўшиши билан изоҳлайди. Масалан, Абдулла Қаҳҳор ўз таржималари орқали ўзбек китобхони учун Толстойни иккинчи марта кашф этди. Бу таржималар миллий тилимиз имкониятларини гўё кенгайтириб юборгандек бўлди. Толстой қаҳрамонларининг мураккаб дунёси бутун нафислиги ва улғуворлиги билан биринчи марта она тилимизда намоён бўлди. Толстойнинг машҳур “даврий жумла”ларини ағдариш таржимон учун осон кўчмаган, лекин Қаҳҳор асл нусхага чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унга эркин ва енгил нафас бағишлаган. Масалан, “Князь ота-боболаримиз гапирган, наинки гапирган, балки тафаккур қилган француз тилида, секин, киборлар доирасида ва саройда қариган обрўли кишиларга хос ҳимояткорона бир тарзда чертиб-чертиб сўзлар эди”, – жумласини ўқиганда кўз ўнгимизда Толстойнинг улғуворлиги намоён бўлса, сўзнинг табиатини, унинг матндаги ўрни ва замирини яхши биладиган Абдулла Қаҳҳор таржимада моҳирона қўллаган “наинки” сўзи Қаҳҳор услубинигина эмас, жумланинг ажойиб бадиий

қудратини ҳам акс эттириб турибди. Демак, асар ўзининг ҳақиқий, фидойи таржимонини топгандагина тўла муваффақиятли чиқади.

Таржима жараёнида таржимоннинг бадиий маҳорати сайқалланиб, ўзига хос бир мактаб шаклланиб борадики, бу барча таржимонлар учун намуна вазифасини ўтайди. Фафур Фуломнинг шеърӣ таржималари ана шундай мактаб яратди.

Муаллиф ва таржимон ўртасидаги сўз, фикр, ҳиссиёт, ҳаракат, бўёқ, нуқтаи назарнинг муштараклиги таржима сифатини таъминловчи омилдир. Ҳар сафар янги муаллиф, янги услубга мурожаат қилавериш ва мазкур муаммоларни нозик нуқталаригача ўрганиш имкониятдан ташқари ҳолатдир. А.Мухтор таржимон маҳоратини оширишда яна бир муҳим масалага эътиборни қаратади, яъни ёзувчилар каби таржимонлар ҳам ижодий сафарларда бўлиши лозимлигини, таржимон ўзи ўгираётган асарда тасвирланган халқ ҳаётини яхши ўрганмасдан, билмасдан туриб унинг миллий ўзига хос томонларини тўла идрок эта олмаслигини таъкидлайди.

А.Мухтор бадиий таржима санъатини ривожлантиришда таржима танқидчилигининг ўрни ва вазифаси ҳақида алоҳида тўхталиб, айрим мунаққидларнинг таржима асарларига ўринсиз ёндашишлари таржима санъати ривожига, айниқса, энди ўсиб келаётган ёш таржимонлар ижодига сезиларли салбий таъсир кўрсатаётганини, бу нафақат таржима санъатига, балки бадиий адабиёт ривожига ҳам тўсиқ бўлаётганини далиллар асосида кўрсатиб ўтади. Таржимоннинг меҳнатига баҳо беришда ундан аслиятга нисбатан ҳарфма-ҳарф мутаносибликни талаб қилишнинг ўзи билан чегараланиб қолинаётгани, кейинги йилларда пайдо бўлган йирик романларнинг таржималари мунаққидларнинг таҳлилларини кутаётганлиги, таржима асарлари таҳлилга илмий асосда ёндашиш лозимлиги, бунинг учун бадиий таржиманинг назарий асоси ва тамойилларини яратиш вақти етганлигини алоҳида таъкидлайди.

Асқад Мухтор бадиий таржиманинг назарий асосини яратишда таржима амалиётининг муҳим муаммоларини: идиоматик бирикмалар, хос сўз (реалий)ларнинг муқобилларини,

мақол, диалектизмларнинг миллий ўзига хос таржималарини қайта яратишни назарда тутди. Маълумки, таржима назарияси ва амалиётида “эстетик таъсир ва таржима” масаласи гоят муҳим, чунки бадиий таржима қайта яратиш санъатидир.

Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар — хос сўзлар бадиий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Гап бадиий таржима ҳақида кетар экан, асарнинг тўла мазмунини қайта яратишнинг ўзи кифоя қилмайди, бадиий-эстетик таъсирини ҳам қайта тиклаш лозим. Худди шу масала ечимида маҳорат юзага келади. Муаллиф моҳир таржимон Миртемирнинг таржималарига тўхталиб: “...у рус тилидаги барин, господин, сударь, баришня, помещчик, дворянин каби хос сўзларни ўзбекча муқобилининг гўзал намуналарини яратди, бунинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, бу сўзлар рус миллатининг ўтмиши билан боғлиқ, ...иккинчидан, уларнинг ўзбекча муқобили йўқ”.<sup>1</sup> Миртемир бу муаммонинг ечимини бошқа туркий тиллардан ва Ўрта Осиё халқларининг луғат бойлигидан излади. У озарбайжон тилидан “афандим”, татар тилидан “ҳазрат”, фарғона лаҳжасидан “ойимқиз”, архаик сўзлар фондида “бегойим”, тожик тилидан “заминдор” каби муқобил сўзларни мурожаат реалийлари сафига қўшди. Шу билан бир қаторда у жуда кўп соф русча ибораларни, дуб, берёза, клён, липа сингари ўзбеклар учун унча таниш бўлмаган дарахт ва ўсимликларнинг номларини эман, жўка дарахти, қайин каби муқобилларини топиб, луғатимизни бойитди. Шоирнинг бундай нодир изланишлари, А.Мухтор қайд этганидек, бор жилоси ва товланишлари билан тилимизнинг барча хусусиятларига мос келади. Адиб атоқли шоиримизнинг изланишларини ана шундай юксак баҳолайди.

А.Мухтор “Таржима — умрбоқий бўлсин” номли мақоласида бадиий таржимани адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирларини бойитиш жараёнига хос жонли ва амалий замин

<sup>1</sup> Рус тилидан ўзбек тилига бадиий таржиманинг айрим масалалари. — Тошкент, 1957. — 18-бет.

деб агайди. Ўзаро таъсир ва ўзаро бир-бирини бойитиш катта, кўлами кенг, чуқур жараён. Унда кўндаланг турган масалалардан бири — таржима учун муносиб асар танлашга боғлиқ. Муаллифнинг таъкидлашича, тажрибалар шуни кўрсатдики, кўпгина таржималар, “Ҳаттоки ўз даврида дуруст ҳисобланган таржималар ҳам тез орада умрини тугатмоқда, адабий маъракалар, шошилишч анжуманлар тақозоси билан апил-тапил, наридан-бери ағдариш ҳолларига чек қўйиш, бадиий адабиётнинг энг яхши намуналарини, айниқса, мумтоз адабиётни шундай таржима қилиш керакки, уларнинг умри боқий бўлсин”.

Асқад Мухтор таржима санъатига бағишланган мақолаларининг деярли барчасида рус тилига таржима қилиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Ўзбек тилида жуда яхши романлар, қиссалар яратилгани ҳолда, сўзма-сўз (подстрочник) таржимага етарли маблағ ажратилмаганлиги сабабли насрий асарларни ўгирувчи таржимонларни топиш мушкул эканлиги, баъзи асарларни “ёрдамчи”лар билан бўлишиб, парчалаб-бурдалаб ўгиришга тгани, бунинг натижасида муаллифларнинг ижодий ўзига хослиги йўқолиб бораётганлиги ҳақида куюниб ёзади.

Адиб “Мураккаб санъат” номли мақоласида бизнинг кунларимизда таржима — одатий маънодаги таржимагина эмас, балки бадиий ижодга айлангани бу соҳадаги ишларнинг маънавий аҳамияти ҳақида шундай фикр юритади: “Биз ҳаммамиз бадиий сўзни, поэзияни, барча жанрларда илҳомбахш поэтик руҳни яхши кўрамыз. Шунинг учун ҳам таржима қилинган ҳар бир адабий сўзга меҳр билан, эҳтиёт билан қараб, бу борадаги хато ва нуқсонлардан қаттиқ ранжиймиз... Таржима ишининг моҳияти ва масъулияти шу қадар юксалдики, энди улар таржима деган одатдаги сўз доирасига сифмай қолди”. Шунингдек, адиб ҳар бир таржима нашрига фақатгина янги бир китоб деб

эмас, балки халқимизнинг маданиятига, маънавиятига қўшилган улкан бадиий ҳисса деб қараш кераклигига катта урғу беради. А.Мухтор шеърятимизда фалсафий категориялар, лаҳза ва мангулик, виждон ва инсоний бурч сингари маънавиятимизнинг абадий қирраларини шакллантиришда алоҳида мазмун касб этган “Фауст” (Э.Воҳидов), “Илоҳий комедия” (А.Орипов) сингари юксак поэтик асарларнинг гўзал таржималарини фахр билан тилга олади.

Шеърый таржимада шоирнинг услуби, ҳис-ҳаяжонлари, қалб зарблари китобхонга аниқ етиб бориши, унга эстетик завқ бағишлаши лозим, чунки шеърнинг ўзини ўгириш мумкин, лекин миллий жанрни, шеърни қабул қилиш тарзини, анъаналарини, шеърга қарашни таржима қилиш, ҳатто тушунтириш ҳам амримаҳол. Шеърый таржиманинг бу алоҳида жиҳати ҳақида фикр юритар экан, А.Мухтор: “Японияда, Малайзияда “танка”, “хайку” билан классик бўлганлар бор. Бизда бу турларнинг ҳамма талабларини (ўттиз бир ҳижо, тоқ сатр, яширин қофия ва бошқаларни) бажариб, эътибор қозониб кўринг-чи!”, — деганда гап бу ерда шаклдагина эмас, миллатнинг руҳий ўзига хосликлари, дунёқарashi, зеҳнияти, нафис ва оний таассурот, мунг, ҳасрат, соғинч, сал киноя..., хуллас, шеърятга сингиган, лекин таржима қилиб бўлмайдиган, фақатгина ҳис қилиш мумкин бўлган нозик жиҳатларга ишора қилади.

“Таржимондан аниқлик талаб қилманг. У чизмакаш эмас, рассом!”. Бу иборада адибнинг таржимонликни шунчаки бир тилдан бошқасига ўгириш эмас, балки санъат, бадиий ижоднинг бир кўриниши деб англаш, унга маҳорат билан ёндашиш кераклиги ҳақидаги фикрлари ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда бадиий таржиманинг маданий савияси юксалишида Асқад Мухторнинг ҳам таржимон, ҳам таржимашунос сифатида хизматлари беқийс.

*Муаттар ЖўРАЕВА,  
ЎзМУ тадқиқотчиси*

Дейл КАРНЕГИ

## Имконни бой берманг!

Х б о б

### ТАШВИШЛАРИНГИЗ УЧУН “ЗАРАРЛИ ЧЕКЛАШ” ТАРТИБИ ЎРНАТИНГ

**У**олл-Стритда қандай пул ишлаш мумкинлигини билмоқчимисиз? Бўлмаса-чи! Бизга қўшилиб, буни яна миллионлаб бошқа одамлар ҳам билмоқчилар. Аммо агар жавобини билганимда, ушбу китобнинг ҳар нусхаси 10.000 доллардан турган бўларди. Дарвоқе, омадли биржа маклерлари қўллайдиган бир яхши гоё бор. Бу ҳикояни менга Нью-Йорклик Чарльз Робертсон айтиб берганди. У маблағ қўйиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан шуғулланади. У мана бундай ҳикоя қилади:

“Мен Техасдан Нью-Йоркка келганимда, чўнтагимда йигирма минг доллар пулим бор эди. Бу пулларни акция сотиб олишга пул қўйгани менга дўстларим ўртада тўплаб беришганди. Жамғарма бозори ишида ўзимни устаси фаранг деб ўйлагандим. Аммо барча пулимни сўнгги центигача бой бердим. Тўғри, айрим битимларда талай пул ишладим. Бироқ пировардида ҳаммасидан маҳрум бўлдим.

Ўзимнинг пулимни йўқотганимда бунчалик алам қилмасди, аммо мени даҳшатга солган нарса шу эдики, бу пуллар дўстларимники эди. Тўғри, улар анча бой одамлар бўлиб, унча-мунча зарар уларга чўт эмасди, барибир ҳам ўйлаган нарсаларим чиппакка чиққандан кейин юрак ҳовучлаб улар билан янги учрашувга чоғландим. Лекин, ажабо, улар пинакларини ҳам бузмадилар, бу ҳам етмагандай, менинг кўнглимни кўтариб, далда беришди.

Мен ё остидан, ё устидан қабилида иш тутишимни билардим, асосан бошқа одамлар фикрига таяниб, омадга умид қилгандим. Х.И.Филлипс айтганидек, нотани билмасдан “эшитиб чалардим”.

Мен хатоларим устида мулоҳаза юрита бошладим ва жамғарма бозорига яна қайтиб боришдан олдин унинг қандай ишлаётгани ҳақида кўпроқ нарса билиб олишга қарор қилдим. Мен ўйларимни рўёбга чиқариш йўллари қидира бошладим ва тезда бозорнинг бутун тарихи давомида энг омадли биржа ўйинчиси билан танишиб қолдим. Унинг исм-шарифи Бэртон С.Кастл эди. Мен ундан кўп нарса ўргана оламан, деб ўйламагандим. Зеро, у эътиборли одам бўлиб, кўп йиллардан буён жамғарма ишларини муваффақият билан олиб бормоқда эди. Бу муваффақият унга осмондан тушмаганлигига фаҳмим етиб турарди.

У менга жамғарма бозоридаги олдинги ишларим хусусида бир қанча саволлар берди. Кейин у менга, назаримда, бизнесда асосий қоида

---

Охири. Боши ўтган сонда.



ҳисобланган бир гапни айтди. Ўзимнинг биржа ишларимдан ҳар бири учун мен “зарарларни чеклаш” тартибини ўргандим. Агар мен акцияларни, дейлик, биттасини эллик доллардан сотиб олсам, зудлик билан 4 доллар даражасига “зарарларни чеклаш” тартибини ўрнатаман. Бу куйидагини англатади: агар акциялар беш банддан кўпроқ баҳога пасаядиган бўлса, улар ўз-ўзидан сотилиб кетади ва шу тариқа менинг зарарларим беш банд билан чекланиб қолади.

– Асосийси, ақл билан ишлаш керак, – давом этди тажрибали мураббий, – шунда сизнинг ўртача фойдангиз йигирма беш ёки ҳатто эллик бандни ташкил этади. Бинобарин, зарарларингизни ярмидан кўпроғига хато қилган бўласиз ва барибир кўп пул ишлаб оласиз.

Мен дарҳол шу йўлдан фойдаландим ва ҳозиргача шундай қилиб келяпман. Бу мижозларимни ҳимоя қилишимга ва неча-неча минг доллар ишлаб олишимга ёрдам берди.

Аста-секин мен зарарларни чеклаш тартиби жамғарма бозоридагина ишлатилмаслигини англаб етдим. Мен бошқа мутлақо молиявий бўлмаган, мени безовта қилган ҳолатлар учун ҳам шу тартибни жорий қилдим. Безовталиқ ё хафгарчилик жонимга теккан ҳар қандай ҳолатда бу тартибдан фойдаланадиган бўлдим. Бу тартиб менга жуда қўл келди.

Масалан, мен кўпинча доим кечикиб келадиган бир дўстим билан бирга овқатланаман. Илгари унинг кечикиб келишидан жуда бўларим бўлар эди, чунки у тушга яқин ишга келарди. Охири мен унга ташвишларга қарши қўллайдиган зарарларни чеклаш тартиби тўғрисида сўзлаб бердим. Мен дедим: – Билл, менинг зарарларни чеклаш тартибим учрашувимиз белгиланган вақтдан ўн дақиқа ўтгач, амал қила бошлайди. Агар кеч келсанг, шартномамиз бекор қилинади ва мен кетаман.

Эй Худоим! Кўп йиллар олдин мен ўзим сабрсизлигим, жиззакилигим, ўз-ўзимни оқлашим, афсус-надоматларимга, барча ақлий ва руҳий изгиробларимга нисбатан қўллашим мумкин бўлганда бу тартибга қанчалик муҳтож эдим. Менинг руҳий осойишталигимга таҳдид солувчи ҳар бир ҳолатдан чиқиб кетишим учун етарли даражада соғлом фикр менда нега топилмаганди? Ахир ўзимга: “Менга қара, Дейл Карнеги, бундан мана шу даражагача ташвиш қилиш мумкин, холос”, деб айта олар эдим-ку. Нега мен буни илгари қилмаган эдим?

Лекин бироз соғлом ақл билан иш тутган вақтимда барибир ўзимни мақтаб қўя оламан. Бу ҳаётимдаги бир вазият эди, келажакдаги кўзлаб тузган барча орзу ва режаларим кунпаякун бўлганини кўрганимдаги ҳаётгий бўҳрон эди бу. Иш бундай бўлганди. Ушанда ёшим эндигина ўттиздан ошган ва мен ҳаётимни романлар ёзишга бағишлашга қарор қилгандим. Мен иккинчи Франк Норрис, Жек Лондон, Томас Харди бўлмоқчи эдим.

Бу мақсадга интилганим шунчаликки, биринчи жаҳон урушидан кейин кучли пул қадрсизланиши вақтида озгина долларим бўлса, жаннатдагидай яшашим мумкин бўлган Европада икки йил истиқомат қилдим. Европада икки йил яшаб, ўзимнинг асосий асаримни ёздим. У “Қор бўрони” деб аталарди. Асаримнинг номи нашриётларда романимга кўрсатилган муздек муносабатга жуда-жуда мос келганди, гўё қор бўрони бутун Дакота водийсидан эсиб ўтгандек. Адабий агентлик менга романимнинг бир чақага қимматлигини, менда бадиий адабиёт учун ҳеч қандай лаёқат йўқлигини айтганда, юрагим уришдан тўхтаб қолгандай ҳис қилгандим ўзимни. Агентим олдида карахт аҳволда чиқиб кетдим. Бутунлай ҳангу манг бўлиб, бошимга бир челақ муздек сув қуйилгандай сезмоқда эдим. Мен ўзимни йўқотиб қуйгандим. Чорраҳада турганимни ва ҳаётимда энг муҳим

бир тўхтамга келишим кераклигини англадим. Нима қилишим, қаёққа бориб бош уришим керак эди?

Қарахликдан чиқиб олгунимча бир неча ҳафта ўтди. Бу вақтда ташвишлар учун “зарарларни чеклаш” тартиби ҳақида ҳеч нарса қулоғимга кирмаганди. Энди эса ортимга бурилиб қарар эканман, мен айнан шундай қилганимни тушунаман. Роман устида зўр бериб ишлаган шу икки йилни ҳисобдан чиқариб ташладим ва унинг учун муносиб ўринни тайин қилдим. Ҳа, юксак санъат билан шуғулланишга уриниш бўлган эди. Аммо мен олдинга қараб ҳаракат қилишим керак эди. Мен катта ёшдагилар учун машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишимга қайтдим. Бўш вақтларимда таржимаи ҳол ва ҳозир сиз ўқиб турганга ўхшаш умумтаълим китобларини ёздим.

Ушанда қабул қилган қароримдан хурсандманми? Ҳар гал шу ҳақда ўйлаганимда шундай севиниб кетаманки, кўчага чиқиб, рақс тушиб кетгудек бўламан. Очиқ-ойдин эътироф этиб айтоламанки, иккинчи Томас Харди бўлмаганимдан бирон марта афсусланмадим.

Юз йил муқаддам Уолден кўли соҳилида бойўғлининг мудҳиш ху-хулаши қулоғимга чалинганда Генри Торо гоз патини қўлбола сиёҳга ботириб, ўз кундалигига қуйидагиларни ёзган экан:

“Ҳар қандай нарсанинг қиймати мен “ҳаёт” деб атаган, бу нарсага энди ва бундан кейин алмаштириш талаб этилувчи субстанциялар миқдори билан белгиланади”.

Бошқача сўзлар билан ифода этилган шу фикр мана бундай жаранг касб этади: бирор нарса учун фақат нодонларгина бунга талаб этилувчи ҳаётий куч миқдоридан кўпроқ ҳақ тўлайдилар.

Бироқ Гилберт ва Салливан айнан шундай қилган эдилар. Қувноқ шеър ва мусиқалар ижод қилишда уларнинг олдига тушадигани топилмасди, бироқ ўз ҳаётларини қувонч билан қандай тўлдиришлари ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эдилар. Улар дунёдаги энг аъло оперетталар “Чидам”, “Пешбандча”, “Микадо”ларни ёзган эдилар-у, аммо ўзларини тутишга келганда йўқ эдилар. Арзимаган гилам нархи деб улар бу ёруғ дунёда бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетган эдилар. Сотиб олган театри учун Салливан гиламга буюртма берди. Ҳисоб қоғозини кўрганда Гилбертнинг капалаги учиб кетди. Улар бир-бирларини судга бериб, шундан кейин то умрларининг охиригача бир-бирларига бир оғиз сўз демай ўтиб кетишди. Янги асар учун ёзилган мусиқасини Салливан Гилбертга почтадан юборди. Мусиқага сўз ёзганда Гилберт ҳам шундай жавоб қайтаришига тўғри келган эди. Улар саҳнага баравар чиқиши керак бўлди қолди, аммо иккаласи бир-бирига кўзи тушмаслиги учун саҳнанинг ҳар икки чеккасида туриб олиб, таъзим қилар эди. Линкольн қилганидек, гина-қудуратга барҳам бериш учун зарарларни чеклаш тартиби ўрнатишга уларнинг ақл-заковати мусоида этмаганди.

Бенжамин Франклин етти яшарлигида йўл қўйган бир хатосини етмиш йил эсдан чиқаролмай юрди. Унинг хуштак олгиси келиб юрарди. Азбаройи хуштакка ишқибозлигидан ўйинчоқлар дўконига борди-да, нархини ҳам сўрамай ёнидаги бор пулини тўлаб, хуштакни олди. “Уйга келиб, – деб ёзганди у бир дўстига етмиш йилдан кейин, – уйни бошимга кўтариб, хумордан чиққунча хуштак чалдим. Бироқ ака ва опаларим хуштакка ўзининг нархидан анча-мунча ортиқ тўлаганимни билиб, роса устимдан кулишди”. Бенжамин Франклиннинг айтишича, у йиғлаб юборибди.

Кўп йиллар кейин, ўша вақтда дунёга таниқли давлат арбоби ва АҚШнинг Франциядаги элчиси Франклин хуштакни қимматга

олганини хануз эслаб юрган ва бу ҳуштак ҳузурдан кўра кўпроқ афсус-надомат келтирган.

Аммо мана шу ҳаётий сабоқ учун Франклин пировард-оқибатда унчалик қиммат тўламаган. Франклин шундай деган: мен ўсиб, вояга ета борганим ва одамлар билан танишганим сайин уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатар ва ҳуштак учун жуда катта пул тўлаган одамларни учратар эдим. Хуллас, одатда одамлар бошига тушган мусибатлар у ёки бу нарсани нотўғри баҳолашдан ва ҳуштак учун ортиқча пул тўлашдан келиб чиқади.

Гелберт ва Салливан албатта ўз ҳуштаклари учун яхшигина тўлов тўлашди. Дейл Карнеги ҳам вақти-вақти билан шундай нуқсонга йўл қўйиб турарди.

Ҳатто бу даврага ўлмас даҳо, “Уруш ва тинчлик” ва “Анна Каренина”дек дунёга таниқли романлар муаллифи Лев Толстой ҳам кириб қолганига нима дейиш мумкин?

Британия қомусида айтилишича, Лев Толстой умрининг сўнгги йигирма беш йилида ҳарҳолда дунёдаги энг ҳурматли одам бўлган. Вафотигача йигирма йил давомида 1890 дан 1910 йилгача уни лоақал бир карра ўз кўзи билан кўришга, овозини ўз қулоғи билан эшитишга ё бўлмаса кийимига бирров қўлини теккизишга муштоқ сонсиз мухлислар келар эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир жумлани ўша заҳоти ён дафтарларига ёзиб олишар ва бамисоли муқаддас битикдай эъзозлашарди. Бироқ оддий турмуш ҳақида гап кетганида Толстой етти яшар Франклинга қараганда ҳам эси йўқроқ бўлган! Баъзи қилиқларидан ёқа ушлайсиз.

Мен нимани назарда тутаяпман? Толстой ўзи жондан севган қизга уйланган. Улар чиндан ҳам бирга яшаганларидан шунчалик бахтиёр эдиларки, гоҳо тиз чўкардилар-да, шундай дориламон ва қувноқ ҳаётларининг узун бўлишини Худодан ёлвориб сўрар эдилар. Бироқ қиз тушмагур ўзига етгунча рашкчи эди. У қишлоқча кийиниб олиб, ҳатто эри ортидан ўрмонга йўл оларди. Бунинг охири жанжалга олиб келарди. Хотини уни ҳатто ўз фарзандларидан ҳам қизганарди. Иш шунгача бориб етдики, бир куни хотини пистолетдан ўз қизи сувратига қарата ўқ узади. У ерда ғужанак бўлиб ётганча афюнли шишани оғзига олиб бориб, ўзини ўлдириш билан қўрқитади. Бу пайтда болалари ўтакалари ёрилиб, бир бурчакда ўтириб, қўрққанларидан йиғлар эдилар.

Хўш, Толстой нима қилди, дейсизми? Борди-ю, у бақириб-чақирганда, нарсаларни ерга уриб синдирганда мен уни айбламасдим. Лекин у бундан бадтарроқ ишни қилган: у кундалик ёза бошлаган! Ҳа-ҳа, шахсий кундалик ёза бошлаган. Унда бошдан-оёқ ўз хотини устидан мағзава ағдарган. Бу унинг ҳуштаги эди. Ёзувчи келажак авлоднинг уни оқлаб, хотинини ёмонлашини истаган. Унинг хотини жим қараб турганмиди? Қаёқда, у ўзи ҳақида бўлмагур гаплар ёзилган саҳифаларни йиртиб олиб, ёқиб ташлайверган, бу ҳам етмагандай, хотини ўзининг кундалик дафтарини тута бошлаган, унда тўнкамижоз эрини аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солган. У ҳатто бир ҳикоя ёзиб, унга “Айб кимда?” деб сарлавҳа қўйган. Ҳикояда у ўз эрини хонаки золим, ўзини мазлума деб атаган.

Бунинг охири нима билан тутаган? Нима учун бу икки одам ўз хонадонини, Толстойнинг ўз сўзи билан айтганда, жиннихонага айлантирган? Равшанки, бунинг учун кўп сабаблар бўлган. Шулардан бири шундан иборатки, улар зуррётларида таассурот пайдо қилишни жон-жаҳдлари билан хоҳлашган. Улар айнан ўзлари ҳақидаги фикрдан кўпроқ ташвишланганлар. Аммо уларнинг оилавий муаммоларида ким айбдорлиги бугунги кунда қайси биримизни қизиқтиради? Ҳеч кимни.

Биз ўз муаммоларимизни ҳал этиш билан бандмиз. Толстойлар оиласи ҳақида ўйлашга бир дақиқа ҳам фурсатимиз йўқ. Бу икки бечора банда ўз хуштаклари учун қанақанги катта ҳақ тўламади. Эллик беш йил дўзахда яшаш, тагин бу шунинг учунки, улардан ҳеч бирида “бас” деб айтиш учун фаросат етмаган. Кел, муносабатларимизда тезлик билан зарарларни чеклаш тартибини жорий қилайлик, деб айтиш учун уларда бир чимдимгина соғлом ақл етишмаган. Биз умримизни исроф қилишга ўрганганмиз. Келинг, ҳозироқ “бас” дейлик.

Мен чин дилдан аминманки, нарсаларнинг ҳақиқий қадрини англаш шундай энг муҳим синоат ҳисобланадики, уни билиш руҳий хотиржамликка, жоннинг ҳузурига олиб келади. Ўзимизнинг олтин андозамизни ярата олсак, унга қараб ҳаётимиз учун бу нарсаларнинг нечоғли муҳим эканини баҳолай олсак, биз ўз ташвишларимизнинг 50% йўқотишга қодирмиз, деб биламан.

Шу боис, сизни енгмасидан олдин ташвишланиш одатингизни енгай десангиз, қуйидаги қоидани бажаринг.

Қоида 5:

Ҳар гал маълум даражадаги саъй-ҳаракатларингизни арзимайдиган мақсадларга эришишга йўналтирмоқчи бўлганингизда, тўхтанг ва ўзингизга учта саволни беринг:

1. Бу савол мен учун қай даражада муҳим?
2. Унга нисбатан мен зарарларни чеклаш тартибидан қачон фойдаланаман ва уни қачон унутаман?
3. Бу хуштакнинг асл нархи қанча? Унга керагидан ортиқча пул тўлаб юбормадимми?

## Х И Б О Б

### ҚИПИҚНИ АРРАЛАШГА УРИНМАНГ

Ушбу сатрларни ёзар эканман, деразадан қарайман ва боғ майсазорида бир қанча динозавр изларини кўра оламан. Улар лой ва тошга муҳрланиб қолган. Мен уларни Йел университетидagi Пибоди музейига олиб келтирдим. Менда шу музей сақловчисидан бир хат бор. Ушбу изларнинг ёши 180 миллион йил дейилади. Бу изларни ўзгартириш учун 180 миллион йил орқага қайтиб бўлмаслигига учига чиққан аҳмоқнинг ҳам ақли етади. Биз 180 миллион йил орқага қайта ва уни ўзгартира олмаслигимиздан ташвишланишимиз ҳам бундан кам аҳмоқлик бўлмас эди. Аммо орамиздан кўпларимиз айнан шу билан андармонмиз. Албатта 180 сония муқаддам содир бўлган нарса оқибатларини ўзгартириш учун биз бирор нарса қила олармиз, аммо бу воқеа содир бўлишининг ўзини ўзгартириш қўлимиздан келмайди.

Ер юзида ўтмиш воқеаларидан ошкоралик билан фойдаланишга имкон берувчи биргина йўл бор. У шундан иборатки, бемалол таҳлил қилиб, ундан ўзимиз учун фойда ундириш ва уни унутиб юбориш, вассалом.

Бунинг шундайлигини мен биламан. Аммо шундай ҳаракат қилишга менда ҳар доим ҳам журъат ва фаросат етарли бўлармикан? Бу саволга жавоб бериш учун мен кўп йиллар илгари бошимдан ўтган бир эртакнамо воқеани сизларга сўзлаб бермоқчиман. Гап шундаки, ёнимда уч юз минг доллардан кўпроқ пул бор эди. Аммо мен улардан бир цент ҳам даромад олмай, бой берган эдим.

Воқеа мана бундай бўлганди: мен катта ёшдагилар учун таълим соҳасида йирик корхона ташкил қилгандим. Кўп шаҳарларда бўлимлар

очгандим ва қўшимча харажатлар ҳамда рекламани қоплашга катта маблағ сарфлагандим. Мен дарс бериш билан шу қадар банд эдимки, молияни назорат қилишга на имконият ва на хоҳишим бор эди. Мен мутлақо тажрибасиз эдим ва менга чаққон молиявий директор кераклигини тушунмаган эдим.

Бироқ бир йилдан сўнг ишларнинг ҳақиқий аҳволи қандайлигидан дарак топдим. Бу мени ҳушёр қилди, саросимага ҳам солди. Катта маблағ қўйишимизга қарамай, биз ҳеч қанақа даромад олмаганимиз маълум бўлди. Шу нарса аниқ бўлгандан кейин мен иккита йўлдан боришим лозим бўларди. Биринчидан, мен жиддий ўйлашим ва қора танли Жорж Вашингтон Карвер қилган ишни қилишим керак эди. Банкда унинг бир умрлик жамғармаси ётарди. Касод топганидан унинг хабари борми, деган саволга у бундай жавоб берганди: “Ҳа. Бу ҳақда эшитгандим”. Шундай деди-ю, машғулотларни давом эттираверди. У бу ҳақда унутиб юборди, тамом. У буни шунчалик ишонч билан қилдики, содир бўлган воқеани бошқа ҳеч қачон эсга олмади.

Иккинчидан, мен мана бундай қилишим лозим эди: мен хатоларимни таҳлил қилишим ва бир умрга ундан сабоқ чиқаришим керак эди.

Бироқ очиғини айтганда, мен на биринчи йўлни қилдим, на иккинчисини. Бунинг ўрнига мен ташвишга ботдим, бир неча ой мобайнида туман ичида яшагандай яшадим. Уйқу ва иштаҳам йўқолди. Бу катта хатодан сабоқ олиш ўрнига мен индамай кетавердим ва бу хатомни сал кичикроқ миқёсда такрорлайвердим.

Бунинг устига, камчиликларимга иқрор бўлишим менга малол келарди, бироқ кўп йиллар муқаддам шу нарсага амин бўлдимки, йигирмата одамни бирон-бир қийин ҳолатда қандай йўл тутишга ўргатиш ва шунга ўргана оладиган йигирмата одамдан биттаси бўлиш осонроқ экан.

Баъзи китобхонлар “бош омон бўлса, қалпоқ топилади”, “йигит моли ерда”, “пул қўлнинг кири” каби машҳур мақолларга яхшигина мисол бўлишини кўпда эътиборга олмайдилар.

Тўғри-да, бу чайналган ва жонга теккан ҳақиқат. Сиз буни минглаб маротаба эшитганингизни биламан. Аммо шу нарсани ҳам биламанки, бу сийқаси чиққан мақоллар бутун башариятнинг асрлар давомида жило топган ҳикматини ўзида намоён этади. Улар одамзодни кўп асрлик тажрибасидан туғилган ва юз йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган. Борди-ю, сиз барча асрларнинг буюк мутафаккирлари ташвиш тўғрисида ёзган ҳамма нарсани ўргана олганингизда эди, “сувни кўрмагунча этик ечма” ёки “айтилган сўз — отилган ўқ” каби сийқаси чиққан мақоллардан кўра муҳимроқ ва теранроқ бир нарса топа олмаган бўлардингиз. Борди-ю, шуларни менсимаслик ўрнига фақат мана шу иккитагина мақолни амалда қўллайдиган бўлганимизда, бизга қўлимиздаги мана шу китобнинг умуман кераги бўлмасди. Боз устига, борди-ю, кўҳна мақолларнинг кўпчилигини таомилга киритганимизда эди, биз бекаму кўст ҳаёт тарзимизни йўлга солиб олган бўлардик. Аммо билим амалда қўллансагина куч ҳисобланади ва ушбу китобнинг мақсади сизга бирон-бир янгиликни айтишдан иборат эмас, балки сизга яхши маълум бўлган нарсаларни эслатиш, ўзингизни ҳаракат қилишга ундаш ва кўҳна ҳақиқатларни амалда қўллашга руҳлантиришдир.

Мен доим Фред Фуллер Шедд сингари одамлардан ҳайратланиб келганман. Улар бу кўҳна ҳақиқатни янгича рангда ёрқин кўрсата билиш истеъдодига эгадирлар. Фред Фуллер Шедд “Филадельфия буллетин” газетасининг муҳаррири эди. Коллеж битирувчиларига

қарата мурожаат қилар экан, у сўради: Орангизда ҳеч ёғоч арралаган кимса борми? Қўлингизни кўтаринг.

Ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги кўлини кўтарди. Кейин муҳаррир яна сўради: Ичингизда ҳеч қипиқ арралаган борми? Битта ҳам одам кўл кўтармади.

Тўғри-да, қипиқни ҳеч ким арралай олмайди, — деди мистер Шедд. Улар арралаб бўлинган. Ўтмиш ҳам шунақа. Сиз ўтиб кетган ва умри тугаб бўлган нарсалар ҳақида ташвишлана бошлаганингизда қипиқ арралаш билан банд бўласиз.

Бир куни мен Синг-Синг қамоқхонасини бориб кўрдим ва мени энг кўп ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, маҳбусларнинг қиёфалари қамоқхонадан ташқаридаги одамларга қараганда бахтиёрроқ кўринар эди. Мен бу ҳақда ўша вақтда қамоқхона бошлиғи лавозимида ишлаб турган Льюс Е.Лоуэсга айтган эдим, у, жинойтчилар Синг-Сингга биринчи марта тушганларида кўпроқ хафа ва дарғазаб бўладилар. Бироқ бир неча ойдан кейин ораларидан эслари кўпроқлари тақдирга тан берадилар, ўрнашиб оладилар ва қамоқхона ҳаёти тартибига жимгина риоя қилиб, уни иложи борица яхшилашга ҳаракат қиладилар, деб жавоб берганди. Лоуэснинг айтишича, бир маҳбус боғбонлик қилар экан, қамоқхона ичида туриб ҳам овозини баралла қўйиб ашула айтар экан.

Мана шу қўшиқ шайдоси бўлган маҳбус бизнинг кўпчилигимиздан кўпроқ соғлом фикр юритар эди. У билар эди:

*Парвардигор кўрсаткич бармоғи билан ёзади,  
Ёзиб бўлиб, нари кетади.  
Сизнинг барча тақвонгизу ақлингиз  
Тангри бармоғини орқага буриб қўйишига  
ёки ёзганларининг бир сатрини ўчиришига  
қодир эмас.  
Ҳатто селдай оққан кўз ёшлари ҳам  
биронта каломни ўчира олмас.*

Шу боис кўз ёши тўкмоқдан не наф? Биз, албатта, кўпол хатоларга ва беўхшов қилмишларга йўл қўямиз. Йўл қўйганимизда-чи? Ҳатто Наполеон ўзининг энг йирик жангларининг учтадан биттасида мағлуб бўлган. Ғалаба ва мағлубиятларимиз нисбати Наполеонниқидан ҳечам ёмон эмас. Ким билибди?

Аммо нима бўлганда ҳам бутун қироллик суворийлар қўшини ҳам, қироллик жанг аравалари ҳам ўтмишимизни орқага қайтара олмайди.

Шу боис унутманг:

Қоида 6:

Қипиқни арралашга уринманг.

## Х II б о б

### ҲАЁТИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРАДИГАН ТЎҚҚИЗ СЎЗ

Мендан бир неча йил муқаддам радио эшиттирув саволига жавоб беришимни илтимос қилишди: ҳаётингиздаги энг муҳим сабоқ қайси?

Бундан осони бор эканми? Шу пайтгача мен ўрганган асосий сабоқ биз нима ҳақида ўйласак, шунинг муҳимлигини тушунишдан иборат бўлиб келган. Агар мен сизнинг нима ҳақида ўйлаётганингизни

билсам, сиз ўзингизни қандай тасаввур этаётганингизни билган бўлардим. Фикрларимиз бизни яратади. Бизнинг ақлий кайфиятимиз тақдиримизни белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади. Эмерсон айтган эди: инсон — бу унинг кун давомида ўйлаган нарсадир. У шундан бошқа нима ҳам бўла оларди?

Энди менга шу нарса кундай равшанки, биз тўқнаш келадиган энг катта муаммо фикрларимизни тўғри йўналишга солишдан иборат. Агар шунинг уддасидан чиқолсак, барча муаммоларимизни ҳал қилишга имкон берадиган йўлни топган бўлардик. Рим салтанатида ҳукмронлик қилган буюк файласуф Марк Аврелий бу фикрни тақдиримизни ўзгартира оладиган тўққиз сўзга жам қилган: бизнинг ҳаётимиз у ҳақда ўзимиз қандай ўйласак, шунинг ўзидир.

Тўғри-да, агар фикрларимиз бахт билан тўлиқ бўлса, биз бахтли бўлаемиз. Борди-ю, мунг билан тўлиқ бўлса, биз мунгли бўлаемиз ва ўзимизни бахтсиз ҳис қилаемиз.

Борди-ю, фикрларимиз қўрқув ҳақида бўлса, биз қўрқамиз. Агар касаллик ҳақида ўйласак, ростдан касал бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Борди-ю, омадсизлик ҳақида ўйласак, у бошимизга тушмай қолмайди. Борди-ю, биз жуда шафқатталаб бўлиб кетсак, ҳамма биздан қочади!

Норман Винсент Пил деган эди: Сиз ўзингиз ҳақингизда ўйлаган нарса эмассиз, балки нимани ўйласангиз — ўшасиз.

Сиз мени, осон йўлини танляпти ва сизнинг барча муаммоларингизга нисбатан ҳаётбахш муносабатни ноҳақ равишда ҳимоя қилаяпти, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Афсуски, йўқ. Ҳаёт у қадар оддий нарса эмас. Бироқ ҳақиқатан ҳам ёмон эмас. Яхши фикрлаш зарурлигини ҳимоя қилаяпман. Бошқача айтганда, биз муаммоларимиз билан машғул бўлишимиз кераг-у, аммо улардан ташвиш тортмаслигимиз зарур. Машғул бўлиш ва ташвишланиш сўзлари ўртасидаги фарқ нимада? Бир мисол келтираман. Ҳар гал Нью-Йоркнинг автомобилларга тўла кўчасини кесиб ўтганимда, қилаётган ишим билан банд бўламан, аммо бундан ташвишда эмасман. Муаммо билан банд бўлиш унинг моҳиятини тушунишни ва уни бир ёқлик қилиш учун ҳар томонлама ўйлаб иш тутишни англатади. Ташвишланиш деб шу муаммо атрофида ўйламасликни ва жонини бериб қуймасликни билдиради.

Киши жиддий муаммони ҳал қилиш билан машғул бўлиши, аммо айни вақтда кўчада бошини баланд кўтариб юриши мумкин. Лоуэлл Томас ўзини шундай тутганига кўзим тушганди. Бу мен унга биринчи жаҳон уруши вақтида Алленби ва Лоуренс комапаниялари тўғрисидаги унинг машҳур кинофильмларини тақдим этишда ёрдамлашиб юборганимда рўй берганди. У ва ёрдамчилари бу фильмни камида олти фронтда бўлган жанглардан лавҳалар олиб сувратга туширганди. Булар ичида энг яхшиси Т.Н.Лоуренс ва унинг ранг-баранг араб қўшини, шунингдек, Алленбининг бу муқаддас заминни забт этгани муҳрланган ҳужжатли ашёлар тўғрисидаги тасмалар эди. Бу ашёларни намойиш қилиш баробарида айтган ҳикоялари “Аленби билан Фаластинда ва Лоуренс билан Арабистонда” деб аталарди. Фильм Лондонда ва бутун дунёда шов-шувларга сабаб бўлди. Унинг намойиши муносабати билан Лондонда опера мавсумининг очилиши олти ҳафтагача сурилиб кетганди. Бу Томасга ўзининг мўъжизавий саргузаштлари ҳақидаги ҳикояларини давом эттириш ва фотосувратлари ҳамда фильмларини Конвент-Гардендаги қироллик опера театрида намо-йиш этиш имконини берди.

Лондондаги мана шундай чинакам муваффақиятдан кейин у кўплаб мамлакатларда довруқ қозонди. Сўнгра икки йил давомида у Ҳиндистон ва Арабистондаги ҳаёт тўғрисида фильм олди. Бироқ шундан кейинги кўплаб ва мутлақо хаёлга келмаган омадсизликлардан сўнг чўнтагида ҳемирисиз Лондонда пайдо бўлди. Ўша вақтда мен у билан бирга эдим. Лайон Корнер-Хауздаги арзон ошхонада овқатланиб юрганларимизни эслайман. Машҳур актёр Жеймс Макби исмли бир шотланддан пул қарз олганимизда, ўзимизни бу кўйларга солиб қўярмидик. Бироқ ҳамма гап шунда эдики, қулоғигача қарзга ботган ва омадсизликка учраган Лоуэлл Томас бундан ташвишланиш ўрнига муаммоларини ҳал этиш билан машғул бўлди. Агар қийинчиликларга бўйин эггудек бўлса, ўзига ҳам, кредиторларга ҳам ҳеч қандай фойда бўлмаслигини биларди. Шу боис у кунни ҳар тонгда гул сотиб олиб, пиджаги илмоғига қистириб олишдан бошлар ва бардам, бошини баланд кўтарганча Оксфорд стрит бўйлаб юрар эди. У яхши нарсаларни ўйларди, ўзини йўқотмасди ва омадсизликка ён бермасди. Унинг назарида, омадсизлик — ўйиннинг бир қисми, ўз ишида чўққига етишни истайдиганлар учун фойдали машқ эди.

Буюк француз файласуфи Монтень ўз ҳаётининг шиори сифатида қуйидаги сўзларни танлаган экан: инсон содир бўлган воқеалардан кўра, бу ҳақда ўйларидан кўпроқ изтироб чекади. Бирон-бир воқеа борасида нималарни ўйлаш эса сиз билан бизнинг ўзимизга боғлиқ.

Бу билан нима демоқчиман? Сиз бошимизга ноҳос тушган қийинчиликлардан икки букилиб қолган, асабларимиз ипдай таранг тортилган ва рубоб торидек жаранглаб турган бир вақтда тикка юзингизга қараб, мана шундай вазиятда фақат ирода кучи билангина руҳий кайфиятингизни ўзгартира оласиз, деб айтиш учун киши қанақанги сурбет бўлмоғи керак. Наҳотки, ҳа, шундай, дейдиган даражада баттол бўлсам? Ҳа, мен айнан шуни назарда тутаяпман! Ҳали бу ҳаммаси эмас. Бунини қандай адо этишни сизга кўрсатмоқчиман ҳам. Балки сиз бироз ҳаракат қилишингизга тўғри келар, аммо бунинг сири жуда оддий.

Амалиёт руҳшунослиги соҳасида тенгсиз сиймо бўлмиш Уильям Жеймс бир кун шундай ҳикоя қилган эди: Туйғу ортидан амал келадигандек тасаввур туғилади, аммо аслида туйғу билан амал бир вақтдаги ҳодисадир. Ирода воситасида бошқариш осон бўлган ҳаракатларни назорат қилиш йўли орқали биз ирода кучи билан бошқариш унча осон бўлмаган туйғуларимизни билвосита назорат қиламиз.

Бошқача айтганда, биз ирода кучи билан ўз ҳиссий ҳолатимизни кўз очиб-юмгунча ўзгартиролмаймиз, аммо амалларимиз табиати ва йўналувчанлигини ўзгартиришимиз мумкин. Амалларимиз табиати ва йўналувчанлигини ўзгартирганимизда, беихтиёр ҳиссий ҳолатимизни ўзгартирамиз.

— Шундай қилиб, — деб изоҳ беради Уильям Жеймс, — сизни аллақачон яйратиб юборгандек иш қилиш ва гапириш учун кайфиятингизни чоғ қилиб олиш ягона йўл ҳисобланади.

Наҳотки шундай жўн усул қандайдир самара берса? Ўзингиз қилиб кўринг. Оғзингиз қулоғингизга етиб жилмайинг, кўрагингизни кетинг, чуқур нафас олинг ва қандайдир кичик бир қўшиқни хиргойи қилинг. Қўшиқ айтолмасангиз, ҳуштак чалинг. Бу ҳам қўлингиздан келмаса, алланималарни мингирланг. Уильям Жеймс айтган ҳамма гаплар ҳақиқатга мувофиқ эканини биласиз-қўясиз ва агар ўзингизни мутлақо бахтли одамдек тутсангиз, жисмоний жиҳатдан ҳам ҳеч қанақанги зўриқишга дучор бўлмайсиз.



Бу инсон табиатнинг энг оддий ва мустаҳкам хоссаларидан бири бўлиб, у ҳаётимизда жуда осонлик билан мўъжизалар ярата олади. Мен калифорниялик бир хотинни биламан — унинг исми шарифини айтиб ўтирмайман — агар у мана шу сирдан воқиф бўлганида, у йигирма тўрт соат ичидаёқ барча мусибатларидан халос топган бўларди. Унинг ёши қатта ва бева аёл. Бу, албатта, кўнгилли гап эмас, аммо шу нарса ўзини бахтли одамдек тутиб юришига халақит берадими? Агар ундан кайфиятингиз қанақа, деб сўрасангиз, у ҳаммаси жойида деб жавоб беради. Аммо унинг юз ифодасию аянчли овозидан, “Оҳ, бошимга не мусибатлар тушганини билсангиз эди”, деб турганини кўрасиз. Шундай таассурот пайдо бўладики, унинг олдида хушчақчақ бир ҳолатда пайдо бўлганингизда у сизни жинидан ёмон кўриб кетаяпти. Юзлаб бошқа аёллар бундан-да оғир синовлардан ўтганлар. Зеро, эри ўлганидан кейин бу аёлнинг бисотида анча-мунча кўр-қут қолган, бу умрининг охиригача кун кўришига бемалол етиб-ортар, фарзандлари аллақачон оилалик бўлиб, ўзларидан тинчишган ва у уларни кўриб турса ҳам бўлаверар экан. Бироқ шундай бўлса-да, унинг ҳеч очилиб-сочилиб турганини кўрмайсиз. Гарчи қизлариникида қолиб кетса ҳам, у бари ўлгудай зикна деб, учала куёвидан тинмай нолиркан, гўё қизлари унга совға-саломлар қилмас эмишлар, ҳолбуки унинг ўзи ўлимига деб топганини туғиб қўяркан. У ўзининггина эмас, барча фарзандларининг турмушини заҳар-заққумга айлантирарди! Шунақа ҳам бўладими, ахир? Афсуски, у ўзини ўзгартиришни ва шўрлик бандадан иззатлик ва ҳурматли оила аъзосига айланишни истамади. Агар истаганида, бу унинг қўлидан келмайдиган иш эмасди. Бунинг учун у ўзини бахтли одамдай тутиб юрса бўлди эди. Ўзини одамларга муҳаббати зўрдай қилиб кўрсатса олам гулистон-ку. Бунинг ўрнига бор куч-қувватини бахтсизлигию аламларини сақлашга исроф қиларди.

Мана шу сирни билгани учун ҳам ҳозиргача тўрт мучаси соппасоғ юрган бир одамни танийман. Унинг исми шарифи Х.Ж.Энглерт, Индиана штатининг Телл шаҳридан. Ун йил аввал қизилча билан оғриганди. Тузалганидан кейин буйраги касал эканлиги маълум бўлган. Унинг қаратмаган жойи, қилмаган амали қолмаган, янгичасига ҳам, эскичасига ҳам кўп кўрсатган-у, аммо бундан фойда бўлмаган.

Яқинда бу унда асорат пайдо қилган: қон босими бирдан кўтарилиб кетган. У шифокорга борган, шифокор унга артериал босими ҳалокатли, касаллик эса — кучайиб бормоқда, шунинг учун зудлик билан тайёргарлигингизни кўраверинг, деган.

“Мен уйга қайтиб келдим, — деб ҳикоя қилади у, — суғуртамни тўлаб қўйдим. Сўнг бандалик йўлида қилган барча хатою гуноҳларимни мағфират қил деб Яратганга илтижо қилдим ва мунгли ўйларга чўмдим. Барча яқин қариндош-уруғларим мен билан баравар изтироб чекар эдилар. Мен ўзим ҳам жуда ёмон аҳволда эдим. Бироқ бир ҳафтача ўзимни аяб ётганимдан кейин, ўзимга дедим: бу нима қилиқ, эй хом сут эмган банда! Балки ҳали бир йиллик насибанг бордир, ундан кўра кўзинг тириклигида икки кун бўлса ҳам ўйнаб-қулиб қолсанг-чи.

Мен қаддимни ростладим, жилмайдим ва ўзимни гўё ҳаммаси жойидагидек тутдим. Аввалига, тўғриси, бу ҳийла қийин бўлди, лекин барибир ўзимни очиққўнгил ва қувноқ тутишга ҳаракат қилавердим. Бу менинг оиламгагина эмас, ҳаттоки менинг ўзимга ҳам ёрдам берди.

Мен ҳис қилган биринчи нарса бу кайфиятни яхшилаш. Мен ўзимни худди тасаввур қилганимдай яхши ҳис қилар эдим. Шундан яхшила-ниб кетавердим. Бугун эса мен тирик ва бахтлигина эмас, балки қон босимим пасайди ҳам. Мен бир нарсани аниқ биламан: борди-ю, ўламан деб ўйлайверганимда, ҳеч шубҳасиз докторнинг айтгани бўлмай қолмасди. Лекин мен фикрларим тарзини ўзгартириб, ўз танимнинг соғайиб кетишига имкон туғдирган эдим”.

Сизга бир савол берсам, малол келмасин. Борди-ю, бир одам жанговар кайфиятини йўқотмай, яхши нарсаларни фикрлай бошласа ва у фақат шу билан ҳаётини сақлаб қолар экан, унда нима учун биз лоақал бир дақиқагина ўзимизнинг ёмон кайфиятимиз ва асабийлашувимиз билан муроса қилишимиз керак? Ўзимизнинг ва атрофимиздагиларнинг ҳаётини хиралаштириш нечун? Ахир, бахтимизни ўзимиз яратишга тайёр имкон бор-ку. Бунинг учун бор-йўғи ўзимизни қувноқ ва шодон тутсак — шунинг ўзи кифоя-ку.

Кўп йиллар илгари бир китоб ўқигандим, у менга кучли таъсир кўрсатганди. Ўша китоб “Одам қандай фикрлайди” деб аталар, муаллифи Жеймс Аллен эди. У бундай деб ёзади:

“Нарсаларга ва бошқа одамларга ўз муносабатини ўзгартирган заҳоти бу нарсага ва бошқа одамлар унга муносабатини ўзгартиришини одам тушунади”. Инсон ўз фикрларини тубдан ўзгартирсин ва у бунинг ҳаётидаги моддий шароитларга қандай тез таъсир кўрсатишидан ҳайратда қолади. Одамлар улар хоҳлаган нарсани эмас, балки улар аслида нимани намоён этса, ўшани ўзларига қараб тортадилар. Тақдиримизни бор қиладиган илоҳ ичимизда жойлашган. Бу бизнинг моҳиятимизнинг қоқ юраги... Инсон етишган ҳамма нарса бу унинг фикрларининг бевосита натижасидир. Фикрлари олдида қўйилган вазифалар даражасида юксалгандагина инсон жанг қила олиши ва ўз мақсадларига етишиши мумкин. Борди-ю, у фикрларининг юксалишидан воз кечгудек бўлса, заиф, иродасиз ва бахтсизлигича қолиб кетади.

## БУГУННИНГ ЎЗИДАЁҚ

1. Бугуннинг ўзидаёқ мен бахтли бўламан. Бу Авраам Линкольн айтган гаплар тўғрилигини билдиради: баъзи одамлар ўзларини қанчалик бахтли деб ҳисобласалар, ўшанчалик бахтиёрдирлар. Бахт сарчашмаси ичимизда жойлашган, у ташқи олам билан боғлиқ эмас.

2. Бугуннинг ўзидаёқ бор нарсанинг ўзига мослашишга ҳаракат қиламан ва ҳамма нарсани ўз хоҳишларимга мослаштиришга уринмайман. Оиламни, ишимни ва омадимни улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қиламан ва ўзимни мавжуд шароитларга мослаштираман.

3. Бугуннинг ўзидаёқ ўз баданимга ғамхўрлик қиламан. Жисмоний тарбия билан шуғулланаман, унга ғамхўрлик кўрсатиб, тўйинтираман. Ундан нотўғри фойдаланмайман ёки ундан нафрат қилмайман ва шу тариқа у талабларим ижроси учун мукамал машинага айланади.

4. Бугуннинг ўзидаёқ ақлимни ривожлантиришга ҳаракат қиламан. Биронга фойдали нарсани ўрганаман. Ақлий ялқовликка берилмайман. Саъй-ҳаракат, мулоҳаза ва эътиборни талаб этувчи китобни мутолаа қиламан.

5. Бугуннинг ўзидаёқ барча йўналишларда руҳимни машқ қилдираман. Мен кимгадир яхшилик қиламан. Уильям Жеймс таклиф қилганидек, машқ сифатида мен, ҳеч бўлмаганда, бажаришни хоҳламаган икки ишни қиламан.

6. Бугуннинг ўзидаёқ пок ниятли бўламан. Қўлимдан келганча яхши қийинаман ва ораста бўлиб кўринаман. Мен паст овозда сўзлашаман. Ўзимни яхши тутаман, кўпроқ бошқаларни мақтайман. Мен умуман ҳеч кимни танқид қилмайман. Бировларнинг ўйлари ва ишларидан хато қидирмайман, бировларнинг камчилигини тўғриламайман.

7. Бугуннинг ўзидаёқ фақат бугунги кун билан яшашга ҳаракат қиламан ва барча ҳаётий муаммоларимни дафъатаноқ ҳал этишга уринмайман. Ун икки соат мобайнида биронта ишни бажариш учун кучим етади, аммо борди-ю, уни бутун умрим доирасида қараб чиқадиган бўлсам, бунга чидай олмайман.

8. Бугуннинг ўзидаёқ ўз дастуримни адо этаман. Ҳар бир соатда қиладиган ишимни қайд этиб қўяман. Эҳтимол, уни миридан-сиригача бажаришимга муваффақ бўлмасман, аммо у менда бўлиши учун қайд этиб қўяман. Мен икки душманимга: шошма-шошарлик ва саросималикка барҳам бераман.

9. Бугуннинг ўзидаёқ кунда ярим соатдан ўзим билан танҳо қолиб, осудаликда ўтказаман. Ҳаётимга кенгроқ қараш учун гоҳо мана шу ярим соатда Худо ҳақида ўй сураман.

10. Бугуннинг ўзидаёқ қўрқувни бас қиламан, айниқса, бахтли бўлишдан, гўзалликдан баҳра олишдан, мен севган одам мени севишига ишониш ва севилишдан чўчимайман.

### ХШ Б О Б

## ҲИСОБЛАШИШ ЖУДА ҚИММАТГА ТУШАДИ

Кўп йиллар муқаддам Йеллоустон миллий боғига туристик саёҳат қилган эдим. Кечқурун сайёҳлар равоғида ўтирган эдик, бу ердан қарағайзор ва арчазорлар кафтдагидай кўриниб турарди. Биз ушбу ўрмоннинг сардори – айиқполвоннинг пайдо бўлишини кутаётгандик. Ана, у қуёш нурларига тўла майдонда тўсатдан пайдо бўлди. Айиқполвон бу ерда қолдирилган ошхона қолдиқларини бемалол титкилашга тушди. Маҳаллий ўрмончи майор Мартиндейл отда ўтирганча ҳаяжонли сайёҳларга айиқлар ҳақида ҳикоя сўзлар эди. Бу айиқ гарбий яримшардаги бошқа ҳар қандай ҳайвон билан бемалол бас бойлашар экан, тўғри, фақат қўтос билан кадьяк айиғини бундан мустасно этиш мумкин. Дарвоқе, яқинда очиқ майдонда айиқ билан яна қандайдир жонивор турганига эътибор қилдим. Бу америка сассиққўзани эди. Гарчи сассиққўзанни панжаси билан уриб тинчитиб қўя қолиши мумкин бўлса-да, айиқ унга бепарво эди. Нега у бундай қилмади? Бунда ҳеч қандай маъно йўқлигини у биларди.

Буни мен ҳам билардим. Болалик пайтимда фермада яшаганимда Миссури қирғоғидаги чакалқорда тўрт оёқли сассиққўзанни тутиб олгандим. Катта бўлгач, Нью-Йорк йўлкаларида эса бир қанча икки оёқли сассиққўзанларга дуч келдим. Муомала қилишдаги мунгли тажрибам хоҳ тўрт оёқли, хоҳ икки оёқли бўлсин, бундай сассиққўзанлар билан илакишмаслик кераклигини ўқидирар эди.

Душманларимиздан нафрат қилар эканмиз, уларнинг устимиздан ҳукмронлик қилишларига йўл қўйиб берамиз. Улар уйқумиз, иштахамиз, қон босимимиз, соғлиғимиз, бахтимиз устидан ҳукмронлик қиладилар. Улар туфайли қанчалик изтироб чекишимизни, бошимизга не-не ташвишлар солишини билганларида эди, душманларимиз дўппиларини осмонга отардилар. Бу, албатта, уларнинг биз билан орани очиқ қилишлари учун ажойиб имконият

туғдирган бўларди. Бизнинг қанчалик нафрат қилишимиз улар учун бир пул, аммо бу нафрат ҳаётимизни бошдан-оёқ дўзахга айлантиради.

Аммо душманингиз билан орани очиқ қилишингизга уринишингиз ўзингизга қанчалик салбий таъсир кўрсатиши мумкин? Аслида бунинг ҳисобига етиб бўлмайди. “Лайф” журнали бу ҳатто соғлигингизни ишдан чиқариши мумкинлиги ҳақида ёзиб чиққанди: гипертониклар, яъни қон босимидан жабрланувчилар табиатининг асосий хусусияти хафагарчиликка мойиллик ҳисобланади. Хафагарчилик чўзилиб кетса, сурункали гипертония юзага келади, сўнгра юрак фаолиятида муаммолар пайдо бўлади.

Яқиндагина мен танийдиган бир хотин жиддий юрак хуружини бошдан ўтказди. Шифокор уни тўшакка ётқизди ва нима бўлганда ҳам жаҳл қилмасликни тайинлади. Агар юракда чатоқлик бўлса, газаб кўзиши ҳатто ўлдириши мумкинлигини шифокорлар яхши билишади. Ўлдириши мумкин дедимми? Бир неча йил бурун тошиб келган газаб Вашингтон штати, Спокейн шаҳридаги бир ресторан соҳибининг жонига зомин бўлди. Ҳозир олдимда шу шаҳар полиция бошқармаси бошлиғи Жерри Соуртаутдан келган бир хат ётарди:

“Бир неча йил олдин Уильям Фалькабер қаттиқ газаби тошишдан ўлди. У қаҳвахона соҳиби эди ва ошпаз унинг финжонидан қаҳва ичганидан қаттиқ газабга келган. Газаби тошгани шунчаликки, пистолетини кўлига олган-да, ошпаз қани, деб излашга тушган, бироқ шу пайт юраги хуруж қилиб қолган. У жон таслим этган, кўли эса ҳамон пистолетни қисиб турган. Суд экспертлари хулосасида юрак хуружининг сабаби – газаб деб қайд этилган”.

Мен Швециянинг Упсала шаҳрилик Жорж Ронадан хат олдим. Кўп йиллар давомида у Венада адвокат бўлиб ишлаган, иккинчи жаҳон уруши вақтида Швецияга кетиб қолган экан. У пулдан сиқилиб, иш излаган. Ўзи бир қанча тилларда бемалол ўқиб-ёза оларкан ва шу боис биронта ташқи савдо фирмасига ишга киришга умид боғлаб юраркан.

Урушни баҳона қилиб, кўпгина фирмалар унга иш йўқ, деб жавоб берар, аммо исмингизни картотекага киритиб қўямиз, деб ваъда қилар эдилар. Дарвоқе, бир одам унга шундай хат билан жавоб қайтарибди: сиз менинг иш жараёнимни нотўғри тушунибсиз. Бироқ шу билан бир қаторда, сиз бутунлай ва қаттиқ адашасиз, бунинг устига нодон ҳамсиз. Менга мухбир керак эмас. Борди-ю, керак бўлганида ҳам сизни зинҳор ишга олмаган бўлардим, чунки сиз швед тилида жуда ёмон ёзар экансиз. Хатингизда хатолар гиж-гиж.

Бу хатни ўқиб, Ронанинг чапарста жаҳли чиқибди. Менга шведчада ёзолмайсиз деб бу нимани назарда тутаяпти? Ўзининг ёзувида гиж-гиж хато. Шу боис Жорж Рона бу бизнесменнинг обрўйини бир пул қилишга чоғланиб, жавоб хати ёзибди. Бироқ сал нарига бориб ўйланиб қолибди: шошма, бу одамнинг ноҳақлигини сен қаёқдан билиб ўтирибсан? Мен швед тилини ўргандим, аммо бу менинг она тилим эмас-ку, шунинг учун хато қилган бўлсам қилгандирман, буни ўзим билмагандирман.

Модомики, хато қилган эканман, унда албатта тилни яхшироқ ўрганишим керак, иш олиш ниятида юрибман-ку. Эҳтимол, бу одам ўзи хоҳламаган ҳолда менга яхшилиқни соғиниб айтгандир. Унинг менга қилган кўпол муомаласи эса унинг хатидан келадиган фойда олдида ҳеч нарса. Демак, кўрсатган ҳурмати учун мен ундан миннатдор бўлишим керак.

Шундан кейин Жорж Рона хатни йиртиб ташлабди-да, бошқасини ёзибди:

“Сизга мухбир керакмаслигини ҳисобга олиб, хатимга жавоб ёзганингиздан ғоят миннатдорман. Фирмангиз фаолияти йўналишини нотўғри тушунганим учун узр сўрайман.

Компаниянгиз мени қизиқтирувчи фаолият соҳасида етакчи компаниялардан бири эканлиги ҳақида олган маълумотга асосланиб, ўз сўровимни ёзиб юборган эдим. Хатимда бир қанча грамматик хатоларга йўл қўйганимни билмабман. Эътиборсизлик қилганим учун узр сўрайман ва шу муносабат билан ўзимни ғоят ноқулай ҳис қилаяпман. Энди швед тилини мукамал ўрганишга киришаман ва грамматикадаги хатоларимни йўқотишга ҳаракат қиламан. Менинг ўз билимимни такомиллаштиришимда ёрдам берганингиз учун сизга миннатдорчилик билдирмоқчи эдим”.

Бир неча кундан кейин Жорж Рона шу одамдан жавоб хати олди. Унда суҳбат учун бир келиб кетиши сўралганди. Рона келди ва ишли бўлди. Рона ўз тажрибасида шунга амин бўлдики, камтарлик газабни дафъ этар экан.

Ун тўққиз аср муқаддам Эпиктет, биз экканимизни ўраимиз, шундай вақт бўладики, содир этган барча ёвузликларимиз учун тақдир бизни жавоб беришга мажбур қилади, деган эди.

Охир-оқибатда, — деган эди Эпиктет, — ҳар бир одам ўз қилмиши учун жавоб беради. Буни ёдида тутган одамнинг ҳеч кимдан жаҳли чиқмайди, ҳеч ким унинг газабига дучор бўлмайди. У ҳеч кимни айбдор қилмайди, ҳеч кимни ҳақоратламайди ва ёмон кўрмайди.

Эҳтимол, Американинг бутун тарихида ҳеч ким Линкольнчалик ҳақорат ва нафрат ботқоғига ботмаган бўлса керак, бироқ, Хердон ўзининг мумтоз бўлиб қолган асари — Линкольн таржимаи ҳолида ёзганидек, ҳеч қачон ўзининг яхши ё ёмон кўришига асосланиб одамлар ҳақида фикр юритмаган.

Борди-ю, нимадир қилиниши керак бўлса, буни душмани бошқалардан яхшироқ бажаришга қодирлиги уни ташвишга солмаган. Борди-ю, биров уни шахсан ҳақорат қилган бўлса, айни вақтда, у мазкур лавозимга энг яхши номзод ҳисобланиб турган бўлса, Линкольн айнан шу одамни лавозимга худди ўз дўстини тайинлагандек тайинлаган... Шахсий адовати борлиги туфайлидан қачондир ва кимнидир лавозимдан четлаштирганига ҳеч кўзим етмайди.

Линкольн масъул лавозимларга айнан ўзи тайинлаган одамларнинг ҳужумларига тез-тез дучор бўлиб турарди. Масалан, Маклелан, Стюард, Стэнтон, Чэйз. Бундан ташқари, Хердон сўзи бўйича Линкольн одамни қилган иши учун кўкларга кўтариш ёки фаолияти ё фаолиятсизлиги учун қоралаш керак эмас, чунки бизларнинг барчамиз таомил ва меросхўрликдан олинган шароитлар, ҳиссиётлар, таълим даражасининг фарзандларимиз, холос.

Линкольннинг ҳақлигига шубҳа қилмаса бўлади. Борди-ю, биз душманларимизнинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий сифатларини мерос қилиб олсак ва борди-ю, ҳаёт шароитлари биз учун худди душманларимиздагидек ташкил топган бўлса, биз ҳам ўшалардек иш тутган бўлар эдик. Биз бундан бошқача йўл топа олмасдик ҳам. Шу боис, душманларимизни фош қилиш ва улардан қасд олиш ўрнига, ёрдам беришингизни, кечиришингизни, улар учун дуолар қилишингизни ҳис этишларига имкон туғдиринг.

Мана шундай руҳий ҳолатга етишмоқ, тинчлик ва бахтга эга бўлмоқ учун қуйидаги қоидани ёдда тутинг.

Қоида 2:

Ҳеч қачон душманларингиз билан орани очиқ қилишга уринманг, чунки агар шундай қилсак, ўзимизга зарар етказамиз.

#### XIV б о б

### АГАР ШУНДАЙ ҚИЛСАНГИЗ, ОҚИБАТСИЗЛИК ТУФАЙЛИ ҲЕЧ ҚАЧОН ОЗОР ЧЕКМАЙСИЗ

Яқинда мен техаслик бир бизнесмен билан танишиб қолдим, унинг газабининг чеки йўқ эди. Мен у билан танишганимдан кейин ўн беш дақиқа ўтгач, ҳаммасини сўзлаб беради, деб огоҳлантиришганди.

У шундай қилди ҳам. Унинг газабини келтирган воқеа ўн бир ой муқаддам содир бўлган экан, аммо у ҳамон шундан фиғони фалакда экан. У шундан бошқа ҳеч нарсани гапира олмасди. У ўзининг ўттиз тўрт нафар ходимига Рождествога мукофот тарзида ўн минг доллар, яъни киши бошига уч юз долларга яқин берибди. Аммо улардан биронтаси бир оғиз раҳмат демабди. Уларга умуман пул берганимдан, деб такрорларди у яккаш, минг-минг пушаймонман.

Унинг мудом заҳарга тўлиб турганидан, менинг унга ростданам раҳмим келиб кетди. У олтмиш ёшларда эди. Суғурта компанияларининг ҳисоб-китобларига кўра, у ҳозир саксон ёшда бўлса, яна қанчагина умри қолганди, дейсиз. Шундай бўлгач, бу одам, агар омади келса, эҳтимол, яна ўн тўрт-ўн беш йил яшар. Бундан ташқари, у ўн бир ой муқаддам заҳарга айланган умрининг бир йилини деярли яшаб бўлганди. Бу муддат қайтмас бўлиб ўтди-кетди. Мен унга қаттиқ ачиндим. Хафа бўлиб ва ўзига ўзи ачиниб юрганидан кўра, у балки ўзидан бир сўраб кўрса бўлармиди: нима учун одамлари ундан миннатдор бўлмади? Эҳтимол, улар Рождество мукофотини совга деб ўйлагандир ва бунинг учун ишлаб қўйганмиз деб ҳисоблагандир? Балки, у ходимларига азбаройи қаттиқ турганидан уларни ўзидан бездириб қўйгану раҳмат айтгани ҳузурига киришга юраклари дов бермагандир? Балки барибир фойданинг каттагина қисми солиққа кетадиган бўлгани учун у шундай қилган, деб ҳисоблагандир?

Бошқа томондан эса, балки унинг ходимлари худбин, яхшилиқни билмайдиган нонкўр одамлардир. Балки унисидир, балки бунисидир. Сиз каби мен ҳам бу воқеа тўғрисида бошқа ҳеч нима билмайман. Аммо доктор Самуэль Жонсон нима деганини биламан: Оқибат — бу инсон тараққиёти олий даражаси натижасидир. Яхши тарбия кўрмаган одамларда уни учратмайсан. Сизга айтмоқчи бўлганим шу: бу одам тез-тез учраб турадиган, аммо нохуш хатога йўл қўйган. У инсон табиатини билмаган, вассалом.

Дейлик, сиз бир кишининг ҳаётини қутқариб қолдингиз, бунга жавобан ундан миннатдорлик умидвор бўласизми? Сиз умидвор бўларсиз, аммо Самуэль Лейбовиц ундай қилмайди. Судья бўлгунча у жинорий ишлар бўйича оқловчи бўлиб ишлаган. У етмиш етти одамни электр курсида қатл этишдан сақлаб қолган! Нима деб ўйлайсиз, улардан нечтаси Самуэль Лейбовицга ташаккур айтгани фурсат топа олган ёки Рождество билан табриклаб, унга хат йўллашдан эринмаган? Нечтаси? Ўйлаб кўринг-чи. Тўғри, улардан биронтаси ҳам бундай қилмаган.

Бир куни Исо Масих ўн нафар моховни тузатиб юборди. Улардан нечтаси унга миннатдорчилик билдиришга вақт топган? Фақат биттаси. Шунда Исо Масих ўгирилиб, шогирдларидан сўрайди: қолган тўққизтаси қани? Уларнинг барчаси бир оғиз шукрона сўз айтмай қочиб қолган экан! Энди сизга бир савол бермоқчиман: нима учун сиз, мен ёки теҳаслик анойи бизнесмен ўзимизнинг майда савоб ишларимиз учун Исо Масихга билдирилган шукроналикдан кўпроқ миннатдорликдан умидвор бўлишимиз керак экан?

Борди-ю, иш пулга бориб тақаладиган бўлса, унда нима бўлади? Унда аҳвол бешбаттар бўлади. Чарльз Швабнинг ҳикоя қилишича, бир куни у жамғарма бозорида банкка қарашли пуллар билан ўйнаган хазиначонни қутқариб қолган экан. Шваб бу пулни унга берган ва у мағлубият товонини тўлаган. Бу хазиначонни қамалиб кетишдан сақлаб қолган. У миннатдор бўлганми? Ҳа, сал-пал. Кейин у Швабга қарши гаплар гапириб, тухматлар қилиб, айблай бошлаган. Тагин келиб-келиб Шваб қамоққа тушишдан сақлаб қолган одам шундай қилган.

Агар бир миллион доллар пулни мерос қилиб қолдирсангиз, қариндошингиз сиздан миннатдор бўларми? Эндру Карнеги худди шундай қилган. Бироқ сал ўтиб у гўридан тирилиб чиққанда, қариндош-уруғлари унга аямай лаънатлар ёғдираётганини кўриб, озмунча таажжубга тушмасди. Нима учун? Чунки қария Карнеги 365 миллион долларни хайрия эҳтиёжларига васият қилганди. Ўзининг энг яқин қариндош-уруғларига эса, унинг сўзига қараганда, бир миллион доллардан сал ортиқ пул қолдирган экан.

Булар бари мана бундай содир бўлади. Инсон табиати ҳар доим инсон табиати бўлиб қолаверади ва эҳтимол, бутун умрингиз давомида бу борада ҳеч нарса ўзгармас. Унда нима учун шунга иқрор бўлиб қўя қолмаймиз? Рим салтанатининг энг доно ҳукмдорларидан бири кекса Марк Аврелий тугган йўлни тутсак, осмон узилиб, ерга тушармиди? Ўз кундалигида у куйидагиларни ёзганди: бугун шаллақи одамлар билан учрашаман. Улар худбин, очкўз ва ноинсофдир. Аммо бу мени ҳайратга ҳам, ташвишга ҳам солмайди, зеро, дунёни бундай одамларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бунда мантиқ йўқ эмас, тўғрими? Борди-ю, биз фақат одамларнинг ноинсофлигидан ёзгириш билангина машғул бўлсак, унда кимни айбламоқчи бўламиз? Ҳамма гап инсон табиатида ёки бу табиатни яхши билмаслигимизда. Келинг, ҳеч кимнинг биздан миннатдор бўлишини кутмайлик. Борди-ю, туйқус шунга муяссар бўлиб қолсак, у бизга кўнгилли ҳеч нима бўлмагандай юраверамиз.

Ўн минг йиллардан буён ота-оналар фарзандларининг нобакорликларидан сочларини юлиб келадилар. Ҳатто Шекспирнинг қирол Лири ҳам хитобан дейди: фарзанднинг нобакор бўлгани илон чаққандан ҳам аламлироқдир. Модомики, уларга оқибат кўрсатишга ўзимиз вақт тополмас эканмиз, сирасини айтганда, нима учун фарзандларимиз биздан миннатдор бўлишлари керак экан? Беоқибатлик табиийдир ва шу билан бирга у хас-хашакка ўхшайди. Оқибатни гулга қиёс қилиш мумкин. Уни ўғитлаб туриш, суғориш, парваришlash, севиш ва ҳимоя қилиш керак.

Борди-ю, фарзандларимиз солиҳ бўлмаса, кимни айблаш керак? Балки бизнинг ўзимизнидир? Агар биз уларни бошқалардан миннатдор бўлишга ўргатмасак, биздан миннатдор бўлишини кутмоқдан не наф?

Мен чикаголик бир одамни биламан, унинг ношуд асранди ўғилларидан ёзгиришига чиндан сабаблар бор эди. У қоғоз фабрикасида

ишлар ва ҳафтасига базўр қирқ доллар топарди. У бир бева хотинга уйланганди, хотини уни қарз кўтаришга ва ўғилларини коллежга жойлаштиришга кўндирди. Ҳафтасига оладиган мана шу 40 доллардан у овқатга, уйга, ўтинга, кийим-кечакка тўлаши, бундан ташқари, заёмга ҳам тўлаб бориши керак эди. Тўрт йил у шу тариқа эшакдай ишлади ва бирон марта оғзидан шикоят сўзи чиқмади.

Хўш, ундан миннатдор бўлишдими? Йўқ. Унинг хотини шундай бўлиши керак, деб билишарди. Ҳаммаси учун ўгай отадан миннатдор бўлиш уларнинг тушига ҳам кирмасди, бир оғиз раҳмат айтиб, кўнглини кўтариш йўқ. Кимни айблаш керак энди? Болаларними? Ҳа, аммо уларнинг оналари кўпроқ айбдор. Норасидаларни меҳнатда эзиб қўйсақ уят бўлади, деб ҳисобларди у. Фарзандларининг ишни қарз тўлашдан бошлашини хоҳламасди. Болаларим, сизларни коллежга жойлаштириб, ўгай отангиз улуг иш қилди, деб бир оғиз айтишга ярамади она. Бунинг ўрнига у, қўлингиздан келибди, қилибсиз, деб қўя қоларди, холос.

Бу билан у болаларини қутқариб қоламан, деб ўйларди, аслида эса дунё улардан қарздор деган машғум хаёл билан ҳаётга йўллаган эди. Ҳа, бу ростданам хатарли ўй эди. Ўғилларидан бири хўжайиндан пул қарз олди-да, қамоққа тушди.

Шунинг учун, келинг, эслаб қўяйлик: солиҳ фарзандлар етиштириш учун аввал ўзимиз солиҳ бўлайлик. Шу нарса ёдингизда бўлсинки, болажонларимиз митти бўлсалар ҳам, қулоқлари катта бўлади, оғзимиздан чиққан гапни битта қолдирмай эшитиб туришади. Болаларингиз борида биронта одамнинг яхшилигини камситиш кўнглингизга келиб қолгудек бўлса, таққа тўхтанг. Зинҳор-базинҳор: Сью хола Рождествога юборган мана бу салфеткаларни қаранг. Уларни унинг ўзи тўқиган, ёнидан бир цент ҳам кетмаган, деманг. Сизга кунда бўладиган гапдай туюлиши мумкин, аммо фарзандларингиз уларни диққат билан эшитишади. Бунинг ўрнига Сью хола Рождествога юборган мана бу салфеткаларга қаранг. Жуда ажойиб-а улар? Эринмай тикканини қаранглар! Келинлар, унга ташаккурнома юборайлик, деганимиз яхши эмасми? Шу тариқа фарзандларимиз бошқаларни мақташ ва улардан миннатдор бўлишни ўзлари билиб-билмай ўрганиб олишлари мумкин.

Оқибатсизлик туфайли ташвиш ва алам чекмаслик учун қуйидаги қоида ато этинг.

Қоида 3:

А. Бировнинг оқибатсизлиги туфайли ташвиш тортиш ўрнига, келинг, ундан қўлни ювиб, қўлтиққа сурунг.

Б. Эсингизда бўлсин, бахтли бўлишнинг ягона йўли қилган яхшилигингиз эвазига миннатдор бўлишларини кутишдан эмас, балки шу савоб ишни бажаришдан келувчи гашт ва лаззатдан иборат.

В. Эсингизда бўлсинки, оқибатни тарбиялаш мумкин. Шу боис агар фарзандларимиз оқибатли бўлишларини истасангиз, биз уларни оқибатли бўлишга ўргатишимиз керак.

## XV б о б

### БИСОТИНГИЗДА БОРИ УЧУН ЎН БЕШ МИЛЛИОН ДОЛЛАР ОЛАРМИДИНГИЗ?

Мен Гарольд Эббот билан кўп йиллардан бери танишман. У Миссури штатидаги Уэбб-Сити шаҳрида яшарди ва бир вақтлар



маърузаларни ташкил этиш билан шуғулланарди. Бир куни биз Канзас-Ситида учрашиб қолдик ва у мени машинада Белтондаги фермамга олиб бориб қўйди. Шу саёҳатимиз асносида ундан ташвишдан қандай халос бўлиш ҳақида сўрадим. Жавобидан у менга гоят қизиқарли бир воқеани ҳикоя қилиб берди, уни бир умр эсдан чиқармайман.

Илгари мен тез-тез ташвишланар эдим, дейди у, бироқ бир куни Уэбб-Ситидаги Уэст-Доуэрти кўчасидан кетаётиб, бир манзарага дуч келдим, ана шу нарса барча ташвишларимдан бир йўла фориг бўлишимга туртки бўлди. Ҳаммаси ўн сония ичида рўй берди, аммо мана шу ўн сониядан умримнинг ўтган ўн йили ичидан қандай яшашим кераклиги ҳақида кўпроқ нарсалар билиб олдим. Икки йил давомида Уэбб-Ситидаги боққоллик дўконини юргиздим. Барча йиққан-терганларимни бой берибгина қолмадим, балки шунчалик қарзга ботдимки, уни тўлаб қутулишим учун роса етти йил керак бўлди. Ўтган якшанбада дўконимни ёпдим, ўша куннинг ўзида иш қидиргани Канзасга бориш учун қарз оламан деб, Савдо ва Тоғ банкига йўл олдим.

Сувга тушган латтадай шалвираб кетиб борардим. Тўсатдан рўпарамдан бир оёқсиз одам чиқиб қолди. У ихчамгина аравада ўтирарди. Қўлидаги ёғоч калтакчаларга тиралиб итарганча шу аравада кўчадан кетиб борарди. Мен у кўчани кесиб ўтиб, тўсиқ тоши устига чиқиб келаётганида унга дуч келган эдим. Аравачаси хиёл бурилиб, кўзларимиз тўқнаш келгач, унинг юзи табассумдан ёришиб кетди. “Хайрли тонг, сэр! Ажойиб эрта, шундай эмасми?” қувноқ оҳангда деди у. Мен унга қарадим ва шу заҳоти қанчалик бой эканимни англадим. Менинг иккала оёғим бор. Мен юра оламан. Бир неча дақиқа аввал ўзимга қанчалик раҳмим келиб турганидан уялиб кетдим. Модомики, оёқсиз мана бу одам бахтли, хурсанд ва ўзига ишонган экан, унда иккала оёғим бутун бўла туриб мен ҳам шундай бахтли бўлишимга асло шубҳа йўқ, дедим ўзимга. Вужудим тетиклашиб кетаётгандай ҳис эта бошладим. Мен банкдан 100 доллар миқдоридан қарз сўрамоқчи эдим, энди икки баравар кўп сўрайман, деб ўйладим. Банкдагиларга Канзасда иш топишга ҳаракат қилияпман, деб айтмоқчи эдим, энди эса иш олгани бораёпман, дейман, тамом. Мен пулни олдим ва ишни ҳам топдим.

Гулливер саёҳатларининг муаллифи Жонатан Свифт инглиз адабиётидаги энг катта пессимист одам бўлган. У дунёга келганидан шу қадар пушаймон бўлганки, фақат қора кийиб юрган ва туғилган кунини мотам куни сифатида нишонлаган. Аммо барибир айнан у, шу ўнгландмас ўйчи ҳам шодлик ва хушчақчақликнинг тетиклаштирувчи кучини мақтаган. “Дунёдаги энг яхши докторлар, — деган эди у, — доктор Тўғри овқатланиш, доктор Хотиржамлик ва доктор Шодлик ҳисобланади.

Биз доктор Шодлик хизматларидан қаторасига неча марта бепул фойдаланишимиз мумкин, фақат ўзимизда бор бўлган бойликларга эътиборимизни қаратсак бўлгани. Бу бойликлар Али Бобонинг барча афсонавий хазиналаридан ҳам авло туради. Иккала кўзингизни бир миллион долларга сотар эдингизми? Иккала оёғингиз нархини неча пулга қўйган бўлардингиз? Қўлларингизчи, қулоқларингизчи? Фарзандларингизчи? Оилангизчи? Бисотларингизни бир жойга тўпласангиз, билар эдингизки, уларни Рокфеллерлар, Морганлар ва Фодлар биргаликда тўплаган барча олтинларга сотмас эдингиз.

Аммо биз шу бойликнинг қадрига етаяпмизми? Афсуски, йўқ. Шопенгауэр айтганидек, ўзимизда бори ҳақида кам ўйлаймиз-у, ўзимизда йўқ нарса ҳаёлимиздан нари кетмайди. Ҳа, айнан ўзимизда бори ҳақида кам ўйлашга мойиллик ҳаётдаги энг катта фожиадир. Эҳтимол, башарият тарихидаги барча урушлару барча ўлатларга қараганда каттароқ мусибатлар ана шулардир.

Люси Блейк исм-шарифли менга бир таниш аёл ўлим тўшагида ётарди. То ўзида йўқ нарсдан қайғуриш эмас, балки ўзида боридан қувонишни ўрганмагунча аҳволи ўнганмади.

Мен Люси билан кўп йиллар илгари танишганман, биз Колумбия университети қошидаги журналистлар мактабида “кичик ҳикоялар қандай ёзилади” мавзусидаги ўқув курсларида бирга ўқир эдик. Тўққиз йил муқаддам бир бахтсизлик рўй беради-ю, унинг ҳаёти ағдар-тўнтар бўлиб кетади. Бу вақтда у Аризона штатидаги Туксон шаҳрида яшарди. У менга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

“Ўша вақтда мен фаол ҳаёт кечирардим. Аризона штатида орган чалишни ўрганардим, нутқдаги нуқсонларни тузатиш бўйича шаҳар клиникасига мудирлик қилардим ва Дезерт-Уиллоу-Ранчда мусиқа маданиятидан дарс берардим, оқшомларда, дангсинг<sup>1</sup>ларда қатнашардим, тунда от миниб, кўнгил очардим. Бир куни эрталаб хушдан кетиб қолдим. Юрагим хуруж қилиб қолганди. Доктор бутунлай соғайиб кетишим учун бир йил тўшакка миҳланиб ётишим кераклигини айтди. Аммо яна олдингидек, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз, деган гапларни айтмади.

Бир йил тўшакда миҳланиб ётиш. Мен даҳшатда эдим. Ногирон бўлиб қоламанми ё ўлиб кетаманми? Нега бундай бўлиб қолдим? Бундай қора кунларга қолишимга қай ёзуғим сабаб бўлдийкин? Мен қисматимдан йиғлар ва оҳ-воҳлар қилар, куйиб-ёнар ва ҳасрат қилар эдим, аммо барибир доктор айтганидек, тўшакка миҳландим. Артист кўшним мистер Рудольф менга бундай деди: “Ҳозир сен бир йил тўшакда ётиш фожа, деб ўйлаяпсан. Аммо бундай эмас, сен ўзинг ҳақингда ўйлашинг ва ўзингни билиб олишинг учун фурсатга эга бўласан. Мана шу бир неча ой ичида ўтган бутун ҳаётингга қараганда маънавий жиҳатдан кўпроқ ўсасан!”

Мен тинчландим ва ҳаётий қадриятларни янгича тушунишга ҳаракат қила бошладим. Фикрни ишлатиш учун керак бўладиган китобларни ўқишга киришдим. Бир куни радиодан бундай сўзлар қулоғимга чалиниб қолди: “Сиз шуурингизда бор нарсанигина ифода эта оласиз”. Бундай сўзларни илгари кўп марталаб эшитгандим. Аммо бу гал улар ҳақида чуқур ўйладим ва улар онгимда маҳкам муҳрланиб қолди.

Мен яшашимга ёрдам берадиган нарсалар: севинч, бахт, соғлиқ ҳақидагина ўйлашга аҳд қилдим. Ҳар куни эрталаб уйфонгимдан кейин мен ўзимни ҳаётимда нимадан миннатдор бўлишим кераклигини эслашга мажбур этаман. Ҳеч қанақа оғриқ йўқ. Радиодан таралаётган мусиқа гоят ёқимли. Китоб ўқиш учун вақт тўлиб-тошиб ётибди, таомлар бир-бирдан тотли. Дўстларнинг яхшилигини айтмайсизми: мен ана шундай аъло кайфиятда эдим ва мени шунча кўп одам кўргани келар эдики, доктор кўргани келганлар махсус тузилган жадвал бўйича навбат билан кирсинлар, деган эълон осиб қўйишга мажбур бўлди.

Ўшандан буён ўн йил ўтди. Ҳозир ишларим бошимдан ошиб-тошган; ўша йили касалхона тўшагидан менга инъом этган нарсаси

<sup>1</sup> Оммавий жаз рақси тури.

учун тақдиримга қайта-қайта шукроналар айтаман. Бу ҳаммасидан қадрли ва бахтли давр эди. Ушанда тақдирга шукроналар айтишдек янги одатим туфайли орттирган мартабам умрбод ўзим билан қолди. Бу менинг энг қимматли бойликларимдан бири эди. Улимдан чинакамига қўрқмагунимча қандай яшашни билмаганимдан ҳанузгача уяламан”.

Азизим Люси Блейк! Балки ўзинг билмассан, аммо сен икки юз йил муқаддам Самуэль Жонсон олган сабоқларни олгансан. “Ўтмиш воқеаларнинг яхши жиҳатини кўриш одати, — деган эди доктор Самуэль Жонсон, — йилига минг фунтдан фойда кўришдан кўпроқ аҳамият касб этади”.

Бир нарсага эътибор қилинг, буни ҳаётни жонидан севган ва кўпни кўрган одам айтмаган, балки уни йигирма йиллик умри мобайнида ташвишлар, аламлар ва ҳаддан ташқари муҳтожликлар кўрган, пировардида ўз даврининг энг машҳур ёзувчисига айланган шахс оғзидан эшитиб турибсиз.

Логан Пирс Смит сўзларида ҳам теран маъно бор. Ҳаётда иккита асосий мақсад бор: биринчидан, истаган нарсасига етишиш. Иккинчидан эса бундан лаззат ола билиш. Иккинчиси фақат энг доноларгагина насиб этади.

Агар биз ташвишланишни бас қилиб, яшай бошламоқчи бўлсак, куйидаги қоидага риоя қилишимиз лозим.

Қоида 4:

Муаммоларни эмас, омадларни ҳисоблаб боринг.

## XVI б о б

### ЎЗИНГИЗНИ ТОПИНГ ВА ЎЗИНГИЗДАН ҚОЛМАНГ: ЕР ЮЗИДА ТЕНГСИЗ ОДАМГА АЙЛАНСИЗ

Олдимда Шимолий Каролина штати, Маунт-Айри шаҳридан миссис Эдит Олреднинг хати ётибди.

“Болалигимда мен жуда таъсирчан ва тортинчоқ эдим, — деб ёзади у, — бунинг устига тикмачоқдеккина эдим. Лўппи юзларим мени баттар семиз қилиб кўрсатарди. Онам анча эски усулдаги хотинлардан бўлиб, мени чиройли кийинтиришни нодонлик деб ҳисобларди. Унинг топган гапи шундай эди: кенг қўйлақлар узоқ чидайди, торлари эса бир ёқдан кийдинг, бир ёқдан сўкилиб турибди. Мен кечки оқшомларга бормас, ўйин-кулги нима билмасдим, мактабга қатнай бошлагач эса, дарсдан кейин синфдошларим билан ҳеч қачон ҳеч қаёққа бормасдим. Спорт билан шуғулланмасдим. Мен ўтакетган тортинчоқ эдим. Мен бошқалардан нима биландир ажралиб туришимни, ҳеч кимга керагим йўқлигини ҳис этардим.

Катта бўлгач, мени ўзимдан бир неча ёш катта кишига эрга беришди. Аммо бу ҳам мени ўзгартирмади. Эримнинг оиласи мўътадил ва ўзига ишонган одамлардан иборат эди. Улар ўз қадрларини билар эдилар. Мен ҳам улардай бўлишим керак эди-ю, бироқ бу қўлимдан келмади. Роса тиришдим, бироқ ҳеч гап чиқмади. Қилган барча уринишларим шунга олиб келдики, мен баттар ичимдагини топ бўлиб қолдим. Дўстлардан қочар эдим. Аҳволим шу қадар ёмонлашгандики, эшик жирингласа, юрагим қинидан чиққудай бўлардим! Ҳаётим заҳарга айланганди. Мен буни билардим ва бир кун келиб эримнинг воқиф бўлишидан даҳшатга тушардим. Шу боис, ҳар гал кўча-кўйга чиққанимизда, мен қувноқ бўлиб кўринишга ҳаракат қилардим ва

кўпинча бу ишни қойил қилиб дўндираддим. Қойил қилаётганимни билардим, аммо шундан кейин кўп кунлар давомида ич-ичимдан роса эзилардим. Ўзимни шундай бадбахт ҳис эта бошладимки, тирик юришимда ҳеч қандай маъно қолмаган эди ва ўз жонимга қасд қилишни ўйлай бошладим”.

Бу шўрпешона аёлнинг қисматини нима ўзгартира олар эди: бор-йўғи бир оғиз гап, холос.

“Мана шу бир оғиз гап, — дея иқрор бўлди миссис Олред, — бутун ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Бир куни қайнонам менга фарзандларини қандай ўстирганини гапириб бериб ўтирганди.

Атрофда нималар бўлаётганига қарамай, — деди у, — мен ҳар доим уларга ўзингдан қолма дердим. “Ўзингдан қолма”. Мана шу бир оғиз ўгит бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Ўша аснода тушундимки, менинг барча бахтсизликларимга сабаб ўзимга мутлақо тўғри келмайдиган аллақандай ниқобни кийишга уринишдан келиб чиқаётган экан.

Мен бир кечадаёқ ўзгардим. Мен ўзимдай бўла бошладим. Ўз шахсиятимни тадқиқ этишга ва ўзимнинг нимага арзишимни аниқлашга ҳаракат қилдим. Ўзимнинг кучли жиҳатларимни ўргандим ва кийим ранги ва урфлари ҳақида кўлимдан келганча билиб олдим, ўзимнинг назаримда ҳаммадан яхши кўринадиган бўлиб кийиндим. Унча катта бўлмаган жамоат ташкилотига аъзо бўлиб, дўстлар орттирдим. Менга маъруза қилишни топширганларида шундай кўрқиб кетдимки, қўяверасиз; бироқ сўзга чиққаним сайин журъатлироқ бўлиб боравардим. Бунга анча вақт кетди, бироқ ҳозир шунчалик бахтиёр яшамоқдаманки, илгари буни ҳаёлимга ҳам келтиролмасдим. Фарзандларимни тарбиялар эканман, мен ҳар доим уларга аччиқ тажрибамни гапириб бераман. Нима бўлганда ҳам, не гаплар ўтганида ҳам киши ўзидан қолмаслиги, ҳеч ким сохта нарсага қул бўлмаслиги керак экан.

Бир қиз ўзининг аччиқ тажрибасида шу сўзларнинг тўғрилигига амин бўлганди. У трамвай ҳайдовчисининг қизи бўлиб, кўшиқчи бўлишни жуда хоҳлар эди. Бироқ ҳусн тушмагур унга панд берар эди. Унинг оғзи катта, курак тишлари олдинга туртиб чиққанди. У Нью-Жерсидаги тунги клубда биринчи марта саҳнага чиққанида латофатли бўлиб кўриниши учун юқориги лаби билан пастки тишларини яширишга ҳаракат қилди. Натижа қандай бўлди дейсизми? У кулгили тус олиб, ҳайдаладиган бўлди.

Бироқ тунги клубда бир томошабин ҳам бор эди. У бу қизнинг кўшиқ айтишини кўрди-да, унда ажойиб истеъдод борлигини пайқаб қолди. “Менга қара, — деди у қизга, — сенинг чиқишингни кўрдим ва яширинмоқчи бўлганингни ҳам билдим. Сен тишларингдан уялаяпсан!” Қиз хижолатдан чурқ этмасди, бироқ ҳалиги киши давом этди: “Хўш, шунга нима бўпти? Бундақа тиш бўлиши жиноятга кирмайди-ку! Сен уларни яширишга ҳаракат қилма! Оғзингни кенг оч ва томошабин сени яхши кўриб қолади, чунки у сенинг уялмайётганингни кўради-да. Бундан ташқари, — синчковлик билан қаради у, — сен яширмоқчи бўлган мана шу тишлар сени бадавлат қилиб юбориши мумкин”. Кэс Дейли бу одамнинг маслаҳатига кирди ва тишларини эсидан чиқарди. Шундан буён қиз фақат ўзининг томошабини ҳақида ўйлаб келади. У оғзини катта очади-да, шу қадар эҳтирос ва иштиёқ билан қуйлайдики, радио ва телевидениенинг юлдузига айланди. Энди бошқа хонанда қизлар унга тақлид қилишга тиришар эдилар.

Элга машхур Уильям Жеймс ҳар бир одам ўз ақлий қобилиятларининг атиги ўн фоизинигина ривожлантира олади, деб ҳисоблайди. У бу гапни ўзларини топиш қўлидан келмайдиган одамлар хусусида айтган. “Ўзимизнинг аслидагимизга нисбатан, — деб ёзганди у, — биз ярим уйқудамиз. Биз жисмоний ва маънавий кучларимизнинг фақат кичик улушидангина фойдаланамиз. Кенг маънода эса инсоният индивидуаллиги ривожланиши учун жуда катта имкониятларга эга”.

Инсон, одатда, фойдаланмаётган турли хилдаги кучларни ўзида мужассам этган.

Модомики, шундай имкониятларга эга эканмиз, келинг, бошқа одамларга ўхшамаганимиздан ташвишланиб, умримизни зое кетказмайлик. Сиз — бу дунёда янги мавжудотсиз, ёруғ дунё бино бўлгандан буён ҳеч қачон сизга бутунлай ўхшаган зот бўлмаган эди ва то даври қиёматгача ҳам ҳеч қачон сизга мутлақо ўхшайдигани бўлмаяжак.

Ирсиятдаги янги кашфиётларнинг шоҳидлик беришича, биз кўп даражада ўзимиз билан 24 та ота ва она уруғларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасини намоён этар эканмиз. Мана шу 48 та уруғнинг бутун авлоди аждодимиз ҳақидаги маълумотлардан иборат экан. “Ҳар бир уруғда, — дейди Ароан Шейнфилд, — йигирматадан то юзтагача ирсий моддалар жойлашган бўлади, шу билан бирга инсоният тараққиёти йўналишини бутунлай ўзгартириб юбориш учун гоҳо битта ирсий моддадаги ўзгариш ҳам кифоя қилади. Дарҳақиқат, биз даҳшатли ва мўъжизакор тарзда бино этилганмиз”.

Ҳатто ота-онамиз никоҳдан ўтиб, қовушганларидан кейин айнан сизнинг дунёга келишингиз эҳтимоллигини 300.000 миллиарддан битгани ташкил этаркан. Бошқача қилиб айтганда, агар сиз 300.000 миллиард ака-укаю опа-сингилли бўлганингизда ҳам, улардан сизга ўхшагани кам бўларкан. Сиз буни ичидан тўқияпти деб ўйламанг, йўқ, бу илмий далил.

Биз — ушбу ёруғ оламда қандайдир янги нарсамиз. Бундан суюнинг. Табиат сизга инъом этган неъматдан тўла фойдаланинг. Пировардида бутун санъат тадрижийдир. Сиз фақат ўзингиз ҳақингизда куйлашингиз ва фақат ўзингизнинг расмингизни чизишингиз мумкин. Тажрибангиз, ҳаёт шароитларингиз ва меросийлигингиз сизни қандай бино этган бўлса, ўшандай бўлишингиз керак. Бу яхшими ё ёмонми, аммо сиз ўз шахсиятингизнинг жажжигина боғини барпо этишингиз керак. Эмерсон ўзининг ўзига ишонч эссесида ёзади: “Ҳар қандай инсоннинг ўз тараққиёт жараёнида шундай палла келадикки, у ҳасад — бу жаҳолат, такрорлаш — ўз жонига қасд қилиш эканлигини, инсон яхшими ё ёмонми, ушбу ҳаётдаги ўз ўрнидан қаноат ҳосил қилиши кераклигини, гарчанд олам кенг ва маъмур бўлса-да, инсон ундан фақат ўзи етиштирган ҳосилни табиат унга ато этган маълум жойдагина мумкинлигини ахийри англаб етади. Ҳар бир инсонга ато этилган куч моҳиятан янгидир ва унинг ўзидан бошқа ҳеч ким у нима қила олишини билмайди, то ўзи синаб кўрмагунча буни ҳатто унинг ўзи ҳам билмайди.

Қоида 5:

Бошқалардан нусха олманг. Ўзингизни топинг ва ўзингиздан қолманг.

## XVII б о б

## ЛИМОНИНГИЗ БЎЛСА, УНДАН ЛИМОНАД ТАЙЁРЛАНГ

Ушбу китобни ёзаётганимда, бир куни Чикаго шаҳри университетига бўлган ва унинг ректори Роберт Мейнард Хатчинсдан ташвиш билан қандай курашаётганини сўраган эдим. У жавоб берди:

“Мен ҳар доим бир вақтлар “Сирс, Роубак ва Компани” фирмасининг президенти бўлган марҳум Жулиус Розенвальд маслаҳатига амал қилишга ҳаракат қиламан. У: “Агарда сенда лимон бўлса, ундан лимонад қил”, — дерди.

Таълим соҳасидаги таниқли мутахассис ана шундай иш тутарди. Аммо аҳмоқ одам бунинг айнан тескарисини қилади. Агар ҳаёт унга лимон топширса, у таслим бўлади-да, дейди: “Ютқаздим. Бу тақдир. Мен тамом бўлдим”. Кейин у дунёнинг бевафолигидан нолиб, бетўхтов шикоят қилишга тушади. Бироқ лимон донишманднинг кўлига тушса, у дейди: “Бу омадсизликдан мен қандай сабоқ олсам экан? Мавжуд аҳволни қандай қилиб яхшиласам экан? Лимонни қандай қилиб лимонадга айлантирса бўлади?”

Буюк руҳшунос Алфред Адлер, инсоният ҳайратомуз сифатларидан бири шундан иборатки, у минусни плюсга айлантиришга қодир, деганди. Худди шундай қилган Тельма Томпсон исмли бир аёл ҳақидаги қизиқарли ва завқли ҳикояга қулоқ тутинг.

“Уруш вақтида, — деб сўзлайди аёл, — эрим Калифорния штатидаги Моҳаве саҳросидан сал нарида жойлашган ҳарбий машқлар лагерида хизмат қиларди. Унинг яқинида бўлиш учун яшагани ўша ёққа бордим. Бу жойни жуда ёмон кўриб қолдим. У турган-битгани расво жой экан, мен ўзимни ғариб ва нотавон ҳис эта бошладим. Эримни машқ қилгани саҳрога жўнатишарди, мен эса кафтдеккина шаҳарчада бир ўзим танҳо, якка қолардим. Жазирама чидаб бўлмас даражада ёндирадди — кактуслар соясида ҳарорат 50 С га етарди. У ерда фақат ҳиндилар ва мексикаликлар истиқомат қиларди, мен гаплашадиган биронта зот йўқ эди, чунки улардан биронтаси ҳам инглизчани билмас эди. Тинмай шамол ғувилларди. Овқатлар ва ҳатто ҳаво ҳам қумга тўла. Қасққа қараманг қум, қум, қум...

Мен ўзимни шу қадар хокисор сезар ва ўзимга шунчалик раҳмим келиб кетар эдики, охири ота-онамга, ортиқ чидолмайман, уйга қайтаман, бу ерда ортиқ бир дақиқа қолишга мажолим йўқ, деб хат ёздим. Бундан қамоқда бўлганим дуруст. Отам менга атиги икки сатр жавоб хати йўллабди ва мана шу икки сатр шундай таъсир кўрсатдики, ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди:

*Икки маҳбус бор эди, қамоқхона ичида  
Бири кўрар ерда лойни, бири кўкда юлдузни.*

Бу сатрларни қайта-қайта ўқир ва уятдан ерга киргудай бўлар эдим. Шу аҳволимда бирон-бир яхши нарса қидириб топишга азму қарор қилдим. Мен юлдузни қидиришга тушдим.

Мен маҳаллий аҳоли билан дўстлашиб олдим ва уларнинг муносабатидан ҳайратда қолдим. Уларнинг мато ва сопол буюмларига қизиқиб қараётганимни кўриб, улар менга ўз ишларининг сайёҳларга сотишни истамаган энг яхши намуналарини совга қилдилар. Мен кактусларнинг ажойиб ва ғаройиб шакллари, юкки ва дарахтсимон турларини ўргандим. Ўтлоқзор кучуклари ҳаёти ҳақида кўп нарсалар билиб олдим. Саҳрода қуёш ботишидан завқларга тўлдим, саҳро қушлари, океан тубидаги уч миллион йилдан бери ётган денгиз чиғаноқларини тўпладим.

Нима учун бундай ҳайратомуз ўзгаришлар содир бўлди? Саҳронинг ўзи ўзгаргани йўқ. Ҳиндилар ҳам ўша-ўша. Аммо мен ўзим ўзгарганим. Мен содирликларга муносабатимни ўзгартирган эдим. Шу нарсани қилиб, мен дўзахни ҳаётимнинг энг мароқли саёҳатига айлантирган эдим. Ўзимга янги олам эшигини очиб, севинч ва ҳаяжонга тўлган эдим. Ҳаяжоним шунчалик кучли эдики, бу жой ҳақида китоб ёздим, олам юзини кўрган бу романни “Жилвагар манзиллар” деб атаганман...

Мен ўзимни қамаб қўйган қамоқхонадан мўралаб, юлдузларни кўрган эдим.

Телман Томпсон, сиз кўҳна ҳақиқатни кашф этгансиз, Исо Масихдан беш юз йил аввал Юнонистонда шуни ўрганганлар: ҳаммасидан қийини энг яхши нарсани яратишдир.

XX асраёқ Гарри Эмерсон Фодик буни тагин такрорлади: “Бахт, бундоқ олиб қараганда, лаззат ҳисобланмайди. Бу аслини олганда галабадир”. Албатта, бу шундай галабаки, у олдинга қўйилган мақсадга етиш натижасида қўлга киритилади, у лимонни лимонадга айлантириш галабасидир.

Сўнги ўттиз беш йилда мен Нью-Йоркдаги катта ёшдагиларни ўқитиш курсларини олиб бордим ва ўқувчиларимнинг кўпчилиги уларда олий маълумотнинг йўқлигидан ташвишда эканликларини билдим. Улар, олий маълумотнинг йўқлиги улар учун ҳаётда тўсқинлик яратади, деб ўйлар эканлар. Мен бу унчалик тўғри эмаслигини биламан, чунки муваффақиятга эришган минглаб одамлар билан танишлигим бор. Шу боис бундай талабларга кўпинча ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган бир танишим ҳақидаги воқеани ҳикоя қилиб бераман. У қаттиқ муҳтожликда ўсган. Отаси ўлганида тобут сотиб олишга унинг дўстлари пул тўплашган. Отасининг ўлимидан сўнг онаси соябон чиқарадиган фабрикага ишга кирган. Шўрлик аёл кунда ўн соатдан ишлаган, бу ҳам етмагандай, ишни уйига олиб келган ва тунги соат ўн биргача ишлаган.

Шандай шароитда вояга етган ўғил черков қошидаги театр тўғарагида шуғуллана бошлаган. У актёрлик ўйинига шу қадар берилиб кетганки, нотиклик санъатини ўрганишга қарор қилган. Бу уни сиёсатга олиб келган. Ўттиз ёшида уни Нью-Йорк қонунчилик йигини аъзоси қилиб сайлайдилар. Аммо у бундай ишни бажариш учун мутлақо тайёр эмасди. Боз устига, у менга очиқ-ойдин айтардики, ўзи нима иш қилишини ҳам тасаввур эта олмас экан. У ўзи овоз бериши керак бўлган узун-узун мураккаб қонун лойиҳаларини ўқир экан, аммо унинг учун улар шу қадар тушунарсиз бўлганки, гўё улар инглиз тилида эмас, ҳиндиларнинг қандайдир чактоу деган тилида ёзилгандай. Уни ўрмон ва ўрмон хўжалиги бўйича қўмитага сайлаганларида у қаттиқ ташвиш ва саросимага тушиб қолган. Ахир у ўрмон ҳақида ҳеч нима билмас эди-да. Уни банклар бўйича давлат қўмитаси аъзоси қилиб сайлаганларида у жуда ҳам ташвиш ва саросимада қолган. Ахир банк ҳисоби деган нарсага умрида иши тушмаган ҳам, кўрмаган ҳам экан-да. Унинг ўзи менга айтишича, у шунақанги саросимага тушиб қолганки, агар мағлубиятига иқдор бўлганидан онаси олдида уялишдан андиша қилмаганида, шартга истеъфога чиқиб кетар экан. Аламидан у кунига олти соатдан ўқишга ва жаҳолат лимонини билим лимонадига айлантиришга жазм этган. У шу билан шуғулланиб юрар экан, унинг ўзи маҳаллий аҳамиятдаги сиёсатчидан бутун мамлакатга таниқли сиёсий сиймога айланган ва ҳатто “Нью-Йорк таймс” газетаси уни “Нью-Йоркнинг энг ҳурматли кишиси” деб атаган.

Мен Эл Смит ҳақида гапираётган эдим.

Ўн йил ўтгач, Эл Смит ўзининг сиёсий ўз-ўзини ташкил этиш дастурини амалга оширишга киришганидан кейин у Нью-Йорк штати ҳукуматида энг катта нуфузли шахсга айланди. Уни тўрт марта Нью-Йорк губернаторлигига сайлашди. Бу рекордни ҳеч ким такрорламаган. 1928 йилда у демократлар партиясидан президентликка номзод бўлган эди. Колумбия ва Гарвард университетлари билан биргаликда олти энг йирик университет лоақал ўрта маълумотга эга бўлмаган одамга илмий даража тақдим этди.

Одамларнинг муваффақияти сабабларини қанча кўп ўрганганим сайин шунга ишончим кўпроқ амин бўладики, ўз ҳаёт йўлининг бошида улар дуч келган қийинчиликлар туфайли кўплари муваффақиятга эришганлар. Бу қийинчиликлар уларни ажойиб натижаларга олиб келган зарурий саъй-ҳаракатлар қилишга ундаган. Уильям Жеймс бундай деганди: “Муаммоларимиз бизга тўсатдан ёрдам беради”.

Ҳа, кўр бўлгани учун ҳам Милтон яхши асарлар ёзгани, карлиги туфайли Бетховен ҳам яхши муסיқий асарлар яратгани бежиз эмасга ўхшайди.

Агар Чайковский ҳаётда хотинидан ёлчимай, бу тахлит тушкунликка тушмаганида ва сал бўлмаса ўз жонига қасд қилишгача бориб етмаганида, шунингдек, агар шахсий ҳаёти фожиалар билан тўлиб-тошмаганида, эҳтимол, у ҳеч қачон ўлмас “Питетик симфония”сини ёзмаган бўларди.

Агар Достоевский ва Толстойларнинг ҳаёти азоб-уқубатли воқеаларга тўлиқ бўлмаганида, эҳтимол, улар ҳеч қачон ўзларининг ўлмас романларини ёзмаган бўлишарди.

– Агар мен мана шундай катта жисмоний камчиликларга эга бўлмаганимда, – деб ёзганди Ермадаги ҳаёт туғилишининг илмий тушунчасини ўзгартирган инсон, – мен бундай улкан ишни қилолмаган бўлардим”. Шундай ёзганди Чарльз Дарвин, жисмоний камчилиги ҳаётда унга мутлақо кутилмаган тарзда ёрдам берганини ошкор этироф этиб.

Англияда Дарвин туғилган ўша кунда Кентукки ўрмонларидаги ёғоч кулбада бошқа бир чақалоқ ҳам дунёга келди. Унга ҳам қийинчиликлар ёрдам берди. Унинг исми Авраам Линкольн эди. Агар у зодагонлар оиласида туғилиб ўсганида ва Гарвардда ҳуқуқшунослик билими олганида, оилавий ҳаётда бахтли бўлганида, эҳтимол, юрагининг чуқур қаърида у Геттсбургда абадиятга муҳрлаб қўйилган ҳайротомуз сўзларни ҳеч қачон топмаган бўлармиди. Иккинчи марта президентлик лавозимини бажаришга киришган ўша кунда дастлабки эзгу сўзларни ирод қила олмаган, одамлар ҳукмдори қачонлардир ирод этган: “Нафратсиз, аммо жумлаи оламга мурувват ила...” деган энг гўзал ва илоҳий сўзларни топиб айтолмаган бўлармиди.

Фараз қилайликки, биз мутлақо саросимага тушиб қолганмиз ва ўз лимонимизни лимонадга айлантириш учун заррача умид йўқ, шундай бўлса-да, нима учун биз шундай қилишимиз кераклигига иккита сабаб мавжуд. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу икки сабаб мавжуд, зеро, биз ютиб чиқишимиз, аммо ҳеч нарса йўқотмаслигимиз мумкин.

Биринчи сабаб: биз муваффақиятга эриша оламиз.

Иккинчи сабаб: гарчи биз муваффақиятга эришмасак ҳам минусларни плюсга айлантиришга саъй-ҳаракатларимизнинг ўзиёқ шунга олиб келадики, биз орқага эмас, олдинга боқамиз ва салбий фикрларимиз ижобийга алмашади. Бу ижодий қувватни халос этишга



мажбур қилади ва ўз ишларимизга бошимиз билан шўнғиб, абадий ўтиб кетган нарса ҳақида шикоят қилишга на вақт, на хоҳиш бўлмаслиги томон ундайди.

Ҳаётга нисбатан қалбимизга осудалик ва бахт жо этайлик ва шундай муносабатни ўзимизда бунёд этиш учун қўйидаги қоидага амал қилайлик.

Қоида 6:

Тақдир сизга лимон ато этса, ундан лимонад қилишга урининг.

## ХVIII б о б

### ИККИ ҲАФТА ИЧИДА ХАҲАҚОНДАН ХАЛОС БЎЛИШ ХУСУСИДА

Мен ушбу китобни ёзишга киришганимда, “Ташвиш устидан галаба қозониш хусусида” мавзусида энг ибратли ва ҳаётбахш ҳаққоний ҳикоя учун икки юз долларлик мукофоти билан танлов эълон қилишга қарор бердим. Ҳайъат аъзоси бўлганлигим учун уч одамни таклиф қилдим. Булар “Шарқ ҳаво йўллари” компанияси президенти Эдди Реккенбакер, Линкольн хотираси музейи директори доктор Стюарт К.Маккеланд, ради шарҳловчи Х.В.Кайтенборн эдилар. Бироқ биз шу қадар ажойиб ҳикоя олдикки, ҳайъат аъзолари улардан қайси бири яхши эканлигини аниқлай олмади. Шу боис, биз мукофотни тақсимладик. Биринчи мукофотни олган ҳикоялардан бири қўйидагича эди. Унинг муаллифи С.Р.Бертон (фирмада ишлайди, “Уизер” автомобиллари сотувчиси, Миссури штати, Апрингфилд шаҳри).

Тўққиз ёшимда онасиз қолдим, ўн икки ёшимда эса отадан ажралдим. Отам ҳалок бўлган эди, онам эса ўн тўққиз йил бурун уйдан чиқиб кетган, уни бошқа кўрганим йўқ. Яна икки сингилчамни ҳам кўрганим йўқ, онам уларни ўзи билан олиб кетганди. Фақат етти йилдан кейингина ундан хат олдим. Онам кетганидан уч йил ўтгач, отам ҳалок бўлганди. У Миссури штатидаги бир кичикроқ шаҳарда қаҳвахона сотиб олганди, отам иш сафарида бўлган вақтда унинг шериги қаҳвахонани сотган-да, пулни олиб, қочиб қолган. Бир дўсти отамга телеграмма юборган ва зудлик билан шаҳарга қайтишни сўраган. Отам шошиб йўлга чиққан ва Канзас штатининг Салинас шаҳрида автомобиль ҳалокатидан ҳалок бўлган. Отамнинг иккита опаси бўлган. Улар камбағал, касалванд хотинлар эди. Улар оиламиздаги уч болани ўзларига олганлар. Бироқ мен ва укам ортиқчалик қилганмиз ва шаҳар аҳли қарамоғида қолганмиз. Бизни етимлар деб аташлари ва бизга етимлардек муомала қилишларидан жуда кўрқардик. Кўп ўтмай худди кўрққанамиздай бўлиб чиқди ҳам. Бирмунча вақт мен бир камбағал оилада турдим. Оғир замонлар эди, оила бошлиғи ишини йўқотгач, улар мени ортиқ боқа олмас эдилар. Шундан кейин мени эр-хотин Лофтинлар ўзларига олишди. Биз шаҳардан ўн бир мил наридаги фермада яшар эдик. Мистер Лофтин етмиш ёшда эди, у темираткининг оғир тури билан оғрир ва тўшакдан турмасди.

У, агар мен ёлғон гапирмасам, ўғрилиқ қилмасам ва безорилик қилишга уринмасам, уларникида қолишим мумкинлигини айтди. Бу менинг инжилим бўлиб қолди. Мен мана шу сўзларга мутлақо мувофиқ тарзда яшай бошладим..

Мен мактабга қатнай бошладим, бироқ бир ҳафтадан кейин у ёққа бормай қўйдим, уйда қолиб, ёш боладай йиғлар эдим. Мактабда болалар мени етимча деб масхара қилар ва узун бурнимни калака

қилиб кулар эдилар. Мени шунчалик қаттиқ хафа қилишдики, улар билан муштлашишга тайёр эдим. Бироқ фермер Лофтин менга: “Шуни билки, муштлашмаслик муштлашишнинг ўзидан кўра кўпроқ матонатни талаб этади”, – деди. Мен мактабдаги бир бола юзимга товук ахлати билан солиб қолмагунча муштлашувдан ўзимни тийиб юрдим, мен унинг бошлаб таъзирини бердим ва иккита дўст орттирдим. Улар менга, безори шунга муносиб эди, дейишди.

Мен мистер Лофтин олиб берган янги қалпоғимдан гурурланиб юрардим. Бир куни юқори синфдаги бир қиз қалпоғимни бошимдан юлқиб олди. Уни сувга ботириб, ивители ташлади. Кейин у, “Сенинг мис манглайингни ҳўллаб, юмшатиш учун шундай қилдим, бўлмаса товук миянг қуриб қолган эди”, – деди. Мактабда мен ҳеч қачон йиғламасдим, лекин уйга келгач, ҳўнграб йиғладим. Шунда миссис Лофтин менга битта насиҳат қилди, шу насиҳат барча ташвиш-ўйларимни йўққа чиқариб, душманларимни дўстга айлантирди: “Ральф, агар сен уларга қизиқиб қарасанг ва улар учун нимадир қилишинг мумкинлигини ўйласанг, улар сени бошқа масхараламай қўйишади ва сени етимча деб аташмайди”, деди. Мен унинг насиҳатига кирдим, қунт билан ўқий бошладим ва кўп ўтмай энг яхши ўқувчига айландим. Лекин ҳеч ким менга кек сақламай қўйди, чунки мен ҳаммага ёрдам беришга ҳаракат қилардим.

Бир неча болага баён ва матн ёзишда ёрдамлашардим. Бошқаларига эса баҳслар учун нутқ ёзиб берар эдим. Бир бола уй вазифаларини тайёрлашда менинг ёрдамим тегаётганини тўғри ўзимга айтди. Шунинг учун у онасига каламуш туггани кетаяпман деб, унинг ўрнига менинг олдимга келарди. У кучукларини саройга боғлаб кўярди-да, биз билан бирга дарс тайёрлар эдик. Бир болага китобларга шарҳлар ёзиб бердим, бунинг учун бир нечта оқшомнинг баҳридан ўтишимга тўғри келди. Яна бир қизга эса математикадан қарашиб юбордим.

Мана, ўн уч йилдирки, мени ҳеч ким етимча деб атамайдиган бўлди.

Яшасин С.Р.Бертон! Қандай дўст орттиришда унинг олдига тушадигани йўқ. Бундан ташқари, ташвишни қандай енгишни ва ҳаётдан қандай лаззатланишни ҳам билади.

Буюк руҳшунос қалами остидан чиққан энг ажойиб гап қуйидагидек эди, уни Альфред Адлер айтган эди. Хафақондан азият чеккан мижозларига у одатда бундай дерди: “Агар маслаҳатимга кирсангиз, икки ҳафтага қолмай тузалиб кетасиз. Ҳар куни одамларга қандай ҳузур бағишлаш мумкинлиги ҳақида ўйлашга ҳаракат қилинг”.

Бу гап шу қадар эҳтимолдан йироқ туюладики, мен доктор Адлернинг “Сизнингча ҳаёт нимани англатиши керак?” деган ажойиб китобидан икки бетни кўчириб, изоҳлашга ҳаракат қилиш заруратини ҳис этиб турибман.

“Хафақонлик, – дейди у ўз китобида, – бошқаларга нисбатан пинҳоний ғазаб ва таънани эсга солади, бироқ бемор ўз айбидан эзилгандай таассурот уйғотади. Ҳолбуки, унинг мақсади атрофдагиларнинг унга эътибор бериши, ҳамдард бўлиши ва қўллаб-қувватлашига эришишдан иборат. Хафақонлик эсга соладиган биринчи нарса тахминан қуйидаги сўзлар билан ифода этилиши мумкин: “Эсимда, акам кушеткада ётган эди ва мен қанча хоҳласам ҳам у бундай қилишга йўл бермаганди. Мен қаттиқ йиғлай бошлаган эдим. У ёнидан жой беришга мажбур бўлди”.

Хафақонлик билан оғриганлар кўпинча ўз жонларига қасд қилиш йўли билан қасос олишга мойил бўладилар, шу боис шифокорнинг

биринчи вазифаси бундай қилишга йўл қўймасликдан иборат. Муолажанинг биринчи қоидасига риоя қилишни таклиф этиб, мен ўзим кескинликларни юмшатишга ҳаракат қиламан: “Ҳеч қачон истамаган нарсангизни қилманг”. Бу маслаҳат ҳаддан ташқари оддий бўлиб туюлади, аммо менинг назаримда, у касалликнинг энг асосий сабабини бартараф этишга қаратилган. Борди-ю, хафақончи у истаган ҳамма нарсани қилишга қодир бўлса, у кимни айблаш олади? “Борди-ю, сиз театрга бормоқчи ёки таътилга чиқмоқчи бўлсангиз, шундай қилинг дейман. Борди-ю, бирданига боргингиз келмай қолса, унда тўхтанг. Бу киши тушиши мумкин бўлган энг яхши ҳолатдир ва унинг интилишини афзаллик томонга қондиришга имкон беради. У ўзини Худога қиёс қилади ва нима хоҳласа, ҳаммасини қилиши мумкин. Бошқа томондан, бундай хулқ-атворни унинг ҳаёт услуби билан бириктириб юбориш унчалик осон эмас. У буйруқ беришни ва бошқаларни айблашни истайди, борди-ю, улар у билан ҳамжихатликларини изҳор этсалар, унда у буйруқ беришга бўлган ўз интилишини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу қоида касаллик маромини анча енгиллаштиради ва менинг беморларим орасида бирон марта ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси содир бўлган эмас.

Одатда бемор мана бундай жавоб беради: “Ахир мен қилишни хоҳлайдиган ҳеч вақо йўқ”. Бу ҳолда, чунки мен бундай фикрларни тез-тез эшитаман, менда олдиндан тайёрланган жавоб бор: “Унда сизга ёқмайдиган нарсани қилишдан ўзингизни тийинг”. Гоҳ у шундай жавоб бериши мумкин: “Мен уззукун каравотда узала тушиб ётишни хоҳлар эдим”. Аммо биламанки, агар мен имкон бергудек бўлсам, у бошқа бундай қилишни хоҳламайди. Агар унга ҳалақит бергудек бўлсам, у росмана қиёмат қилишини биламан. Шу боис мен ҳар доим рози бўламан.

Бу битта қоида. Иккинчи қоида, улар ҳаёт услубининг ўзига бевосита қарши қаратилганидир.

Мен уларга дейман: “Агар маслаҳатимга риоя қилсангиз, ўн тўрт кун ичида тузалиб кетишингиз мумкин. Ҳар кун одамларга қандай ҳузур бағишлашингиз ҳақида ўйланг. Улар учун бу нимани англатишини бир кўринг-а. Одатда, улар мана бундай фикрдан ташвиш тартадилар: “Бировларни хафа қилишга қандай кўнглим бўлсин?” Уларнинг жавоблари гоят қизиқ: “Бу жуда осон, ахир мен бинойидек бир умр шундай қилиб келяпман”. Аслида улар ҳеч қачон бундай қилмаганлар... Бошқалари жавоб берадилар: “Ҳеч қачон бундай қила олмаслигимдан ташвишдаман”. Мен уларга дейман: “Ташвишланишдан тўхтаманг, аммо шу билан бир вақтда гоҳ-гоҳ бошқалар ҳақида ҳам ўйланг”. Кўплар айтишади: “Нима учун мен бошқаларга ҳузур бағишлашим керак экан? Улар менга ҳузур бағишлашга ҳаракат қилишмаяпти-ку?” Мен жавоб бераман: “Сиз ўз соғлигингиз ҳақида ўйлашингиз керак, бошқалар кейинроқ оғрийдилар”. Жуда кам ҳоллардагина бемор бундай жавоб беради: “Мен сизнинг таклифингизни обдон ўйлаб кўрдим”. Менинг барча саъй-ҳаракатларим беморнинг ижтимоий манфаатларини фаоллаштиришга қаратилган. Унинг касалининг ҳақиқий сабаби бошқалар билан муносабат ўрнатиш чоғида ҳамкорлик этишмаслигидан иборат эканини биламан, аммо беморим буни тушунишини хоҳлайман. Тенглик ва ҳамкорлик асосида бошқа одамлар билан муносабат ўрнатгани ҳамон у тузалиб кетади... Энг муҳим диний вазифа ҳар доим ўз яқинига муҳаббат қўйишдан иборат бўлиб

келган... Атрофидаги одамлар билан иш тутмайдиган одамгина ҳаётида жуда катта қийинчиликларга дуч келади ва бошқаларни кўпроқ хафа қилади. Айнан шундай одамлар ичида энг омадсизлари учрайди... Биз бошқа инсон зотидан талаб қиладиган ҳамма нарса ва унга биз беришимиз мумкин бўлган ҳамма нарса унинг ишда яхши сафдош, атрофидаги одамларга дўст ва севги ҳамда никоҳда вафодор шерик бўлмоғидан иборат.

Доктор Адлер бизни ҳар куни савоб ишлар қилишга чақиради. Савоб иш дегани нима ўзи? “Савоб иш, — дейди Муҳаммад пайгамбар, — қувноқ табассум билан бошқа одамларнинг чеҳрасини ёритишдан иборат”.

Нима учун ҳар куни савоб иш қилиш савоб иш қилаётган одамга бу қадар кучли таъсир кўрсатади? Гап шундаки, бошқаларга лаззат бағишлашга ҳаракат қилар эканмиз, ўзимиз ҳақимизда ўйлашдан тўхтаимиз. Айнан ўзини ўйлаш безовталиқ, кўрқув ва хафақонликнинг бош сабабидир.

Агар эркак киши бўлсангиз, ушбу абзацни ташлаб ўтинг. Унинг сиз учун қизиқ жойи йўқ, чунки унда бир нотавон шўрлик қизнинг бир неча йигит илтифотига муяссар бўлгани ҳикоя қилинади. Бу қиз ҳозир буви бўлиб қолган. Бир неча йил аввал мен у эри билан турадиган уйда тунаб қолдим. Мен шу шаҳарда маърузалар ўқиётгандим ва эртасига тонгда мени Нью-Йоркнинг марказий вокзалига қатнайидиган тезюрар поездига илинишим учун эллик мил наридаги станцияга олиб бориб қўйди. Йўлда қандай дўст оттириш устида гап сотиб кетдик. У деди: Мистер Карнеги, мен сизга ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳатто ўз эримга айтмаган бир нарсани ҳикоя қилиб бермоқчиман (ҳар тугул, бу ҳикоя сиз ўйлаганчалиқ қизиқ эмас).

Қиз Филадельфия жамиятининг олий табақага мансуб оилада ўсган экан. “Болалигим ва балоғат ёшимдаги фожиа шундан иборат эдики, — деди у, — биз камбағал эдик. Атрофимдаги қизлар яшагандек яшашга менинг қурбим ҳам, имконим ҳам йўқ эди. Яхши кийина олмасдим. Вақт ўтгани сайин кийимларим тор келиб, урфдан ҳам чиқиб кетди. Азбаройи хўрланганимдан ва уялганимдан кўпинча қон-қон йиғлардим. Охири алаимдан бир иш қилишга жазм этдим. Йигитларимдан уларнинг ҳаёти, гоёлари, келажакдаги режалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишга тушдим. Бундай саволлар беришимнинг сабаби ундан қандай жавоб олиш эмасди. Бундан мақсадим битта эди: ишқилиб, уларнинг нигоҳини эгнимдаги либосдан чалғитиш. Бироқ ғалати ҳол содир бўлди: йигитларимнинг ҳикояларини тинглар эканман, улар ҳақида кўпроқ нарсалар била бошладим. Суҳбатга берилиб кетганимдан ҳатто ўзимнинг кўримсиз либосимни ҳам унутиб қўярдим. Аммо мени бошқа нарсалар ҳайратга солганди: яхши тингловчи бўлганим ва йигитларга кўпроқ ўзлари ҳақида гапиришга қўйиб берганим боис мен даврамиздаги энг кўзга яқин қизга айлана бошладим. Шунда бир эмас, бирваракайига уч йигит қўлимни сўраса бўладими (кўрдингизми, қизлар қандай бўлиши керак).

Бу бобни ўқиб, айримлар айтишлари мумкин: “Бошқа одамларга нисбатан қизиқиш ҳақидаги бу барча суҳбатлар — пучак ва хурофий сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас! Уларнинг менга нима кераги бор! Менга чўнтагимда муллажиринг бўлса, бас. Пулинг бўлса чангалда шўрва. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади”.

Начора, модомики, сиз шундай ўйлар экансиз, бунга тўла ҳаққингиз бор. Аммо, борди-ю, сиз ҳақ бўлсангиз, башарият

тафаккурининг илк ёзма ёдгорликларидан тортиб, барча буюк файласуфлару устозларгача ҳато қилар эканлар-да? Мен Исо Масих, Конфуций, Платон, Аристотель, Сократ, Францисколарни назарда тутаяпман. Борди-ю, бу диний сиймолар номини эслаш сизда нафратомуз киноя уйғотар экан, келинг, унда маслаҳат билан даҳрийларга мурожаат қилайлик. Йигирманчи асрнинг энг машҳур америкалик даҳрийси Теодор Драйзер бу борада нималар деганини эшитинг-а. У барча динлар устидан кулган эди, уларни эртақлар деб атаб ва бу ҳаёт жиннилик, бақириб ва ғазаб билан ҳикоя қилиб берган ҳеч нарсани англаторовчи тарихдир, деганди. Аммо Драйзер Исо Масих ўргатган бир буюк тамойилни ҳимоя қилиб чиққанди: одамларга хизмат қилиш тамойили. “Борди-ю, у ўзига ажратилган муддатдан завқланишни истаса, — деб ёзганди у, — ўзинигина эмас, у бошқаларнинг ҳам ҳолатини қандай яхшилаши тўғрисида мулоҳаза юритиши керак, чунки унинг қувончини унинг бошқалар учун ва бошқаларнинг унинг учун қанчалик севинишини белгилайди”.

Драйзер таъкидлаганидек, агар биз ўзимизнигина эмас, бошқаларнинг ҳам ҳаётини яхшилашни истар эканмиз, шошмаслик ва вақтни зое кетказмаслик керак. “Модомики, шу йўлни ихтиёр этдикми, ҳозирок каромат кўрсатиш ёки савоб иш қилишга изн бер. Шу йўлдан қайтмасликка ва савоб иш қилиш имкониятини бой бермасликка изн бер, зеро, бу йўлдан иккинчи марта юриш насиб этмагай”.

Қоида 7:

Бошқаларни ўйлаб, ўзингизни унутинг. Ҳар куни табассум билан инсон чеҳрасини ёритадиган савоб иш қилинг.

### БЕШИНЧИ ҚИСМ

## ТАНҚИДДАН ТАШВИШ ТОРТМАСЛИК ХУСУСИДА

### ХИХ Б О Б

#### ЎЛГАН ИТНИ ҲЕЧ КИМ УРМАЙДИ

1929 йилда барча маориф ходимлари орасида чинакам шов-шув келтириб чиқарадиган воқеа содир бўлди. Фаолиятнинг бу соҳаси вакиллари мисли кўрилмаган бу воқеа гувоҳи бўлиш учун Американинг барча бурчакларидан Чикагога интилдилар. Бир неча йил илгари Роберт Хатчинс исм-шарифли бир йигит қаттиқ меҳнат билан Йел университетига йўл топиб кирди. Бунгача у официант, ўрмон кесувчи, рецептор ва кийимфуруш бўлиб ишлаганди. Энди эса, орадан атиги саккиз йилгина ўтиб, у Чикаго университети ректори лавозимида кўтарилган эди. Бу университет Американинг барча университетлари орасида тўртинчи ўринда турарди. Йигитнинг ёши нечада эди дейсизми? Уттизда. Бу мутлақо кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа эди! Сочлари оқарган профессорлар қаттиқ норозилик билдирдилар. Бир ёш болакайга танқид дўлдай ёғила бошлади. Унга ҳар томондан ҳужум қилар эдилар. Уни ёшлиқда ва тажрибасизликда айблардилар, Таълим ҳақида билими ҳаминқадар дер эдилар. Ҳатто газеталар Хатчинсга қаши фақат танқидий мақолалар чоп этар эди.

Лавозимни бажаришга киришадиган куни Роберт Хатчинснинг бир дўсти унинг отасига деди: “Бугун эрталаб ўғлингизни танқид қилиб чиққан бош мақолани ўқиб, эсимни йўқотиб қўяй дедим”.

“Ҳа, — унинг гапига қўшилди ота Хатчинс, — танқид жуда қаттиқ бўлибди, аммо билиб қўй, ҳеч ким ҳеч қачон ўлган итни тепмайди”.

Бу шундай, нима бўлганда ҳам ит қанчалик муҳим бўлса, уни тепганлар шунча кўпроқ маза қиладилар. Кейинчалик қирол Эдуард XIII (ундан кейин Виндзор герцоги) бўлган Уэлс валиаҳди буни ўз бошидан ўтказиб билди. Ўша вақтда у Девонширдаги Дартмут коллежида ўқир эди. Англияда бу худди Аннаполисдаги ҳарбий денгиз академиясидек бир гап. Ўшанда валиаҳд ўн тўрт ёшда эди. Бир куни денгизчи зобитлардан бири уни йиғлаб турганда кўриб қолади ва нима бўлди, деб сўрайди. Аввалига валиаҳд гапиришдан бош тортди, бироқ кейин барибир гапиришга кўнди-да, ҳақиқатни айтди. Маълум бўлишича, билим юрти ўқувчилари уни муштраб кетишган экан. Коллеж комподори ўқувчиларни ҳузурига чорлади ва уларга валиаҳд ҳеч қандай шикоят қилмаганини, аммо у валиаҳдга нима учун бундай кўпол ва ярамас тарзда муносабатда бўлганларини билмоқчи эканини айтди.

Курсантлар ҳеч нарса айтишни исташмади, оғирликларини у оёқларидан бу оёқларига солиб турар, ўзларича бир нималар деб мингирлар эдилар, бироқ охири бари бир ҳам иқроор бўлиб айтдиларки, улар келажакда қирол фронтининг капитанлари бўлишганида биз қиролнинг ўзини дўппослаб урганмиз, деб мақтаниб юришни хоҳлаганлар.

Шу боис, эсингизда бўлсин, сизга қарши қаратилган танқид кўпинча шуни англатадики, танқид қилувчи ўзини устунроқ ҳис этади. Бу аксар шундан дарак берадики, сиз эътиборга лойиқ бир нарса қилаётибсиз. Кўплар ўзларидан маълумотлироқ ёки катта муваффақиятларга эришган одамларни танқид остига олганларида қандайдир ёвузона лаззатни ҳис этадилар.

Агар сиз адолатсиз танқиддан чидаёлмай ташвишга ботсангиз, куйидаги қоидага риоя қилинг.

Қоида 1:

Эсингизда бўлсин, адолатсиз танқид кўпинча яширин такаллуф ҳисобланади. Ҳеч ким ҳеч қачон ўлган итни урмаслигини эсдан чиқарманг.

## XX б о б

### ШУНДАЙ ҚИЛСАНГИЗ, ТАНҚИД СИЗГА ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИ

Бир гал мен “Кўзи Тешар Чол” лақабли генерал-майор Смедли Батлер билан суҳбатлашиб қолдим. Жаҳаннам Шайтони Батлер Чол! Эсингиздами, бу АҚШ денгиз пиёда аскарларига қўмондонлик қилган генералларнинг энг ўзига хос ва довюраларидан бири эди.

У менга ёшлик чоғларида таниқли ва ҳаммада яхши таассурот қолдирадиган бўлишни жуда қаттиқ орзу қилганини сўзлаб берган эди.

Ўша пайтларда шаънига айтилган зиғирча танқидга ҳам чидаёлмас экан, аммо денгиз пиёда қўшинидаги ўттиз йил уни обдон тоблайтиди.

“Мени қўлларидан келганча калака қилар ва ҳақоратлар эдилар, — тан олиб деди у. — Мени сариқ кўппак ҳам, илон ҳам, каламуш ҳам дедилар. Сўкишда устаси фаранглар хумордан чиққунча сўкар эдилар. Инглиз тилида китобда ёзиб бўлмайдиган қанақанги сўкиш турлари бўлса, ҳаммаси менга ишлатилган. Мени буларга эътибор берар эди,

дейсизми? Ҳеч-да! Борди-ю, ҳозир биров мени сўкса, унга бошимни буриб ҳам қарамайман”.

Эҳтимол, Кўз Тешар Чол ўз шаънига айтилган танқидга ҳаддан ташқари бепарво қарарди. Ҳа, балки шундайдир. Аммо бир нарса аниқ: ичимизда кўпларимиз майда-чуйда таҳқиру гина-кудуратларга керагидан ортиқча эътибор бериб юборамиз. Эсимда, кўп йиллар илгари “Сан” газетаси шарҳловчиси курсларимдаги кўрғазмали сабоққа келди ва кейин мен ва ишим тўғрисида аччиқ танқидий мақола ёзди. Ғазабдан ўзимни қўйгани жой томолмай қолдимми? Қаёқда, мен уни шахсий ҳақорат деб қабул қилдим. Мен ўша заҳоти “Сан” газетаси ижроия қўмитаси раиси Жил Хожерсга қўнғироқ қилдим ва шарҳловчи бўлмағур тўқима гаплар эмас, далиллар баён этилган мақола босишини расман талаб этдим. Жазо жинойтга яраша бўлиши учун қатъий туриб олдим.

Ўшанда шундай қилганимдан энди уялаяпман. Ушбу газетани сотиб олган одамларнинг ярми ҳам ҳалиги мақолани умуман ўқимаганини энди тушунаяпман. Уни ўқиганларнинг ярми эса бегараз мақсадда эрмак учун ўқишган, қолган ярми ичқоралик билан қўл ишқаб, бир неча ҳафтадан кейин унутиб юборган.

Одамлар сиз ҳақингизда, мен ҳақимда ўйламасликларини ва биз тўғримизда нима деяётганлари уларга бари бирлигини энди билаяпман. Сизнинг ёки менинг ўлимим ҳақидаги хабардан кўра, ўзларининг арзимаган бош оғриқларидан минг баравар кўпроқ ташвиш қиладилар.

Борди-ю, сиз ёки мен алдасак, кулгига қолсак, чув тушган бўлсак, орқадан пичоқ есак, сотилсак ва булар барини олти нафар энг яқин дўстларимизнинг биттасидан кўрган бўлсак, ўзимизга ичимиз баттар ачиб ўтирмаслигимиз керак. Бунинг ўрнига Исо Масиҳнинг ҳам бошига шундай кунлар тушганини бир эслаб қўйсак, маъқул бўларди. Унинг ўн икки нафар дўстларидан бири сотқин бўлиб чиқди ва уни ҳозирги ҳисоб билан ўн тўққиз долларга сотади. Унинг яна бир шогирди Исо мусибатга дуч келганида ундан шартта юз ўгиради ва мен сизни танимайман, деб уч карра қайтаради, қасам ичади. Булар Исо Масиҳнинг бошига тушганлари.

Гарчи шаънимга айтилган адолатсиз танқиддан одамларни тўхтатиб қола олмасам-да, кўп йиллар илгари шунини билдимки, мен мислсиз даражада кўп ишлар қила олар эканман: мен бу танқиднинг менда ташвиш туғдиришга имкон бериш-бермаслигимни ҳал эта олар эканман.

Очигини айтиб қўя қолай: мен танқидни умуман рад этиш тарафдори эмасман. Бундай фикрдан жуда узоқман. Мен фақат адолатсиз танқиднигина рад этиш тўғрисида гапираяпман. Бир куни Элеонора Рузвельтдан, адолатсиз танқидга қандай қарайсиз, деб сўрадим. Унинг чекига бундай танқидларнинг қанчаси тушгани бир Аллоҳга маълум. Оқ уйнинг ҳар қандай бекасига қараганда, эҳтимол, самимий дўстлари ва душманлари энг кўпи у бўлса керак.

У айтдики, болалигида ўтакетган тортинчоқ бўлган ва одамларнинг гапларидан жуда кўрққан. Азбаройи танқиддан даҳшатга тушганидан бир куни маслаҳат сўраб, аммаси Теодора Рузвельтга мурожаат қилган.: “Аммажон, мен фалон-фалон ишларни қилмоқчиман, аммо бунинг учун мени танқид қилишларидан кўрқяпман”.

Тедди Рузвельтнинг опаси жиянининг кўзига тик қараб деди: “Агар тўғри иш қилаётганингга юракдан ишонсанг, одамларнинг нима

дейишига парво қилма”. Элеонора Рузаельтнинг менга айтишича, бу маслаҳат унга Оқ уйда яшаган барча йиллар давомида унинг учун букилмас таянч бўлган. У айтдики, танқиддан қутулишнинг ягона йўли — Дрезден чиннисидан ишланган ҳайкалга айланиш ва токчада туришдир. Юрагинг нимани айтса, шуни қил, зеро, сени барибир танқид қилишади. Сен нимадир қиласанми, қилмайсанми, ҳар қандай ҳолда ҳам сени лаънатлайдилар. Амманинг маслаҳати ана шундай эди.

Линкольн айтган эди: “Шаънимга айтилган барча танқидларга жавоб бермасликка эмас, бор-йўғи ўқиб чиқишга ҳаракат қилганимда ҳам барибир нима қилиб турган бўлсам, шуни қилаверган бўлардим. Барча билимимдан фойдаланган ҳолда ҳаракат қиламан ва ўзимга боғлиқ ҳамма ишни қиламан, то абадул-абад шунга амал қилиш ниятидаман. Борди-ю, мени галаба кутаётган бўлса, менга қарши гапирилаётган гаплар бир пулга қиммат. Борди-ю, мени мағлубият кутаётган бўлса, ўнта фаришта менинг ҳақлигимга қасам ичиб, гувоҳликка ўтганида ҳам аҳволни ўзгартириб бўлмайди”.

Адолатсиз танқидга дуч келганингизда, келинг, бир қоидани эслайлик.

Қоида 2:

Сизга боғлиқ ҳамма ишни қилинг, кейин эса ёмғир томчилари ёқангиздан ичингизга келиб тушмаслиги учун танқидий гаплар ёмғири ёққанда соябонингизни очиб бошингизни тутиб олинг.

## XXI б о б

### МЕНДАН ЎТГАН АҲМОҚЛИКЛАР

Шахсий архивимда “МУА” номи остидаги бир жилд бор. Бу “мендан ўтган аҳмоқликлар” иборасининг қисқартирилгани эди. Бу жилдга мендан ўтган аҳмоқона ишларга тааллуқли ҳамма нарсани жойлаб кўяман. Гоҳо уларни котибамга айтиб туриб ёздирсам, гоҳо улар шу қадар хусусий, шу қадар аҳмоқона бўладики, айтиб туриб ёздиришдан уяламан, шунинг учун ҳаммасини қўлда ёзиб чиқаман.

Дейл Карнегига қаши бир қанча танқидий нутқларни эслайман, уларни “МУА” жилдига ўн беш йил муқаддам солиб қўйганман. Агар мен виждоним олдида чиндан пок бўлганимда эди, “МУА” муҳрли жилдларимни сиздирилмай жавоним ёрилиб кетиши керак эди. Шу ўринда шоҳ Саулнинг ўттиз аср муқаддам айтган сўзларини такрорламоқчиман: “Ўйламасдан иш қилиб, жуда кўп гуноҳларга йўл қўйдим”.

“МУА” сарлавҳали жилдни очганимда ва ўзим ҳақимда ёзганим танқидий фикрларни қайта мутолаа қилганимда мен тинимсиз дуч келадиган энг мураккаб муаммоларни ҳал қилишда улар менга ёрдам беради: Дейл Карнеги номи остидаги корхонага раҳбарлик қилиш муаммолари.

Одатда, ўз муаммоларимда бошқаларни айблар эдим, бироқ ёшим улғайиши баробарида ва умид қиламанки, донороқ бўлганимда шундай хулосага келдимки, пировардида ўзимнинг барча омадсизликларимда фақат ўзимнигина айблашим керак экан. Ёшим улғайиб, донолик рутбасига етишгач, жуда кўп одамлар ана шундай хулоса қилганлар.

“Менинг мағлуб бўлишимда, — деган эди Наполеон авлиё Елена оролида, — мендан бошқа ҳеч ким айбдор эмас. Ўзимнинг энг ёвуз душманам, фожиали тақдиримнинг сабабчиси ўзим эдим”.



Мен сизга ўзига баҳо бериш санъатида ва ўзини ўзи бошқаришда чинакам маҳоратга эришган бир танишим ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Унинг исми Х.П.Хауэлл эди. 1944 йил 3 июлда Нью-Йоркдаги “Амбассадор” меҳмонхонаси дорихонасида унинг тўсатдан ўлими ҳақидаги хабар мамлакат бўйлаб ёйилганда Американинг молия дунёси даҳшатга тушган эди. Гап шундаки, Хауэлл Тижорат миллий банки директорлар кенгаши раиси, шунингдек, кўпгина йирик корпорациялар директори эди. Яхши маълумот олмай, ўз меҳнат фаолиятини у қишлоқ дўконидан хизматчиликдан бошлаганди, кейинчалик “Ю.С.Стил” компаниясида кредит алоқалари масалалари бўйича бошқарувчи бўлиб ишлаганди. Шундан кейин баланд лавозимларга ва кўпроқ ҳокимиятга эга бўлганди.

“Кўп йиллар давомида кундалик юритар эдим, унда кун бўйи бўлиб ўтган ўзимнинг барча амалий учрашувларимни қайд этар эдим, — деб ҳикоя қилганди мистер Хауэлл, унинг муваффақиятлари сабабини тушунтириб беришни сўраганимда. — Якшанба оқшомига оилам ҳеч нарсани режалаштирмасди, чунки бу вақтда ўз ишларимнинг таҳлили, бир ҳафтада қилинган ишларни кўриб чиқиш ва шу ишни баҳолаш билан шуғулланишимни ҳамма биларди. Кечки овқатдан кейин танҳо қоламан, учрашувлар китобини очаман ва ўтган ҳафтадаги барча суҳбатлар, муҳокамалар ва йиғилишлар устида фикрлар юритаман. Ва ўзимдан, бир ҳафта ичида қандай хатоларга йўл қўйдим, қандай тўғри иш қилдим ва ўз фаолиятимни қандай яхшилашим мумкин эди, деб сўрайман. Баъзан шундай бўладики, ўз фаолиятимни шундай таҳлил қилишим натижасида ўзим ҳақимда гоё ташвишли хулосаларга келаман. Гоҳо ишда қўпол хатоларимдан фигоним чиқади. Албатта, йиллар ўтгани сайин бундай қўпол хатоларим тобора камроқ содир бўла бошларди. Ўзимни таҳлил этишнинг бу тизимига мен кўп йиллар риоя қилдим ва бошқа ҳар қандай ташаббусимдан кўра менга кўпроқ фойда келтирди”.

Эҳтимол, Х.П.Хауэлл ўз ғоясини Бенжамин Франклиндан олгандир. Тўғри, Франклин якшанбани кутиб ўтирмасди. У ҳар куни кечқурун бир кунда қилган ишларини жиддий таҳлил қилар эди. Бир куни у бир иш кунида ўн учта жиддий хатога йўл қўйганини билиб қолди. Шулардан учтаси мана бундай: вақтни йўқотиш, арзимаган нарсдан ташвиш тортиш, баҳслар ва келишмовчиликлар. Агар шу нуқсонлардан қутулмаса, ҳаётда кўп нарсага эришмаслигини доно ва кекса Франклин англаб етганди. Шу боис ҳар ҳафтада у ўз камчиликларидан биттаси билан кураш олиб борар, кураш натижаларини кундалигига қайд этиб кўярди. Келаси ҳафта учун у бошқа бемаъни қилиғини танларди ва боксчи қўлқопини кийиб, рингга чиққанча уни жангга чақирарди. Франклин икки йилдан кўпроқ ўзининг ёмон қилиқлари билан жанг олиб борди. Унинг энг кўп доврўғ қозонган ва Америкада зўр эътиборга сазовор бўлган одамлардан бирига айлангани таажжубланарли ҳол эмасди.

Элберт Хаббер бундай деганди: “Ҳар бир одам бир кунда жуда бўлмаганда беш дақиқа ғирт аҳмоқ бўлади. Шу меъёрдан ошиб кетмаса, билингики, у чинакам донишманддир”. Пасткаш одам ўз шаънига айтган кичиккина танқиддан қаттиқ дарғазаб бўлади, аммо доно одам эса, уни қоралаган, айблаган ва унинг йўлини тўсган одамдан жон-жон деб ақл ўрганеди.

Фараз қилайликки, кимдир сизни ғирт аҳмоқ деб атади. Бундай ҳолда сиз қандай чора кўрган бўлардингиз? Тутаққан бўлардингиз?

Аъзойи баданингиз ўт олгандай бўлармиди? Бундай ҳолда Линкольн нима қилганини бир кўринг.

Линкольн кабинетининг мудофаа вазири Эдвард М.Стантон бир куни уни “ғирт аҳмоқ” деб атади. Линкольн унинг ишига аралашганидан Стантоннинг фиғони чиқмоқда эди. Бу худбин сиёсатчининг эсини жойига келтириб қўйиш учун Линкольн бир нечта полкни бошқа жойга кўчириб ўтказиш ҳақидаги буйруққа имзо чекади. Стантон бу буйруқни бажаришдан бош тортибгина қолмай, бундай фармойиш учун Линкольнни “ғирт аҳмоқ” деб ҳақорат ҳам қилди. Кейин нима бўлди дейсизми? Стантоннинг у ҳақда нима деганини Линкольнга маълум қилганларида, Линкольн бамайлихотир шундай жавоб қилди: “Агар мени Стантон “ғирт аҳмоқ” деган бўлса, демак, мен ғирт аҳмоқман, зеро, у деярли ҳар доим ҳақ. Мен бу ҳақда ўзим ўйлаб кўришим керак”.

Линкольн ҳақиқатан ҳам Стантон билан учрашди. У буйруқнинг нотўғри эканига президентни ишонтирди ва Линкольн буйруқни ўзгартирди. Ўз шаънига айтилган танқид самимий далилларга асосланган ва кўмак руҳи билан суғорилган бўлса, Линкольн уни очиқ чеҳра билан қабул қиларди.

Замонамизнинг энг теран мутафаккири Альберт Эйнштейн, “Илмий хулосаларимизнинг атиги бир фоизигина ҳақиқатдир”, деган эди.

“Душманларимизнинг биз ўзимиз ҳақимиздаги фикри, — деган эди Ларошфуко, — ўзимиз ҳақимиздаги ўз фикримизга қараганда ҳақиқатга яқинроқдир”.

Бу гаплар кўпинча ҳақиқатга мос келишини биламан. Бироқ мени танқид қила бошлашганда ва агар мен ўзимни тутолсам-да, ҳатто танқидчим бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаши биланоқ мен ўша заҳоти беихтиёр ҳимоялана бошлайман. Ҳар гал шундай қилганимда, ўзимни ёмон кўриб кетаман. Танқид ёки мақтов қанчалик бўлишидан қатъи назар, барчамизда танқидни ёмон кўриш ва мақтовни яхши кўриш мойиллиги бор. Амалларимиз мантиққа тўғри келмайди. Улар ҳиссиётга асосланган. Бизнинг мантиғимиз ҳиссиётларимизнинг бўронли тўлқинлари у ёқдан-бу ёққа итқитаётган қайиққа ўхшайди.

Бундан олдинги бобларда агар адолатсиз танқид ёмғири остида қолсангиз, ўзимизни қандай тутишимиз лозимлиги тўғрисида сўзлаб бергандим. Энди бунга қўйидагиларни қўшимча қилмоқчиман. Агар сизнинг назарингизда ноҳақ қилинган танқид туфайли дарғазаб бўла бошлаганингизда, тўхтаб туриб қўйидаги гапларни айтсангиз, нима қилибди: “Бир дақиқа. Мен у қадар комил инсон эмасман. Агар Эйнштейн ўз хулосаларининг юздан биттаси ҳақиқат эканига иқроп бўлган экан, унда мен, балки йигирматасида ҳақдирман. Балки танқид қилишаётгани ўринлидир. Агар шундай бўлса, бунинг учун мен ҳаракат қилишим керак”.

Танқид туфайли безовталанишдан халос бўлай десангиз, қўйидаги қоидага риоя қилинг.

Қоида 3:

Ўзингиз қилган аҳмоқликларни ёзиб қўйинг ва ўзингизни ўзингиз танқид қилинг. Олий даражада комил бўлишга умид қилолмаганимиз учун Э.Х.Литтл қилганини қилайлик — бизни тусмолсиз, фойдали, амалий танқид остига олишларини ўтиниб сўрайлик.

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

ТОЛИҚИШ ВА БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС  
БЎЛИШНИНГ ОЛТИТА СИРИ

XXII б о б

ФАОЛ ҲАЁТИНГИЗНИ БИР СОАТГА ЎЗГАРТИРИШ  
ХУСУСИДА

Нима учун ташвиш билан курашга бағишланган китобда толиқишдан халос бўлиш ҳақидаги бобни ёзаётирман? Жавоб ғоят оддий: гап шундаки, толиқиш аксарият безовталиқ пайдо бўлишига олиб келади ёки жуда бўлмаганда, безовталиқ учун сизни мойил қилиб кўяди. Ҳар бир тиббиёт талабаси биладики, толиқиш вужуднинг одатдаги шамоллашига ва юзлаб бошқа бетобликларга жисмоний қаршилигини сусайтиради ва ҳар бир руҳшунос шифокор эфирокор этадики, толиқиш, бундан ташқари, кўрқув ва безовталиқ сингари ҳиссиётлар сизнинг қаршилигингизни сусайтиради. Шу боис, толиқишингизнинг олдини олиш безовталиқнинг олдини олиш учун шароит туғдиради.

Безовталиқнинг олдини олиш учун шароит туғдиради, дедимми? Тагин ҳам бу юмшоқ қилиб айтаним. Доктор Эдмунд Якобсон бундан кўра жиддийроқ гапларни айтади. Доктор Якобсон безовталиқ ҳақида “Босқичли релаксация” ва “Сиз дам олишингиз керак” деган иккита китоб ёзган. У Чикаго университети қошидаги клиник физиологик лабораториясининг директори эди ва узоқ йиллар релаксациянинг тиббий мақсадларда қўлланилишини тадқиқ қилган эди. Қандай сабаблар билан келиб чиққан бўлмасин, агар одам тўла тинчлик ҳолатида бўлса, асаб ҳиссий зўриқиш ҳолати ғойиб бўлади. Бошқача айтганда, агар вужудингизни тўла тинчлик ҳолатига келтирсангиз, сиз ортиқ безовталанмай кўясиз.

Шу боис, толиқиш ва ташвиш пайдо бўлишининг олдини олсангиз, биринчи қоидага амал қилинг, у “тез-тез дам олиб туриш керак. Чарчашингиздан олдинроқ дам олинг”дан иборатдир.

Нима учун бу бунчалиқ муҳим аҳамиятга эга? Гап шундаки, толиқиш шиддат билан тўланади. АҚШ армиясидаги кўп тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳатто кўп йиллик ҳарбий тайёргарликдан ўтган йигитлар ҳам, агар ҳар соатда ўн дақиқа дам олсалар, оғир жанговар ҳаракатларда катта чидамлилиқ кўрсата олар эканлар. Шу боис армияда айнан шундай қилишга мажбур этишади. Юрагингиз буни мустақил бажаради. У ҳар куни темир йўл цистернасини тўлдиришга етгулик қонни ҳайдаркан. Йигирма тўрт соат ичида юрак уч фут баландликдаги платформага йигирма тонна кўмирни ортиш учун кифоя қиладиган қувватни сарфлайди. Бу ҳайратомуз ишни юрак эллиқ, етмиш ва балки тўқсон йил давомида бажариб туради. Бундай оғирликка юрак қандоқ чидаркин? Гарвард тиббиёт мактаби профессори доктор Уолтер Б.Кеннон буни қуйидагича изоҳлайди. У дейди: “Кўплар юракни тинимсиз ишлайди, дейди. Ҳақиқатда эса ҳар бир қисилишдан кейин у бирмунча муддат дам олади. Агар юрак дақиқасига ўртача етмиш марта уриб қисқарса, у аслида йигирма тўрт соатда фақат тўққиз соатгина ишлаган бўлади. Умуман, юрак бир кунда ўн беш соат дам олади”.

Иккинчи жаҳон урушида Уинстон Черчилл етмиш ёшларда эди. Бироқ ёши улуғлигига қарамай, у бир кунда ўн олти соат ишлар эди. Британия империяси армиясига бошчилик қилар экан, у бундай кун тартибига бутун уруш давомида риоя қилди. Унинг бу қадар фавқулудда иш қобилияти сири нимада эди? У газеталарни қараб чиқиш, буйруқларни айтиб туриш, телефонда гаплашиш ва муҳим учрашувлар ўтказиш билан машғул бўларди. Тушликдан кейин бир соат дам оларди. Кечқурун овқатланишдан олдин икки соат ухларди. У ҳордиқдан даволанмасди. Уни даволашнинг кераги бўлмасди, чунки у ўзини чарчатиб қўймасди. У доим тетик ва ғайратли эди ҳамда тез-тез дам олиш шарофати билан ярим тунгача ишлай оларди.

Жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ишчи, агар кўпроқ дам олса, катта ҳажмдаги ишни бажариши мумкин. Фредерик Тейлор пўлат қуйиш компаниясида буни намойиш қилган эди. Унинг кузатишича, ҳар бир юкчи тахминан 12,5 тонна чўянни машинага ортарди ва тушга яқин ҳаммалари чарчоқдан таппа-таппа ташларди. У чарчоқ келтириб чиқарувчи барча омилларни илмий тадқиқотдан ўтказди ва шундай хулосага келдики, ишчилар кунига 12,5 тонна эмас, балки 47 тонна чўян ортишлари мумкин экан. Унинг ҳисоб-китобларига қараганда, ишчилар ўз иш самарадорлигини қарийб тўрт мартагача оширишлари, бунинг устига олдингидан камроқ чарчашлари керак эди! Аммо буни нима билан исботлаш мумкин?!

Тейлор Шмидт бир ишчига ўз ишини хронометрлаб боришни таклиф этди.

Иш пайтида унга мутахассислар ҳамроҳлик қилдилар ва у ёки бу жараёни бажариш учун қанча вақт кетишини қайд этдилар. Улар унга бундай дер эдилар: “Энди қуймани кўтар-да, жўна, энди ўтириб дам ол, энди бор, дам ол”.

Хўш, нима бўлди? Шмидт кун бўйи 47 тонна чўянни ортди. Бошқа ишчилар эса атиги 12,5 тоннадан ортдилар. Ҳақиқатдан ҳам Фредерик Тейлор заводда ишлаб турган вақтда Шмидт жадвалда бирон марта хато қилмади. Шмидтнинг бундай натижалар кўрсатишига сабаб шунда эдики, у толиқишга улгурмасдан туриб дам оларди. У ҳар бир соатда тахминан 26 дақиқа ишларди, қолган 34 дақиқа дам оларди. У ишлашдан кўра кўпроқ дам оларди, аммо бошқаларга қараганда ишни тўрт баробар ортиқ бажарарди.

Булар барчаси қуруқ гаплар эмас. Сиз ашёвий маълумотлар билан Фредерик Уинслоу Тейлорнинг илмий бошқарув тамойиллари китобида танишишингиз мумкин.

## XXIII б о б

### ТОЛИҚИШДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ

Ақлий фаолият сизда ўзидан-ўзи толиқиш пайдо қилиши мумкин эмаслиги исбот этилган. Гарчи кулоққа ғалати эшитилса-да, бу ажойиб ва ҳайратомуз далил. Бироқ бир неча йил муқаддам олимлар инсон мияси ўз иш қобилиятини сусайтирмасдан қанча вақтгача фаолият кўрсатишини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, олимларнинг мияси орқали ўтадиган қонда чарчоқ аломатлари кузатилмаганини билдилар! Агар ишчи қонидан анализ олсангиз, унда чарчоқ токсинлари ва чарчоқ маҳсулотлари деган нарсаларнинг талай миқдорини топасиз. Бироқ борди-ю, Альберт Эйнштейн миясидан бир томчи қонни олсангиз, унда иш кунининг охиригача чарчоқ токсинларидан ном-нишон кўрмайсиз.

Мияга келсак, у иш бошлаганидан кейин ўн икки соатдан сўнг ҳам худди ҳозир иш бошлагандек яхши ва аниқ ишлаши мумкин. Миянинг ўзи толиқиш нималигини билмайди. Ундай ҳолда сизни чарчатаётган нарса нима бўлди экан?

Руҳшуносларнинг айтишича, асосан бизнинг толиқишимиз руҳий ва ҳиссий ҳолатимиз билан белгиланади. Энг етук инглиз руҳшуносларидан бири Ж.Э.Хеллфилд ўзининг “Куч руҳшунослиги” китобида бундай деб ёзади: “Бизни қийнайдиган толиқиш аксар ҳолда руҳоний табиатига эга. Соф жисмоний сабаблардан келиб чиқувчи қаттиқ толиқиш жуда кам учрайди”.

Қандай ҳиссий омиллар столда ўтирган ақлий меҳнат одамида чарчоқ келтириб чиқариши мумкин? Севинчми? Лаззатми? Ҳеч қачон! Зерикиш, алам, меҳнати муносиб баҳоланмагани, куйиниш, сарф қилган саъй-ҳаракатларининг беҳудалигини ҳис этиш, шошиш, ташвиш, безовталиқ — мана сизга ақлий меҳнат ходими чарчоқлигининг ҳиссий сабаблари. Мана шу сабаблар уни шамоллаш касалликларига чидамсиз қилиб қўяди, меҳнат унумдорлигини пасайтиради, ишни тўхтатади қўйишга мажбур этувчи бош оғриқлар келтириб чиқаради. Ҳа, биз чарчаймиз, чунки бизнинг ҳиссиётларимиз танзимизда асабий зўриқиш келтириб чиқаради.

Ақлий меҳнат билан машғул бўлар эканмиз, нима учун вужудимизда кераксиз зўриқишни пайдо қиламиз? Жосселин айтади: “Мураккаб ишни бажариш учун зўриқишни ҳис этиш талаб этилади, акс ҳолда бу ишни бажариб бўлмайди десак, қарийб оммавий эътиқод асосий тўсиқ ҳисобланади, деб ўйлайман”. Айнан шунинг учун ҳам бирон нарсага диққатимизни жамласак, хўмрая бошлаймиз. Биз етти букиламиз. Мушакларимизни таранглашишга мажбур этамиз, бу эса миямизнинг ишлашига ҳеч қандай ёрдам бермайди.

Сиз қандай йўл билан зўриқишдан халос бўласиз? Миядан бошлайсизми ёки асабданми? Йўқ. Сиз ҳар доим мушакларингиздаги тангликни бартараф этишдан бошлайсиз!

Зўриқиш ва толиқиш сизни жуда тез қаритади. Баданингиздаги селни қуритиб, тароватингизни йўқотади.

Энди уйда бажаришингиз мумкин бўлган бир қанча ишлар билан танишинг. Бир ҳафта давомида бажариб боринг-чи, кейин ташқи кўринишингиз ва кайфиятингизда қандай ўзгаришлар бўлганини кўрамиз!

А. Чарчоқни ҳис қилганингизда, ерга узула тушиб чалқанча ётинг. Бор кучингиз билан керишинг. Истасангиз, у ва бу ёнингизга ағдарилинг. Кунда икки мартадан бажаринг.

Б. Кўзларингизни юминг. Профессор Жонсон маслаҳат берганидек, тахминан қуйидаги сўзларни такрорланг: “Қуёш бошимдан ўзининг кумуш нурларини сочмоқда. Мовий осмон чарақлаб турибди. Табиат тинч нафас олмоқда. У дунёни бошқармоқда. Мен — табиат фарзандиман ва табиат билан ҳамнафас яшайман”. Аммо, энг яхшиси, дуолар ўқинг.

В. Ётишга имконингиз бўлмаса, чунки духовкада гўшт димланган ва машғулотлар учун вақтингиз бўлмаса, стулда ўтириб бажарсангиз ҳам бўлади. Суянчиғи баланд қаттиқ стул бўлса, ундан яхши. Миср ҳайкалидек тикка ўтиринг, қўлларингизни тиззаларингиз устидан қафтларингизни пастга қилиб, қўйиб олинг.

Г.Энди аста оёқ бармоқларингизни керинг, сўнг аста-секин тарангликни йўқотиб, оёқ мушакларингизни керинг. Ҳар бир мушак гуруҳи учун шуни такрорлаб, то бўйинга етмагунча пастдан юқорига

қараб ҳаракат қилинг. Кейин бошингизни футбол тўпидек елкаларингизга эгинг. “Тинчланинг, тинчланинг”, деганча мушакларингизга мурожаат қилиб туриг.

Д. Оҳиста равон нафас олинг, асабларингизни тинчлантиринг, чуқурроқ нафас олиг. Бир маромда нафас олиш — асабларни тинчлантиришнинг энг яхши йўли, деб ҳинд йоглари айтишган.

Е. Юзингиздаги ажин ва тиришлар ҳақида ўйланг ва хаёлан уларни текисланг. Хўмрайганингизда қошларингиз орасида пайдо бўладиган тиришларни текисланг, буни кунда икки мартадан бажаринг, юзингизни уқалатиш учун пардозхонага боришингизга ҳожат қолмайди. Ташвиш билан бирга ажинлар ҳам йўқ бўлиб кетса, эҳтимол.

## XXIV б о б

### ТЎРТ ФОЙДАЛИ МЕХНАТ МАЛАКАСИ

Мехнат малакаси 1: Иш столингизни ҳозир бажара олган ишингизга бевосита алоқаси бўлмаган барча қоғозлардан енгиллатинг.

Вашингтондаги конгресс кутубхонасида бўлсангиз, шифтга шоир Александр Поп қаламига мансуб биргина сатр шеър ёзиб қўйилганига кўзингиз тушади: “Тартиб — бу биринчи осмоний қонун”. Тартиб бизнеснинг биринчи қонуни бўлиши керак. Аслида ҳам шундаймикан? Ҳеч ҳам ундай эмас. Одатда, бизнесменнинг столи у ҳафталаб қўлига олмайдиган турли қоғозларга кўмилган бўлади. Янги Орлеандаги газета ношири менга ҳикоя қилиб беришича, котиба унинг столини у ерда тўпланиб қолган қоғозлардан тозалаганда, тагидан икки йил бурун йўқотиб қўйилган ёзув машинкаси чиққан экан!

Қоғозлар, хатлар, маърузалар ва хабарларга кўмилган столга кўзингиз тушган ҳамон вужудингизни безовталиқ, танглик ва ташвиш эгаллайди. Аммо бу ҳали энг ёмони эмас. Столдаги тартибсизлик — бу бажаришга вақт бўлмаган миллионта ишни қилиш кераклиги ҳақида мутгасил эслатиб туриш дегани, бундан пайдо бўлган ташвиш қон босимингиз ошишига, юрак муаммоси ёки ошқозон яраси вужудга келишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Асаби ишдан чиққан бир бемор ёрдам сўраб доктор Уильям Л.Сэлдер қабулига киради.

“Бу одам дардини айтар экан, — деб ҳикоя қилади доктор Сэлдер, — телефон жириглаб қолди. Касалхонадан кўнғироқ қилишаётган экан. Мен ўша заҳотиёқ масалани бир ёқлиқ қилиб бердим. Гўшакни жойига қўйишим билан яна жириглади. Иш шошилинич бўлиб, талай вақт муҳокама қилинди. Учунчи гал суҳбатимизни бир мушкул воқеа бўйича маслаҳат олишга кирган ҳамкасабам бўлди. У билан гапни тугатиб, ниҳоят яна беморга мурожаат қилдим. Уни куттириб қўйганим учун кечирим сўрай бошладим. Бироқ унинг чехраси ёришиб, мутлақо бошқача ифода касб этди.

— Кечирим сўраманг, доктор, — деди у, — мана шу ўн дақиқа ичида, назаримда, кўзим мошдек очилди. Мен идорамга қайтаманда, ишдаги тартибимни қайта кўриб чиқаман. Бироқ, энг аввал, йўқ демасангиз, сизнинг ёзув столингизни бир кўрсам дегандим.

Доктор Сэлдер столи тортмасини очди. У ерда ёзув-чизув буюмларидан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. “Айтинг-чи, — деди бемор, — тугалланмаган иш қоғозларингизни қаерда сақлайсиз?”

— Мен ҳаммасини тугаллаб бўлганман, — жавоб берди Сэлдер.

— Ҳали жавоб қайтарилмаган хатлар қаерда?

— Ҳамма хатларга жавоб қайтарганман, — деди унга доктор Сэлдер. — Жавоб берилмаган хатларни бир четга ташлаб қўядиган одатим йўқ. Жавобни ўша заҳоти котибамга айтиб ёздираман.

Олти ҳафтадан кейин шу бемор доктор Сэлдерни идорасига чақирди. У жуда ўзгариб кетганди. Ёзув столининг кўриниши ҳам ўзгарганди. Тортмаларини очиб кўрсатганда ичида ишлов берилиши керак бўлган ҳужжатлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Олти ҳафта илгари идорамда иккита стол турарди. Иккаласи ҳам қоғозларга қўмилиб ётарди. Иш тугамайдигандек туюларди. Сиз билан бўлган суҳбатдан кейин идорамга қайтдим-да, маърузаларнинг эски ҳисоботларини бир машина қилиб чиқариб ташладим. Энди, мана, битта стол кифоя қилмоқда. Энди илгари менинг ғашимга тегадиган, ташвишга соладиган тугалланмаган ишлар йўқ, ҳаммасига ўша заҳоти нуқта қўяйман. Аммо ҳаммадан ҳам бутунлай соғайиб кетганимдан ҳайратда қолаяйман. Энди ўзимни гижинглаган тойдай ҳис қилайман”.

АҚШ олий судининг собиқ бош судьяси Чарльз Эванс Хьюз деган эди: “Ҳаддан ташқари кўп ишлаш одам ўлимига сабаб бўлолмайди. Улимга фақат кучни беҳуда сарфлаш ва ташвиш сабаб бўлади”. Ҳа, айнан шундай. Ўз ишини ҳеч қачон бажара олмайдигандек бўлиб кўринганидан ташвишланиб ва ортиқча куч сарфлаб ўладилар одамлар”.

### Меҳнат малакаси 2:

Вазифаларни уларнинг муҳимлигига қараб ҳал этинг.

Шаҳар хизматлари умуммиллий компанияси алоқачиси Генри Л. Дохерти айтган эдики, тўланадиган иш ҳақи миқдори қанчалигидан қатъи назар, ходимларда икки хислатни топиш амри маҳол: биринчиси, ўйлаш қобилияти ва иккинчиси, вазифаларни уларнинг мукамаллиги тартибида ҳал этиш. Ишни шу жойда бошлаган ва ўн икки йил ичида “Пепсодент” компанияси президентиғача ўсган йигит Чарльз Лукман йилига юз минг доллар миқдорида иш ҳақи олар ва бундан ташқари яна миллион доллар ишлаб топар эди. Айнан шу йигитнинг айтишича, у ўзининг Генри Дохерти айтганидек, топиш амри маҳол бўлган икки хислатни ривожлантириш шарофати билан муваффақиятга эришган экан. Чарльз Лукман бундай деган: “Эсимда, мен ҳар доим эрталаб соат бешда турардим, чунки бу вақтда ҳаммадан яхши ўйлар, демакки, бир кунлик тadbирларимни яхши режалаштирар ва муҳимлигига қараб, қайсинисини қилишим кераклигини ҳал этиб олар эдим”.

Агар Жорж Бернард Шоу биринчи даражали ишларни аввал бажаришнинг ёзилмаган қоида-қонунга риоя қилмаганида, у ёзувчи бўла олмаган ва бир умр банкда ҳазинабон бўлиб қолган бўларди.

Унинг бир режаси бўлиб, унга кўра бир кунда беш саҳифадан ёзиб бориши керак эди. Бу энг оғир режа тўққиз йил давомида унинг жонига ора кирди ва у кунига беш саҳифадан ёзиб борганига қарамай, бу вақт ичида атиги ўттиз доллар ишлаб топар эди, холос. Яъни, кунига бир пеннидан<sup>1</sup> тўғри келарди. Ҳатто кимсасиз оролда яшаган Робинзон Крузо ҳам ҳар бир кунга соатбай режа тузиб оларди.

### Меҳнат малакаси 3:

Муаммога дуч келганингизда, агар сизда қарор қабул қилишга далиллар бор бўлса, уни зудлик билан ҳал этинг. Қарор қабул қилишда имилламанг.

<sup>1</sup> П е н н и — финларда майда чақа пул.

Собиқ тингловчиларимдан бири Х.П.Хауэлл менга компанияларидаги мажлислар жуда узоқ чўзилиб кетиши ҳақида сўзлаб берган эди. Уларда кўп масалалар муҳокама қилинар экан-у, лекин қарорлар оз қабул қилинар экан.

Бу шунга олиб келганки, бошқарувнинг ҳар бир аъзоси ҳужжатларнинг кўпчилигини уйда кўриб чиқишлари керак бўлган.

Пировардида, мистер Хауэлл бошқарув аъзоларини ҳар бир мажлисдан биттадан масалани кўриб чиқишга, аммо унинг учун кечиктирмай ва сансалорлик қилмай аниқ ечимлар топишга кўндиришга муваффақ бўлган. Қарор қабул қилиш учун зарурий қўшимча далилларни тўплаш, қандайдир чоралар кўриш ёки умуман ҳеч нима қилмаслик — бор-йўқ қарор шу. Бироқ кейинги саволга ўтишдан олдин ечим, албатта, топилиши шарт бўлган. Мистер Хауэлл менга айтдики, натижалар жуда тез ўзини билдирган ва ишнинг яхшиланишига олиб келган: мажлиснинг кун тартибига киритилган барча масалалари тўлиқ кўриб чиқилган, навбатдаги масалани кўриб чиқиш чоғида бошқа имиллашлар бўлмаган ва даста-даста ҳужжатларни уйга кўтариб кетишга ортиқ зарурат қолмаган. Ҳал этилмай қолган муаммолар туфайли ҳеч ким бошқа ташвиш тортмаган.

Бу яхши қоида, у компания директорлари кенгаши мажлислари учунгина эмас, балки сизу бизнинг ишларимиз учун ҳам қўл келиши турган гап.

Меҳнат малакаси 4:

Ташкил этишни, вакиллар жўнатишни ва назорат қилишни ўрганинг.

Кўпгина бизнесменларнинг барвақт гўрга кириб кетишлари сабаби шундаки, ўз ваколатларини бошқаларга топширишни ўргана олмаганлар. Натижада улар майда-чуйдаларга ва ноаниқликларга ўралашиб қолганлар. Улар мутгасил шошганлар, ташвишланганлар, ҳаяжонланганлар ва зўриққанлар. Ваколатини топширишга ўрганиш гоят қийин. Бундай қилиш менга ҳам қийин эди, жуда ҳам қийин эди. Мен яна ўз тажрибамдан биламанки, ваколат топшириладиган одамни танлашда агар хатолик ўтса, натижаси чиндан ҳалокатли бўлиши мумкин. Аммо вазифа ҳар қанча оғир бўлмасин, агар ташвишдан, зўриқишдан ва толиқишдан қочиб қутулолмаса, бошқарувчи уни, албатта, бажариши керак.

Йирик корхона тузаётган ва аммо ишни ташкил этишни, ваколатни топширишни ва бошқалар ишини назорат қилишни ўрганмаган одам, одатда, эллик-олтмиш ёшларга келиб, зўриқиш ва ташвишлар туфайли юрак касаллиги орттириб олиши ҳеч гап эмас. Аниқ мисоллар истайсизми? Маҳаллий газетамизда чоп этиладиган ўлим ҳақидаги хабарларга кўз ташланг, бас.

## XXV б о б

### **ЧАРЧОҚЛИК, ТАШВИШ ВА ХАФАГАРЧИЛИК ТУҒДИРАДИГАН ЗЕРИКИШДАН ХАЛОС БЎЛИШ**

Дилгирлик — чарчоқликнинг бош сабабларидан бири. Мисол учун, келинг, стенографчи қиз Алисага нима бўлганини кўриб чиқайлик. Бундай Алиса, ҳойнаҳой, сизнинг кўчангизда ҳам бўлса керак. Кечқурун чарчоқликдан оёқлари шол бўлган Алиса уйга келди. Оғриқдан ҳатто боши чатнаб кетмоқда. Азбаройи чарчаганидан овқат



ҳам емаса-ю, таппа ташлаб ётса. Онаси унинг жонига ора қирмоқчи бўлади. Қиз столга келиб ўтиради. Бирдан телефон жиринглайди. Бу унинг йигити. У қизни рақсга таклиф қиляпти. Алисанинг кўзлари ёнишини кўрсангиз. Бундан тетикланади, учиб тепага чиқади. Мовий кўйлагини кияди ва тунги соат учгача рақс тушади. Уйга қайтаётганда эса унда чарчоқдан асар ҳам кўринмайди. Аксинча, тўлқинлангани шунчаликки, уйқуси ҳам келмасди.

Чарчагандай бўлиб кўринганида ва саккиз соат муқаддам ўзини чарчагандай тутганида, Алиса ростданам чарчаганмиди? Бўлмасамчи, у чарчаганди, унинг иши зерикарли эди. Балки ёруғ оламда яшаш унинг жонига теккандир. Бундай Алисалар миллионлаб. Эҳтимол, сиз — шулардан бирисиз.

Шу нарса яхши маълумки, одатда чарчоқлик жисмоний зўриқишдан кўра кўпроқ ҳиссий ҳолатга боғлиқ бўлади. Дилгирликдан чарчоқлик келиб чиқиши борасида доктор Жозеф Э.Бармак талабаларда тест синовлари олиб борди. Бу тестлар талабаларда кам қизиқиш уйғотишини у биларди. Натижа нима бўлди дейсизми? Талабалар толиқиб, уйқулари келди. Бошлари, кўзлари оғриб, асабийлашдилар. Баъзиларининг қорни ҳам оғриди. Хўш, буларнинг барини тасаввур ўйини деб аташ керакми?

Йўқ, албатта. Бу талабаларда моддалар алмашинуви суръатини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилганди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳақиқатан ҳам одам дилгир бўлса, қон босими пасаяр ва кислород истеъмоли қисқарар экан. Иш унга завқ бағишлаши ҳамон унга қизиқ туюла бошларкан, алмашинув шароитлари зумда фаоллашаркан.

Қизиқ ва серзавқ иш билан шуғулланар эканмиз, биз деярли чарчамаймиз. Мисол учун, яқинда мен Канаданинг Луиз кўлидаги қоядор тоғларида дам олган эдим. Каррал-Крик дарёсида бир неча кун балиқ тутдим. Бўйимдан баланд келадиган бутазор оралаб борар эдим, қулаган дарахтлар йўлимни тўсарди, аммо саккиз соатлик бу синовларда заррача толиқиш сезмадим. Нима учун? Гап шундаки, кайфиятим кўтаринки эди. Кун ажойиб бўлиб, олгита катта-катта балиқ тутган эдим. Бироқ, дейлик, балиқ ови зерикарли бўлганида эди, бундай жисмоний ҳолатимда ўзгариш бўларди, деб ҳисоблармидингиз? Албатта, бўларди. Денгиз сатҳидан етти минг фут баландликда бу қадар зўриқишдан кучли чарчоқ мени ҳолдан тойдирган бўларди.

Ушбу боб устида ишлар эканман, бир куни кечқурун Жером Керннинг “Йиғлоқи театр” деган ажойиб мусиқали комедиясининг янги постановкасини томоша қилгани бордим. “Пахтагули” кемаси капитани Энди ўзининг бир фалсафий монологада бундай дейди: “Кўнгилларига ёққан нарсани қилган одамларгина бахтлидирлар. Уларнинг бахтиёрлиги шундаки, улар кўпроқ ғайратчан, кўпроқ қувноқ, камроқ ташвишли ва камроқ чарчаган бўладилар. Куч-ғайратимиз манфаатларимиз сари йўналтирилган бўлмоғи керак.

Келинг, тангликни олиб ташлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бунинг қандай қилинишини кўрсатиш учун кўздан бошлаймиз. Ушбу параграфни ўқиб чиқинг ва унинг охирига етганда ўзингизни ўриндиқ суюнчиғига ташланг. Кўзингизни юминг ва хаёлан кўзларингизга: “Тинчланинг, тинчланинг, таранглашманг, таранглашманг, тинчланинг, тинчланинг”, денг бир дақиқа давомида буни такрорлаб туринг.

Бир неча сониядан сўнг кўз мушакларингиз сизга қулоқ сола бошлаганини пайқадингизми? Тангликни қўл билан юлиб олиб ташлагандек ҳис этдингизми? Бу қанчалик галати эшитилмасин, бир дақиқа ичида сиз ўз тажрибангизда моҳиятни ҳис этдингиз ва релаксация санъат сирини англадингиз. Жағлар, юз, бўйин, елка ва бутун танадаги мушаклар билан ҳам шундай машқ қилишингиз мумкин. Аммо энг асосий аъзо бу — кўз. Чикаго университетидан доктор Эдмунд Жакобсон бундай деб марҳамат қилади: “Агар кўзларингиздаги тангликни бутунлай бартараф этсангиз, барча муаммоларингизни бирваракайига унутишингиз мумкин!”

Асабий кескинликни юмшатишда кўзлар катта рол ўйнайди. Бу шу билан боғлиқки, улар инсон вужудидаги бутун асаб қувватининг тўртдан бир қисмидан фойдаланади. Айнан шунинг учун кўзлари соғлом жуда кўп одамлар кўзлари тез толиқишидан азият чекадилар. Улар кўзларига зўр берадилар.

Қуйидаги беш маслаҳат сизга релаксацияни ўрганишда ёрдам беради:

1. Шу мавзуга оид энг яхши китоблардан бирини мутолаа қилинг. Унинг муаллифи Дэвид Гарольд Финк. Китоб “Асаб зўриқишидан халос бўлиш” деб аталади.

2. Имкон топилди дегунча ҳар доим баданингиздан тангликни йўқотинг. Баданингиз эски пайпоқдай юмшоқ бўлиб қолсин. Ишлаётган вақтимда рўпарамдаги столга тўқ қизил рангдаги эски пайпоғимни ташлаб қўяман. У менга баданим қандай юмшоқ бўлиши кераклигини эслатиб туради. Агар пайпоғингиз бўлмаса, мушук ҳам бўлаверади. Бирор марта офтобда бўшашган мушукни қўлингизга олганмисиз? Агар олган бўлсангиз, унинг боши ва думи ҳўл газетага ўхшаб кафтингизга осилиб тушганига эътибор берган бўлишингиз керак. Ҳатто ҳинд йоглари ҳам, агар сиз релаксация санъатини эгалламоқчи бўлсангиз, мушукнинг феълини ўрганишингизга тўғри келади, дейишган экан. Мен ҳеч қачон чарчаган мушукни кўрган эмасман. Мушукларда ҳеч қачон асаббузарлик бўлмайди. Мушуклар уйқусизликдан, безовталиқдан, ошқазон ярасидан ҳеч қачон азият чекмайди. Мушуклар қилганидек, танангиздаги тангликни йўқотишга ўргансангиз, сиз ҳам, эҳтимол, мана шу “палакатлардан” қутулармидингиз.

3. Қулай ҳолатда иложи борица мушакларни зўриқтирмасдан ишланг. Эсингизда бўлсин, баданни таранглаштирар экансиз, елкаларингизда оғриқ пайдо қиласиз ва асабларингиз толиқади.

4. Ўзингизга: “Ишимни аслидагидан қийинроқ бажараяпманми? Уни бажариш зарурати талаб этилмайдиган мушаклардан фойдаланмаяпманми?” — деб савол бериб, кунда ўзингизни тўрт ё беш марта текшириб боринг. Бу сизга баданингизни танглиқдан халос этиш кўникмасини шаклантиришга ёрдам беради. Зеро, доктор Дэвид Гарольд Финкнинг сўзларига кўра, бу кўникма руҳшуносликнинг энг яхши билимдонлари орасида кенг тарқалган.

5. Ўзингизга: “Қанчалик чарчадим? Агар чарчаган бўлсам, бу мен қилган ақлий меҳнат туфайли бўлдим,

уни қай йўсинда бажарганим туфайли бўлди?” — деб савол бериб, кун охирида ўзингизни яна бир карра текшириб кўринг. “Қилган ишимни чарчаганимга қараб эмас, балки қанчалик чарчаганимга қараб баҳолайман, — деган эди доктор Даниэль У Жоселин. — Кун охирида ўзимни айниқса чарчоқ ҳис қилганимда ёки ортиқ даражада асабийлашув чарчаганимдан дарак берганида, ҳеч шубҳасиз, қилган ишимнинг сифат жиҳатдан эмас, балки миқдор жиҳатидан ҳам куним муваффақиятсиз ўтган бўлади”. “Агар ҳар бир ишбилармон шуни эътиборга олса, бир кечада ўта зўриқиш билан боғлиқ касалликлардан ўлиш кўрсаткичи кескин қисқаради. Санаторияларимиз ва уйларимиз чарчоқ ва ташвиш билан асаб касалликларидан соғлиғини ишдан чиқарган одамларга бу қадар тўлиб-тошиб кетмаган бўларди.

## XXVI б о б

### УЙ БЕКАСИНИНГ ЧАРЧОҚДАН ҚУТУЛИБ, ЁШ КЎРИНИШИ ХУСУСИДА

Ўтган кузда ходималаримиздан бири тиббиёт бўйича дунёдаги энг гаройиб курслардан бирида иштирок этиш учун Бостонга борди. Тиббиёт бўйича? Ҳа, тиббиёт бўйича деса ҳам бўлади. Курслар Бостон касалхонасида ҳафтада бир марта ўтказилар ва унда қатнашадиган беморлар курсларга қабул қилинишдан олдин синчиклаб тиббий кўрикдан ўтар эканлар. Гарчи расман амалий руҳшунослик курслари деб аталса-да, улар руҳшунослик мақсади ташвишидан бемор бўлганларга ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Бундай беморларнинг кўпчилигини руҳий тангликка дучор бўлган уй бекалари ташкил этарди.

Бу курслар қандай вужудга келган эди? 1930 йилда доктор сэр Жосеф Х.Пратт, гарчи ташқаридан қараганда ҳақиқатан ҳам у ёки бу касаллик аломатлари пайдо бўлган эса-да, Бостон касалхонасининг аксарият беморлари жисмоний касалликлардан азият чекмаганларига эътибор қаратди. Бир аёлнинг қўллари артритдан дабдаласи чиққан бўлиб, иш қилолмасди. Беморларнинг бири бел оғриғи, бири бош оғриғи билан, яна бошқалари сурункали чарчоқдан қийналарди. Улар ростдан ҳам оғрир эдилар. Аммо энг пухта тиббий кўрик ҳам уларнинг жисмоний жиҳатдан мутлақо соғлом эканликларини кўрсатган. Кўплаб эски мактаб шифокорлари улар барчасининг касаллиги — улар тасаввурининг меваси бўлиб, сабаби эса мияда, деб айтган бўлишарди.

Аммо доктор Пратт бундай бемор аёлларга: “Уйга боринг-да, оғриқларингизни унутинг”, — деб айтиш беҳудалигини англади. Бу аёлларнинг кўпчилиги оғришни истамаганини у биларди. Агар касалликларни унутиш осон бўлганида, буни айтмаса ҳам ўзлари қилаверишарди. Хўш, қандай чора кўриш мумкин эди? У тиббиётга ишонадиганларга ўчакишиб, ўз курсларини очди. Ҳайҳот, нақ мўъжиза рўй берди, десангиз! Очилганидан бери ўтган ўн саккиз йил ичида минглаб беморлар у ерда шифо топди. Айримлари курсларда йил бўйи қатнашди. Улар курсларга қандайдир диний муносабатда бўлдилар ва худди черковга қатнагандек қатнар эдилар. Ходимам бир аёлнинг тўққиз йилдан кўпроқ вақт давомида битта ҳам машғулотни қолдирмай қатнаганини айтди. У клиникага

биринчи бор келганида буйраги ва юрагида касали борлигига қаттиқ ишонган. У бундан ташвишланиб, азбаройи зўриққанидан аста-секин кўзлари хиралаша боршлаган ва деярли кўрмайдиган бўлиб қолган. Лекин ҳозир у соғлиги мутлақо жойида эканига имони комил. Кўринишидан қирқ ёшларга ўхшаса-да, қўлида неварасини кўтариб олган.

“Илгари оиладаги муаммолардан шунчалик ташвиш чекардимки. — дейди у, — яшагим келмасди. Клиникада эса ташвиш ноўрин эканини тушуниб етдим. Мен ташвишланишдан қочишни ўргандим. Ҳозир эса беғам-беташвиш яшаяпман, деб бемалол айта оламан”.

Курсларда тиббий маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган доктор Роза Хилферднинг айтишича, ташвишни енгиллаштирувчи энг яхши дори бу ташвишни ўзи ишонган бир одамга тўкиб солишдир. Буни биз “катарсис” деб атаёмиз.

Маълум даражада руҳий тадқиқот сўзларнинг шу шифобахш кучига асосланади. Фрейд замониданоқ руҳий тадқиқотчилар агар гапирса, шунчалик гап сотса, бемор ўзининг ички ташвишларидан халос бўлишини билганлар. Нега шундай? Балки, суҳбат чоғида ички муаммоларимизни моҳиятан ва уларнинг ҳақиқий сабабини яхшироқ тушунамиз? Ҳеч ким тўлиқ жавоб беролмайди. Аммо агар юрагидаги гапларни тўкиб солса ва ҳимоя қилса, киши дарҳол енгил тортишини ҳамма билади.

Ўз муаммоларини айтиб бериш — Бостон касалхонасидаги курсларда фойдаланиладиган асосий муолажа усулларидан бири. Дарвоқе, биз у ерда қатор ғояларни олдик ва уй бекаси сифатида биз уларни мустақил бажаришимиз мумкин.

1. Жонлантирувчи мутолаа учун ўзингизга дафтар ёки ён дафтар тутинг. Бу дафтарга шеър, қисқа дуолар ёки кайфиятингизни кўтарувчи ва ўзингизга ёққан парчаларни ёзиб қўйинг. Руҳингиз тушганда ўқиб, гамингизни аритинг.

2. Бошқа одамлар камчиликларини таҳлил қилишга қаттиқ киришиб кетманг. Ҳеч шубҳа йўқки, эрингизнинг камчиликлари бисёр. Агар фаришта бўлганида у сизга уйланмаган бўларди. Шундай эмасми? Ўзининг сержаҳл ва вайсақи хотинга айланиб қолаётганини сезиб қолган бир аёл курсларга қатнай бошлаган. Кутилмаганда менинг: Агар эрингиз ўлиб қолса, нима қилар эдингиз? — деб савол берганимдан кейин у дарҳол эрининг фазилатларини қайд этишга киришди. Эрининг фазилатлари талайгина экан. Агар сиз аллақандай зикна ва золим одамга турмушга чиққан бўлсангиз, балки сиз ҳам шундай йўл тутганингиз маъқулдир. Унинг яхши жиҳатлари рўйхатини тузар экансиз, бу айтиш сизга керакли одам эканидан бохабар бўларсиз, балки?

3. Ёнингизда яшайдиган одамларга қизиқиб қаранг. Сиз билан бирга ва бир кўчада яшайдиган одамларга нисбатан ўзингизда соғлом ва дўстона муносабатни ривожлантиринг.

4. Уйқуга ётишдан олдин эртанги ишингизни режалаштиринг. Машғулотлар вақтида кўпгина уй бекалари сонсиз рўзғор юмушларидан тинкалари қуриши маълум бўлган. Уларга қилиниши шарт бўлган юмушлар рўйхати тузиш таклиф этилган. Натижа қандай бўлган? Ҳам кўп юмуш бажарилган, ҳамда уй бекалари кам чарчаган. Дам олишга ҳам, ўзларига қарашга ҳам вақтлари бемалол етадиган бўлган.

Ниҳоят, зўриқиш ва толиқишдан ўзингизни олиб қочинг. Мушакларингиздаги тангликни йўқотишга ҳаракат қилинг.

## XVII б о б

УЙҚУСИЗЛИК ТАШВИШИДАН ҚУТУЛИШ  
ХУСУСИДА

Сизни уйқусизлик безовта қиладими? Борди-ю, шундай бўлса, балки умрида бирон марта тузук ухлолмаган дунёга таниқли ҳуқуқшунос Сэмюэль Унтермейер қилган нарсани қилиб кўрарсиз?

Коллежга ўқишга кирган чоғида уни икки нарса қийнади: дамқисма ва уйқусизлик. Сирасини олиб қараганда, у на унисидан ва на бунисидан халос топа олганди, шунинг учун у бундай пайтда татбиқ қилиш мумкин бўлган ягона чорани қўлади: тунги бедорликдан фойдаланиб қолиш. Шу боис ухлолмаганидан қаравотда ётиб асабийлашиш ўрнига у ўрнидан турарди-да, вақтини машғулотларга сарфларди. Натижа қандай бўлди дейсизми? У барча фанлардан энг яхши талабага айланди ва Нью-Йорк шаҳри коллежининг билимдон талабаси деган фахрий номга эга бўлди.

У ҳуқуқшунослик амалиёти билан шуғуллана бошлаганидан кейин ҳам ўша-ўша уйқусизликдан азият чекар эди. Аммо Унтермейер бундан заррача ташвишланмасди. “Менга табиатнинг ўзи ғамхўрлик қилади”, — дер эди у. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Гарчанд кам ухласа-да, соғлиги-га путур етмади, Нью-Йорк шаҳри адвокатурасида ҳар қандай бошловчи ҳуқуқшунос каби ғайрат билан ишлаш қобилиятини сақлаб қолди.

У ҳамкасабаларидан кўра кўпроқ ишларди, чунки улар ширин уйқуни ураётганларида, тер тўкиб меҳнат қилар эди-да!

Иигирма етти ёшида Сэм ҳар йили етмиш беш минг доллар ишлаб топарди. Унинг услубини ўрганиб, энди бошқа тажрибасиз адвокатлар унинг иштирокидаги суд мажлисларига келар эдилар. 1931 йилда у, ҳойнаҳой, энг юқори иш ҳақи — юриспруденция тарихида ҳали бунақаси бўлмаганди — бир миллион доллар кафтига нақд келиб тушарди. Пулнинг тагида қолиб кетди дегани шу бўлса керак.

Аммо у ҳамон уйқусизликдан азоб чекарди. Одатдагидек, туннинг ярмини мутолаага бағишларди, кейин эса соат бешда ўрнидан туриб, хатларни айтиб ёздиришга тутинарди. Кўпчилик одамлар ўз меҳнат кунларини бошлай деб турганларида у кундалик ишининг деярли ярмисини дўндириб қўйган бўларди. Гарчи умрида бир кун ҳам одамлардай ухламаган бўлса-да, у саксон бир йил умр кўрди. Борди-ю, уйқусизлиги туфайли ташвишланиб ва нолиб юрганида, ким билсин, алақачон ҳаётига нуқта қўйган бўлармиди.

Умримизнинг учдан бир қисми уйқуда ўтади. Аммо уйқу нималиги ҳақида ҳеч ким тирноқча тасаввурга эга эмас. Бунинг вужудимиз сарф этган қувватнинг ўрини тўлдириш учун фойдаланиладиган одат, ҳордиқ эканини биламиз, бироқ уйқу учун ҳар бир одамга қанча вақт талаб этилишини билмаймиз. Биз, умуман, ухлашимиз керакми, йўқми эканини-да билмаймиз.

Сиз буни хаёлпарастлик деб ўйлаяпсизми?

Биринчи жаҳон уруши вақтида Пауль Керн деган бир венгер аскарни бошидан оғир яраланди. Уқ унинг миясининг олд томонига келиб текканди. У соғайиб кетди, аммо қизиги шундак, у ухлолмасди. Шифокорларнинг қилмаган амали қолмади, то гипнозгача бордилар, аммо Керн мижжа қоқмасди. Шифокорлар уни кўп яшамайди деб хулоса чиқаришди. Лекин Керн уларга боплаб панд берди. У ўзига муносиб иш топди ва узоқ йиллар соғу саломат ҳаёт гаштини сурди.

У тўшакда ётар, кўзларини юмар ва дам оларди. Бироқ уйқудан дом-дарак йўқ. Унинг касали — тиббиёт жумбоғи бўлиб, уйқу табиати тўғрисида кўплаб тасаввурларимизни ағдар-тўнтар қилиб ташлади.

Уйқусизликдан ташвишланиш гоҳо уйқусизликнинг ўзидан кўра кўпроқ зарар келтириши мумкин. Тингловчилардан Айра Сандер сурункали уйқусизлик туфайли ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлган.

“Жинни бўлиб қоламан деб ўйлардим, — деди у менга. — Муаммо шунда эдики, илгари мен тош қотиб ухлардим. Ҳатто будильник овозига ҳам уйғонмай, кўпинча ишга кеч борар эдим. Бошлигим ҳар гал огоҳлантириш берар ва мен ишимдан ажраб қолишдан кўрқардим.

Бари бир шу будильник қурмагур бошимга битган бало бўлди. Унинг тинимсиз чиқ-чиқи сира уйқу бермас, у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилар эдим. Эрталаб касалга ўхшаб турардим. Саккиз ҳафта азоб чекдим. Ақлдан озиш даражасига етдим. Баъзан тунлари уйда кезинар эканман, деразадан ўзимни ташлаб ўлдириб қўя қолсам, деб ўйлардим.

Охири мен бир умрлик таниш шифокор ҳузурига бордим. У: “Айра, сенга ёрдам беролмайман. Ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди, чунки ўзинг ўзингни шу ҳолга солгансан. Уйга бор-да, кечаси ётиб ухла, агар уйқунг келмаса, бу ҳақда ўйлашни унут... Тупурдим бу уйқусизликка, эрталабгача ухламай ётавераман, — дегин-да, ётавер. Кўзингни юмиб, тинч ётибман, қийналмаяпман, шунинг учун барибир дам олаяпман, — дегин-да, ётавер”, — деди.

Мен унинг айтганидай қилдим ва икки ҳафтадан кейин ухлайдиган бўлдим. Бир ойдан кейин саккиз соатдан ухлай бошладим ва кўнглим жойига тушди.

Айрани асида уйқусизлик эмас, ташвиш жонидан тўйдириб юборганди.

Хавфсизликни ҳис этиш — яхши уйқунинг бош шарти.

Ибодатга ўрганган одам учун дуо ўқиш ақлни пешловчи ва асабларни тинчлантирувчи энг муносиб ва табиий воситадир.

Уйқусидан жудо бўлиб, одамлар ўз жонларига қасд қилган воқеа сира бўлмаган, ҳеч ким ва ҳеч қачон бундай қилмайди ҳам. Ҳар қанча тиришиб-тирмашмасин, табиатнинг ўзи одамни ухлашга мажбур қилади. У ухламасликдан кўра кўпроқ бизга емаслик ва ичмаслигимиз учун имкон туғдиради.

Уйқусизлик балосидан жоним тинч бўлсин десангиз, қуйидаги қоидаларга амал қилинг:

1. Агар уйқунгиз келмаса, Сэмюэль Уинтермейердай иш тутинг: уйқу келишига мунтазир бўлмай, ишланг.

2. Уйқусизлик ҳали ҳеч кимнинг жонини олган эмас. Уйқусизликдан кўра уни ўйлаб ташвишланиш кўпроқ зарарли.

3. Уйқусизликдан азият чексангиз, дуоларни кўпроқ ўқинг.

4. Баданингизни зўриқишдан асранг. Шунга оид китобларни мутолаа қилинг.

5. Жисмоний тарбия билан шуғулланинг. Уйқуга қаршлик кўрсатолмайдиган даражага етгунча ўзингизни толиқтиринг.

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*

## Замонавий хитой шеърляти йўналишлари

**Х**итой шеърляти дунё адабиётининг энг қадимий бадий-фалсафий хазиналаридан бири. Бу гўзал шеърлят ўзининг бетакрорлиги, жозибадорлиги ва миллий ўзига хослиги билан Шарқ ва Ғарбнинг бошқа шеърлятларидан ажралиб туради.

Хитой шеърляти атоқли намояндаларининг аксарияти жаҳонга машхур. Бу шоирлар ҳақида уларнинг иероглифлар воситасида битилган шеърлари сўзлайди. Иероглифлар воситасида ифодаланган тушунча ўзининг ўта сермаъно ва серқирралиги билан ажралиб туради.

Хитойда яратилган илк шеърй тўплам “Ши Цзин” (“Қўшиқлар китоби”) бўлиб, солномаларда айтилишича, у Конфуций томонидан тузилган. Ушбу шеърй тўплам ҳаёт юзини кўрган ўша даврда Хитой классик шеърлятида икки асосий шеърй жанр мавжуд бўлган. Булар – Ши ва Ци. Бу икки шеърй жанрнинг пайдо бўлиши тахминан VI–VII асрларга тўғри келади. Қадимги ва ўрта асрлар хитой шеърлятида севги лирикаси намуналари Ши Цзин тўпламларига киритилган. Аммо, айнан севги лирикаси Ци жанри хитой шеърлятида пайдо бўлганидан бери кўп вақт ўтгани йўқ.

Биз ҳозирда алоҳида тўхталмоқчи бўлган давр 1927–1937 йиллар ораллигидаги замонавий Хитой шеърляти даврини, бу йиллар ораллигида пайдо бўлган шеърй жанрларни ўз ичига олади.

1920 йилларнинг охири 30 йилларнинг бошларида Хитойда шеърлятнинг иккита энг муҳим йўналишлари: “Син юэ” ва “Сянг жен” йўналишлари юзага кела бошлади.<sup>1</sup>

Син юэ йўналишининг пайдо бўлишига туртки бўлган омил бу 1928 йил март ойида чоп этила бошланган “Син юэ” ойномасидир. Ушбу ойноманинг равнақ топишида бир қатор хитой шоирлари тер тўкиб меҳнат қилишди ва Син юэ (Ҳилол) деб номланган шеърй йўналишга асос солишди.

Ушбу йўналишнинг машхур вакили Вен Йи Дуодир. Унинг дастлабки шеърлари “Куз ранги”, “Қизил ловия”, “Қизил шам” деб номланиб, бу шеърлар ўзининг аниқ ва лўндалиги ҳамда турли бадий воситаларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради.

1928 йилда шоирнинг “Ўлик сув” деб номланган шеърй тўплами чоп этилди. Тўпламда шоирнинг тушкун, умидсизликка тўла руҳиятини кўришимиз мумкин.

Вен Йи Дуо билан елкама-елка туриб Син юэ йўналишида ижод қилган шоир бу Суй Жи Мўдир. У ёшлигидан иқтисод соҳасига йўналтирилган мактабда таҳсил олиб, чет элда банк соҳасида ўз билимини янада мустаҳкамлади, шу билан бирга ишқ-муҳаббатни тараннум этувчи бир қанча шеърлар ёзди. “Барглар тўкилиши ҳақида кичик куй”, “Қўктаргоқнинг совуқ бир кечаси”, “Бир кўприк қурайлик” ва “Мен сени ҳамон кутаман” деб номланган шеърларини мисол келтириш мумкин. У шеърларида асосан аёллардаги ботиний ва

<sup>1</sup> “Син юэ” 1930 йилларнинг бошларида пайдо бўлган “Ҳилол” деб номланган шеърй йўналиш. “Сянг жен” – рамзий маънода ифода этиш.

зоҳирий гўзалликни, айниқса, қалб гўзаллигини, шу билан бирга уларга хос ирода ва жасурликни зўр маҳорат билан таърифлар эди.

Минг афсуслар бўлсинки, у бор-йўғи ўн йилгина ижод қилди. 1931 йил ноябр ойида Нанкин шаҳридан Бей Цзинга йўл олаётганда ёш шоир авиаҳалокат туфайли бу оламдан кўз юмади.

Син юэ йўналишининг яна бир аъзоси бу Жу Сянгдир. Унинг шеърлари чуқур ҳасрат, назокат ва меҳрибонлик туйғулари билан йўғрилган. Аммо, шу билан бирга унинг шеърларида қандайдир ўта мавҳумлик борлигини ҳам кўришимиз мумкин. Шоир қаламига мансуб “Ломбард” (Тилла буюмлар ижара дўкони) шеърини кўрайлик.

“Гўзаллик” бир тилла буюмлар ижара дўкони очди  
Одамлар юрагини банд этмоқ учун.  
Ижара қоғоз билан сотиб олиш учун боришганида  
У дарҳол эшикларини ёпиб қўйди.

1925 йилнинг бошларида у “Мен дафн этилдим” номли шеър ёзди. Бу шеър унинг ижодидан сўнгги намуна бўлиб қолди. 1933 йилда шоир ўзини дарёга ташлаб жонига қасд қилди.

Син юэ йўналишида ижод қилган шоирларни бирин-кетин санаб ўтсак, уларнинг адоғи йўқ. Ҳар бир Хитой шоирининг йўли узоқ ва машаққатли бўлган. Ана шундай машаққатли йўлда ўз ижоди билан бошқа шоирлардан ажралиб турган ижодкорлардан бири Хе Чи Фангдир. У 1929 йили ўз асарларини чоп эттира бошлади. 1931 йилдан то 1935 йилга қадар у Пекин Давлат Университетининг фалсафа факултетидида таҳсил олди. Айнан унинг ижоди гуллаб-яшнаган бир пайтда Хитой замонавий шеърлятида яна бир янги шеърлий йўналиш майдонга кела бошлади. Бу – “Сянг Жен” йўналишидир.

Бу йўналишга ўз ижод намуналари билан салмоқли ҳисса қўшган шоир Ли Жин Подир. Унинг кўпгина шеърлари шоир Францияда таҳсил олаётган вақтида ёзилган эди. Шеърларнинг ўзига хос тарафлари шунда эдики, у “Баи Хуа” (Хитой замонавий тили)дан унумли фойдаланиб, унинг таркибига хитой мумтоз тилини ҳам моҳирона қўллаш биларди. Шу билан бирга мисли кўрилмаган даражада ўзига хос тузилган жумлаларда инсон қалби нозик кашф этилар эди. Ҳатто, баъзи кимсалар унинг шеърларини айнан мураккаблиги учун ҳам ёқтиришарди. Сянг Жен йўналиши Ли Жин Подан ташқари яна бир қанча шоирларга ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Энг қизиқарлиси шунда эдики, айрим шоирлар ушбу икки йўналишнинг ҳамоҳанглигида ўз ижодларини шакллантирдилар. Бу шоирлардан биз мисол тариқасида Генг Юй Юан ва Фен Минг шеърлятини келтиришимиз мумкин.

Генг Юй Юан шеърларида бир оз ғашлик ҳиссини акс эттирувчи руҳият бор. Унинг “Суяк устидаги атиргул” сайланмасини ўқиб ундаги тушкун руҳият қай даражада эканлигини илғаб олиш қийин эмас. Юқорида эътироф этганимиздек, Син юэ ва Сянг Жен йўналиши ораллигида ижод қилган шоир Фен Мингни биз ҳам Дао таълимотчиси дея эътироф этишимиз мумкин. Унинг ёзган шеърларини қандайдир бир афсонавий чизилган суръатларга қиёс этамиз.

Син юэ ва Сянг Жен шеърлий йўналишлари мавжуд бўлган кезлари яна бир Сянг дай йўналиши майдонга чиқа бошлади. Ушбу йўналиш бир қанча ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Бу йўналишда ёзилган шеърларда замонавий шеърлий санъат кенг қўлланилган. Шу йўналишда ижод қилган шоирлар бирлашиб 1932 йилда “Сянг дай” номли оммабоп журналга асос солдилар.

Сянг дай йўналишининг асосий маслақдошларидан бири Даи Ванг Фудир. Унинг шеърларида қадимий Хитойнинг сўз санъати билан бирга француз шеърлятидаги рамзий маънодорлик уйғунлигини кўришимиз мумкин.

<sup>1</sup> Шеър сўзма-сўз таржима қилинди.

<sup>2</sup> XIX аср охири XX аср бошларида тасвирий санъатда юзага келган, ўша давр учун гўё “Замонавий” бўлган формалистик оқим.



У ўзининг бир қанча шеърларида оғзаки нутқда кўп қўлланиладиган сўзлардан фойдаланган. Шеърлари гарчи қофияга солинмаган бўлса-да, ўша давр шеърларига нисбатан жонли ва аниқ ёзилган.

1936 йили Даи Ванг Фу “Синг Ши” (Замонавий шеър) таҳририятига раҳбарлик қилди. Замонавий шеърятда ижод қилган бир қанча шоирларнинг асарларини тўплаб нашрдан чиқарди.

1927–1937 йиллар ораллиғида адабиётда бу каби ютуқлар, бундай нодир асарларнинг яратилиши кишини ҳайратга солмасдан қўймайди. Сабаби, айнан шу ўн йил инқилобий ҳаракатларнинг авжига чиққан, лекин Хитой халқининг инқилобга бўлган орзу-умидлари барбод бўлган йиллар бўлди. Ва айнан шу ўн йил Хитой халқи оғир мусибатларнинг гирдобиди қолган. Бутун Хитой халқи бор овози билан жабр-зулмга қарши, очликка қарши, дея “Кўнгиллилар қўшиғи”ни дадил оғир қуйлаган давр бўлди.

Юқорида тилга олинган турли-туман йўналишлар оғир бир шароитда ҳам матонат билан ривожлана борди.

Хитой шеърляти ватанпарварлик, халқчиллик ва инсонпарварлик каби юксак гоёлари билан сугорилган. Ўз аждодларининг тажрибасига таянган ҳозирги хитой адиблари ҳам бу ажойиб анъаналарни давом эттирмоқдалар.

*Гулноза АЗИМОВА,  
Шарқшунослик институти  
талабаси*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

## Ўзликни англаш йўли

*Шодмон Ҳайитов. “Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991) йиллар”, Тошкент, “Abu matbuot-consalt” нашриёти, 2008. “Муҳожирлик на шодлик, на ғам...” Бухоро, 2008.*

**Ж**амиятда янгилашиш жараёнлари кечаётган бугунги кунда миллий ўзликни англаш катта аҳамиятга эга. Айниқса, Миллий истиқлол ғояси дастурида белгилаб берилган кўрсатмаларни бажариш, миллий тарихимизнинг тараққиёт босқичида ўз изини қолдирган жиҳатларни таҳлил қилиш, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқ этиб, хулосалар чиқариш, ўзликни англаш жараёнлари кечаётган бугунги кунда долзарб моҳият касб этади. Тарихимизни ўрганиш асосида миллий ўзликни англаш, халқимиз бошидан кечирган сиёсий қатағонлар туфайли миллий парокандаликни вужудга келтирган шарт-шароитларни илмий идрок этиш, мустақиллик аждоқларимизнинг асрий орзу-умидлари ва армонлари сифатида муқаддас моҳият касб этувчи феномен эканлигини халқимиз онгига сингдириш зарурий аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда тадқиқотчи Шодмон Ҳайитовнинг миллий муҳожирлик тарихига бағишланган тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Уларда минтақамизда ҳарбий-сиёсий жараёнлар туфайли муҳожирлар оқими пайдо бўлганлиги, ўзбек муҳожирларининг хорижий мамлакатлардаги қисматига бағишланган илмий-оммабоп асарларини ўқиш жуда мароқлидир. Муаллиф ёзган монография ва рисолада Туркистонда муҳожирлик оқимининг вужудга келтирган шарт-шароитлар ҳамда унинг тарихий илдиэлари холислик билан

илмий-назарий асосларда очиб берилгани қувонарлидир.

Ўзбек оммавий ёки сиёсий-ҳарбий муҳожирлигини вужудга келтирган объектив шарт-шароитларга эътибор қаратсак, Октябрь инқилобидан сўнг қизил армия босқини туфайли маҳаллий аҳолининг муайян қисми қочоқ сифатида ўз истиқомат ҳудудларини тарк этиб, ижтимоий-маданий омиллари муштарак бўлган Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлганини кўрамиз. Айниқса, бу ҳаракат Саид Олимхон Шарқий Бухорони тарк этиб, Афғонистонга ўтиб кетгач, оммавий равишда бошланади. Бу муҳожирлик ҳаракатининг биринчи босқичи эди.

1924–1925 йиллардаги қурғоқчилик туфайли вужудга келган очарчилик, бунинг устига қизил армиянинг ҳамда унга қарши кучларнинг аҳолига нисбатан талончилик муносабати муҳожирлар оқимининг иккинчи босқичини вужудга келтирди.

1929–1930 йиллардаги қулоқлаштириш сиёсати натижасида ўзига тўқ оилаларни Сибирь ва Шимолий Қозоғистон ўлкаларига сургун қилиш усули аҳолининг кўплаб Афғонистон ҳудудига кўчишига тўртки бўлди. Бу муҳожирлик ҳаракатидаги учинчи босқич эди.

Бу босқич 1938 йилларгача давом этган. Совет ҳукумати ўтказган қаттиқ сиёсатдан азият чеккан баъзи оилалар ушбу йилларда ҳам муҳожир сифатида ватани тарк этишга мажбур бўлган

эдилар. Улар қайтиб келиш умиди билан кетган эдилар. Бу умид, афсуски, амалга ошмади. Муҳожирлардаги мана шу Ватанга қайтиш орзуси ўзликни сақлаб қолишда маънавий асос бўлди. Шундай қилиб дини, мазҳаби, ҳатто тили, маданияти яқин бўлган қўшни Афғонистонга юз минглаб хўжаликлар ўтиб кетиб, ўша ҳудудларда қолиб кетдилар.

1920–30 йилларда миллий зиёлилар, жадидлар, жумладан ёш бухороликлар, ёш хиваликларнинг ҳам асосий қисми Афғонистон ҳудудига ўтиб кетган эди. Кейинчалик уларнинг муайян қисми Афғонистон орқали Туркия, Арабистон, Эрон, Британия Ҳиндистонининг Пешовар минтақаси (бугунги Покистон)га, баъзилари эса Европага тарқалишади. Ушбу жиҳатларнинг муаллиф томонидан атрофлича таҳлил этилганлиги асар қимматини оширади.

Маълумки, муҳожирлар мазмун моҳияти жиҳатидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сабабларга кўра ўзга муҳит ва ўзга жамиятда яшаётган аҳоли қатлами ҳисобланади.

Албатта, ўз Ватанини тарк этиб, афғон тупроғида муҳожир бўлган кишиларнинг Жанубий Туркистондаги маҳаллий туркий халқлар билан алоқалари ижобий бўлган, лекин афғон уруғлари ва ҳазоралар билан ўртада айрим муаммолар чиқиб, бу муаммолар Нодирхон ҳокимият тепасига келгандан сўнг қурол кучи билан бостирилади. Бундай қуролли ҳаракатлар Иброҳимбек бошлиқ муҳожирлар ҳаракати (1929–1931 йй.)да яққол кўзга ташланади. Муҳожирлар оқимининг таъсири шу даражада кенгайдики, улар Қатағон минтақасидаги бир неча туманларни эгаллаб, вақтинчалик бўлсада ўзларининг бошқарув усулини жорий қилдилар. Буюк Британия ҳукумати томонидан қуроллантирилган Нодирхон армияси бу муҳожирлар ҳаракатини бостиришга муваффақ бўлади.

Муҳожирларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини дадил талаб этиши афғон ҳукмдорлари Нодирхон, ундан сўнг Зоҳиршоҳларнинг муҳожирларга нисбатан қаттиқ сиёсат юргизишига сабаб бўлган. Шундай сиёсат 1950 йилларгача давом этган. Кейинчалик муҳожир оилалардан ҳам афғон армиясига аскарлар олина бошлангач, бу сиёсат бирмунча ўзгара борган. Лекин муҳожирларнинг ижтимоий шароити оғирлигича қолган. Шу боисдан Туркия ҳукумати туркий муҳожирларни Афғонистондан Туркияга ўтишини рағбатлантириш сиёсатини олиб боради. Натижада ўзбек муҳожирларининг ҳам муайян қисми ушбу мамлакат ҳудудига келиб жойлашади. Бундай жараённинг илмий-тарихий таҳлили Ш.Ҳайитов асарлари қимматини оширади.

Мазкур тадқиқотда миллатдошларимиз хорижда ҳам доимо бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланганлиги яхши очиб берилган. Жумладан, Макка ва Мадинада Бухоро амири Абдулаҳадхон томонидан ҳаж зиёратига борадиганлар учун иккита меҳмонхона (ётоқхона), Мадина шаҳрида Остонақул Қўшбеги Ҳисорий томонидан баҳоси 200.000 олтин сўм бўлган мадраса қурилган экан. Шу билан бир қаторда асарда туркистонлик муҳожир ватандошларимиз томонидан ўнлаб савдо дўконлари, тегирмон, меҳмонхона ва вақф уйлари қурилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Ушбу жиҳатлар миллатимиз вакилларининг Шарқ маданияти ва маънавияти ривожига ўзига хос ҳисса қўшганини кўрсатади.

Ўзбек муҳожирлигининг тарихий илдиэлари ўтмишга бориб тақалиши табиий. Россия империяси Туркистонни истило қилгунга қадар ҳам хонликлардаги мураккаб моддий аҳвол, солиқларнинг ортиб бориши баъзи ўзбек оилаларини нисбатан барқарор бўлган хорижий мамлакат-

ларга кетишга мажбур қилган эди. Шарқ мамлакатларида илм олиш ҳамда Ҳаж зиёратига бориш, шунингдек, савдо-сотик билан шуғулланиш эҳтиёжлари ҳам муҳожирлар сафи кўпайишига сабаб бўлган. Натижада Эрон ва Афғонистондан ташқари Усмонли турк султонлиги ҳудудида ҳам ўзбек жамоалари пайдо бўлган (“Ўзбек муҳожирлиги тарихи”, 39-бет).

Хуллас, йигирманчи асрнинг йигирма-ўттизинчи йилларида Афғонистондаги сиёсий-ҳарбий жараёнларни муҳожирлар омили-сиз тасаввур этиш мумкин эмас. Албатта, совет тарихшунослиги ўша давр воқеаларини акс эттиришда муҳожирларни аксилин-қилобий кучларнинг хорижий базаси сифатида талқин этиб, колониал давлатлар, асосан Британиянинг йўл-йўриғи ва кўрсатмаларидан чиқа олмайдиган манқуртлар, ватанфурушлар сифатида таҳқирлаб келди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, расмий Москва Шимолий Афғо-

нистондаги муҳожирлар фаолияти ҳам ўз диққат марказидан ташқарида қолишини истамай, катта миқдордаги пуллар эвазига гумашталари, маҳаллий аҳоли ва муҳожирлар ичидан ҳам ёлланган кимсалар томонидан маълумот олиб туришга ҳаракат қилиб, мавжуд кучлар имкониятини камайтиришга интилган. (Агабеков Г. Секретный террор. Москва: Терра-Книжный клуб, 1998. Стр. 123-130.)

Умуман олганда, Шодмон Ҳайитовнинг ушбу монография ва рисоласи Миллий истиқлол мафкурасида белгилаб ўтилган дастурий кўрсатмалар, шунингдек юртбошимиз И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ҳамда “Ўзбекистон – умумий уйимиз” асарларидаги концептуал қарашларга таянган ҳолда халқимизнинг яқин ўтмишига доир ўрганилмаган нуқталарни кенг ёритиш, ўзликни англаш ва миллий тараққиётимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

*Насриддин НАЗАРОВ,  
сиёсатшунослик фанлари  
доктори*

## Ҳарбий атамалар луғати

Мустақиллик мафкурасини шакллантириш, маънавиятни юксалтиришда дунёвий фанларни ўрганиш, ёш авлодга билим беришга мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар, шунингдек, хилма-хил соҳаларни пухта ўрганишга кўмак берувчи луғатлар катта аҳамиятга эга. Етук олимлар, атамашуносларнинг заҳматли меҳнати, саъй-ҳаракатлари туфайли бугунги кунда турли соҳаларда фаол ишлатилувчи сўзлар, атамаларни изоҳлашга бағишланган изоҳли луғатлар яратилаётгани муҳим ҳодисадир. Айти замонда аввалги

қилинган ишлар, изланишлар тобора такомиллаштириб борилаётгани ҳам диққатга сазовор.

Шу жиҳатдан ҳарбий соҳа мутахассиси, полковник Шокир Долимов томонидан тайёрланган “Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати” ўзига хос, ниҳоятда қимматли қўлланма ҳисобланади. Ушбу луғатда ҳарбий қурилиш ҳамда куралиш Кучларни стратегик ва оператив жиҳатдан қўллаш соҳасига доир ҳарбий атама ва тушунчалар кенг қамраб олинган.

Луғатнинг асосий мазмуни ҳарбий санъатга ҳамда ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-техник ва ҳарбий-диплома-

тик атамалар изоҳлари ва ушоу соҳаларга тааллуқли таърифлардан ташкил топган.

Луғатда жами 1570 дан ортиқ атама ва тушунчалар мужассамлашган.

Бугунги тезкор замон, айниқса ўтган сўнгги ўн йилликлар халқаро ҳарбий-сиёсий вазиятга сезиларли ўзгаришлар киритмоқда. Ушбу жиддий янгиликлар, илмий-техника тараққиёти, оммавий ахборот тизимларининг раванқ топиши, саноат технологиялари сифатининг илгарилаб кетиши туфайли рўй бермоқда.

Луғат муаллифи ана шу жараёнда фаол қўлланаётган янги атамалар, жумладан, ҳарбий соҳа терминларини изоҳлаш орқали катта амалий ва маърифий вазифани бажарган.

Халқаро муносабатлар ривожининг юксак динамикаси, шу жум-

ладан, уларнинг салбий ва хавфли кўринишлари (яъни, этник-хурофий можаролар, халқаро терроризм, қуроли кучнинг ноқонуний қўлланилиши ва бошқалар) олдимизга жаҳонда рўй бераётган бугунги жараёнлар ва уларнинг мамлакатимизга нисбатан кўрсатаётган таъсирини диққат билан таҳлил қилиб бориш вазифасини қўймоқда. Шу жиҳатдан ҳам луғатда кенг таҳлил қилинган ҳарбий атамаларнинг шарҳ ва изоҳлари катта амалий аҳамиятга эга.

Бу луғат фақат ҳарбий мутахассислар ва ҳарбий билим юртлари талабалари учунгина эмас, турли соҳа мутахассислари, кенг ўқувчилар оммаси учун ҳам муҳим қўлланила ва вазифасини ўтайди.

*Рўздат МАШАРИПОВ,  
филология фанлари  
номзоди, доцент  
Валида АБДУЛЛАЕВА,  
ТДТХБЮ ўзбек тили  
кафедраси мудири*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан гурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

Чингиз АБДУЛЛАЕВ

## Борса келмасдан қайтганлар

Роман

УЧИНЧИ ҚИСМ

“... ва қайтилмасин”

I

**Ч**он Дин ўзига йўналтирилган милтиқ милини кўриб пинагини ҳам бузмади, қурол эгаси томонга шошилмасдан ўгирилиб, савол беради:

– Сен кимсан?

– Ўзинг кимсан? – чинқирди кўримсизгина кимса, милтигини силкитиб.

– Мен Али Раҳмонни излаяпман, – деди Чон Дин суҳбатдошининг қалтириб бораётгани сезиб, иложи борича вазминлигини сақлашга уринди.

– Унинг оламдан ўтганига уч кун бўлди, – деди титраб милтиқли кимса, – мен унинг укасиман. У ўлими олдидан мени Ҳиндистондан меҳмон келиши ҳақида огоҳлантирганди, аммо бошқа бирор нарса дейишга улгурмади. Энди мен билолмаяпман – сен дўстмисан ёки душманмисан?

– Оллоҳ ўз раҳматига олиб, жойини жаннатдан қилсин, қандай қилиб вафот этди, муҳтарам Али Раҳмон?

– Иситма, – деди қисқа қилиб йигит, – шаҳримизда яна шу ланати касаллик пайдо бўлиб қолди.

Чон Дин бу элнинг иситма, деб оддий безгакни айтишини билар, бу дардга қарши тоғлиқлар танасининг қаршилиқ кўрсатиш қуввати ҳам, даволанишлари учун зарур бўлган дори-дармонлар ҳам йўқ эди.

– У менга амаким қолдирган бир омонатни бериши керак эди, – Чон Дин йўл-йўлакай муомала тарзини ўзгартирмаса, бу дўкончадан омон чиқмаслигини пайқади.

– Акам менга ҳеч қанақа хат-пат қолдиргани йўқ, – деди марҳумнинг укаси сал ҳайрон қолиб, – ҳатто, сен билан қандай муомала қилишга ҳам ақлим етмай турибди.

– Дўстингга муомала қилгандек қилавер, – деди Чон Дин, Зебакдан Нурулланинг тўдаси жойлашган макон ҳақида бирорта маълумот олишдан умидини узиб. Ногаҳон кўчада бир неча кишининг бақир-чақир қилаётгани эшитилди. Милтиқ эгаси хўмрайди.

---

Давоми. Боши ўтган сонларда

— Яна келишди, — деди у норозилик билан, — ё Нурулланинг, ё Алимуротнинг одамлари. Улар ҳар икки-уч кунда пайдо бўлиб қолишади.

Унинг милтигини туширганини кўргач, Чон Дин эшик томонга бир неча қадам ташлади.

— Хотиним кўчада қолганди, — деди Чон Дин ва марҳумнинг укасига эътибор бермай, остонадан ҳатлади.

Кўчада автомат ва милтиқ кўтарган бир неча киши турарди. Албатта, улар уйлардан бирининг деворига қўрқа-писа қапишиб турган паранжили аёлга индашмади. Ҳатто, босқинчилар ва контрабандачилар ҳам аёл зотини ҳурмат қилишга оид шариат қонунларини муқаддас билишарди.

Ислон динида онасига, опа-сингисига, хотинига ҳурмат ҳисси болаликдан сингдирилади. Кенг тарқалган фикрларга зид ўлароқ, бу динда аёл зоти таги паст махлуқ саналмайди. Аксинча, эр аҳли аёлни боқиши, эъозлаши ва ҳимоя қилиши даркор. Уй — аёлларнинг муқаддас маскани. Уйдан ташқаридаги барча юмушларни бажариш эса эркакнинг бурчи. Шарқда минг йиллардан бери ҳукм суриб келаётган бу удум оиланинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиб келади. Шунинг учун ҳам кўп болалик бўлиш одатий ҳол ҳисобланади. Паранжи ҳам эркаклар томонидан аёлни таҳқирлаш учун жорий этилган либос эмас. Аксинча, уни гайри кўзлардан ҳимоялаш воситасидир. Кўчада хушчақчақлик қилаётган Алимуротнинг одамлари ҳам бегона аёлга тегишишни хаёлларига ҳам келтиришгани йўқ. Агар шундай қилишса, бутун шаҳарни ўзларига қарши қилиб қўйишади.

Агар бу аёл собиқ Халқ демократик партияси фаолининг хотини ёки собиқ ҳукумат армияси бошлиғининг опаси ёки сингиси бўлса борми, у билан ҳам, қариндош уруғлари билан ҳам пачакилашиб ўтирмасдан, кўрадиганини кўрсатишарди. Бироқ, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, хотин кишини хафа қилишдек бемаъни фикр ўйларига ҳам келмасди.

Падерина босқинчиларнинг мастона гап-сўзларига диққат билан қулоқ тутди. Мусулмонлик удумини сақлаб, спиртли ичимликни оғизга олмайдиган Абуқодирнинг одамларидан фарқли ўлароқ, сархуш бўлиб олган бу йигитлар эса, афтидан, шариат қоидаларига унчалик ҳам риоя қилишмасди.

Босқинчилардан бирининг кутилмаганда эшитилган қичқариғи аёлнинг эътиборини тортди.

— Нурулланинг бутун тўдаси ўша ерга тўпланган, — бақирарди у, — ҳаммаси бир жойда. Бориб янчиб ташлаш керак.

— Бас қил, — аччиғланди бошқа бири, — Нурулла эртага лагеридан кўчади, Ишқашимга яқинроқ жойга ўрнашмоқчи. Биз барибир ҳамма одамларимизни йиғишга улгурмаймиз.

— Ўтган йили унинг одамлари қўйларимизни олиб кетишганди, — қаҳрини сочди биринчи гапирган кимса, — энди бўлса, биз ўзларини қўйдаё бўғизлаймиз. Алимурот буюрса бас, бирортаси соғ қолмайди.

— Нурулланинг лагерида пулемёт ва миномётлар бор. Яхшиси, у ерга бош суқмаганимиз маъқул.

Бақир-чақирлар то босқинчилар бошқа кўчага йўл олгунича — йигирма дақиқалар давом этди.

Чон Дин Падеринанинг олдига борди.

— Алоқачимиз уч кун бурун безгакдан вафот этибди, — деди у секингина, — бошқа бирор нарсани аниқ билолмадим.

Масаланинг нозик томони шундаки, иккаласининг бирга юришига тўғри келади. Аёлнинг ёлғиз ўзини қолдириш ёки қўналгаларига жўнатиб юбориш эмас. Гарчи, шаҳарда аёл киши ёзилмаган қонунлар ҳимоясида бўлса-да, йўлда ёлғиз кетаётган аёл ҳар қандай ўткинчининг ўлжасига айланиши ҳеч гап эмас. Модомики, уни эҳтиётлаши лозим бўлган эркаклар қадрламасдан, бир ўзининг узоқ йўлга чиқарган экан, у тақдирда бошқа эркаклар ҳам қадрламаса бўлаверади. Ушбу мулоҳазалардан туғиладиган ана шундай мантиқ “мутлоқ ҳақиқат” саналади.

— Бирга боришимиз керак, — деди Падерина унинг кўнглидан кечганини пайқаб, — қайтишга ҳали фурсатимиз бор. Бир ярим кун. Биз учун энг муҳими, керакли маълумотларни тўлиқ билишдан иборат.

— Маъқул, — Чон Дин Алимуротнинг одамлари қайтиб келаётганини эшитди-да, хўмрайганча, шоша-пиша деди: — Ҳар қалай, бу ердан тезроқ кетганимиз яхшироқ бўлади.

Улар савдо растасини тарк этиб, шаҳарчининг шимол тарафига йўл олишди. Қайтиб келган босқинчилар яна бақир-чақир қила бошлади. Ниҳоят, кўча охирида жойлашган бир неча дўконни талашга жазм этишди. Аммо дўкон эгалари ҳам келгиндилар билан қайси тилда гаплашишни билиб қолишганди. Барча дўконлардан милтиқ кўтарган кишилар чиқиб келди. Босқинчилар довдираб қолишди. Шаҳар аҳли билан жанг қилиш уларнинг режасида йўқ эди. Бунинг устига, Забекда бунақа қирғинни ҳеч ким кечирмасди.

Мағрур пуштунлар азалдан босқинчи тўдаларнинг ўзагини ташкил этадиган ўзбек ва тожикларга ишончсизлик билан қарарди. Совет қўшинларининг киритилишидан шимолдаги миллионлаб ўзбек ва тожиклар ҳаммадан кўпроқ жабр торган — қуроли зарбаларга гирифтор этилгани, зўрлаб жамоа хўжаликларига киритилгани ва иссиқ жойлардан қўзғатилиб, бошқа томонларга кўчирилгани бўлган гап. Айни чоғда бу ишларни кам сонли миллатларга шубҳа кўзи билан қарайдиган, ҳукуматда юксак лавозимларни эгаллаган пуштунлар алоҳида иштиёқ билан амалга оширганди. Оқибатда, шимолда яшайдиган ушбу кам сонли миллатлар вакиллари муросасиз ва ашаддий жангариларга айландилар. Шу боисдан ҳам чегара оша наркотик моддалар ва қурооллар контрабандаси билан шуғулланадиган босқинчилар ўртасида улар кўпчиликни ташкил қиларди.

Шу пайт савдо растасида ўзларининг интизоми ва батартиблиги билан ажралиб турадиган Нурулланинг тўдасига мансуб бир неча киши кўринди. Ўқ овозлари янгради. Алимуротнинг одамлари эсанкираб қолди ва шоша-пиша шаҳарни тарк этди.

Ўлганлар орасида эҳтиётсизлик қилиб, кўчага милтиқ билан югуриб чиққан Али Раҳмоннинг укаси ҳам бор эди. Пештахта ортида турган йигитча отишмалар шовқинидан ва иккинчи хўжайинларининг ҳам ўлимидан қўрқиб кетиб, унинг жасадини дўконга олиб кирган, устига қоп бостириб қўйиб, тақдир билан ўйнашмаслик учун, дарҳол қочиб қолган экан.

Падерина ва Чон Дин ҳақиқий йўловчилардек, шошилмасдан шимол томонга жўнашди. Нурулланинг қароргоҳи тахминан ўттиз чақирим узоқликда бўлиб, кун бўйи йўл босишга тўғри келарди. Иккала зобит жисмоний машаққатлардан пишиб кетганликларига қарамасдан, кучларини тежаш ниятида ҳар икки соатда қисқа-қисқа та-



наффус қилиб олишарди. Ниҳоят, улар ярим тунда ҳар тарафидан гулханлар билан ёритиб турилган тошлоқ ялангликка чиқишди.

Олисан машиналарнинг гуриллаши эшитиларди. Нурулланинг тўдаси иккита БМП ва бешта юк машинасига эга бўлиб, бу керак пайтда одамларини бошқа жойга зудлик билан ташлаш имконини берарди. Нурулла контрабанда билан шуғулланар, жилла ҳам ҳазар қилмасдан, Покистондан олинган гиёҳванд моддаларни Эронга ва собиқ Совет Иттифоқига ўтказиб берар, бу юк кейин Европага кетарди. Эрон ҳукуматининг шафқатсиз чоралар кўришига, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчилар ва контрабандачиларга нисбатан ўлим жазосини жорий этишига қарамасдан, ҳаддан ташқари катта фойда келтирадиган бу бизнес тури ҳамон гуллаб-яшнади.

Айниқса, контрабандачиларнинг кўпчилиги илгари динсизларга қарши курашган ва ўша мақсадлар учун мамлакатларидан пул ва қурол олиб турган собиқ мужоҳидлар эканлиги Эрон ҳукуматининг қаҳрини келтирарди. Энди қарши курашиш шарт бўлган асосий душман қолмагандан сўнг, собиқ “ғоявий” мухолифатчилар авваллари даҳрий ҳукуматни маҳв этиш учун олган қуроллари билан тақиқланган юкларни кўриқлаш ва чегарадан ўтказиб беришдек “сердаромад” ишнинг бошини тутишганди.

Эрон ҳукумати раҳбарлари контрабандачиларни, фақатгина таъқиб қилиб қолмасдан, ўз ниятларининг поклигига шубҳа уйғотмаслик учун, уларни элининг кўз олдида дорга осиб ҳам турарди. Қизиғи шундаки, Эрон ҳукуматининг бу сиёсати гиёҳвандлик моддаларнинг оқимидан беадад жафо чекаётган Фарб мамлакатлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Бу пайтга келиб бутун Ўрта Осиё минглаб контрабандачилар ажал юкини ўтказадиган катта туйнукка айланиб қолганди. Бир пайтлар яхлит ва метиндек мустаҳкам бўлган чегара эндиликда парча-парча лахтакка айланган, янгидан қарор топган ҳар бир давлат худудини ўз кучи билан кўриқларди. Тожикистоннинг ўзида бўлса адоғи кўринмайдиган фуқаролар уруши давом этарди. Бир-бирига боғланган бу воқеалар катта миқдордаги гиёҳванд моддаларни Ўрта Осиё орқали Европага тўсиқсиз ўтказишга, ҳатто тез-тез ёлланган самолётлардан ҳам фойдаланиб туришга имкон берарди.

Машиналар турган ялангликдан анча нарида юз-юз эллик уйдан иборат кичикроқ қишлоқ кўзга ташланарди. Ҳориган йўлчилар ўша томонга юриб, дуч келган биринчи уйнинг эшигини қоқишди.

— Киришлар, — деди қандайдир қария очик юз билан.

Салом-алиқдан сўнг уларни ички ҳовлига бошлади. Чол улар билан юзма-юз ўтирди.

— Қаёқдан келаяпсизлар? — сўради у. — Қийналмадингларми?

— Биз Зебакдан келаяпмиз, унганча ҳам анча йўл босдик. Мақсадимиз чегарага етиб олиш, лекин йўл-йўлакай Ишкашимга кириб, Оллоҳ умрини узоқ қилгур акамизнинг омонатини бериб кўйишимиз керак.

— Билишимча, сен пуштун ҳам, тожик ҳам эмассан. Айт-чи, исминг нима, қаёқдан келаяпсан?

— Биз қутлуғ Шибиргон шаҳридан чиқиб, кўп йўллардан ўтдик. Миллатим корейс, отим Ван Дин, бу эса менинг хотиним.

— Фарбдан эканингизни дарров сездим. Шибиргонда элатларинг кўпми?

— Кўп, — офицер ўша шаҳарда чиндан ҳам қирғиз ва корейсларнинг катта гуруҳи истиқомат қилишидан хабардор эди. Бу ҳам унинг

таржимаи ҳолига оид “афсона”нинг бир қисми бўлиб, суҳбатни бемалол давом эттирарди.

Падеринани эса аёллар бўлмасига олиб кетишди. У паранжи билан бирга тагидаги тўппончаларни сездирмасдан ечиб, ўраб қўйди, кейин хушмуомала уй бекасининг таклифига кўра, ҳорғинлик билан ёстиққа ёнбошлади.

Бека меҳмонга диққат билан тикилди.

– Пуштунлардан эмасмисан, дейман? – сўради у форс тилида.

– Йўқ, эрим корейс, ўзим туркманларданман, – деди Падерина.

– Бир қарагандаёқ, онангнинг хоразмийлар ёки хазарийлардан эканини пайқагандим, сен бўйчан ва оқ юзлисан, – кулди аёл.

– Шундай, – деди Падерина чарчоқдан боши айланаётганини сезиб.

Егулик келтиришгач, қисқагина дуои фотиҳа қилиб, тамадди қилишга тугинишди. Уй бекаси билан ёнма-ён ўттиз беш-қирқ ёшларда бўлган икки аёл ўтирарди. Булар уй эгасининг келинлари бўлиб, бири тожик, бири ўзбек эди. Улар суҳбатга қўшилишга журъат этмасдан, қайноналарининг гапларига жимгина кулоқ солишарди. Ҳаммалари ҳақиқий мусулмон қавмига мансуб маҳаллий тожиклар удумига мувофиқ, ерда ўтиришарди. Егуликни эса уй бекасининг невара қизалоқлари ташишарди.

– Айтишларича, бугун Зебақда бир неча киши ўлдирилганмиш, – хўрсинди аёл, – сизлар ҳеч нарсани кўрмадингларми?

– Йўқ, биз дарров ўтиб кетдик, аммо ўқ овозларини эшитдик, – жавоб берди Падерина.

– Мушкул, жуда мушкул йўлдан келибсизлар. Ишқилиб, Оллоҳнинг ўзи сабр-тоқат берсин, – деди бека чин юракдан. – Бунақа қийин шароитда бирор томонга бориш учун катта мардлик керак, чидам керак.

– Эрим жуда жасоратли одам, – кулди Падерина, – Оллоҳ таоло бизга фарзанд бермаганига яраша шундай эрга дуч қилганига минг қатла шукур қиламан, – бека унинг гапига тушунганини билдириб бошини эгди.

– Яқинларингда бир қароргоҳ кўрингандай бўлдимми? – сўради Падерина аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ нарсани билишини назарда тутиб.

– Худонинг қаҳрига учрагур, Нурулланинг тўдаси шу ерда, – деди аёл паст овозда, – менниг болаларим Файзободда генерал Дўстумнинг полкида хизмат қилаяпти, бу ерни бўлса шу худобехабар эгаллаб олган.

– Анча бўлдимми келишганига?

– Бир неча кун бўлди, – деди аёл, – уларнинг тезроқ қораси ўчишини кутиб турибмиз. Кеча бўлса унинг олдига учар машина келди.

– Қанақа машина? – хўшёр тортди Падерина.

– Учар машина, – деди бека, – қишлоғимизнинг устига бомба ташлайдим, деб кўрққандик. Йўқ, озроқ айланди – да, эрга қўнди. Кейин кўп ўтмай учиб кетди.

– Босқинчиларнинг шунақа машинаси борми? – разведка зобити бўлмиш Падерина бу ерда вертолётни шунақа, деб аташларини дарров фаҳмлади, айти пайтда Нурулланинг ихтиёрида вертолёт бўлиши мумкин эмаслигини ҳам ўйлади. Демак, тоғлар орасидаги кичик йўлакдан ўтиб, бу томонга чегара ортидан – Покистондан кимдир келган.

– Бизнинг ҳам хабаримиз йўқ эди, лекин учар машинани кўргач, бу касофатга чегаранинг нарёғидаги дўстлари ёрдам бераётганини билдик.

– Нега учар машинани ўша томондан келган, деб ўйлаяпсизлар? Балки, Журумдан ёки Кобулдан учиб келгандир.

– Йўқ, эрим бу Худо қаргаганларнинг баъзилари билан гаплашган экан, улар учар машинанинг нарёқдан – тоғ ортидан келганини айтишипти, – дея аёл қўли билан Шарқ тарафни кўрсатди.

Падерина ўзича шу ерда – шу уйда қолишга қарор қилди. Тунда ухлаш учун меҳмонлар учун ажратилган алоҳида хонага киришгач, секингина капитанга шивирлади.

– Зебакка қайтгин-да, ўзимизникларга хабар бер, бу ерга Покистондан вертолёт учиб келипти, менимча, Нурулла чегара ортидаги меҳмонлар билан маҳкам алоқа боғлаган кўринади. Бу ҳақда Асанов, албатта, билиши шарт. Балки, улар полковник Кречетовни тоққа – Покистонга аллақачон жўнатиб юборишгандир.

– Тушундим, – маъқуллади Чон Дин, – аммо, сиздан илтимос, шу уйдан чиқманг. Мен уй эгасига Ишкашимга бир ўзим бориб келаман, дейман.

– Келишдик, – деди аёл, – бунча нари қочасан, кўрқма, тишлаб олмайман.

Одатга кўра иккаласига битта тўшак солинган бўлиб, энди капитан билан подполковник бир-бирига тирсагини тегизиб, ёнма-ён ётишга мажбур эди. Чон Диннинг бошқа хонада ерда ётиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифига Падерина кўнмади. Капитан ҳаддан ташқари чарчаган, эртага қайтиб кетиши керак. Бир-бирларига хайрли тун тилаб, бир-бирига орқа ўгириб, ҳар ким терс томонга ёнбошлаб, тунни бир тўшакда ўтказдилар.

Эрталаб нонушта чоғида Чон Дин уй эгасига ўз режасини билдирди. Қария, қутилгандек, эътироз қилмади. У ҳар қандай вазиятда ҳам ҳеч нарса йўқотмасди. Меҳмонни очиқ юз билан кутиб олиш тоғлик асл мусулмоннинг бурчи бўлиб, у аёлнинг уйида қолишига розилик берди. Агар нотаниш кимса қайтмаса, начора, уйда унинг хотинига ҳам жой топилади. Кампири туркман аёлнинг гўзаллиги ҳақида унга гапириб берган, қариганда иккинчи ёш хотинга эга бўлишга қаршилиги йўқ эди. Агар эри Ишкашимдан қайтмаса, ёлғиз аёл қаёққа ҳам боради, албатта унинг уйда қолади-да, шунинг учун чол нотаниш кимсанинг хотинини мамнуният билан олиб қолди. Ишкашимдан ким қайтади-ю, бу аёлнинг тақдирини нима бўлади, буёғи Оллоҳга ҳавола.

## II

Афғонистонга киритилган совет кўшинлари чегара чизиги бўйлаб ўрнашиб улгурмасдан, Покистонга Америка, Франция, Англия махсус хизматларининг ўнлаб разведкачилари ёпирилишти. Рональд Рейган АҚШ президенти қилиб сайлангач, афғон заминида ахборот йиғиш ва узатишнинг узлуксиз ишлайдиган барқарор тизими барпо этилди. Мамлакатнинг бутун ҳудудида бўйлаб ишончли одамлар хорижий резидентларни афғон ҳукуматининг, армиясининг жойлашиши, муҳолиф кучларнинг кайфияти, тоғлар ва чўллар оша кўчиб юрадиган қабилаларнинг ҳаракати ҳақидаги тегишли маълумотлар билан таъминлаб туришарди.

Америка махсус хизмати вакиллари Покистоннинг йигирмата шаҳрига уя қуриб олди. Разведка маълумотлари жамланадиган асосий марказлар Исломобод, Лахор, Кветти ва Пешаворда жойлашганди.

Айни пайтда америкалик резидентлар Ироқ билан тинкани қурита-диган урушни давом эттираётган Эрон армияси, доимо нотинч ва беқарор вазият ҳукм сураётган Покистон чегараси яқинида жойлашган Ҳиндистон армияси ҳақида ҳам зарур ахборотларни тўпларди.

Юксак тоғлар бағридаги Покистоннинг Читрал шаҳрида МРБ резидентининг ахборот тўплайдиган маҳаллий идораси ўрнашганди. Бу ерда резидентнинг ўзи, иккита ёрдамчиси ва зарурат туғилганда тоғ ортига қилинадиган узоқ муддатли сафарларга жўнатиш мумкин бўлган бир неча хабарчилар муқим фаолият кўрсатарди. Читралдаги резидент бевосита Покистоннинг бепоён шимолий вилоятини, шунингдек, СССР, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон чегаралари туташидиган стратегик ҳудудни назорат қилиб турарди.

Читралдан олинган маълумотлар Пешаворга — мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган катта зобитга тўғридан-тўғри етказиб бериларди. У ерда эса кўплаб операциялар режалаштирилар, мужоҳидлар тўдаларига тегишли юкларни қаерга олиб бориш, жойлаштириш ва бош-бошдоқ гуруҳларнинг кучини мувофиқлаштиришга оид йўриқномалар юбориларди. Кўп ўтмай Читралда совет қўмондонлигининг мулоқотларини тутадиган махсус радиолокация станцияси қурилди. Бу станцияда хизмат қилиш учун Лэнглининг яна икки ходими сафарбар этилди.

Маълумки, Пешавор ва Читралдаги Америка резидентларининг йўриқномасига мувофиқ сафарбар этилган муҳолифат тўдалари Жаллобод ҳудудида оғир жанглари олиб боришганди. Уруш тугагандан сўнг Читрал станциясига алоҳида вертолёт берилгани резидентларга истаган жойига зудлик билан етиб бориш, ҳатто совет қўшинларининг чекланган қисмлари Афғонистонда бўлган пайтларда ўтишни хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган чегара ортига бемалол учиб ўтиш имконини берди.

МРБнинг охириги тайинланган резиденти Жеймс Беннет тўқсон тўртинчи йилнинг бошида — Тожикистонда муҳолифат янчиб ташлангач, уларнинг Афғонистонга қочиб ўтган вакиллари билан бевосита алоқа ўрнатиш зарурлиги равшан бўлиб қолгандан сўнг бу ерга келганди. Унгача бир неча йил Ҳиндистонда яшаган, Шарқ муаммолари бўйича қатор илмий ишлар муаллифи бўлиб, бир неча маҳаллий тилларни биларди. Уч ой муқаддам радиолокация станцияси бошлиғи вазифасига тайинланган Альфред Херрик унинг ўринбосари ҳисобланарди. Херрикдан олдинги бошлиқ дунёнинг бу чети учун хос бўлган кўпгина касалликлардан ҳимоя қилиш учун зобитларнинг узлуксиз тарзда дори-дармонлар қабул қилишларига, турли суюқ малҳамлар билан эмланиб туришларига қарамасдан, тоғларда учрайдиган безгакнинг оғир турига чалингач, юртига чақириб олинган эди.

Баланд бўйли, чорпахил кенг елкали, миқтидан келган, чўзинчоқ юзли, бақбақадор, ёрқин кулранг кўзли Беннет — американинг жангари фильмлари қаҳрамонларига ўхшаб кетар, у ўша фильмларда полиция шерифи ёки бирор ижобий қаҳрамоннинг ролини бемалол ўйнаса бўлаверарди. Херрик эса унинг акси бўлиб, паст бўйли, тугма тешиқларига ўхшаб кетадиган пучуқроқ бурунли, юзидаги сепкиллари туфайли масхарабозга ўхшаброқ кетадиган кимса эди. Аммо, бу алдамчи таассурот бўлиб, Херрик МРБнинг ўта тажрибали, кўп йиллик малакали мутахассисларидан бири саналарди.

Улардан ташқари, МРБ резидентлигининг маҳаллий бўлимида яна уч киши — техник Памелла Фукс, унинг эри — лейтенант Говард Фукс ва таҳлилий бўлим ходими Гарри Блант ҳам хизмат қиларди.

Ўша совуқ тунда Ҳиндиқуш тоғларидан келаётган кучли шамолнинг деразаларни тарақлатишига қулоқ тутиб, Беннет билан Херрик шахмат ўйнардди.

– Сиз нима дейсиз, Тожикистондаги вазият кескин ўзгариши мумкинми? – сўради Беннет ўйланиб.

– Ҳозирги аҳволга қараганда, ўзгариш бўлмайди, – деди Херрик шахмат тахтасига кўз ташлаб, эҳтиёткорлик оҳангда, – Душанбедаги тузум русларга таяниб иш кўраётти. У ер икки юз биринчи армия, чегара қўшинларининг кучайтирилган отрядлари ҳамда Тожикистон ҳукумати қўшинларининг катта миқдордаги ҳарбий кучлари жойлашган. Муҳолифатнинг ёриб киришга қурби етмайди. Дарвоқе, бу ҳақдаги ҳисоботни сиз билан бирга тайёрлагандик-ку.

– Тўғри, – бош силкиди Беннет, – бу эсимда турипти, аммо Тожикистонда ҳозирги пайтда уч миллиондан камроқ аҳоли яшаяпти. Яна шунча фуқароси Афғонистонга ўтиб кетган. Бу одамлар ҳамма нарсага тайёр. Бир пайтлар афгон муҳолифатининг ҳам бирор натижага эришишига ҳеч ким ишонмагани, ҳозир эса Нажибулла ҳукумати ҳақида ҳеч ким эсламайди.

– Тожикистон Афғонистон эмас, – эътироз қилди Херрик, – у ерда вазият ҳам, аҳоли ҳам бошқача. Бундан ташқари, Афғонистонда яшаётган тожикларнинг тўртдан уч қисми мурасасиз афгон муҳолифатининг хурофий қарашларини қабул қилмайди. Тожикистоннинг ўзидагиларни айтмаса ҳам бўлади. У ердаги халқ эронликларга ўхшаб диний давлат қурмоқчи эмас, чунки замонавий маданиятнинг мевасини татиб кўрган.

– Сизга зиммамизга юклатилган вазифа ниҳоятда оғир бўлиб туюлмаяптими? – хўмрайди Беннет, унинг шахмат тахтасидаги аҳволи анча танг бўлиб, Херрикнинг тўраси орқа тарафдан таҳдид солиб турарди, – бир томондан биз, қандай қилиб бўлса-да, ақидапарастларнинг шохини синдириб, Шарқда Эрон шаклидаги янги ислом давлатининг пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз шарт. Иккинчи томондан, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларининг, хусусан, Россиянинг жанубий ҳудудга таъсир кучини заифлаштириш учун, тожик муҳолифатининг диний мутаассибликка муккасидан кетган кучларини очиқдан очиқ қўллаб-қувватлашимиз лозим.

– Мен бу ерда бирор зиддият кўрмайпман, – Херрик барибир чап томондан ёриб ўтиб, рақибининг донасини қисиб қўйди, – мувозанат сақланса, зиддият бўлмайди. Муҳими, худди Эрон ва Ироқ можорасида бўлгани сингари, икки томоннинг ҳам ғалабага эришишига йўл қўймаслик даркор. Гарчи Садам Ҳусайинни ҳам, Оятулло Ҳумойнийни ҳам чин дўстларимиз қаторига киритиш мутлақо мумкин бўлмаса-да, иккаласига ҳам каттагина ёрдам кўрсатдик, икки томонни ҳам ўн йил давомида қурол билан таъминлаб турдик.

– Сиз бу юртда русларга ҳам ёрдам беришни таклиф қилаяпсизми? – кулимсиради Беннет.

– Аслида ҳам ёрдам бермаяпмизми? – ажабланди Херрик, – уларда “демократия”ни ривожлантириш учун конгресснинг қанча маблағ ажратгани аниқ ёдимда. Агарки, ҳозирги руслар демократ бўлса, унда мени фаластинлик террорчи, деб ҳисоблайверинг.

Бу ҳазилдан иккаласи ҳам енгилгина кулиб олишди, Хонага миссис Фукс кирди.

– Қаҳва ичасизларми? – дея, ҳар бирининг олдига хушбўй ҳид таратиб турган идишларни қўйди.

– Ташаккур сизга, миссис Фукс, – калла қимирлатди Херрик.

— Сиз бу ҳудудда мана шунақа ноаниқ вазият узоқ сақланиб қолади, деб ўйлайсизми? Мен келажакни назарда тутаяпман,— яна сўради Биннет.

— Билмайман,— тан олди Херрик, — бу ҳатто Тожикистон ичидаги қарама-қарши кучларга ҳам боғлиқ эмас. Ҳаммаси Москвада ҳал бўлади. Агар сайловларда коммунистлар ёки миллатчилар голиб чиқса, улар мамлакатни янгидан бирлаштириш учун ҳаракат бошлашади. Тарихни ортга қайтариш қийин бўлса-да, демократик империя шаклидаги иттифоқ яратилса, у билан яна ҳисоблашишга тўғри келади. Сизга — шоҳ!

— Балки, сиз ҳақдирсиз, — рози бўлди Беннет, у шахмат тахтасидаги вазиятни беш дақиқалар чамалаб кўриб, яна битта донасини бой беришини тушунгач, таслим бўлди.

— Сизда Афғонистондан, яъни Нурулладан бирор хабар борми? — сўради Херрик.

— Ўша контрабандачиданми? — алам билан хўрсинди Беннет, — бизнинг фожиамиз шундаки, доимо инсон зотининг энг расво вакиллари билан ишлаймиз. Тўғри, бир томондан бизга керакли ахборотни етказиб турибди, иккинчи томондан бўлса, чегарадан гиёҳвандлик моддаларнинг катта миқдорини ўтказиш билан банд. Ҳатто, яқинда у Тожикистон чегарасини ёриб ўтишга уринипти.

— Улдасидан чиқиптимми?

— Қайда. Кўп миқдордаги одамидан ажраб, яна тоққа қочган. Лекин, битта вертолётни уриб туширгани ва рус зобитини асир олганини унинг муваффақияти, деб санаш ҳам мумкин. Қандайдир полковник эмиш, афтидан, чегарачи бўлса керак.

— Уни нима қилишмоқчи?

— Ҳозирча бир қарорга келишмаган, — Беннет елка қисди, — балки, бирортасига айирбош қилишар, балки, эвазига қурол сўрашар, балки яна бошқа ўйлари бордир. Бу зобит бизни унча қизиқтирмайди, гарчи полковник бўлса ҳам, чегарадаги зобит нимани ҳам биларди, бирорта заставада кўриқчиликнинг қандай ташкил қилинганини айтиб бериши мумкин, холос. Бунинг бизга кераги ҳам, қизиги ҳам йўқ.

— Шунақа бўлиши мумкин, — маъқуллади Херрик, — у томонга қачон учмоқчисиз?

— Эртага эрталаб.

— Шу об-ҳаводами?

— Мен об-ҳаво маълумотини эшитдим. Айтишларича, эртага ҳаво очиқ бўлади, шамол тинади.

— Вертолёт чақириб қўйдингизми?

— Пешавор билан гаплашдик. Иккала учувчимиз ҳам ҳозир Дрошеда, бу ердан ўттиз чақирим нарида экан. Эрталаб учиб келишади. Мен вертолётни шу ерда қолдиришларини неча марта сўрадим, Пешавор кўнмаяпти. Улар ҳам ҳақ, бу тоғларда вертолётни жойлаштирадиган қулай шароит йўқ.

— Барибир эҳтиёт бўлинг. Мен ўша Нуруллангизга ишонмайман, — гўлдирди Херрик.

— Шунақами? — Беннет қошларини керди, — ундан шубҳаланишга бирор асос борми?

— Мен уч кун олдин ўзимиз тутган радиосўхбат ҳақида айтгандим-ку сизга. Кимдир очиқдан-очиқ юкнинг белгиланган манзилга кетганини айтди, Душанбе орқали Москвага жўнатилганмиш. Қизиқ, бу қанақа юк, кимга аталган? Агар Москва орқали кетаётган бўлса, Нурулла ўртамиздаги келишмовчиликдан фойдаланиб қолмоқчига

ўхшайди. Бу босқинчи билан руслар ўртасида қанақа алоқа бўлиши мумкин? Тан олиб айтаманки, мана шу масала мени жуда хавотирга солаяпти. Сиз бу ҳақда Пешаворга маълум қиларсиз, деб ўйлагандим.

– Нима, менинг қўлимда ўша гаплашган шахснинг Нурулланинг радиости экани ҳақида аниқ маълумот борми? – сўради Беннет, – афсуски, ҳозирча йўқ, бўлмагач, нимани айтаман. Сиз Нурулланинг икки томонлама ўйин қилаётганини текширишингиз ва тўлиқ ишонч ҳосил қилишингиз керак. Мана шунинг учун ҳам эрталаб унинг олдида учиб кетаяпман. Қўрқманг, Нурулла менга қарши бирор нарса қилишга журъат этаолмайди. У бир вертолётнинг ўрнига бир нечтаси учиб бориб, одамлари билан яксон қилиши мумкинлигини яхши билади.

– Ҳар қалай эҳтиёт бўлинг, – яна қайтарди Херрик.

Эртасига эрталаб шундоқ уйининг ёнига қўнган вертолётда Беннет ўзи билан камгап ва доимо индамас Гарри Блантни олиб, Афғонистонга учиб кетди. Миссис Фукс уларнинг қайтишига бирор егулик ҳозирлаб қўйиш учун ошхонага йўл олди. Херрик одатдаги навбатчилигини адо эта бошлади. Лейтенант Говард Фукс эса хонасида пинакка кетганди.

Уй эшиги аниқ нишонга урган гранатомёт зарбидан портлади. Херрик тўппончасини зудлик билан олиб, ташқарига отилди. Хонага бостириб кирган бешта нотаниш кимса чор атрофни автоматдан ўққа тутди. Миссис Фукс нима бўлганини англашга ҳам улгурмасдан, бир неча жойидан ўқ еб, ошхонадаги ўчоқ устида жон берди. Эрининг аҳволи ундан ҳам баттар бўлди. У зинапояга чиқаётганда автомат ўқидан қулади. Жони бутунлай чиқмаганини кўриб, автомат магазинидаги барча ўқларни аямасдан нақ калласига узишди. Херрик бир неча марта ўқ узиб, ҳужум қилганларнинг иккитасини яралашга улгурди, шундан сўнг дераза оша кирган яна бирининг пайдар-пай узилган ўқидан қулади. Нотаниш кимсалар кетар чоғларида барча асбоб-ускунларни синдириб, ҳужжатларни ёқиб, деворда қон билан битилган “Америка империалистларига ўлим” деган ёзувни қолдиришди. Ўқ овозлари ва ҳужумчиларнинг ҳайқиригидан кўрқиб кетган станциядан беш юз қадам наридаги қўшни уйларнинг эгалари то икки машинада полициячилар етиб келгунга қадар, шаҳар кўчаларига чиқишга ҳам журъат қилишмади. Шундан сўнггина эсанкираб қолган бир неча қўшнилари воқеа жойига тўпланиб, вайрона ва ўлим изларидан даҳшатга тушдилар.

### III

Раҳимов Али Раҳмоннинг дўконидаги мурдани кўргач, бир лаҳза қотиб қолди, кейин энгашиб, унинг юзига қаради. Унинг соқолига кўзи тушган заҳоти хотиржам тортди. Чон Диннинг бунақа соқоли бўлиши мумкин эмасди. Шарқда Чон Динга ўхшаганларни одатда кўса, яъни, кам соқол, дейишади. Кўсалар корейс, хитой ва қирғизлар ўртасида кўплаб учрайди, уларнинг башарасида бошқа шарқ халқларига нисбатан туклар сийрак ўсади. Шу кез дўконга кираётган одамларнинг шовқини эшитилди. Раҳимов тезлик билан қайрилиб, биринчи хонага қайтди. У ерда Семенов билан ўлгудек кўрқиб кетган йигитчага рўпара келди.

– Сен кимсан? – сўради Раҳимов.

– Мен шу дўконда ишлардим, – йигит ўзини дўконга туппончаси билан туртиб киритган ва жим турган Семеновга қараб қўйиб, кўрқа-писа бидирлади.

– Ўлган ким?

– Али Раҳмоннинг укаси. Уни Алимуротнинг одамлари ўлдириш-гач, мен қўрққанимдан қочиб кетдим.

– Али Раҳмоннинг ўзи қаерда?

– Беш кун бурун безгакдан ўлди.

– Тушунарли, – деди Раҳимов хомуш тортиб, – дўконингга Ҳиндистондан келган меҳмон – паст бўйли корейс ёки қирғиз йигит кирмадими?

– Кирганди, – қувониб кетди йигитча, – икки кун олдин. Уни кўчада хотини кутиб турганди. У Али Раҳмон бир хат қолдириб кетиши керак эди, деди, аммо, бизда ҳеч қанақа хат-пат йўқ эди, хўжайиннинг укаси жуда газабланди, ҳатто милтиқ ҳам ўқталди.

– Кейин нима бўлди?

– Алимуротнинг одамлари келгач, ҳиндистонлик меҳмон кетди.

– Бир ўзими ёки ҳалигилар биланми? – суриштирди Раҳимов.

– Бир ўзи, – деди йигит бош қимирлатиб, – хотини билан бирга. Балки, унинг хотини ҳам эмасдир, лекин анигини билмайман.

– Тушунарли, – рухсат берди Раҳимов – Оллоҳ раҳматига олгур манави шўрликни одамга ўхшаб дафн қилгин.

– Оллоҳ сенинг ҳам барча қариндош-уруғларингнинг раҳмини есин, – йигит севинганича анъанавий ибора билан жавоб қайтарди. У ҳеч ким ўзини ўлдирмоқчи эмаслигини тушунганди.

– Хўжайиннинг ўлган укасидан бошқа қариндошлари ҳам борми-ди? – сўради Раҳимов.

– Бор, Зебақда оиласи яшайди, аммо ишларини укаси юритарди, – тушунтирди йигит.

– Демак, энди хўжайин ўзинг экансан-да, – Раҳимов қаттиқ огоҳлантирди, – агар етимларни хафа қилганингни билиб қолсак, биз албатта, қайтиб келамиз, тушундингми?

– Нега хафа қиламан? – чўчиб кетди йигит. У, ҳатто, Семёновнинг борлигини ҳам унутганди, – Али Раҳмоннинг хотини менинг ёлғиз опам бўлади.

– Унда ҳаммаси жойида, – Раҳимов Семёновга ишора қилгач, дўкондан чиқишди.

Қайтиш оғир кечди. Асановга Падерина билан Чон Диннинг йўқолгани ҳақида хабар беришлари керак эди. Улар қароргоҳга етиб келгач, бир кунда Нурулланинг маконидан ўз қўналгаларигача бўлган олис йўлни босиб ўтиб, чарчоқдан оёғида зўрға турган Чон Динни кўриб, елкаларидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

Агар қишлоқдаги босқинчилар тўдаси ёнида қолган Падеринани ҳисобга олмаганда, гуруҳ жамулжам эди. Асанов зобитларни йиғиб, ҳар бирининг вазифасини тушунтирди. У Раҳимовнинг чехрасидаги ҳайронликни сезиб, йиғилиш тугагач, ўринбосарига бир оз ўзи билан айланишни таклиф қилди.

– Сизга бирор нарса маъқул келмаяптими? – сўради подполковникдан.

– Ростини айтганда, шундай, – тан олди Раҳимов.

– Қулоғим сизда, – деди у, бу суҳбат бошланаётган англашил-мовчиликнинг биринчи аломати эканини ҳис этиб.

– Сиз Нурулланинг тўдасини қуршаб олиш ва разведка йўли билан жанг қилишнинг йўлларини аниқ тушунтирдингиз. Аммо операциянинг охири босқичи ҳақида ҳеч нарса демадингиз. Кречетовни қандай қилиб асирликдан қутқарамиз? Бутун гуруҳнинг ҳал қилувчи вазифаси қандай амалга оширилади? Биз нима қилишимиз керак? Мен сизни тушунмаяпман, Акбар Алиевич.



– Ҳаммасини олдиндан режалаштириб бўлмайди, – Асанов тўғри жавобдан қочди, – баъзан ўша жойнинг ўзида, жанговор вазиятдан келиб чиқиб, қарор қабул қилишга тўғри келади.

– Менимча, сиз ҳақсиз, – рози бўлди подполковник, – мени кечиринг.

– Ҳечқиси йўқ, – Асановнинг кайфияти бузилди. Унга операциянинг мақсади ва моҳиятини ўз зобитларидан ҳам яширишга мажбурлиги унга ёқмаётганди. Лекин, фақатгина мутлақ махфийликкина тушунарсиз ва нима билан тугаши номаълум бўлган ушбу сафарнинг муваффақиятини таъминлай оларди. У Раҳимовнинг шубҳасини сезди. Подполковник тажрибали мутахассис сифатида бутун режанинг асосий камчилигини – операциянинг тақдирини ҳал қиладиган якунловчи босқич назардан четда қолганини пайқаганди. Шу билан бирга, Раҳимов қўлидаги муҳрланган мактубни ҳам унутмаган, Асановга бўлажак операция ҳақида қароргоҳдаги ҳар қандай зобитдан кўпроқ нарса маълум эканини ҳам эътибордан соқит қилмасди.

Нурулланинг маконига тун қоронғулигида яқинроқ бориб олиш учун улар ўша кунни кечқурун йўлга тушишди. Юриш осон эмасди. Олти зобит барча керакли юкларни елкаларига ортмоқлаб олган, бу эса усиз ҳам оғир йўлни икки баравар оғирлаштирганди.

Шунга қарамасдан, тонг отгунга қадар мўлжалланган жойга етиб бориб, Нурулланинг қароргоҳидан беш чақирим нарига ўрнашишди. Бу сафар лагерни кўздан кечириш учун Чон Динни етаклаб, Асановнинг ўзи кетди. Агар Нурулланинг олдинги постларидаги қўриқчилар ушлаб оладиган бўлса, улар айланма йўл билан шаҳарга қайтаётганларини тушунтиришлари, хусусан, Чон Дин айни пайтда хотини яшаб турган уйни кўрсатиши мумкин эди. Асанов эса ўзини Ишкашимда меҳмон бўлиб қайтаётган тожик сифатида таништира кифоя.

Гарчи Асанов ҳақиқатдан ҳам тожик бўлса-да, йўлларида дуч келишлари мумкин бўлган хавф-хатар барибир катта эди. Нурулланинг одамлари орасида Ишкашимни эмас, балки шаҳар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қиладиган ўша ерлик тожикларнинг ҳаммасини яхши биладиган кишиларнинг учраб қолиши ҳеч гап эмасди. Ўшандай вазият юз берса, уларнинг саволига жавоб бериш осон бўлмас, чунки кичик шаҳар аҳолининг барчасининг қиёфасини эслаб, исмини билишнинг умуман иложи йўқ эди. Аммо, Асановнинг яна бир имтиёзи – ҳар хил доривор ўтлар ва табибларнинг узун пичоғи жонларига ора кириши мумкин эди. Қуришиб, майдаланган доривор гиёҳлар бу тоғларда қардан-кам учрайдиган моҳир табибларники каби белбоғидаги халтачаларда осилиб турарди. Мўлжалга кўра, босқинчилар Асанов билан қизиқиб қолиб, қўналғаларига бошлаб боришса, вазиятни жойида ўрганиш мумкин бўларди. Яна бир хатарли томони, Нурулланинг тожиклари орасида Душанбенинг собиқ фуқароси ёки мухошидлар сафида жанг қилган кишилар бўлса, Асановни таниб қолиши ҳеч гапмасди. Генерал ўзининг жасурлиги билан танилган ва кўп миллатли ўлкада яшаётган барча халқларга нисбатан бағри кенглиги билан довруғ таратганди.

Қишлоққача уларни ҳеч ким тўхтатмади. Афтидан, Нурулла ўзи макон тутган ялангликни қутилмаган меҳмонларнинг ташрифидан сақлайдиган ишончли жой, деб биларди. Эҳтимол, уларнинг омади келгандир, ишқилиб, бирорта соқчига дуч келишмади, қишлоққа эса келишганларидек, биргаликда кириб боришди. Уй эгаси Чон Диннинг қайтиб келганини кўрса-да, ўзининг ҳафсаласи пир бўлганини билдирмади. У меҳмон хотин паранжисини ечганда, ҳусн-жамолини

кўришга улгурган ва қишлоқларида бунақа гўзал аёл асло бўлмагани ҳақидаги хотинининг фикрига қўшилганди. Аслида эса Педаринани унчалик гўзал, деб бўлмас, аммо умрида дурустроқ аёлни кўрмаган кекса тожикнинг кўзига худди кўкдан тушган паридек туюлганди.

Тўғри, унинг эри Ишкашимдан қайтиб келгач, кўнгилни яйратиб турган мўлжаллари кўкка соврилди. Чол икки меҳмон билан қўшилиб чой ичар экан, шундай хушрўй аёлнинг бу эркакдан нима топганига ақли етмасди. Аммо, барибир эркак меҳмони, аёл эса унинг хотини, демак, бу вазиятда унга мутлақо номаҳрам эди. Асанов чолнинг ҳаяжонланаётгани кўриб, Падеринанинг унда қанақа таассурот уйғотганини тасаввур қилди ва мийиғида кулди. Кейин у озроқ пул топиш ниятида табиб қиёфасида қароргоҳга боришга чоғланганда, чол бу худосиз зўравонларга заррача ишонмаслигини айтиб, ҳамроҳликдан қатъиян бош тортди.

Асанов қароргоҳ томонга жўнади. Агар узун пичоғини, бир нечта тилувчи ва санчилувчи ништарларини ҳисобга олмаса, унинг бошқа қуроли йўқ эди. Яланглик олдида уни икки кишидан иборат соқчилик гуруҳи тўхтатди.

– Тўхта, – деди биттаси кўпол овозда қичқариб.

– Ассалому алайкум, – ҳурмат билан саломлашди Асанов. У пуштунларнинг эмас, тожиклар кийимида бўлиб, эгнига ҳалпиллаган костюмсимон халат, кўйлак, почалари бесўнақай чангли этик кўнжиги тақилган чолвор кийган, бу либослар тўқсонинчи йиллар ўртасида “ҳарбийча урф” ҳисобланарди.

Соқчилар унинг саломига алик олишмади.

– Кимсан? – сўради янада тўнглик билан яна бири, – Қаёқдан келаяпсан?

– Мен табибман, – деди Асанов камсуқумлик билан. – бурчим одамларни дард азобидан халос этиш. Агар бирор ёрдамим керак бўлса, тайёрман.

– Табибмисан? – хурсанд бўлиб кетди иккинчи соқчи. – Худди сен керак эдинг. Юр, биз билан.

Улар тўппа-тўғри қароргоҳга йўл олишди. Мўлжал тўғри олинганди. Тоғларда табибга эҳтиёж катта эди. Бу ерда дори-дармон ҳам, врачлар ҳам етишмас, ота-боболаридан қолган эски усулларда даволанишар, бу эса кўпинча беморнинг ўлими билан тугарди.

Асанов, энг аввало, қароргоҳдаги интизомга эътибор берди. Чодирлар битта қаторга тартиб билан қурилган бўлиб, тозалик ва саришталик ҳукмрон эди. Гулханлар овқат тайёрлаш ва сув қайнатиш учун ажратилган алоҳида жойда ёқиларди. Соқчилар ўрталиқдаги энг катта чодирлардан бирининг олдида тўхташди. Ичкаридан кўзойнак таққан, соқоли ўсиқ бир киши чиқиб келди. Бу ерда кўзойнакли кишини кўриш саҳрода калиш кийган йўловчи билан учрашгандек галати таассурот қолдирарди. Кўзлари азалдан ўткир бўлган тоғликларнинг кўпчилиги умрида кўзойнак нималигини билмасди.

Ҳалиги кимса шифокор экан. Нурулланинг чегарани ёриб ўтиш учун қилган муваффақиятсиз ҳаракати оқибатида жароҳат олганлар жуда кўп бўлиб, врач бир неча ҳафтадан буён оёқдан йиқилгудек ҳориб-чарчаб, ёлғиз ўзи оғир ярадорларни қутқариш билан овора экан. Агар атрофидагилардан бирортасининг оддий ярани боғлаш ҳам қўлидан келмаслиги инобатга олинадиган бўлса, унинг ўз оёғи билан келган табибни кўриб, қанчалик қувонганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бироздан сўнг Асанов ярадорлардан шифокорнинг Қизил Хоч йўли билан бу ерга келиб қолганини, аллақачон Кобулга қайтиши керак бўлса-да, яхшигина ҳақ эвазига Нурулла бу рўдапони отрядда ушлаб турганини билиб олди.

Асанов бир неча соат давомида беморларнинг жароҳатини ювиб, унча бой бўлмаган сафар халтасидаги дориворларни тарқатиб бўлганида, кун пешиндан оққанди, шу пайт қароргоҳ устида бегона вертолётнинг шовқини эшитилди. Чодирлардаги одамлар ташқарига отилди. Ҳатто, юришга ҳоли келадиган ярадорлар ҳам “учар машина”ни кўриш учун ичкаридан судралиб чиқдилар. “Шўровий”ларнинг шунақанги машинасини гранатомётдан уриб туширганларидан сўнг, Нурулланинг одамлари ўзларини бундай даҳшатли махлуқ билан курашишга қодир баҳодирлардек ҳис этаётганди.

Ақбар вертолётда сиртида Покистон қуролли кучларининг тамғаси йўқлигига эътибор берди. Ундан узун бўйли, спортчи қиёфасидаги норғул эркак, унинг ортидан юзида қаҳр ва норозилик уфуриб турган яна бир киши тушди. Иккаласи ҳам тўғридан-тўғри Нурулланинг чодир томон юрди.

Асанов қулай имконият туғилганини дарҳол пайқади. Чодирнинг, фақат ташқи томони, яъни киравериш жойи қўриқланарди афтидан. Нурулла ва унинг одамларининг ҳаёлига чодирнинг бутун теграсига соқчи қўйиш фикри келмаган, улар ўзларини душман таҳдидидан холи, деб ҳисоблашарди. Асанов чодирнинг, тахминига кўра, дала шароитида айнан мана шунақа меҳмонлар учун келтирилган стол ва курсилар қўйилган ўнг тарафига яқинлашиб, гаплашувчиларнинг қаттиқ-қаттиқ чиқаётган овозларини эшитди. Аллақандай хирилдоқ аралаш бўғиқ овоз Нурулланики бўлиб, саволларга бир ўзи жавоб қайтарар, афтидан, у билан асосан меҳмонлардан биттасигина мулоқот қилаётганди.

— Сен доимо қандайдир манфаатларингни кўзлаб иш тутаяпсан, Нурулла, — деди меҳмонлардан бири таҳдид билан, — энди бунақаси кетмайди. Биз сенга катта пул тўлаяпмиз. Нега биз билан келишмасдан чегарага бош тикдинг? Бунинг ғирт аҳмоқлик эканини мен сенга ўтган гал айтгандим. Ҳатто, ўз одамларингга нисбатан жиноят, дейиш ҳам мумкин. Шунча одамни нима мақсадда қурбон бердинг? Эки бошқа режаларинг борми?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди Нурулла, — кофирлар билан курашишни ўз бурчим ва халқим олдидаги мажбуриятим, деб биламан.

— Ўзингнинг одамларингга айтасан бунақа сариқ чақага арзимайдиган чўпчагингни, — аччигланди меҳмон, — тўғриси айт, нимага бу ишга суқилдинг?

— Биз адолат учун курашяпмиз.

— Шунинг учун катта миқдорда гиёҳванд моддаларни ўтказаяпсан экан-да? Шуми адолатингиз?

— Бу гапни гапирма, — ёлворди Нурулла, — биласан-ку, беш йил олдин Жалолобод ёнида ўғлимнинг ҳалок бўлганини.

— Бизни алдашнинг кераги йўқ, — зарда қилди меҳмон, — бизда сенинг радиогамманг бор. Сизлар энди гиёҳванд моддаларни Душанбе эмас, ҳатто Москва орқали ҳам ўтказаяпсизлар.

Асанов қотиб қолди, худди ниманидир янглиш эшитаётгандек туюлди.

Нурулланинг ҳам уни ўчди. Чодир ичига ноқулай жимлик чўкди. Ниҳоят уй эгаси гуноҳқорона йўталди.

– Москва масаласида сен ноҳақсан. Улар билан аниқ шартнома-миз бор. Муҳими, юкнинг Москвага етиб бориши, қолгани билан бизнинг ишимиз йўқ.

– Кимлар “уларинг”, – сўради меҳмон.

– “Улар” “улар” да, – тўғри жавобдан қочди Нурулла, – сизларнинг нимадан қўрқатганингизни билиб турибман. Аммо, ишонтириб айтаман, ўша одамларнинг сизларга зарари тегмайди, аксинча, вақти келса фойдаси тегиши мумкин.

– Менга ташвиқотингнинг кераги йўқ, – меҳмон жаҳлидан тушмасди, – гиёҳванд моддалар тўғрисидаги гап тўғрими?

– Одамларимни нима билан боқаман? – деди Нурулла бироз айбдор қиёфада. – Бошқа иложим йўқ менинг.

– Сен икки хўжайинга хизмат қилмоқчи бўлаяпсанми? – деди газаби жунбушга келаётган меҳмон очикдан-очик таҳдидга ўтиб, – Нурулла, билиб қўй-ки, икки отни бирдан минолмайсан. Бунақаси ҳали бўлмаган.

– Мени бекорга қўрқитаяпсан, – Нурулла ўзини зўрга тутиб турарди, – сенинг одамларинг ҳам, армиянг ҳам узокда, меникилар эса шу ерда. Мен билан бунақа гаплашиш керак эмас.

– Биз ҳозир учиб кетамиз, – ўзини босиб олди меҳмон, – бу томонга бошқа қайтиб келмаймиз. Сен шунга эришмоқчимидинг?

– Биласан-ку, унақа эмаслигини, сизлар менинг дўстларимсиз. Меҳмон бўлиб келганларингдан бошим осмонга етди, – Нурулла ҳам сал мулойимлашди.

Асановга суҳбатнинг оҳанги ҳам, мазмуни ҳам ёқмаётганди, лекин, диққат билан қулоқ солишда давом этди.

– Ҳалиги зобит шу ердами? – сўради меҳмон.

– Шу ерда, полковник экан. Икки ой олдин асир тушиб қолган одамларимга айирбошлашни ўйлаб турибман. Сен нима, дейсан, “шўровийлар” кўнишармикин?

– Агар полковник бўлса, кўнишлари мумкин.

– Ҳақиқий полковник, – жон кирди Нуруллага, – истасанг, ҳозироқ олиб келишади.

– Керакмас, – унинг гапини бўлди меҳмон, – асирларинг билан ўзинг шуғулланавер.

– Ихтиёринг, – Нурулланинг ҳафсаласи пир бўлганди. Унинг асир олинган зобит ва уриб туширилган вертолёт билан роса мақтангиси келаётганди.

– Бизни агар йирик ҳарбий тўқнашув рўй берса, “шўровийлар”-нинг чегарага яна қанақа қўшимча қисмларни ташлаши мумкинлиги қизиқтиради, шуни билиш қўлингдан келадими?

– Ҳар доимгидек, – жонланди Нурулла. – Ҳамма жойда одамларим бор, улар ҳар қандай жойга кира олади. Шунинг учун анави аҳмоқ Алимурот ва мутаассиб Абуқодирнинг тўдалари нима қилмоқчи бўлаётганини ҳар доим олдиндан биламан.

– Катта кетма, – маслаҳат берди меҳмон, – бунақа такаббурлигинг Худога хуш келмайди.

Вертолёт томондан аллақандай қичқириқ овози эшитилди. Асанов бир неча кишининг бараварига Нурулланинг чодирини томон чопганини кўрди.

– Нима бўлди, – сўрашди қўрқиб қолган соқчилар.

– Қўйиб юборинглар, – вертолёт учувчиси биринчи бўлиб чопиб келар, ўзини йўқотиб қўйганди. Унинг ортидан эса қандайдир даҳшатли воқеа рўй берганини сезиб, бир неча ўн киши бу томонга шошиларди.

— Сэр, — деди учувчи палаткага учиб кириб, — ҳозиргина хабар қилишди. Станциямизга нотаниш кишилар ҳужум қилишипти. Учала зобитимизни ҳам ўлдиришипти.

— Бўлиши мумкин эмас! — қичқирди меҳмон столга мушт уриб.

— Сизнинг тезда қайтишингизни сўрашяпти, — деди учувчи ҳамон ҳансираб.

— Ҳа, ҳа, албатта, — деди меҳмон шоша-пиша ва индамас ҳамроҳига мурожаат қилди: — Тезроқ бўлинг. Бўлган воқеанинг тафсилоти аниқми? — сўради у. Суҳбат инглиз тилида борарди.

— Ҳужум қилганларнинг иккитаси яраланган. Аммо, уларни ҳали топишгани йўқ. Полиция ҳудудни ўраб олиш учун қўшин чақирган.

— Станциянинг ўзи қай аҳволда?

— Айтишларича, вайрон қилинган.

Ўртага қисқа сукунат чўкди. Кейин меҳмон баланд овозда сўкинди, қулаган курсининг тарақлаши эшитилди.

— Нурулла, — тўда бошлиғига мурожат қилди меҳмон, — биз бир неча кундан кейин қайтиб келишга ҳаракат қиламиз. Керакли маълумотларни аниқлаб қўй. Ҳақини доимгидек оласан.

— Келишдик, — Нурулла инглиз тилини билмасди. Бироқ фавқуллода бир нарса рўй берганини тушунди.

Асанов эса инглиз тилини билар, кутилмаганда кўкдан тушган “учар машина” учувчиси билан меҳмон ўртасидаги суҳбатни тўлиқ тушунганди.

У чодир ичидаги босқинчилар орасида инглиз тилини аъло даражада биладиган, аммо бу ҳақда сездирмасликни афзал кўрган яна бир кишининг борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

#### IV

Пешавордаги минтақавий резидент Стивен Мосс бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабар топди. Бу шунчаки, оддий можаро эмас, бориб турган фожиа эди. Оқибати яхшилиқ билан тугаган тақдирда ҳам Мосс мансабидан айриларди. У зудлик билан Лэнглига хабар берди-да, вертолёт чақириб, воқеа жойига учиб кетди.

У Биннет билан бир пайтда етиб келди, газабидан нафаси тиқилиб, ваҳшиёна ҳужум оқибатида ўлган МРБнинг уч зобити жасадини юклашаётганини кузатди. Уни ҳалок бўлганлар масаласи жилла ҳам ташвишга солаётгани йўқ, фақат, битта масала қизиқтирарди — буни ким қилиши мумкин? Довдираб қолган Беннет билан тирик қолган Блант кул бўлган қоғозлар ва мажақланган машина атрофида тимирскиланиб, бирорта соғ қолган ҳужжатни топишга уринишарди. Афтидан, босқинчилар ҳеч нарсага тегинмаган, станцияни вайрон қилиб, одамларни ўлдириб кетишганди, холос.

Мосс суҳбатнинг асосий қисми ҳали олдинда эканини ўйлаб, оғир сукутга чўмиб ўтирарди. Покистонлик полициячилар ва врачлар уйни тарк этиб, иккинчи қаватдаги икки хона бироз тартибга келтирилгач, Мосс станциянинг ўлмай қолган икки ходими билан суҳбатлашишга жазм этди, улардан бири маҳаллий резидентнинг ўзи эди.

— Қандай қилиб юз берди бу воқеа? — жиддийлик билан суриштирди Мосс бутун қолган ўриндиқлардан бирига жойлашиб олгач.

— Тасаввур ҳам қилаолмайман, — хўрсинди Беннет, — бечора Херрик, Сан-Диегода оиласи бор эди. Бунақа бўлиши хаёлга ҳам келган эмасди. Худди даҳшатли тушга ўхшайди. Бу ер ҳар доим осойишта эди.

– Мана шу нарса сизларни чалғитган, – деди Мосс куруққина қилиб, – ҳар қалай бирор шубҳа ёки тахминингиз борми?

– Ҳеч қанақа, – тан олди Беннет, – бу тоғда тўсатдан босқинчилар тўдаси пайдо бўлиб қолиши мумкин эмас. Афтидан, тадбир кимдир томонидан яхшилаб режалаштирилган ва уюштирилганга ўхшайди.

– Буни сизсиз ҳам билиб турибман, – аччиғланди Мосс, – мени айнан ким қилгани қизиқтиради. Билиб турибсизки, оқибати яхшилик билан тугамайди. Вашингтондан, албатта, кимнидир текширишга жўнатишади. Уларга нима дейсиз? Биз учиб кетгандик, ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ эди, дейсизми? Қайтиб келиб, мурдаларни кўрдик, дейсизми? Бунақа жавоб учун разведкадан учиб кетасиз ва яқин минг йилда бирор ҳукумат идораси сизга иш бермайди. Шуни тушунасизми?

– Тушунаман, – хўрсинди Беннет.

– Сиз нима деб ўйласиз? – елкалари туриб чиққан, мудом индамас Блантга муружаат қилди Мосс.

У елкасини қисди.

– Билмадим, – очик тан олди Блант, – бу ерда шунақа ҳодиса рўй беришини ҳеч қайсимиз кутмагандик. Лекин, мутлақо маҳаллий аҳолининг ишига ўхшамайди.

– Қаёқдан олдингиз маҳаллий аҳоли, деган гапни? – қичқирди Мосс. – Қайдан ўйлаб топдингиз.

– Улар бизнинг муҳофаза тизимимизни жуда яхши билгани учун кузатув камералари ўрнатилган тоғ томондан эмас, шаҳар томондан келишган, – Блант уйлар тарафни кўрсатди, – кейин эшикни гранатомёт билан қўпоришган. Сиртдан у оддий ёғоч эшикка ўхшайди, аммо ичидан пўлат тунука билан қопланган. Ҳужум қилганлар уни бузишга урниб ҳам ўтирмасдан, гранатомётдан уриб қўя қолишган, – Гарри таҳлилчи эди, далилларни таққослаш ва бир тизимга тизиш қўлидан келарди.

– Бу билан нима демоқчисиз? – тумтайди Беннет.

– Ҳужум қилганларнинг ўз хабаркаши бўлган. Ҳатто, станциямизга келиб кетганлар орасида ҳам, – таъкидлади Блант ишонч билан.

Мосс унга бақрайиб тикилди.

– Нималар деб валдираётганингизни биласизми? – вишиллади у. – Демак, сизлар шунчаки нодонлар эмас, оқибатда учта зобитнинг ўлимига сабаб бўлган масъулиятсиз ходимларсизлар. Нима деганингизни биласизми ўзи?

– Мен далилларни мулоҳаза қиляпман, мистер Мосс, – деди Блант хотиржам оҳангда, – бу менинг вазифам.

– Қўйинг, бу гапларни, – қўл силтади Мосс, – яхшиямки, бу сизнинг шахсий хулосангиз. Демак, қотиллар илгари ҳам станциямизга келган бўлиб чиқади-да. Ҳатто, сизлар уларни қабул ҳам қилгансизлар-а?

– Мен бундай демадим.

– Нима деганингиз, бўлмаса? – бўкиришга ўтди Мосс. – Нима дегганингиз ҳақида ўзингизга ҳисоб берасизми, йўқми?

– Албатта, – Блантнинг хотиржамлиги унинг ҳар иккала раҳбарига ҳам одатдагидан ёмонроқ таъсир қилаётганди, – мен вазиятни таҳлил қилган ҳолда, шуларни айтишим мумкин. Ҳужум аввалдан пухта ўйланиб, амалга оширилган. Барча ҳужумчилар уйимиздаги хоналарнинг қандай жойлашгани обдон билиб, шунга яраша пухта ҳаракат қилган. Улар бизнинг ҳимоя воситаларимизни яхши ўрга-

нишган. Қизиғи шундаки, уларнинг бирорта ҳужжатни қидириш нияти бўлмаган. Бунинг устига улар кундуз кунги ноқулай вақтни мўлжаллаб, шовқин-сурон кўтаришган. Демак, бу тадбир ё кўрқитиш, ё қасос олиш учун қилинган. Яна учинчи тахмин ҳам борки, шунчаки бу ифвогарлик мақсадида қилинган бўлиши ҳам мумкин. Мана менинг шахсий хулосаларим.

– Сиз уларнинг қўлида уйимизнинг тарҳи бўлган, деган гапни қаёқдан олдингиз? – қизиқди Беннет.

– Кўраяпсизми, капитан Херрикнинг қандай ўлдирилганини? Қотиллар орқа тарафдан, деразадан кирган. Бунинг учун саройимизни айланиб ўтиш керак. Демак, қотилларга ушбу деразанинг қай тарафда жойлашгани аввалдан маълум бўлган. Бундан ташқари, мистер ва миссис Фукслар ўша заҳотиёқ ўлдирилган. Ҳолбуки, улар анойи одамлар эмасди. Шундан келиб чиқадики, онгли равишда уларнинг йўлини қирқиб, қуролларини олишга йўл қўйишмаган.

– Манتيқ борасида сизга бас келиш қийин, – Мосс тан беришга мажбур бўлди, – у ҳолда марҳумат қилиб, фикрингизни охиригача айтинг-чи, ҳужум қилганларга ушбу хоналарнинг қандай жойлашгани ҳақидаги маълумотни ким берган бўлиши мумкин. Станция хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўлган кимса ким ўзи? Исмини айтаоласизми?

– Албатта йўқ, – Блант ҳамон пинагини бузмасди, – уни бу ерда бўлган хабарқашларимиз ва алоқачиларимиз орасидан излашимиз керак.

– Бунақалар неча киши бўлиши мумкин? – ҳовлиқиб сўради Мосс Беннетдан.

– Йигирма-йигирма беш киши, – Беннет очикдан-очиқ ижирганди, – уларни бирма-бир текшириб чиқиш жуда қийин иш. Кўплари ҳозир чегаранинг нариги тарафига ўтиб кетишган. Тасаввур қиласизми, уларни қидиришга қанча вақт ва куч кетишини?

– Бўлмаса, бошқа бирор таклифингиз борми? – сўради Мосс ёқимсиз кулимсираб, – маслан, мен мистер Блантнинг ақлли мулоҳазаларига қарши муқобил фикрни кўрмаяпман.

У вазиятни тезлик билан мушоҳада қилиб, ўз мансабини сақлаб қолишнинг ягона чорасини топганди. Агар ҳужум Беннетнинг бирорта ходими томонидан содир этилгани исботланса, иш чапчасига айланиб кетган тақдирда ҳам, кечириб бўлмас совуққонликка йўл қўйган Беннет ва Блантнинг ўзи жазоланади. Зобитларининг барча хабарқашлар ва алоқачилар билан алоқасини назорат қилишга жисмоний жиҳатдан имкони бўлмаган минатақавий резидент эса қутулиб қолади.

Мана шу важгина жонига ора киришини билган Мосс мамнуният билан унга ёпишиб олди. Бундан ташқари, у Покистонга Лэнглидан уч зобитнинг ўлими сабабларини текшириш учун махсус вакил келишини ҳам биларди. Демак, ўша жанобнинг кўнгилсиз саволларига жавоб беришга тайёр туриши лозим.

– Қидирамиз, – деди Мосс шахд билан, – эртага эрталаб бу ерга уч нафар зобитимиз учиб келади. Сизларга бутун қолган ускуналар ва ҳужжатларни тиклашга ва тартибга солишга ёрдам беришади. Ҳамма қоғозларни синчиклаб кўриб чиқинглар. Бирорта қоғоз ёки ҳужжат йўқолган бўлса, далолатнома тузиб қўйинглар, нима бўлганини кейин таҳлилчиларимиз аниқлашади.

Пастдан кимнингдир овози эшитилди.

– Яна маҳаллий ҳокимиятдан кимдир келди, – афтини бужмайтди Беннет, – улар, худди бу ерда ким олдинроқ ҳамдардлик билди-

риши бўйича мусобақа ўтказилаётгандек ҳовлиқишади. Мистер Блант, марҳамат қилиб, пастга тушинг-да, менинг шамоллаб қолганимни айтинг. Уларнинг таъзиясини ўзингиз қабул қилсангиз ҳам майли.

Блант бош ирғаганча, шошилиб пастга тушди. У ерда портлатилган эшикнинг ўрнига янгисини ўрнатаётган қурувчилар ишлашарди.

Иккаласи холи қолишгач, Мосс сигарета чиқарди, Беннетга ҳам узатди.

— Қанақа вазиятга тушиб қолганингизни билаяпсизми?— сўради у секингина. Беннетга унинг “сиз”лашга ўтгани малол келди. Мосс шу тарзда келажакда кутаётган барча кўнгилсизликлардан ўзини четга олмоқчи бўлаётгандек туюлди. Бироқ, тортишиб ўтирмади. Ҳозирги аҳволида минтақавий резидент билан усиз ҳам таранглашиб турган муносабатини бузиш мақсадга мувофиқ эмасди. У хомушлик билан бош силкиб қўяқолди. Мосс қўл остидагиларни сиқувга олишни сал ҳаддидан ошириб юборганини сезиб, озроқ бўшаши.

— Нурулланинг каллакесарларидан қанақа фойда кўраяпсиз?— сўради Мосс, суҳбатнинг ёқимсиз қисми тугаганини билдириб.

— Ҳеч қанақа натижа йўқ. Биз тўлаётган пулга арзимоли улар, — олдин бўлиб ўтган гап-сўзлардан ҳали ўзига келмаган Беннет, — сизнинг топшириғингизни шахсан Нурулланинг ўзига айтдим. У тез орада бажаришга ваъда берди.

— Ҳали ҳам наркотик савдоси билан шуғулланаяптими?

— Билишимча, шундай. Бошимизга битган бало у. Аммо, одамларини боқадиган бошқа чораси йўқ эмиш. У менга тўғридан-тўғри шундай деди, шусиз одамларининг куни ўтмай қолармиш. Биз бераётган пулларни бўлса ўзининг чўнтагига ураяпти ёки Карачидаги банкдаги ҳисоб рақамига ўтказаяпти.

— Пулини қаерда сақлашидан ҳам хабардормисиз?— кулимсиради Мосс.

— Бўлмасам-чи, у гоҳида пулни мана шу манзилга ўтказишни илтимос қилади. Умуман олганда биздан олган баъзи топшириқларни ёмон бажараётгани йўқ. Лекин у билан ишлаш барибир ёқмайди.

— Шунақа нозик феъл бўлиб қолганмисиз?

— Йўқ, шунчаки жирканаман. Улар гирт муттаҳамлар. Пул учун ҳар қандай ишни қилишга тайёр туришади. Ор-номус, ахлоқ-одоб нималигини мутлақо билишмайди. Биз, ҳатто Душанбе ва Москва билан алоқалари борлигини аниқладик.

— Сиз уларни рус разведкасига ишляяпти, деб ўйлайсизми?

— Мутлақо, — Беннет юзини силаганди, йўл-йўл қора из қолди. Қўли куяга ботганини унутган экан, — бунинг учун ўта нодонлик қилади, — қўшимча қилди у, кейин узр сўраб, қўлини ювгани кетди.

Қайтиб кирганида Моснинг чоғроқ идишни олиб, ўзига виски қуяётганига кўзи тушди. Иккинчи қаватга аланга ва вайронагарчиликдан унча зарар етмаган, ичимликлар сақланадиган жавондаги барча шишалар бус-бутун эди.

— Бизда ях бўлмайди, сэр, — деди яна бир бор кечирим сўраб Беннет, — пастдаги музлатгичнинг дабдаласи чиқипти.

— Ҳечқиси йўқ, — қўл силтади Мосс, — шундайлигича ичаверман. Сизнинг соғлиғингиз учун.

Беннет ҳам ўзига ичимлик қўйди.

— Саломат бўлинг, — деди жавоб ўрнида.

— Сиз Нурулла қўлга туширган совет зобити ҳақида эшитдингизми? — сўради кайфияти сал жойига тушган Мосс.



– Эшитдим. Оддий чегара хизмати полковниги. Биз учун мутлақо қизиғи йўқ шахс.

– Унчалик эмасдир, – эътироз қилди Мосс, – илгари чегара хизмати КГБга қарарди, демак бу полковник ҳам КГБнинг зобити бўлган. У кўпгина қизиқарли нарсаларни айтиб бериши мумкин.

– Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмапман. Қолаверса, мамлакатнинг бузилгани, КГБнинг тарқаб кетганидан бери қанча йиллар ўтиб кетди. Ўша полковник бизга нимани ҳам айтиб бера оларди. У ҳозир Нурулланнинг қароргоҳида, Нурулла бўлса ундан қандай фойдаланишни – ўзининг қўлга тушган одамларига алмаштириш ёки қуролга айрибошлаш масаласани ҳал қилаяпти.

– Қандай қилиб ўша зобитни қўлга туширишипти? Тафсилотини билмайсизми?

– Нурулла ҳали ўтган сафар айтиб берганди. У шунақа асири билан пулемётларидан ҳам кўпроқ фахрланади. Улар чегаранинг бир бўлагидан ёриб ўтмоқчи бўлишган. Афтидан, гиёҳванд моддаларнинг навбатдаги катта партиясини ўтказиб юбормоқчи бўлишган. Аммо руслар ўт очиб қарши олишган ва чекинишга мажбур қилишган. Жанг пайтида тепада пайдо бўлиб қолган вертолётни Нурулланинг одамлари уриб туширишган. Полковникни бўлса вертолётдан портлашдан сал олдинроқ ташлашган. У шу тариқа қўлга тушиб қолган. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Уруш пайтида бунақа воқеалар бу мамлакатда тез-тез бўлиб турарди.

– Қизиқ, – деди Мосс. Уруш пайти у Покистонда эмас, Жанубий Америкада ишлаганидан, эндиликда ўзи учун кўпгина янгиликларни кашф этарди.

– Айтгандек, уруш пайтида Россиянинг бўлажак вице-презенти Руцкой ҳам икки марта асир тушган. Бунақалар мужоҳидлар учун айрибошлаш мумкин бўлган оддий ашё ҳисобланган. Манфаат ва пул ҳар қандай ғоядан юқори қўйилган. Руцкой полковник бўлса ҳам, оддийгина учувчи эди, шунинг учун бизни умуман қизиқтирмасди. Ҳеч ким унинг вақти келиб вице-президент бўлишини билмаган-да. Мен у пайтда Ҳиндистонда хизмат қилардим ва бу тарихни яхши эслайман, – гапини тугатди Беннет.

– Сиз бизнинг қўлимизга тушган полковник ҳам келгусида вице-президент бўлиши мумкин, деб ўйлайсизми, – тиржайди Мосс.

– Россияда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Мен Москвада навбатдаги тўнтариш юз бериб, ҳокимиятни ҳарбийлар эгалласа, асло ажабланмаган бўлардим.

– Бунақа тушқунликка тушманг, Беннет. Таҳлилчиларимизнинг айтишларича, Ельциннинг мавқеи жуда мустақкам эмиш.

– Улар бир пайтлар Горбачёв ҳақида ҳам шунақа дейишганди. Биз неча йиллар совет давлатини инсониятнинг бутун тарихидаги эркин дунёнинг энг даҳшатли кушандаси, деб ҳисоблаб келдик, оқибатда ҳаммаси чўпчак бўлиб чиқди. Совет Иттифоқи лойдан ясалган бугдой бошогидек йиқилди, армияси эса ичидан емирилган, жанговорлик қобилиятидан маҳрум тўда эканини кўрсатди. Биласиз-ку, Чеченистонда ўзларини қандай тутишганини. Бу йиллар давомида ҳамма чўчиб келган ўша армиянинг ўзгинаси эди.

– Бу гапга қўшилмайман, – таъкидлади Мосс, – Горбачёв масаласига келсак, бизнинг таҳлилчилар ва разведкамиз президент Буш-ни тўнтариш тайёрланаётгани ҳақида огоҳлантиришганди. Бу ҳақда биз билардик. Очиги, армия хусусида сиз ҳақсиз. Аммо, бу мамлакат бузилгандан сўнг юз берди. Улар ҳали ҳам бу зарбага яхши бардош

беришди, жанговорлик қобилиятини сақлаб қолди. Тасаввур қиласизми, бизнинг мамлакатимиз бир неча бўлакка бўлиниб кетса нима бўлишини? Биз ҳеч қанақа армияни умуман сақлаб қолаолмаймиз, деб қўрқаман.

— Яқин юз йилда бунақаси бўлмаса керак, деб умид қиламан, — кулди ниҳоят Беннет, — полковник масаласига келсак, уни нима қилиш Нурулланнинг ўзига ҳавола.

## V

Михаил Горбачёв эл орасига чиқиб, халқ билан биринчи бор учрашганда, тимсоли ўлимтик Брежнев бўлмиш чириган тузумнинг ҳавосини тозалашга қодир янги раҳнамо келгандек туюлганди. Ҳар томонлама кенг реклама қилинган ва ташвиқий томондан қўллаб-қуватланган Горбачёвнинг биринчи қадамлари аҳолининг кўнглига манзур тушди. Тўғри, кўпчиликка “маъданли сув котиби”нинг “қайта қуриш”ни “яшил илон”га қарши курашдан бошлагани ёқмади, аммо бу унинг амалиётидаги бир қиррагина бўлгани туфайли, аввалига ҳеч ким унчалик жиддий эътибор бермади.

Биринчи уч йил Горбачёвнинг ва у олиб бораётган сиёсатнинг зафарли даври бўлди. У ғарб мамлакатлари раҳбарлари билан учрашувни амалиётга киритди, айримларининг ҳурмати ва эҳтиромини қозонди. Саксон бешинчи йилнинг охирида Женевда ўтган Рейган билан мулоқоти кейинчалик тез-тез рўй берадиган учрашув ва суҳбатларнинг ибтидоси бўлди. Қариб қолган ва эскича андозалар асосида фикрлайдиган Громиконинг ўрнига Ташқи ишлар вазири лавозимига комсомоллик йилларида орттирган ошнаси Эдуард Шеварднадзе тайинлангач, у ўзининг ҳомийсига жўровоз бўлиб “янгича тафаккур” атамасини таомилга киритди.

Афғонистон аталмиш боши берк кўчадан чиқишнинг йўлини қидиришга киришилди. Афғон муҳолифати билан дастлабки учрашувлар бошланди.

Совет раҳбарияти Афғонистондан чиқиб кетилмаса бўлмаслигини тушунганди. Саксон бешинчи йилдан бошлаб совет кўшинлари кенг кўламли ҳужум ҳаракатларини тўхтатган, афғонларнинг ўзаро тўқнашувларига аралашмас, гоҳо-гоҳо жазо операцияларини амалга оширарди. Ўша пайтда ҳам совет аксарларидан иложи борича қурбон бермаслик учун авиация ва артиллерия ишга солинарди.

Шеварднадзе Горбачёвдан тегишли ваколатни олгач, Ташқи ишлар вазириликни тўлиқ тозалашга киришди, узоқ йиллар бир жойда ўтириб қолган, сиёсий вазиятни ҳаққоний баҳолаш хусусиятидан маҳрум бўлган амалдорларни, ворислик йўлини давом эттириш учун, кўпдан таниқли оилаларнинг фарзандларини вояга етказадиган иссиқхонага айланганди. Москва халқаро муносабатлар институтига киришни яхши кўрадиган, битиргач “иссиққина жой”ни эгаллаб олган дипломатларнинг болаларини ҳайдаб солди. Адолат ҳақи шуни ҳам айтиш керакки, бу соҳада унчалик яхши билмаса-да, иштиёқ билан иш бошлаган Шеварднадзе замон талабларига мос келмайди, деган тушунча билан кўпгина яхши мутахассисларнинг, ўз ишининг моҳир усталарининг ҳам баҳридан ўтди.

Горбачёв эса ўз навбатида янада юқорироқ поғонадаги “брежнев чақируви”га мансуб фахрийлар — Романов, Гришин, Кунаев, Шербицкий, Алиевдан қутулди. Юрий Андроповнинг содиқ сафдоши сифатида танилган Алиевни Горбачёв ўзини Сиёсий бюрода қуршаб

олган “янги демократлар”нинг катта тазйиғига бўйсунган ҳолда ҳайдади. ДХБ генерали, Брежнев ва Анроповнинг собиқ эркатойлридан бири бўлмиш Алиев Горбачёвнинг ҳам, яқин атрофидагиларнинг ҳам гашини келтирарди. Агар Анроповнинг Брежнев вафот этгандан сўнг бир ой ўтар-ўтмас Алиевни Сиёсий бюрога олиб келганини мушоҳада қиладиган бўлсак, унинг хусусида Анроповнинг бошқа мўлжаллари бўлганлигини тахминлаш қийин эмас. Ҳарқалай, у СССР Министрлар Совети Раиснинг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллагач, сўнгги йилларда аранг қимирлайдиган ва паришонфёъл Тихонов қаршисида, моҳиятан, совет ҳукуматининг бошлиғига айланиб қолганди. Модомики, Анропов котибият мажлисларини бошқаришни Черненкога эмас, Горбачёвга топширган экан, унинг Горбачёв ва Алиев тўғрисида келажакда нималарнидир мўлжаллагани маълум бўлади. Чунки, Анропов мамлакатнинг ичидаги ва ташқарисидаги вазиятни ҳаммадан яхшироқ биларди. Давлатдаги энг юксак лавозимларидан бирига ислом динига мансуб Алиевнинг сайланиши, мамлакат олий раҳбариятининг асосий аҳолиси муслмонлардан иборат бўлган олтига республика аҳлига алоҳида эътиборини ҳам намойиш қилиши лозим эди.

Аввалига, бу мулоҳазани рад этган Горбачёв орадан бир неча йил ўтиб, тўқсон биринчи йилда унга қайтади ва партия Бош Котибининг ўринбосари этиб, украиналик коммунистларнинг етакчиси Ивашко тайинлайди, Бош вазирнинг курсисига Назарбоевни қўтаришни истайди. Аммо, энди кеч бўлган, Анропов кетгандан сўнг маъқулдек кўринган режалар, Горбачёвнинг даврига келиб ўз моҳиятини йўқотганди.

Ҳозирча Женевадаги совет ҳукумати вакиллари ҳаддан ташқари чўзилиб кетган урушни тугатиб, Афғонистондан ҳарбий қисмларни ҳурмат-обрў билан олиб чиқиб кетишнинг шартлари бўйича олиб бораётган музокаралар қийинчилик билан кечарди. Тўғри, муҳолифат Қобулдаги тузумни ўзгартиришни талаб қилар, аммо мафкуравий сабаблар сиёсий сабаблардан босим келиб тургани совет делегациясига бу масалани қараб чиқишга ҳам йўл қўймасди.

Афғонистоннинг ўзида доктор Нажиб мавқеини мустаҳкамлаш учун муҳолифат билан ўйин бошлади – янги масжидлар қуришга ижозат берди, руҳонийлар вакилларини қамоқдан озод қилишга киришди, Покистон билан совет қўшинларининг кириши оқибатида бузилган икки томонлама муносабатларни кучайтириш учун музокарага ўтди.

Дунё бўйлаб Горбачёвнинг ғолибона юриши давом этарди. Сафарларини кенг ёритаётган матбуот воситаларининг дўстона муносабати, Фарбдаги минглаб мухлисларининг ҳар бир қадамини олқишлаётгани, давлат арбобларининг бағрини очиб кутиб олаётгани уни сархуш этганди. Гарчи, мамлакатда дастлабки кооперативлар ва хусусий корхоналар очила бошлаган, бизнесменларнинг янги тўлқини вакиллари ва биринчи ошкора очиқ миллиардерлар пайдо бўла бошлаган бўлса-да, у ҳамон социализм голярига, улуғ доҳий васиятларига чексиз садоқати ҳақида оғиз кўпиртиришини қўймасди.

Биринчи хавотирли кўнгироқ саксон олтинчи йилнинг охирида, Брежневнинг ҳамтовоғи Кунаевнинг ўрнига Грузия Компартияси МҚнинг иккинчи котиби Колбин жўнатилганда янгради. Ўз республикаларига расмий раҳбарнинг шу тарздаги очикдан очик ўзбошимчалик ва нодемократик йўл билан қўйилишидан норози бўлган минглаб қозоқ талабалари шаҳар майдонига чиқдилар. Исён тезда бости-

рилган, айбдорлар қаттиқ жазоланган бўлса-да, совет раҳбарлари бу воқеадан тегишли хулоса чиқармадилар. Иккинчи ташвишли бонг эса Қорабоғдан эшитилди – арман жамоалари Озарбайжон Республикаси таркибидан чиқиш тўғрисидаги аризага имзо тўплай бошладилар. Горбачёв уларнинг арзига ҳам эътибор бермади. Совет халқларининг метиндек дўстлиги ва миллий масалаларнинг абадиян ҳал этилгани ҳар қандай шубҳадан холи эди. Уни ҳаммадан кўпроқ қуролсизланиш ва “янгича тафаккур”, социализмни ислоҳ қилиш ва “жамиятни демократлаштириш” муаммолари ташвишлантирарди. Горбачёв миллий масаланинг бомбага айланиб, бутун мамлакатни портлатиб юборишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Саксон еттинчи йилнинг ноябрида бутун мамлакат Улуғ Октябр инқилобининг етмиш йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўрар, кўплаб хорижий делегациялар таклиф қилинганди. Бу ерда ҳам иш-кал чиқди. Байрам арафасида Свердловск обкўмининг собиқ биринчи котиби, шахсан Горбачёв томонидан москвалик коммунистлар етакчилигига тайинлаган Борис Ельцин бу маросим муносабати билан ўзининг маъруз матнини тақдим қилади (*Бу Октябр инқилобига нисбатан ўша даврдаги ғоявий ва расмий нуқтаи назардан кескин фарқ қиладиган маъруза эди, – тарж.*) Ельцин довруғли жанжал билан ишдан олинди. Москва коммунистларининг пленумида уни жуда гуноҳларда, жумладан, манманликда, кўполликда, вазифасига лаёқатсизликда, мансабдорлардан бирини ўзини-ўзи ўлдириш даражасига олиб боргани ҳақида айблашди.

Аммо жараён, Горбачёвнинг ўзи айтгандек, бошланиб кетганди...

Саксон еттинчи йилнинг ноябрида афви умумий эълон қилиниб, минглаб жиноятчилар қамоқ ва лагерлардан бўшатилади. Ҳар бир иттифоқош республика пойтахти, ҳар бир республика ички ишлар вазирлиги озод қилинган одамларни қаёққа жойлаштириш хусусида алоҳида-алоҳида буйруқ олди. Боқуга келган буйруқда, қатъий қилиб, авфи умумийга тушганларнинг ҳаммасини йиғиб, Сумгаитдаги махсус комендатура ва маҳбуслар колониясига жўнатиб юбориш топширилганди.

Тезда арман-озарбайжон воқеалари бошланади. Степанокерт шаҳрида Тоғли Қорабоғнинг Озарбойжон таркибидан чиққани эълон қилинди, Арманистон Олий Совети сессияси Тоғли Қорабоғ автоном областини ўз таркибига қабул қилишга розилик бериши билан Аскеранда биринчи қон тўкилди – иккита озарбойжонлик ўспирин ўлдирилди. Ортидан Сумгаит воқеалари уланди...

Кейинча кўп бор ёзилган ва намойиш қилинган Сумгаит фожиаси мамлакатни қамраб оладиган умумий фожиаларнинг бошланиши бўлди. Сумгаит тўқнашувларида йигирма олти арман ва олти озарбайжонлик ўлдирилди. Горбачёвнинг кейинчалик изоҳ беришига кўра, воқеанинг олдини олишга “ички кўшинлар озроқ кечикишган” экан. Бутун дунё ларзага тушди.

Ҳеч ким ақли мулоҳазаларга қулоқ тутишни ҳам, озарбайжон ва арман халқлари ўртасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожа бошланаётганини тушунишни ҳам хоҳламас, бирор кимса Сумгаит воқеаларининг оқибатларини олдиндан кўра олмагани сингари, ҳақиқатни ҳам эшитишни истамасди.

Тинч аҳолини ўлдирган малъунлар орасида эса озарбойжонлар ҳам, арманлар ҳам, руслар ҳам бор эди. Гарчи, босқинчиларга қайси миллатни ўлдиришнинг фарқи бўлмаса-да, бу воқеани дунё аҳли Сумгаитда айнан арман халқига қарши қирғин ўтказилган, деб қабул

қилди. СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида, барча Президиум аъзолари шу тарздаги бўлиниш қанақа аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб, республикалар ўртасидаги чегараларни сақлаб қолиш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилган бўлса—да, бу қарор ҳеч кимни қониқтирмади. Озарбайжонлар ҳам, арманлар ҳам адолатнинг галабасини талаб қиларди, шунинг учун иттифоқдош республиклар пойтахтларига Сиёсий бюронинг анча обрўли намояндалари — КПСС МҚ котиблари Александр Яковлев ва Егор Лигачёв жўнатилди. Ўзаро мувозанатни сақлаш ва ён бериш, керагида сукут сақлаб, фикрини ичида сақлаш сиёсатига омил бўлган Горбачёв бу сафар ҳам усталик билан ўз муғомбирлигини ишга солганди.

Ереванда Александр Яковлев ҳар бир халқининг асосий ҳуқуқи — “унинг мустақилликка эришиши ҳуқуқидир”, деб баёнот берса, ўша куни Бокуда Лигачёв республикалар ўртасидаги чегара “ҳеч қанақа шароитда қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас”, деб таъкидлади.

Бу пайтда Женевада тинчлик элчиси Шеварднадзе Афғонистондан совет кўшинларини олиб чиқиш тўғрисидаги шартномага қўл қўйишга розилик бераётганди. Бунинг эвазига Покистон ва Америка томонлари Афғонистоннинг ички ишларига аралашмасликни, мужоҳидларни қуролантиришни ва ёрдам беришни тўхтатишни ваъда қилишаётганди.

Шартнома имзолангач, Шеварднадзе Кобулга учди. У бу пайтга келиб яна Нажибуллага айланган, доктор Нажибни бу қарорнинг тўғри қабул қилинганига, совет раҳбариятининг пролетарона байналмилалчиликка ва халқаро ҳамкорликка содиқ эканига ишонтирди. Биз Афғонистонни — дўстларимиз ва қардошларимизни ҳеч қачон мушкул авҳолга ташлаб қўймаймиз, дея ҳаяжон билан хитоб қилади у. Нажибулла унинг гапларини диққат билан эшитар экан, шимолий кўшниси уни муҳолифатга сотиб бўлганини англайди.

Шу орада Шеварднадзе ушбу шартномага қўл қўйилишининг сабабларини тушунтириш учун қуролли кучлар чекланган контингенти фаоллари ва дипломатларни йиғади.

Шеварднадзе узоқ гапиради. Чиройли ва ишонтирарли ибораларни ишга солади. Ҳатто, ушбу сатрлар муаллифининг ёдида қолган, мана бу калимани ҳам ўшанда қўллайди:

“Бу ерда қолиш учун кетишимиз керак.”

Жуда гўзал ва мўлжалга тегадиган бу ибора, афтидан, вазирнинг бирорта ёрдамчиси томонидан топилган бўлса керак. Ўша кезде Шеварднадзенинг ўзи ҳам шундай бўлишига ишонганди. Балки, ўзини ишонгандек қилиб кўрсатгандир?

Шартнома имзоланади, совет дивизиялари чиқиб кетишга тайёргарлик кўра бошлайди. Кўп ўтмай имзоланган ҳужжатларнинг душман тараф учун уч пулга қиммат қоғоздан бошқа нарса эмаслиги аён бўлиб қолади.

Совет кўшинларининг чекланган контингенти — бутун қирқинчи армия имзоланган шартномаларга қатъий риоя қилган ҳолда уюшқоқлик билан мамлакатдан ўз ҳарбий қисмларини олиб чиқа бошлайди. Лекин, йўллардаги ҳаракатланиш пайтида, тунаш жойларида уларга афғон мужоҳидларининг қуролланган тўдалари ҳужум қила бошлайди.

Бундан ташқари, худосиз “шўровий”ларнинг кетаётганидан руҳланган мужоҳидлар ялпи ҳужумга ўтиб, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳукумат вакилларни қувиб юбориб, Кобулни биргаликда ишғол қилишга тайёргарлик кўра бошлайдилар.

Москвадагилар шартнома фақатгина, Покистон ва Америка расмий доиралари томонидан ундаги шартларни хўжақўрсинга бажарилишига кафолат берадиган ҳужжат эканини тушунганда, кеч бўлганди. Ҳеч кимнинг ҳокимиятини тан олмайдиган ва динсизларга қарши қўзғалган қабилалар, мужоҳидлар учун бу қарорларнинг мутлақо аҳамияти йўқ экан.

Қирқинчи армия Афғонистондан жанг билан чиқа бошлади. Шунчаки чиқиб кетгани йўқ, кўпгина ҳарбий бўлинмалар тезроқ чегарга етиб олиш учун техникалар, қурол-аслаҳалар, озиқ-овқат, кийим-кечакларни ташлаб кетарди. Баъзи жойларда уюшқоқлик билан чекиниш тўғридан-тўғри қочишга айланди. Бироқ, энди улкан мамлакат раҳбарларини Афғонистон қизиқтирмасди. Саксон тўққизинчи йилда Шарқий Европада фақатгина социалистик оламни эмс, бутун дунёни ларзага солган ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Аввал Польшадаги демократик сайловларда “Бирдамлик” ғалаба қилди. Кейин домино доналаридек воқеалар бир-бирига уланиб кетди. Чехословакияда “бахмал инқилоб” ғалаба қилди, Берлин деворлари қулади, Руминияда эр-хотин Чаушескулар майдонда осилди. Социалистик тузум чок-чокидан сўкила бошлагач, Горбачёв ўзининг Ташқи ишлар вазири билан дунёни титратаётган Европа муаммолари билан шуғулланишга мажбур бўлди.

Кутилмаганда Афғонистоннинг ўзида советларнинг мададидан маҳрум бўлган Нажибулла, нафақат Қобулни сақлаб қолди, ҳатто аксилҳужумни бошлаб юборди.

Афғонистон заминини энг охирида қирқинчи армия қўмондони генерал Громов тарк этди. Ўн йил олдин бошланган уруш ниҳоясига етгандек эди. Қолгани эса афғонларнинг ички муаммосидек туюлганди. Аммо, шундай туюлган экан, холос...

## VI

Асанов ярим тунгача виждонан ишлади, шундан сўнггина дам олиш ва овқатланишга ижозат тегди. У Нурулланинг одамлари асосан маҳаллий ўзбек ва тожиклардан иборат эканига, уларнинг шимолдан келганларни ҳаддан ташқари шафқатсиз ва муросасиз ҳисоблаб, ёқтирмасликларига эътибор берди.

Асанов Нурулланинг қароргоҳидан чиққанида соат тунги тўрт эди. Бу сафар уни ҳеч ким тўхтатмагач, қўналғасига тинчгина етиб олди. Навбатчилик қилаётган Елагин уйқудаги зобитларни уйғотишга чоғланганди, Асанов тўхтатиб қолди. Эшитганларини обдон ўйлаб кўриш ва эртанги кун режасини тузиш керак эди.

У илгари ҳам Марказ ва ГРУдагилар Нуруллани Америка разведкасига алоқадор, деб шубҳа қилаётганини биларди. Асанов қароргоҳда бўлган пайтида бунинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди, айти пайтда ўйлаб кўриши лозим бўлган маълумотга ҳам эга бўлди. Полковник Кречетов МРБнинг маҳаллий резидентини мутлақо қизиқтирмаётган экан, эндиликда қандай қилиб бўлса-да, унинг қизиқишини кучайтириш чорасини кўришга тўғри келади. Шу кезде Асанов резидентининг маҳкамасига ва станциясига қилинган ҳужумни эслади. Кутилмаганда пайдо бўлган ва энди ечилиши лозим бўлган номаълум тенглама унга жилла ҳам ёқмаётганди. Асановнинг назарида қандайдир фавқулодда вазиятгина бу тоғлар аҳлини мана шунақа қалтис қадам қўйишга мажбурлаши мумкин эди. Станцияга ҳужум қилганлар америкаликларнинг жилла кечиктирмасдан, шафқатсиз

қасос олишини билмаслиги мумкин эмасди. Демак, улар ўз жонларини гаровга қўйиб, янада муҳимроқ мақсад йўлида бу хатарли ишга қўл уришган.

Энди Нурулланинг қароргоҳида ички ва ташқи соқчилик постларининг жойлашини инобатга олган ҳолда, келгуси ҳаракатларни режалаштириш даркор. У ерда юз етмиш киши бор, демак, бу — ҳар битта зобитга йигирма-йигирма беш босқинчи тўғри келади. Бир томонда ўз ишининг моҳир усталари ва иккинчи томонда таълим кўрмаган жангарилар экани ҳисобга олинса, кучлар деярли тенг эди.

Ўша тунда у мижжа қоқмасдан, ходимларининг уйқудан туришини кутди. Ҳаммалари уйғониб, нонушта қилиб бўлгач, ҳаракат дастурини маълум қилди. Бу сафар аниқ ва пухта ўйланган режа Раҳимовда ҳам энтироз уйғотмади. Асанов жиддий ўйинда душман томоннинг энгилтаклик қилишига умид боғламаслик кераклигини тўғри ўйлаганди. Жон-жаҳди билан курашилгандагина ўз уринишларининг ҳақиқийлигини исботлашлари мумкин. Ўшандагина димоғдор америкалик чегарада қўлга туширилган полковник билан жиддий қизиқади ва керак бўлса, унинг олдига ЎЗИ келади.

— Бирортангизда савол борми? — сўради у одатига кўра.

— Нега сиз менинг нариги тарафдан кўпроқ фойдам тегиши мумкин, деб ўйлаяпсиз? — сўради Падерина. — Мен моҳир мерганман, балки, Борзунов билан ўрин алмашармиз.

— Бу мутлақо мумкин эмас. Босқинчилар орамизда аёл киши борлигини билмайди ва билмаслиги керак. Акс ҳолда йўлларида учраган ҳар бир жуфтликни текширишларига тўғри келади, бизнинг бор имкониятимиз эса, яширин ҳаракатимизга боғлиқ.

— Сиз ҳақсиз, — маъқуллади аёл, аммо Асанов унинг норозлик билан терс қараганини сизди.

Қуролларни олиб, қароргоҳдан чиқишди. Ҳар қайси зобит ўзининг жойини беҳато билгани туфайли ортиқча савол—жавобларга ўрин қолмаганди. Асанов ва Чон Дин тожиклар ва қирғизлар кийимида яна лагерга йўл олишди. Падерина ва Елагин шу ернинг ўзида йигилган гранатомётларни олиб, ўз жойларни эгаллаш учун, қароргоҳ тўғрисидаги кичикроқ тепалик томон шошилишди. Автомат билан қуролланган Борзунов, Раҳимов ва Семёнов қароргоҳ билан қўшни қишлоқ ўртасидаги йўлни тўсиш учун, бевосита йўл ёқасига ўрнашдилар.

Бу сафар Асанов анча дадиллик билан борарди. Тўхтатган соқчига хотиржамлик билан ўз касбини айтгандан сўнг, Чон Диннинг ёрдамчиси эканини билдирди. Тўдадагиларнинг кўпчилиги тунда врачга маҳаллий табиб ёрдам берганини эшитганди, шунинг учун қароргоҳ худудига бемалол ўтказишди.

Улар бу гал касаллар ётган чодирга бориб ўтиришмади. Асанов кеча Нурулланинг одамлари Кречетовни қаерда сақлаётганини беҳато аниқлаб қўйганди. У Чон Динга ишора қилиб, атрофида икки кўриқчи юрган ўзига хос қамоқхонани кўрстади. Кейин ўзи шошилмасдан ўшалар тарафга юрди.

— Мени асирларингни кўриб қўйиш учун юборишди, — деди Асанов баланд овозда икки босқинчига яқинлашиб, — айтишиларича, у тунда яхши ухлайолмаганмиш.

— Бутунлай уйғонмаса янада яхшироқ бўларди, — деди босқинчилардан бири, — ўшанда тунда кўриқчилик қилишдан қутулардик.

— Бизнинг бу гапдан хабаримиз йўқ, — хўмрайди иккинчиси, — Нурулла унинг олдига ҳеч кимни қўймасликни буюрган.

– Буйруқ бўлса буйруқда, – хўрсинди Асанов ва бурилаётиб иккинчи соқчининг энсасига қисқа ва кучли зарб билан бир туширди. Биринчи соқчи нима бўлганини англашга ҳам улгурмай, беш метр наридан Чон Дин отган пичоқдан мангуга тинчиганди.

Асанов шошилиб Кречетовнинг чодирига кирди.

– Хайрли кун, Владимир, – деди шоша–пиша. Сал шишинқираган ва тўлишган Кречетов ўз кўзларига ишонмади.

– Акбар Асанов? Қаёқдан келиб қолдингиз? Бу ерда нима қилаяпсиз?

Чон Дин иккала босқинчининг мурдасини ичкарига киритиб қўйиб, кўздан ғойиб бўлди.

– Жим, – Асанов қўли билан эшикни кўрсатди. – Биз кетишимиз керак.

– Қаёққа кетамиз, сиз бу ерда нима қилаяпсиз? – сўради ҳеч нарсани тушунмаган полковник.

– Сизга генерал Затонскийдан салом, – у томонга энгашди Асанов.

– Мен ҳеч қанақа генерални билмайман, – тезгина жавоб қилди Кречетов.

– Албатта, билмайсиз, Аммо, ҳозир мен билан кетасиз. Мен унвон бўйича сиздан юқори тураман, муҳокамани бас қилинг.

– Демак, сиз генералсиз, – Кречетов ҳар қалай ўрнидан қўзғалиб кулимсиради, – мени сизнинг озод қилишингизга ишонади, деб ўйлайсизми? Лекин, мен бу муттаҳамлар орасида “генерал” Асановни кўраман, деб ҳеч ҳам ўйламагандим.

– Бекорга кулаяпсиз. Вақтимиз зиқ. Алоқачи Али Раҳмон бир неча кун бурун ўлгани учун биз ҳеч нарса билаолмадик. Одамларимиз унга Деҳлидан салом етказишлари керак эди. Энди ишонгандирсиз?

– Жавобини ҳам айтинг.

– Йўқ, менинг қариндошларим Бомбайда яшайди.

– Сизга нима керак ўзи? – Кречетовнинг чеҳраси ўзгармади – у асл разведкачи эди.

– Мен ҳаммасини биламан, – пичирлади Асанов, – ҳеч нарса сўраманг, фақат, менга ишонинг. Ҳозир мен билан кетишингиз керак, бутун операциянинг тақдири шунга боғлиқ.

– Нима ҳақда гапирётганингизни билмадим-у, лекин, қўймангиз, мен розиман, – деди Кречетов шоша-пиша ҳар эҳтимолга қарши.

Улар чодирдан чиқишгач, Чон Дин соқчилардан бирининг ёпинчигини Кречетовга узатди-да, – елкангизга ташлаб олинг, – деди.

– Тезроқ касаллар чодирига чопинглар, – буюрди Асанов, – битта замбил олиб олишимиз керак.

– Ҳозир келтираман, – Чон Дин ўша томонга чошиб кетди.

– Олдинроқ олиб олиш керак эди. – Аччиёланди Асанов, гарчи Чон Диннинг ўзининг полковник билан қисқа суҳбати пайтида чодирни кўриқлаб турганини тушунган бўлса-да. Капитан касаллар чодирни ёнида ётган қўлбола замбилни дарров олиб келди.

– Ётинг, – буюрди Асанов Кречетовга.

У ҳам ортиқча савол бериб ўтирмай замбилга чўзилди.

– Кетдик, – амр қилди Асанов, сўнг Чон Дин иккаласи замбилни елкаларида кўтариб, қароргоҳ ҳудудидан олиб ўтишди.

Ҳаммаси жойида эди, аммо, қароргоҳдан чиқишда учта соқчи тўхтатди.

– Нима олиб кетаяпсизлар, – сўради улардан бири, – ўлиптими?



— Шаккоклик қилма, — деди Асанов ҳансираб, — у тирик, фақат, безгакка чалинган, яхшиси, четроққа тур, бўлмаса бу балони ўзингга юқтириб оласан.

Кречетовнинг юзи ёпиқ эди, босқинчилар кўрқувдан нарироққа қочишди.

Қароргоҳда бақир-чақирлар бошланиб, автоматлар тариллай бошлаган, яккам-дуккам тўппонча товуши эшитилганда, улар йўлга чиқиб олишган эди. Босқинчилар асирларининг йўқолганини сезиб қолишганди.

Асанов ва Чон Дин замбилни тўнтарди.

— Энди қочдик, — деди Акбар Кречетовга.

У бош ирғаб, елкасидаги ёпинчиқни отиб юборди.

Лагер тарафдан одамлар чошиб келишарди.

— Куролингиз борми? — деди Кречетов ҳансираб.

— Ҳамма нарсамиз бор, — деди Асанов чошидан тўхтамай.

Икки гранатомёт вананглаб, таъқибчиларнинг йўлини кесди. Босқинчиларнинг довдираши узоққа бормади. Бир неча жасақларни йўлда қолдириб, ўт очганча, қочқинлар томон югуришди. Сал фаросатлироқлари машиналар турган томонга отилди.

Асанов Кречетовнинг узоқ масофага чошишга қийналаётганини кўрди. Бунинг устига полковник сезиларли даражада оқсоқланарди. Шунақа бўлиши мумкинлигини ўйлашмаган экан.

— Чон Дин, — қичқирди Асанов, — йўлни тўсамиз. Тўппончани бер. Корейс йигит чошиб бораётиб, тўппончани ирғитди, улар дарҳол ерга юмалаб, яқинлашиб қолган таъқибчиларга қарата ўт очдилар.

Кречетов иккиланган кўйи тўхтаб, атрофга аланглади.

— Уёққа, — бақирди Асанов, — йўл тарафга югуринг.

Кречетов бош силкиб, кўрсатилган томонга югурди. У бунақа пайтда бошлиқнинг буйруғи сўзсиз бажарилиши шартлигини биларди. Раҳимов ўртоқларининг йўл устига чўзилганини кўрди. У вазиятни аниқ чамалаб, Семеновга Кречетовни кўриқлашни буюрди. Ўзи эса Борзунов билан Асанов ва Чон Динга ёрдамга отилди. Икки тўппонча билан ҳужум қилаётганларни тўхтатиб қола олмасди, ўз вақтида етиб борган Раҳимов ва Борзунов шиддат билан келаётган босқинчиларни ҳам ерга ётишга мажбур қилди.

Лагердан чиққан учта машина ялангликни айланиб ўта бошлади. Босқинчилар қочқинларнинг ҳаммаси йўл тарафга йиғилган, деган фикрда бўлиб, икки гранатомётнинг биринчи ўқлари ҳозир қочқинларни тоққа ўтказмаслик учун, машиналар нақ пастидан айланиб ўтаётган тепаликдан узилганини пайқашмаган экан. Пайдар-пай гумбурлаган ўқ овози ва ортидан юз берган портлаш лагерни эмас, қўшни қишлоқни ҳам зириллатиб юборди. Гранатомётлардан узилган икки ўқ ҳам нишонга тегиб, иккала юк машинаси алангага айланди, тирик қолган босқинчилар бақириб, сўкиниб, ўзларини ерга отишди. Иккала машинанинг ҳам кабинаси ағдарилиб, парча-парча бўлиб кетганди. Тепаликда ётган икки зобит писиб олган босқинчиларга қарата яна бир бор ўқ узишгач, улар бунақа босимга дош бераолмай ўринларидан тура солиб, қароргоҳ томон қочишди.

У ёқда бўлса Нурулланнинг ўзи чодирлар ўртасида сўкиниб елиб-югурар, эсанкираб қолган одамлари ўртасида тартиб ўрнатишга уринарди.

— Қочдик, — қичқирди Асанов тоғ томонни кўрсатиб.

Раҳимов билан Борзунов автоматларини қайта ўқлашди. Босқинчиларнинг довдираб қолганидан фойдаланиб, тўрталаси чўлоқланган

ҳолда чошиб кетаётган Кречетов ва унга ёрдам бераётган Семёнов томонга отилишди.

– Нега унинг чўлоқлигини менга айтишмапти, – алам билан гижинди Асанов, – огоҳлантиришса бўларди-ку. Раҳимов, кўзингизга қаранг, – илтимос қилди биринчи ўринбосаридан, – шунақа ҳисоб-китоб билан чекинишимиз керакки, Елагин ва Падерина билан топишишимиз осон бўлсин.

– Тушунарли, – қичқирди Раҳимов.

– Уларнинг нечта гаранатаси қолди? – сўради Борзунов босқинчиларнинг иккала гранатомётчининг йўлини тўсиш учун тоққа кўтарилаётганини кўриб.

– Ҳар битта гранатомётга биттадан, – ташвишланиб бақирди Асанов, – бир амаллаб манавиларни чалғитмасак бўлмайди.

– Биз қоламиз, – деди Раҳимов, – сизлар Кречетовни тоққа олиб кетинглар, унинг оёғи ҳам лат еган кўринади.

– Яхши, – деди Асанов, Раҳимовнинг ҳақлигини тушуниб, – лекин, узоқ қолиб кетманглар.

Ўтгизга яқин босқинчилар иккала зобитни тирик қўлга олиш учун юқорига ўрмалаб борар, разведкачилар эса уларнинг яқинроқ келишини кутишарди.

Битта-яримта ўқ овозини эшитиб, босқинчилар мудофаада турганларнинг гранатаси тугаган деган фикрга келишган, қасос они яқинлашганидан завқланиб, қувонч билан қичқиришарди. Бир неча киши тепаликнинг чўққисига кўтарилганда отилган ўқлар ҳужумчиларнинг биринчи тўлқинини ортга итқитиб юборди.

Пастдаги йўл бўйида эса Борзунов билан Раҳимов бостириб келаётган тўдага қарши жанг олиб боришарди. Уларни қароргоҳидан кузатиб турган Нурулла йўл орқали ёриб ўтиш учун иккала БМПни тайёрлашни буюрди. Машиналар оғир шақиллаб йўлга тушганда гранатомётдан сўнги ўқ отилди. Бу сафар граната машина минорасига эмас, гилдирагига тегди. Биринчи БМП жойида айланиб, иккинчисининг йўлини тўсиб қолди. Тинмай сўкинаётган босқинчилар пайдар-пай ўқ узиб, чекиниш учун машинадан сакраб тушдилар. Раҳимов Асановнинг Кречетовни узоққа олиб кетганини кўриб, Борзуновга ишора қилиб чекинишни буюрди.

Тепада ҳамон жанг борар, аммо, Падерина билан Елагин тоққа ичкарилиб кетганди. Асанов зобитларининг чекинишини режалаштирганда, тоғ шароитидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, бир-бирини муҳофаза этиб, қайси томонга кетишни аниқ белгилаб берганди.

Раҳимов ва Борзунов тоққа чекиниб улгурган Асанов, Чон Дин ва Кречетовга етиб олишганда ўқларнинг тариллаши эшитилди. Семёнов қишлоқдан қайтаётган икки соқчининг ўқ узишга тушганини кўрган ва улардан олдинроқ ҳаракат қилишга улгурганди.

– Падерина нима қилаётган экан? – сўради Асанов.

– Тоғ бағрига бекинишяпти. – қичқирди Раҳимов, – тезроқ, кўп ўтмай бу ерга Нурулланинг жангарилари етиб келишади.

– Миналарни қўйинглар, – буюрди Асанов, у босқинчиларнинг маҳаллий йўлбошловчилари ҳали излар совумасдан қўйилган този итлардан ҳам баттар бўлиб, гуруҳини зум ўтмай топиб олиши мумкинлигини биларди.

– Менда учтагина мина қолган, – деди Борзунов ўзини гуноҳкордек сезиб, – боя йигитларга гранаталарни кўтаришда ёрдам бергандим.

–Тушунарли, бу ерга биттасини қўйинг, яна бирини нарироққа ўрнатасиз, – кўрсатма берди Асанов, – фақат, тезроқ бўлинглар. Вақтимиз йўқ. Операциямиз ёмон ўтмади.

–Сизлар бораверинглар, биз етиб оламиз, – дея Борзунов Чон Динга ишора қилди-да, қолиб ёрдам беришини сўради.

Асанов ўзининг кичик гуруҳи билан тоғ ичкарасига йўл олди. Борзунов ва Чон Дин кўп ўтмай уларни қувиб етди. Орадан анча вақт ўтгач, қўйилган миналарнинг портлагани эшитилди – босқинчилар тўдаси изма-из келаётганди.

Кечга бориб, улар Падерина ва Елагин билан учрашишлари керак бўлган манзилга етиб боришди. Бироқ, шартлашилган жойда айланма йўл билан чекинган икки зобитнинг қораси кўринмасди. Асанов яна икки соат кутди, бироқ, кутишнинг маъноси қолмагач, юраги ғашланиб, қўналгани тарк этишни ва қолган учта минани ўрнатишни буюрди. Мабодо уларнинг ордидан иккала офицер бу ерга етиб келса ҳам, улардан ном-нишон топмасди. Гуруҳ Ишқашим тарафга жўнади. Асанов ҳар эҳтимолга қарши энг сўнгги учрашув жойини ҳам белгилаб қўйганди. Бу – дўстларининг соғ-омон қайтишларига бўлган охириги илинж эди. Шу сабаб ҳаммалари тун қўйнида эзгин кайфиятда кетиб боришарди.

## VII

Мосс тахмин қилгандек воқеа жойдаги вазиятни ўрганиш учун Лэнглидан махсус ходимни жўнатишди. Бу – таҳлил бўлимининг етакчи ходими, қирқ ёшлардаги, қотмадан келган спортчи, шох гардишли кўзойнак таққан Рэй Корнер эди.

Мосс уни Исломободда кутиб олгач, дарҳол Пешаворга, сўнг Дрошга, кейин эса Читралга учиди. Беннетнинг станциясида янги ходимлар ишлар, ташқаридан қараганда ҳужум оқибатлари тугатилган, ҳатто жиҳозлар ҳам янгиланганди. Идора анжомлари яқин атрофдаги шаҳар ва қишлоқларни назорат қиладиган, айни бир пайтда шерикчилик асосида америка махсус хизматининг хабарқаш-агенти вазифасини бажарадиган шаҳар полицияси бошлиғи томонидан инъом қилинганди.

Бутун йўл бўйи Корнер бирор марта жилмайиб ҳам қўймади, натижада Моссда ҳамма жойда бўлгани каби, Лэнглида ҳам учраб турадиган инжиқ, амалпараст-елпатаклардан бир сифат таассурот қолдирди.

Унга бу ўлимлар тафсилотини текшириш Осие бўлимининг ходими эмас, Мосснинг ЦРУда айнан Покистон учун масъул бўлган бевосита бошлиқларидан ҳам яхшироқ уддалайдигандек, таҳлил бўлимининг оддий, нари борса етакчи ходимига топширилгани ёқмаётганди.

Модомики, Моссга Вашингтондан қўнғироқ қилишиб, бу нухадан эҳтиёт бўлиш хусусида огоҳлантиришган экан – демак, Корнер яна қандайдир махсус ваколатга ҳам эга бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Мосснинг у ёқда қолган дўстлари бир куни ўзини ўлгудек жонига теккан Покистондан олиб чиқиб кетишларига умид боғлаб яшарди.

Маҳаллий урф-одатларни ҳуш кўрмайдиган, туб аҳолининг тилини билмайдиган, Жанубий Америка бўлимида қўтарилган можаро оқибатида Колумбия уюшган жиноятчилар гуруҳи билан алоқадорликда айбланган бевосита раҳбари ишдан бўшатишга, шу тарафлар-

га келиб қолган бу кимса ўзини ноҳақ ранжитилган, бунинг устига жазо тариқасида Пешавордек аҳамиятсиз жойга жўнатилган, деб биларди. Бундан ташқари, сўнгги бир неча йилда, совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилгач, Покистондаги ЦРУ резидентлари сонининг учдан икки қисми қисқартирилиб, Покистон шаҳаридаги резидентлик лавозимлари илгариги нуфузи ва аҳамиятини йўқотгани ҳам унга жуда алам қиларди.

У рўй берган кўнгилсиз воқеалар туфайли келажакда амал поғоналаридан кўтарилиш ниятлари хавф остида қолганини, ҳатто, истеъфо билан яқунланиши мумкинлигини, шунинг учун бу ёқимсиз можорани бости-бости қилиш учун қўлидан келадиган ҳамма ҳаракатни қилиши зарурлигини яхши тушунарди.

Кела-келгунча бир оғиз ҳам гапирмаган, Мосснинг суҳбатга тортиш мақсадида берган турли саволларини жавобсиз қолдирган Корнер Читралга келиши билан, ўлжа ҳидини олган овчидек бирдан жонланиб кетди.

Дастлаб у вертолёт учадиган одатдаги майдончани кўрсатишни сўради, ўша атрофда анчагина айланиб, ўзининг галати қилиқлари билан Моссни ҳамда бирга келган учувчиларни ажаблантирди. Ниҳоят, Беннет билан танишиб, станция ходимларидан ким қанақа сигарета чекишини суриштирди. Кейин деразаларда бирор аломат топадигандек, бино атрофини айланиб чиқди.

“Шерлок Холмсми, дейман, — гижиниш билан ўйлади Мосс, — ўзини, худди, шу нарсалар унинг текширишига бирор наф берадигандек тутишига бало борми? Фирт амалпараст, гўёки, марҳум Херрикнинг қанақа сигарта чекишини билса, бас, станцияга ким ҳужум қилганини аниқ топадигандек таассурот қолдиришни ўйлапти. Ўҳ, бу Покистон дегани бошимга битган бало бўлди-да,” — нечанчи бор алам билан ўйлади Мосс.

Бу суриштирувлар тугагач, қандай қилиб бўлса-да, бу ердан кетишнинг йўлини қилиш керак, — деган қарорга келди Мосс. Бу мамлакатдан бирор яхшилиқ чиқиши қийин.

Ниҳоят ҳаммалари уйга киришгач, Корнер ҳамкасби — таҳлилчи Блант ҳамда Исломободдан юборилган янги ходимлар билан танишди.

Блантга бир неча ахмоқона саволлар бергандан сўнггина, дам олиш учун ўзига ажратилган хонага кириб кетиб, фақат кечки овқат пайти кўринди.

Овқатдан сўнг Мосс, Беннет ва Корнер станцияга ҳужум уюштирилгандан кейинги вазиятни муҳокама этиш учун Беннетнинг иш бўлмасига кўтарилишди.

Беннет ҳаммага виски қуйди. Бу сафар музлатгич ишлаётгани учун, берилаётган виски Мосснинг кўнглига мос — муз солиб совитилган эди.

— Айтинлар-чи, — деди Корнер, — бу ҳужум хусусида ҳеч кимдан шубҳаларинг йўқми?

— Ҳаммадан шубҳамиз бор, — деди баланд овозда Беннет, — тоғликлардан ҳам, боқинчилардан ҳам, ақидапарастлардан ҳам, Покистон ҳукуматидан ҳам...

— Ҳатто, улардан ҳамми? — ажабланди Корнер.

— Албатта. Сиз барча покистонликлар худди бизнинг маҳаллий шерифимиздек дўстона муносабатда, деб бекорга ўйлаяпсиз. Кўпларининг кўришга кўзи йўқ. Станциямизга ҳужум қилиш учун қулай бўлган ҳар қандай фурсатдан жон-жон, деб фойдаланишади.

— Қанақа фурсатни назарда тутаяпсиз? — жавобни аниқлаштиришга уринди Корнер.

– Кулай келган фурсатдан дедим-ку...

– Нега ўша куни айнан шундай ўнгай пайт бўлган, деб ҳисоблайсиз, – тинчимасди Корнер.

“Балки, у ФБРнинг собиқ терговчиларидандир, – биринчи марта ўйлади Мосс, унинг тиришқоқлигини кўриб, шўрлик Беннетга бир ташландими, бўлди, энди ўз ҳолига қўймайди.”

– Биз Блант билан Афғонистонга учиб кетгандик, – тушунтирди Беннет, – бу ерда бўлса уч киши қолганди. Одатда станцияда тўрт–беш киши бўларди. Аммо, бир ходимимизни икки ҳафта бурун Карачига чақириб олишганди, Блантни бўлса ўзим билан олиб кетгандим. Шундай қилиб, бу ерда уч киши қолган бўлиб, бунинг устига биттаси аёл эди.

– Вертолётларинг шаҳар тарафдан кўринмайди, майдон тўғридан-тўғри қоялар ёнида бўлганидан, пастда яшовчиларнинг учиб кетаётганларингга кўзи тушиши мумкин эмас. Аниқроғи, кўришлари мумкин эмас, тоғлардаги жимликда, фақат парракларнинг шовқинини эшитишлари мумкин. Бундан келиб чиқадики, ёт кўзларнинг ким учиб кетиб, ким уйда қолганини билиши эҳтимолдан узоқ гап, – хулоса ясади Корнер.

– Балки, бу оддий мутаассибларнинг ишидир, – деди таваккалига Мосс, – улар учун уйда неча киши бўлишининг аҳамияти йўқ – учтами, бештами. Улар барча америкаликларни ёппасига ёмон кўришади.

– Сиз тасодифга ишонасизми? – озроқ ҳайрон бўлди Корнер, – бизнинг ишда тасодифларга ишониб иш кўриб бўлмайди. Бу масала биз ўйлагандан кўра чигалроқ эмасмикин, деб кўрқаяпман. Хужум қилганларнинг ҳамма нарсадан ҳаддан ташқари хабардорлиги менга ёқмаяпти. Улар айнан бизнинг офицерларимизни ўлдириш бўйича қатъий режа асосида иш тутганига шубҳа йўқ.

– Мен ҳам шундай, деб ҳисоблайман, – маъқуллади Беннет.

– Мен эсам йўқ, – кескин тарзда эътироз қилди Мосс, – бу ерга ҳар қанақа босқинчилар хужум қилиши мумкин, лекин, ҳаммасини олиб бориб, СИЁСАТГА БОҒЛАМАСЛИК КЕРАК. – У ҳаддидан ошаётган меҳмонга ўрни ва имкониятини эслатиб қўймоқчи бўлгандек, охири сўзларини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, станцияси учун Беннетнинг ўзи жавоб бераверсин, бу каллаварамга шунча энагалик қилгани ҳам етади.

Бироқ, Корнер ҳамон ҳаддан ташқари хотиржам эди.

– Сизнинг зобитларингиз чекмайди, мистер Беннетдан бошқаси, демак, сигарета олиб келгани шаҳарга ҳеч ким тушмаган.

– Ҳўш, нима бўпти?

– Ўша куни мистер Биннет одатига хилоф тарзда сигарета олиб келгани бормаган. Шундан унинг қаёққадир учиб кетганини тахмин қилиш мумкин эди. Бунинг устига кўплар вертолёт шовқинини ҳам эшитишган.

– Кейин дарров хужумга ўтишган, – киноя қилди Мосс, мен ҳам сигарета олгани ҳар доим боравермайман, бу – ўша заҳоти бизнинг Пешавордаги резиденцияга бостириб кираверса бўлаверади, дегани эмас-ку!

– Албатта, йўқ, лекин, бу ерга бостириб киришган, – эслатди Корнер. У мулойим жилмайиб, майин овозда гапирарди, Мосс яна бир бор унинг қандайдир махфий йўриқнома асосида иш тутаётганини тахминлади.

– Ушбу хужум тафсилотига оид бир неча тахминлар бор, – деди Корнер ҳамон овозини кўтармай, – менимча, Карачига чақириб олинган ходимнинг номи Рон Баксей бўлса керак. Тўғрими?

— Шундай, лекин унинг бу ишга нима алоқаси бор? — яна ажабланди Беннет, Корнернинг синчиковлиги унинг ҳам жонига тега бошлаганди.

Корнер гапани давом эттиришдан олдин вискили идишни кўтариб, қахраборанг ичимликдан бир ҳўплади.

— Агар бир муҳим воқеа бўлмаганда, мистер Баксейнинг қутилмаганда ғойиб бўлиши билан нотаниш кимсаларнинг ҳужумини бирига боғламаслик мумкин эди. Хужумдан бир кун олдин мистер Баксей номаълум қотил томонидан Карачида ўлдириб кетилган, ким қилганини ҳозиргача топишолмаяпти.

— Қандай даҳшат! — қўрқиб кетди нима фожиа юз берганини энди тушуна бошлаган Мосс, — Сиз уларни бу ерга Баксей йўллаган, деб ўйлаяпсизми?

— Йўқ, у ҳеч кимни йўллай олмасди, — таъкидлади Корнер, — айтдим-ку, хужумдан бир кун олдин ўлдирилган, деб. Бироқ, Беннет ва мистер Блантнинг сафари ҳақида бегоналардан бирорта кишининг билиши ҳам мумкин эмасди.

— Мен барибир тушунмаяпман, — Беннет ўзини тутолмади, — бу билан сиз нима демоқчисиз ўзи? Тўғриси айтиб қўя қолай, мендан шубҳаланганнингиз умуман ёқмаяпти, мистер Корнер. Сиз бу хужум ҳақида ўз фикрингизни айтинг, қўйинг—да.

— Яхши, — деди Корнер босиқлик билан, — сизга айтишим мумкин. Сизнинг Нурулланинг олдига боришингизни, ўлганларни мустасно қилганда, бу ерда икки киши, сиз мистер Беннет ва мистер Гарри Блант билган. Бу ҳақда учувчилар ҳам билиши мумкин эди, аммо, мистер Блантнинг менга айтишича, сиз топшириқни учиш олдидан бергансиз, демак, қайси томонга юборилаётгани ҳақида улар ҳеч нарса билишмаган. Ва ниҳоят, иккалангиздан ташқари, бу ҳақда мистер Мосс билиши мумкин бўлган.

Беннет қимирлашга ҳам ҳоли келмай, тошдек қотиб ўтирарди. Мистер Мосс эса ёноқларининг қизиётганини сизди. Унинг аччиғи чиқса, ҳар доим юзлари алвон бўлиб кетарди.

— Сиз мени станцияга хужум уюштиришда айбламоқчимисиз? — ўрнидан сапчиб турди Мосс, — Мени-я? Йигирма йиллик МРБ ходимини? Мистер Корнер, кечирим сўрасангиз сўрадингиз, бўлмаса ҳозироқ кетвораман.

— Бекорга қизишяпсиз, — тинчлантирди уни Корнер, — мен сизни станцияга хужумни ташкил қилишда айблаётганим йўқ, шунчаки, сафар хусусида кимлар хабардор бўлганлигини таъкидладим, холос. Далилларни таҳлил қилиб, икки ходимнинг чегара ортига учини кимлар билгани ҳақида аниқ хулосага келдим.

— Хулосангиз тўғри, — Беннет ўзини босиб олди, — аммо, бунинг бари тахминга асосланган. Мени эса якуний хулосалар қизиқтиради. Станцияга ким хужум қилган, учаламиздан қайси биримиз, мабодо, шундай бўлган бўлса, душманларга ўнгай фурсат туғилгани тўғрисида хабар берганмиз? Сиз шу ҳақдаги мулоҳазангизни билдирсангиз яхши бўлади.

— Мен билмайман, — деди Корнер жўнгина қилиб, — тўғриси, ҳозирча билмайман. Бироқ, ҳамкасбим мистер Фрэнк Уолш Карачида офицер Рона Баксейнинг ўлими тафсилотларини ўрганаяпти. У бирон-бир натижага эриша олса, ўшанда биз кўпроқ маълумотга эга бўламиз.

— Демак, Лэнглидан сиз билан бирга бўлимингизнинг яна иккита ходими учиб келган экан—да? — ҳайратини яшира олмади Мосс. — Бундан хабарим йўқ экан.

— Лэнглидан саккиз киши келганмиз, — аниқлик киритди Корнер, — ҳаммалари ҳозир сизларнинг ишларингизни ўрганиш билан шуғулланаяпти.

— Нега бундай бўлди? — тўнғиллади Мосс ва бирданига ўзининг муддатидан олдин бошқа томонга ўтиб кетиш ҳақидаги орзулари пучга чиқиб, келажакда амал поғоналаридан ўсиш борасидаги ниятлари амалга ошмай, шу ерда қолиб кетиши мумкинлигини тушуниб қолди.

— Биздаги маълумотларга қараганда, руслар сизнинг ҳудудингизда жуда катта ўйин бошлашмоқчи. Ҳозир бутун бўлимимиз ходимлари шу ерда, улар Примаковнинг одамлари яна қанақа найрангни мўлжаллаганини аниқлаш билан банд.

— Руслар? — ҳайратланди Беннет. — Йўқ, бу уларнинг иши эмас. Станциямизга нима мақсадда ҳужум қилишлари мумкин? Ҳеч мантиққа тўғри келмайди.

— Биз ҳам аниқ билмаймиз, аммо, қўлимиздаги маълумотларга кўра, уларнинг йирик операцияни айнан шу ерда, шу ҳудудда ўтказмоқчи бўлаётганини тахмин қиляпмиз, — деди Корнер такрорлаб.

— Буни нега бизга айтаяпсиз? — сўради тўсатдан Беннет.

— Шунинг учун айтаяпманки, шу дақиқадан бошлаб то текшириш тугагунча, бирортангиз бу ердан чиқмайсиз. Бундай қилиш учун тегишли ваколатим бор. Агар учалангизнинг ҳам ушбу ҳужумга алоқангиз йўқлиги исботланса, сизларни гап—сўзсиз Америкага қайтариб олиб кетишади. Бироқ, ундан аввал эмас. Ўшандай пайт келгунча станцияда бўлиб турасизлар. Мен ҳам бирга бўламан, агар бу сизларга малол келмаса.

— Бу қамоқми?— сўради Мосс.

— Албатта, йўқ. Ўйлашимча, учалангизнинг ҳам бу воқеага алоқангиз йўқ. Аммо, биз бунга ишонч ҳосил қилишимиз керак. Ўз навбатида бу ҳудудда руслар бошлаётган ўйиннинг моҳиятини билишимиз зарур. Лекин ҳозирча қўлимизда ҳеч қанақа далил—дастак йўқ.

— Бу тоғларда қанақа ўйин бўлиши мумкин, — Беннет ўйланиб қолди, — станциямизга ҳужум қилишнинг нима кераги бор? Уларнинг бу хатти—ҳаракатида бирорга мантиқ кўраяпсизми, мистер Корнер?

— Мен-ку кўрмаяпман, бироқ, тушунинглар, агар осонлик билан ҳал қилинадиган масала бўлганда, улар ўйин бошламасди. Таҳлилчиларимиз русларнинг нима мақсадни кўзда тутаётганини аниқлаша олмаяпти. Биз эса шунинг ечимини топиш устида ишляпмиз.

— Худди шу нарса етмай турувди ўзи, — гўлдиради Мосс, — ҳеч тинчимас экан—да бу руслар.

— Сиёсий тузумнинг ўзгариши стратегик манфаатларни ўзгартирмайди, — деди Беннет эскириб қолган иборани такрорлаб, — афсуски, шундай.

— Эҳтимол, — тасдиқлади Коннер, — бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Аммо, биз руслар шу ерда, шу районда жуда катта ишни бошламоқчи бўлаётганини аниқ биламиз. Лекин, айнан нима иш эканни билмаймиз, ҳужумни қайси тарафдан кутишни ҳам, уларнинг нимани истаётганини ҳам билмаймиз. Билганимиз — зарба айнан мана шу ҳудуддан берилади.

— Балки, хуфияларимизнинг фаолиятини кучайтирармиз, — таклиф қилди Беннет, — кейинги пайтда чегара нисбатан осойишта бўлиб қолди.

— Ўйланглар, жаноблар, ўйланглар. Сизлар бизнинг шу ердаги таянчимизсизлар, — Корнер гапидаги заҳар миқдорини бироз ка-

майтирди, — шунчаки, русларнинг мақсадини билиш, Ҳиндикуш тоғларида нима қилмоқчи бўлаётганини аниқлаш учун сизларнинг ва ўзимизнинг ҳуқуқимизни бироз чеклашга мажбурмиз. Бу вақтинчалик гап, лекин, ўта зарур. Станциянинг барча одамлари янгилари билан алмаштирилади. Мистер Блант ҳеч нарсани билмаслиги шарт. У то вазият ойдинлашгунча биз билан қолади. Агар станциянинг вайрон қилиш уларнинг биринчи зарбаси бўлмаган бўлса, русларнинг найранги тез орада аён бўлиб қолади.

— Мен барибир ишонмайман, — иккиланди Беннет, — бу ерда, Покистонда бунақа отряд тузиш учун уларнинг имкони йўқ. Агар ёлланмаларга таяниб иш тутишган бўлса, хабаркашларимиздан бу ҳақда аллақачон эшитган бўлардик. Ҳозирча эса бирор нарсани аниқлай олганимиз йўқ.

— Балки, бизга ҳалиги русингиз ёрдам берар? — таклиф қилди тўсатдан Мосс Беннетга қараб.

— Қанақа рус? — қизиқсинди Корнер.

— Нурулланинг одамлари, — тушунтира бошлади у ҳақда Моссдан олдинроқ эсламаганидан алами ошган Беннет норози оҳангда, — яқинда бир рус зобитини, полковникни қўлга олишган. Энди уни ўзларининг одамларига ёки қуролга алиштирмоқчи.

— Анча бўлдими тутишганига?

— Унча кўпмас. Вертолётни уриб туширишганда, портлаш тўлқини полковникни отиб юборган бўлиши керак. Нурулланинг айтишича, у оддий чегарачи экан, шунинг учун, бизга қизиғи йўқ, деб ҳисобладим.

— У ҳали ҳам тўданинг қўлидами? — сўради Корнер ўйланиб.

— Шундай бўлса керак.

— Бу топилдиқ бўлиши мумкин. Уни бу ёққа Покистонга келтиришнинг иложи йўқми?

— Иложи бор, албатта, лекин, бунинг учун вертолёт юбориш керак, — изоҳ берди Беннет, — менинг бўлсам, ўзингиз ҳозир уқтиргандек, станциядан жилишга ҳаққим йўқ.

— Учувчиларингиз йўлни билишадими?

— Билишади, бироқ, полковникни уларга бермасликлари мумкин. Ўзим учушим керак. Нурулла менга кўпроқ ишонади.

— Демак, бирга учамиз, — дарҳол қарор қилди Корнер, — Нурулла билан қанақа боғланасизлар? Манзилини беринг, алоқачингиз дарҳол боғлансин.

Алоқачи вазифасини оддий техниклардан бири бажарарди.

Беннет тезгина координатларни қоғозга туширди-да, эшикни очиб ходимлардан бирини чақирди.

— Зудлик билан боғланиб, Нурулладан билинглари—чи, асир ҳали ҳам шу ердамикан ёки алмаштириб юбориптими? — буюрди Беннет, — Иложи борича тезроқ, — яна қайтарди у.

— Полковник учун ҳақ тўлашингизга тўғри келади, — эслатди Мосс.

— Пулни сиз бериб турасиз-да, — ҳазиллашди Беннет, — ҳеч қачон ўз ҳамкасбларим мендан шубҳаланишлари мумкин, деб ўйламагандим.

— Мистер Беннет, — бош чайқади Корнер — келинг, бу ҳақда сизлар ҳеч қачон эсламайсизлар, деб келишиб олайлик. Менимча, жаноблар, тажрибали разведкачи сифатида раҳбариятимизнинг муддосини тушунишингиз керак. Менга ҳам бу тоғларда ўтириш ёқаётгани йўқ, бироқ, бу бурчимиз, жаноблар, — таъкидлади Корнер.



– Биламиз, – қўл силтади Мосс, – бизнинг Жанубий Америка бўлимида ҳам ҳаммаси шундай бошланганди. Аввалига текшириш, дейишди, кейин эса мафия билан алоқадорликда айбланиб бошлигимиз ишдан учиб кетди.

– Менимча бу тоғларда уюшган жинойтчилар гуруҳи йўқдир? – сўради Корнер.

– Бўлганда қандай, – дарров жавоб қилди Беннет, – истаганча топилади. Наркофурушлар ... – у бирдан эслади, – тўхтанглар, – деди у ҳаяжонланиб, – энди эсимга тушди. Хужум олдидан биз Нурулланинг одамлари ўз юкларини Афғонистондан Душанбе орқали Москвага жўнатаётгани хусусида маълумот олгандик. Бу ҳақда капитан Херрикнинг нима дегани ҳозиргидек эсимда. Бу хабар, ҳатто, дафтарга қайд этилганди. Дафтар эса ёниб кетган, менинг ҳам ёдимдан кўтарилипти. Херрикнинг сўзларини эса аниқ-таниқ эслайман.

– У юк Москва орқали кетар экан, деганмиди?

– У айтгани йўқ, – деди ҳовлиқиб Беннет, – бу биз суҳбатни радио мулоқотдан тутгандик.

– Шу тўғрида Нурулланинг ўзидан сўрамадингизми? – саволга тутди Корнер.

– Сўрадим, албатта. У бўлса, чегара ортида, Тожикистоннинг ўзида одамлари борлигини айтди. Мен мафиянинг босқинчиларни Душанбе ва Москва билан боғлайдиган ўзига хос алоқа тизими борлигини тушундим. Энди ўйлашимча, бу тизим русларнинг назорати остида бўлса керак. Балки, Нурулла икки томонлама ўйин олиб бораётгандир. Мен у билан гаплашганимда, ҳаммасини рад қилди, гиёҳванд моддалар савдоси одамларимни боқишим учун керак, деб ваз кўрсатди.

– Русларга наркотикнинг нима кераги бор? – Мосс елка қисди, – улар шу тарзда фарб мамлакатларини вайрон қилмоқчимиз?

– Агар бу рус разведкасини ишончли валюта билан таъминлаш воситаси бўлса-чи? – фикр билдирди амалиётга яқин Беннет. – Ҳар нарса бўлиши мумкин.

– Шунча гап бор экан–у, индамай ўтирибсизлар, – Корнернинг энди қаҳри келди, – бу маълумот, ҳатто, Лэнглига ҳам етказилмагандир?

– Қанақа маълумотни? – довдиради Беннет, – Нурулланинг хорижга гиёҳванд моддаларнинг бутун–бутун партиясини жўнатиш билан шуғулланадиган каллакесар экани ҳақидагимиз? Бунинг махфий жойи йўқ, бутун мамлакат билади. Бу маҳсулотнинг собиқ Совет Иттифоқи орқали ўтиши эса бутун дунёга маълум. Шунинг учун бу хабарга умуман аҳамият бермадик. Сабаби, одатдаги гап эди.

Алоқачи кирди.

– Бир амаллаб боғландик, – деди у, – Нурулланинг ўзи йўқ экан, ammo, ўринбосари билан гаплашдик. Тинмай сўкинаёпти. Айтишича, рус десантчиларининг бутун бир гуруҳи осмондан тушиб, полковникни ўғирлаб кетипти. Нурулла ҳозир уларни таъқиб қилаётган экан.

– Полковникнинг ўзи қаерда? – Корнер ва Беннат шоша–пиша бараварига савол беришди.

– Қочиб кетипти, – гуноҳкорона овозда жавоб берди алоқачи, бу воқеа худди унинг айби билан рўй бергандек.

– Менимча, руслар, ниҳоят биринчи зарбани берди, – деди Корнер ҳафсаласи пир бўлиб.

## VIII

Уларнинг Ишкашим тарафга юриши енгил кечарди. Гранатомёт солинган зил-замбил қутилар йўқ, озиқ-овқат ва сув деярли туга-

ган, юзлаб ўқлар отилиб бўлингандан кейин, албатта, одатдагидан жадалроқ юриш мумкин эди. Семенов бот-бот харитага қараб, изларидан чопаётган жангариларни адаштириш учун, гуруҳни атайлаб чалкаш йўллардан бошлаб борарди.

Қаттиқ оқсоқланаётган Кречетов, ўзининг озод қилиниши ҳар куни юз берадиган оддий воқеадек, кун бўйи лом-мим демади. Ниҳоят, кечқурун, қисқа танаффус эълон қилинган, Асанов иккаласи шошапиша қурилган қўналгадан четроққа чиққач, генералдан сўради:

– Нега бундай қилдингиз?

– Тушунмадингизми?

– Фақат, менга берилган топшириқнинг моҳиятидан хабардор эканингизни тушундим, — деди Кречетов бироз иккиланиб, — аммо, қай даража эканини билмайман. Яна шахсан ўзингиз бу ерда сиз нима қилиб юрганингизни ҳам ҳам тушунмаяпман.

– Ишонишлари учун, — кулимсиради Асанов, — гуруҳимизнинг вазифасини сиз биласиз-ку — “борилсин ва қайтилмасин”. Сизни қутқариш учун ношудларча бир уриниб кўргандан сўнг, чегара томонга қочишимиз керак эди. Мен эса сизни қутқарсак, ҳаракатимиз ишончлироқ чиқади деган қарорга келдим.

– Нега энди, — тушунмади Кречетов, — операция режасида сизларнинг хатти-ҳаракатингиз муваффақиятсиз чиқиши кўзда тутилганди-ку. Шундай эмасми?

– Тўғри. Лекин, мен Нурулла билан МРБнинг маҳаллий резиденти ўртасидаги суҳбатни эшитиб қолдим.

– Беннет биланми? — кулимсиради Кречетов, — Кучли шахс.

– У чегара қўшинлари полковнигидан бирор манфаат чиқмайди, деган хаёлда сизни кўришдан ҳам бош тортди. Сизни бугун ўзларидан бизга тушган асирларга алмаштириб юборишса, бутун операция барбод бўларди. Бутун қароргоҳ бўйлаб чопиб, ўзингизнинг разведкачи эканингиз тўғрисида жар солиб, мени алмаштирманглар, дея олмайсиз-ку.

– Тўғри, — бош ирғади Кречетов кулиб, — менинг бундан хабарим йўқ эди. Аслида биз мени алмаштиришга улгурмасларидан қутқариш учун уриниб кўрасизлар, бу эса МРБ резидентлигининг эътиборини тортади, деган ўйда эдик.

– Сизни хўжақўрсинга ўғирлаш учун уринишнинг фурсати ўтди. Энди қандай қилиб бўлса ҳам, сизнинг бу ерда қолишингизнинг чорасини кўришимиз керак эди, — тушунтирди Асанов, — лекин, бу режанинг бир қисми холос. Бизнинг билишимизча, Нурулла ҳам Ишқашимга кетаяпти. Унинг асосий қароргоҳи ўша ерда. Агар, у сизнинг шаҳарда эканингизни тасодифан билиб қолса, нархингиз минг бараварга ошиб, алоҳида эътиборга сазовор бўлади. Тажрибали киши сифатида Нурулла оддий полковникни моҳир разведкачиларнинг бутун бир гуруҳи бекордан бекорга қутқармаганини дарров тушунади. Унинг тушунгани, америкаликлар ҳам тушунди, деган гап. Уларнинг станциясида катта фожиа рўй берган. Читралдаги резидентлик ва станцияга ҳужум уюштирилган, ўлганлар бор.

– Буни ким қилиши мумкин? — ҳайратланди Кречетов, — станция техникларини ўлдириш кимга зарил кепти? Бу ерда қандайдир гап бор.

– Мен ҳам шу ҳақда ўйладим. Биз билан америкаликлардан ташқари, бу ерда яна учинчи бир куч ўйин бошлаганга ўхшайди. Мана шунинг учун ҳам ҳар эҳтимолга қарши сизни чумолилар уясидан олиб чиқишни маъқул кўрдим. Воқеаларнинг давомини кутайлик-чи?

– Майли, – деди Кречетов, – аммо, мен туфайли икки офицерни йўқотдингиз. Тушунимча, улардан бири аёл киши экан.

– Подполковник Падерина, – деди Асанов қовоғи осилиб, – мен уни юқорида турса, хатардан узоқроқ бўлади, деб ўйлагандим.

– У ҳарбий разведкаданми? – сўради Кречетов.

– Йўқ, сизнинг идорангиздан, – янада хомуш тортган Асанов чуқур хўрсинди, – ҳеч қачон аёллар билан ишлашни ёқтирмаганман. У билан капитан Елагин бирга эди. Тўғри, у тоғларни жуда яхши биледи, балки, соғ-саломат олиб қайтар.

– Ишқашимга қачон борамиз? – сўради Кречетов.

– Эртага эрталаб. Оёққа нима бўлган? Мен чопаётганингизда пайқаб қолдим.

– Вертолётдан сакраганда шунақа бўлиб қолди. Махсус костюм танамни ҳимоя қилиб қолди, аммо, оёғимни қаттиқ қайириб олдим. Балки, бу яхшиликка бўлгандир, ўша пайтда оғриқдан шунақа бақирдимки, босқинчилар, ҳатто, яқинлашишга ҳам қўрқиди.

– Эҳтиёт бўлинг, – маслаҳат берди Асанов, – лат еган оёқни уриб олсангиз, қийналиб қоласиз. Тоғ йўларида шундай бўлиши ҳеч гап эмас.

– Ҳаракат қиламан, – деди полковник, – сизга ҳамаси учун раҳмат.

– Бу бизнинг ишимиз. Эслайсизми, менимча, сиз билан Эронда учрашгандик.

– Албатта, эслайман. Бизнинг резидентимиз Шебаршин эди. Жуда зўр инсон. Сиз унинг олдига тез-тез бориб турардингиз. Элчихонада ҳарбий атташенинг ёрдамчиси бўлиб ишлардингиз, менимча.

– Сиз мени танидингизми? – қулди Асанов.

– Кирган заҳотингиз танидим.

– Шунинг учун менга анчагача ишонмадингизми?

– Айнан шунинг учун. Бунақа тасодифларга ишониб қийин. Мени текшириш учун сизни атайлаб жўнатишган, деб ўйладам. Тушунинг, сизга ишонмаслик учун барча асосларим бор эди.

– Тўғри, – қулди Асанов, – юринг, йигитлар ёнига қайтайлик, акс ҳолда улар хавотирга тушишади.

– Мен барибир бедарак кетган зобитларингиз ташвишлантираяпти, – таъкидлади Кречетов озроқ хавотир билан. – Уларни топсак яхши бўларди. Охириги учрашув жойи тайинми?

– Албатта, – бош силкиди Асанов, – ўзимнинг ҳам улардан кўнглим безовта. Тоғда ҳарбий кийимда юрган аёл киши билан нималар бўлиши мумкинлигини тасаввур қиласизми? Ҳатто, оқибатини ўйлашга ҳам одам қўрқади.

Улар қўналғага қайтишганда, тўртта зобит Раҳимов бошчилигида жўнашга шай турарди. Асанов йўлга тушишга изн берди.

Падерина ва Елагин бу пайтда бутунлай тескари тарафда бўлиб, Асанов гуруҳи томон келиш ўрнига, ундан узоқлашишга мажбур эди. Изларига тушганлар орасида тоғ йўларини яхши биладиган бир неча маҳаллий тожиклар бор экан. Елагиннинг бор маҳоратини ишга солганига қарамасдан, махсус асбоб-анжомсиз, ҳеч бир қуролсиз улар тоғнинг ичкарасига қараб кетишга мажбур эди. Уларнинг ортидан олти киши тушган бўлиб, Нурулла ҳужум қилганлардан бирортасини, албатта, тирик қўлга олишни буюрганди.

Таъқиб қилаётган босқинчилар уларнинг гранаталари тугаб, гранатомётларни Нурулланинг қароргоҳи ёнига ташлаб кетишганини, қўлларида, фақат тўппончалари қолганини билишарди. Лекин, улар

ўзларининг бир жуфтдан қўл гранатаси билан қуролланган икки нафар разведка зобитига қарши бораётганликларини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Падерина улар билан жангга киришмасликка қарор қилиб, Нурулланинг энг зўр изқуварларини ўз изидан тобора тоғнинг ичкарисига эргаштириб кетарди. У айти пайтда Ишкашимга қайтиша олмаса, Асановнинг гуруҳи билан учрашувлари бутунлай чиппакка чиқишини ҳам яхши тушунарди. Уларни вазият тақозо этганда тўлатўкис мустақил ҳаракат қилишга ўргатишган. Шу боис Елагинга эргашиб кетаётган бўлса-да, ушбу чекинишнинг бор масъулияти Падеринанинг зиммасида эди.

Икки кунга мўлжалланган қоқ озуқадан ташқари, ҳар қайсисининг бир идишдан сувлари қолган, ҳозирча шу билан қаноатланишга мажбур эдилар.

Навбатдаги дам олиш пайтида аёл оғир ҳансираб, савол берди:

– Менга қара, Елагин, исминг нима ўзи? Ҳадеб Елагин, Елагин, деявериш ноқулай бўлапяти.

– Альберт, – ҳорғин жилмайди Елагин.

– Чиройли исминг бор экан, – бош ирғади аёл пешонасига ёпишган ҳўл сочларни тартибга соларкан, – меники Катя.

– Буни биламан, ўртоқ подполковник, – деди Елагин ўрнидан туриб, ортига қарамасдан, яна юқорига тирмашишда давом этди.

Бу тоғлар мана мен, деган эркакни ҳам сулайтириб қўярди. Иккинчи куннинг охирига бориб Падерина чарчоқдан йиқилгудек ҳолга келганини ҳис этди. Улар изларидан тизилишиб келаётган мужоҳидларни кўриб, яна юқорилашга мажбур бўлишди.

– Қулоқ сол, Альберт, – деди аёл яна нафас ростлаш учун беш дақиқага тўхташгач, – уйланганмисан?

– Йўқ ҳали, – бошини силкиди, анифроғи аранг қимирлатди ҳолдан тойган Елагин, – қайтишимиз билан уйланаман. Бизнинг Ригада шунақа гўзал қизлар бор эди.

– Рига чегаранинг нариги тарафида, – эслатди Падерина.

– Менга виза беришади, – деди хушчақчақлик билан Елагин, – у ерда синглим эри билан яшайди.

– Ундай бўлса, бемалол экан, – маъқуллади Падерина.

– Кетдикми? – сўради Елагин, қайта туриш аёл учун нечоғлик малол келаётганини билиб турса-да.

– Кетдик, – деди аёл ўзини мардона тутиб.

Кечга яқин улар яна бир янги тоғ чўққисига дуч келишди.

– Бошқа мажолим қолмади, – очиқ тан олди аёл. – Бир чорасини қилишимиз керак. Жанг қилишга тўғри келади.

– Ҳа, – деди Елагин кайфияти бузилиб, – сиз ҳақсиз, бошқи иложимиз йўққа ўхшайди. Улар бори-йўғи олти киши.

– Булар унинг энг тажрибали изқуварларига ўхшайди, – деди Падерина Нуруллани назарда тутиб.

– Шунақа, шекилли, – Елагин атрофни кўздан кечирди. Бу ерда узоқ яшириниб бўлмас, аммо ҳимояланиш мумкин эди.

– Улар қўл гранатамиз борлигини билишмайди, – деди Падерина, – балки, мана шундан фойдаланармиз.

– Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Тўппончанинг ўзи билан ҳаммасини тинчита олмаймиз, барибир, – деди Елагин маъқуллаб, – олтита автоматга қарши иккита тўппонча билан жангга киришнинг ўзи ҳам кулгили. Агар автоматимиз бўлганда бошқа гап эди.

“Унда аввалроқ жангга киришардик-қўярдек”, ўйлади аёл.

– Менга аёллар кийими етишмай турибди, – деди Падерина ачи-ниш билан, – кўйлақларимни кўналғада қолдириб келганим учун ўзимни кечира олмайман. Ўшанда уларга яқинроқ борган бўлардим, – изоҳ берди у, чунки, орамизда хотин киши борлиги уларнинг тушига ҳам кирмайди.

– Мен сизни сира ҳам юбормасдим, – деди ёш капитан сал қизариб.

– Сенинг қарашларинг эскича экан, Альберт, – кулди аёл, – энди менинг режамга қулоқ сол. Сен тепага чиқасан, мен эса қоялар панасида қоламан. Босқинчилар менинг ёнимдан ўтаётганда, сен қичқириб, уларнинг диққатини тортасан, ана шунда гранаталарни ишга соламиз. Менимча, ёмон режа эмас. Сен нима дейсан?

– Бўлмайди, – шоша-пиша эътироз қилди Елагин, – тепага сиз чиқиб қичқирасиз, мен манави оралиқда қолиб, гранатани ирғитаман. Чунки, кучлироқ отаман.

– Бу ҳали маълум эмас, – кўл силкиди аёл, – қолаверса, баҳслашишнинг ҳожати йўқ. Менинг айтганим бўлади.

– Йўқ, юқорига сиз чиқасиз, – деди ўжарлик билан Елагин.

– Капитан Елагин, – аччиқланди Падерина, – ўзингиздан унвони катта кишининг буйруғини бажаринг. Биз урушдамиз.

– Барибир, мен пастда қоламан, – гўлдиради ёш капитан.

– Қулоқ сол, Альберт, – деди бу вазиятда буйруқ билан иш битмаслигини тушунган аёл хўрсиниб, – мени тушунгин, тентаквой. Юқоридан эркак киши қичқирмаса бўлмайди. Улар сенинг овозингни эшитишлари керак. Аксинча, гап нимадалигини билиб қолишади. Сен менинг аёлча чинқиришимни истайсанми?

Елагин унинг ҳақлигини тан олишга мажбур бўлди. Падеринага яна битта гранатани қолдириб, юраги увишган ҳолда, истар-истамас тепага тирмашди.

Тошлар ўртасидаги ёриқ шу даражада кенг эдики, уч киши яширинганда ҳам, йўл томондан кўриб бўлмасди. Елагин жарлик подполковникни тўлиқ яширганини кўргач, юқорилаб кетди. У саксон метрлар баландликка чиққач, атроф баралла кўринадиган жойни эгаллади.

Олти таъқибчи ярим соатлардан сўнг етиб келди. Падерина жанг қилишни ўйлаб, тўғри қарорга келганди. Босқинчилар ҳолдан тойган зобитларни барибир қувиб етарди. Зобитлар учун азоб-уқубат бўлиб туюлган тоғ йўлларида юриш изқуварлар учун одатий иш эди. Олти жангарининг дадиллик билан келаётганини кўриб, Елагиннинг юраги орқасига тортиб кетди. Уларнинг автоматлари қуёш нурида ялтираб кўринарди.

У вақтни аниқ ҳисобга олди. Олтинчи жангари ҳам жарлик ёнидан ўтгач, бор овози билан бақирди:

– Ҳой, итвачалар, – ва биринчи босқинчига қарата ўқ узди.

Жангари бир чайқалди-ю йиқилмади. Тўппонча ўқининг бунақа узоқ масофадан бировни ўлдириши маҳол бўлиб, енгил яралаганди.

Бирданига тариллашга тушган автоматлар овози ҳаммаёқни гум-бирлатиб юборди.

Кейин гранаталарнинг портлаши эшитилди, биринчиси, иккинчиси, учинчиси... ва жимлик чўкди.

Елагин даҳшатли бир нарса рўй берганидан чўчиб, қоя ортидан мўралади. Тош устига узала тушган олти кишининг бирортаси қимир этмасди. Гранаталар ўз ишини қилганди. Олти босқинчи оёғи тагида ётарди. Улар ҳатто, ўгирилиб, бошларига бало тоши қай тарафдан ёғилганини фаҳмлашга ҳам улгурмаганди.

Падеринанинг қораси кўринмасди. У шу лаҳзада аёлнинг чоҳда ўтириб, тирик одамларни отиш ва ўлдиришдан кейин тошиб келади-ган, аччиқ ва аламли кўз ёшларини ичаётганини билмасди. Ҳа, у ўз ишининг устаси, моҳир разведкачи, тажрибали зобит, айни пайтда, чапдастлик билан итқитилган гранаталар зарбидан ичак-чавоғи ағдарилиб, миясининг қатиғи чапланиб кетган жасадларни кўрганда юраги эзилиб кетадиган оддийгина аёл ҳам эди.

Елагин эҳтиёткорлик билан, қўнғилсиз бир манзарага кўзи тушишидан қўрқиб, пастга туша бошлади.

Аммо, подполковник кўз ёшларини артиб, ғамгин кулимсираганча, ўзи томон келаётган капитанга пешвоз чиқди. Шу лаҳза кўрагидан қаттиқ яраланган жангарилардан бири тўсатдан тўппончасини кўтарди.

– Ёт, – Елагин қичқирган кўйи олдинга ташланди.

Тўппонча варанглади.

Ўқ мўлжалга тегди.

Сўнги дақиқада босқинчи ўзи билмаган ҳолда қаршисида турган Падеринани эмас, қичқирган Елагинга қарата ўқ узди.

Ўқ ўнг ўпкани тешиб, каттагина жойни ўпирганча, елкадан чиқиб кетди. Елагин кифтининг ўз қонидан ҳўл бўлаётганни сезган ҳолда ерга қулади.

– Елагин!!! – аёл чинқирганича, тўппончасидаги бор ўқни ўлаётган жангарининг кўксига бўшатди.

Сўнг ҳамроҳи томон ташланди.

– Альбертжон, азизим, ўлмагин, – у оқариб кетган чеҳра сари энгашиб ёлборарди, – ўлмагин, азизим, – ўтинарди у, гарчи энди ҳеч нарсанинг фойда бермаслигин сезса-да.

Елагиннинг киприклари пирпиради. У базўр кўзларни очди.

– Ҳаммаси жойида, – пичирлади у, – ҳаммаси...

– Шошма, мен ярангни боғлайман, – аёл уни кўтаришга уринди.

Йигит кучли оғриқдан ихраб юборди.

– Керак эмас, – лабларини зўрға қимирлатди, – мен... истар...

– Гапир, гапиравер, – аёл унинг сочини, юзларини силади.

– Мен... сен... дай... хоти... ним... бўли... шини... истар...дим...

У иборани охиргача бир амалаб айтди-ю, жон берди, гўёки, шу сўз билан сўнги нафаси чиқиб кетди. Атрофидаги тупроқ, тошлар, қумлар унинг қонини ташналик билан шимиради.

Аёл энгашиб, йигитнинг пешонасидан ўпди.

Падерина тўсатдан қилмоқчи бўлган ишидан уялгандек, атрофига аланглади, кейин яқинлари ва қариндошлари бошида йиғлайдиган қишлоқ аёллари сингари уввос солиб юборди. Ранги бўздай оппоқ оқарган Елагин тошлар узра ётар, асл аёллигига қайтган Катя Падерина эса унинг боши устида саннаб-саннаб фарёд чекарди. Теграсида эса абжағи чиққан олтита мурда ётар, бу тоғларда аҳён-ҳёнда пайдо бўладиган қузғунлар емак ҳидини олиб, тепада чарх уради.

## IX

Совет қўшинлари чиқиб кетгач, Афғонистон муаммоси ўз-ўзидан барҳам топадигандек туюлганди. Нажибулла Қобулни қўлида сақлаб қолган, мужоҳидлар ҳамон мамлакатнинг катта қисмини ўз назоратида сақлаб турган бўлса-да, бунинг ҳаммаси афғонларнинг ички иши саналарди. Аммо, тарих қасдини олмасдан қўймас, бир марта тўкилган инсон қони ўша жойга сингиб кетмасдан, бошқа қонларни

ҳам чорлаб, тўлиб-тошиб оқадиган хун дарёсига айланишдек ноёб хусусиятга эга экан.

Икки йилдан сўнг Совет Иттифоқи ерпарчин бўлди. Бузилиш жараёни авжига олиб бораётган кунларда кўшни афғон тупроғида тўкилган қонлар бу томондан сизиб чиқди ва унинг қип-қизил мавжи улкан мамлакат узра ёйилди.

Арманистон ва Озарбайжон ўртасида бошланиб кетган ҳақиқий уруш натижасида Озарбайжон йигирма фоиз ҳудудидан маҳрум бўлди. Бу қирғинда танклар, самолётлар, замонавий артиллерия билан биргаликда, гўё, урушни ўз ватанидан давом эттиришга қасд қилгандек афғон уруши фахрийлари ҳам... қатнашдилар.

Худди шунақа вазият Абхазияда ҳам рўй берди. Тоғлик халқлар конфедерацияси томонидан қўллаб-қувватланган кичкина Абхазия Грузияга қарши уруш бошлади ва грузин отрядларини ҳамда ўзини-ўзи мудофаа қилувчи кучларни сиқиб чиқарди. Генерал Лебеднинг аралашувигина Приднестровьедаги қирғинни тўхтатиб қолди. Аммо, Афғонистон билан чегарадош Тожикистонда чинакам хунрезлик содир бўлди. Фуқаролар уруши, деб аталган бу муҳорабада юз минг киши қурбон берилди. Агар ўн беш йил давомида афғон тупроғида совет кўшинлари йўқотган жангчилар сони ўн беш мингдан ошмаган ҳолда, ярим йил ичида Тожикистон аксарияти аёллар, болалар, қариялардан иборат юз минг фуқаросидан айрилди. Бироқ, дунё аҳли пинагини бузмади. Совет аскарларининг Афғонистонга киритилишини яқдиллик билан қоралаб, улар томонидан мисли кўрилмаган ваҳшийликлар содир этилаётгани, ҳисобсиз қурбонлар берилаётгани ҳақида томоғини йиртгудек қичқирган ўша аҳли жаҳон юз минг кишининг қурбон берилганини кўриб кўрмасликка олди. Айнан шу тарзда Тоғли Қорабоғ, Осетия, Абхазия ва Приднестровьедаги урушларни ҳам сезиб сезмаганга солди ўзини.

Совет Иттифоқи қулагач, мужоҳидлар бир пайтлар даҳшатли туюлган чегарадан эмин-эркин ўтиб, Тожикистонда ва бир вақтлар “яхлит ва қудратли” саналмиш давлатнинг бошқа республикаларида ҳам хунрезликни амалга ошира бошлади. Бу ҳам ҳеч кимни ташвишлантормади. Иттифоқдошлари томонидан сотилган ва ўзи ҳолига ташлаб қўйилган Нажибулла БМТнинг Кобулдаги қароргоҳидан паноҳ топди, унинг партиясига мансуб фаолларни аямасдан осишди, отишди, каллаларини кесишди, оилаларини қиришди. Оиласини олдинроқ Ҳиндистонга жўнатишга улгурган Нажибулланинг ўзи яширинган жойидан бола-чақаси билан мулоқат қилиб турарди. Унинг салафи, ўйинчи Бабрак Кармал эса афғон воқеаларининг ўзига мутлоқ дахли йўқдек тутиб, Москвада хотиржам яшарди.

Умуман олганда, бу даражадаги сотқинлик ва хиёнатни дунёдаги бирорта мамлакат бошидан кечирмаганди. Парчаланган улкан давлатнинг бир неча жойида аланга олаётган уруш жаҳонга яна бир бор ваҳшиёна қиёфасини кўрсатди, айни пайтда унинг раҳнамолари шимолий кўшнилариининг қудратига ва у билан дўстлигининг абадийлигига ишонган иттифоқдошларини сотиб, қўрқоқ чиябўридан фарқлари йўқлигини яна бир бор кўрсатишди. Халқ демократик партияси фаолларини шаҳарлардан бирма-бир тутиб, жазолаш учун Кобулга жўнатишди. Бу шунчаки шафқатсизлик эмас, ашаддий пасткашлик эди. Кейин ўлим тўшагида ётган Эрик Хонеккерни сотишди. Унинг фаолиятига мафкуравий баҳо бериш бошқа нарса, лекин, аранг бошпана топган ўлим ҳолатидаги қарияни қасд олиш учун ганимлари кўлига топшириш энг учига чиққан аблаҳлик эди. Бундан ташқари,

шифокорлар тобора авж олаётган саратон касаллигини кўрмасликка олиб, унинг соғлиғи ҳақидаги тиббий хулосани ҳам сохталаштирдилар. Бу ҳам ҳеч кимни ташвишга солмади. Германияда совет разведкаси тўп-тўп қилиб сотган “Штази”нинг собиқ ходимлари устидан суд жарёнлари бошланди. Белоруссиядагилар эса “қатта оға”лари изидан бориб, юртларига қочиб ўтган Литва компартияси етакчиларини Вильнюснинг қўлига топширди. Улкан мамлакатнинг таназзули билан бошланган иблислар базми, сотқинлик тантанаси давом этарди. Бу ёки у томонга мансуб шахсларнинг тубанликнинг қайси чизигигача бориши энди муҳим эмас, илло, аблаҳлик чегара нималигини билмасди. Мамлакат вайрон бўлгач, бу ҳақиқат ҳаммага аён бўлиб қолди. Ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун ҳар қандай жиноятга қўл уриш, ўз парламентини танклардан ўққа тутиш, босқинчилар яширинган ўз шаҳарларини бомба билан яксон қилиш, қон тўкиш оддий ҳолга айланади, зеро, қон дарёси тўхташ, орқага қайтиш нималигини билмас, фақат, олға қараб оқишни билар экан.

Ҳалокатнинг кўламини англаш Россия раҳбариятидан қатъий қарор қабул қилиб, жафокаш икки юз биринчи дивизияни Тожикистондаги жанговар ҳаракатлар гирдобига ташлашга мажбур қилди. Увадага айланган чегарани яна ўн-ўн беш йил олдинги ҳолатига келтириш учун шоша-пиша ямоқ солишга киришилди, бу ишни ҳам узоқ жанубий сарҳадларда давлатнинг тушунарсиз манфаатларини ҳимоя қилишга, яна эски душманлар — афғон мужоҳидлари ва уларга қўшилган мурасасиз тожик муҳолифатининг кўп минг кишилиқ аламзада тўдалари билан жангга киришга мажбур бўлган моквалик, Санкт-петербурглик, томсклик, новосибирсклик, Твер ва Туладан келган “ука”лар амалга оширарди. Ўн йил жаҳаннам азобини бошидан кечирган, чексиз азоб-уқубатлар тортган, қурбон бўлган, аммо урушни бой бермаган ўзларидан олдинги авлоднинг ишини давом эттиришга бел боғлаган ёш йигитлар қайтадан, бир пайтлар яхлит бўлган салтанатнинг сарҳадларини энди бегона бўлиб азиз жонларини тикиб, ҳимоя қилишга тутундилар.

Алданган, сотилган, унутилган афғон уруши фахрийлари ўз ўринларини мамлакатнинг қайноқ нуқталаридан топдилар. Алам, ранж, карахтлик, нотайин турмуш уларни яна урушга — қўлларидан келадиган биргина ишни бажаришга — ўзгаларни ўлдираб, муносиб тарзда ўлишга йўллади. Чунки, улар тоғларда музлаб, сахро жазирамаларида қоврилиб, дўстларини қурбон бериб бўлса-да, манфаати йўлида уришган, кўксини қалқон қилиб ҳимоялаган мамлакат энди йўқ эди.

Уларнинг — ҳарбий бурчини шараф билан ўтаган кишиларнинг, улкан армиянинг шон-шарафини елкасида кўтарган зобитларнинг, жанг майдонларида мардона ва жасурлик билан олишган аскарларнинг жасорати энди масхара қилинди. Бундан ташқари, улар янгидан пайдо бўлган жамиятда қарор топган ваҳшиёна қонунлар асосида яшаш қўлидан келмайдиган ва буни хоҳламайдиган шубҳали шахсларга айландилар. Таҳқирланган, нафратга дучор бўлган кўплари ўзларини ўнглай олмай, ҳаётдан кўз юмдилар, нашавандга ва пиёнистага айландилар. Сал кучлироқлари эса жиноий тузилмаларга қўшилиб, ўзларининг хароб бўлган ҳаёти ва пучга чиққан орзуларининг қасдини олдилар.

Уруш давом этарди. Сиёсий бюродаги қариялар етмиш тўққизинчи йилнинг декабрида ўз халқини дуоибад қилиб, мангу азоб-уқубат чекишини, қонга ботишини тилаганга ўхшарди. Балки, уларнинг ёшроқ ворислари, барча мақсад ва ғояларга хиёнат қилган, сотган



авлод ҳамма нарсани — ўзларининг шахсий иззат-нафсини, уқувсиз сиёсатини, мамлакатнинг таназулини, минглаб қочқинларни, маҳаллий урушларни, алам, соғинч ва миллионлаб кишиларнинг соғинчи, аламу ранжини битта ранг — қизил қон рангига бўйшага бел боғлагандир. Чунки, қизил ранг барча ёрқин ранглар ва туйғуларни қаърига ютишга қодир ўпқондир.

Ҳазил-ҳазил билан бошланган уруш фожиага, фожиавий тарзда бошланган мамлакат инқирози эса уларни вайрон қилганларнинг ўзлари мамлакатнинг илгариги қудратини, ягона армиясини ва рисоладаги иқтисодиётни тиклашни талаб қилишганда кулгили томошага айланди.

Аммо, қон ўз ўзанида елиб-югуриб бир куни келиб ҳаммани ўз қаърига ютишга шайланган уммон ҳосил қилмоқчи бўлган дарёга айланиб борарди.

## Х

Корнернинг фармойишига кўра вертолёт чақирилди, нақ Лэнглининг ўзидан рухсат олган Беннет, у билан биргаликда содир бўлган ҳодисани текшириш учун Афғонистонга учди.

Карачида Рона Баксейнинг ўлими юзасидан суриштирув ишлари олиб борилар, аммо қотилнинг изини умуман топиб бўлмасди. Мамлакат бўйича оёққа тургазилган хуфия хабарчилар ва жосуслар Американинг Читралдаги станциясига ҳужум қилиш кимга керак бўлганини ҳам билолмадилар.

Бу сафар анча узоқ учиди. Учувчи пастликни кўрсатиб, Беннетга қичқирди:

— Илгари мана шу ерда жойлашишганди, энди шаҳарга яқинроқ кўчишганга ўхшайди. Утган сафар бизга шимолга учиш кераклигини айтишганди.

— Учдик, — рози бўлди Беннет Корнернинг худди якшанбалик сайрга чиққандек, ялпайиб ўтирганини кўриб.

Бир соатдан сўнг улар Нурулланинг янги қароргоҳига қўнишди. Беннет ўртада жойлашган иккита ярадорлар чодирига эътибор қилди.

— Жанг катта бўлганга ўхшайди, — тушунди у.

Улар томонга Нурулланинг ёрдамчиси ва ишончли кишиси Аюб шошилиб келарди. Салом-аликдан сўнг меҳмонларни жазавага тушган Нурулланинг чодирига бошлаб борди. Ҳужум қилганларни топиш учун жўнатилган олтига энг яхши изқувари қайтиб келмаганди. У ғазаб ва аламдан ўзини қўйгани жой топмасди.

Нурулла ўрта бўйли, серғайрат, ёшига нисбатан серҳаракат, чаққон кимса эди. Эликдан ўтган бўлса-да, қирқ ёшларда кўринарди. Меҳмонларни кўриб, ўзини тутиб олишга уринди. Беннет билан келган меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиш учун тушлик келтиришни буюрди.

— Анча бўлдими кўчганингизга? — сўради Беннет стол ёнига ўтиришгач.

— Кечагина келдик, — деди Нурулла норози оҳангда, — олдинги лагерда кўп одам йўқотдик. Йигирма етти киши ўлди ва ўн олти киши ярадор бўлди. Яна бир марта шунақа жанг бўлса, бутун тўдамдан ажраб қоламан.

— Ҳужум қилганлардан ўлганлар кўпми? — сўради Корнер.

Нурулла у томонга аламли назар ташлади.

— Бор, — деди у хоҳлар-хоҳламас.

- Уларнинг жасади борми? – аниқлик киритди Корнер.
- Йўқ, – Нурулла эни ўзини тутолмай қолди, – битта ҳам йўқ. Мен учун шармандалик бўлса ҳам айтай, шунақа бўлиб қолди. Улар кўкдан тушган шайтондек пайдо бўлишди, шунча одамимни тинчи-тиб, полковникни олиб кетишди.
- Неча киши экан, анигини айтинг, – сўради Беннет. Нурулла хўрсинди. Одамларининг шу даражада ожизлик қилгани, унинг учун ҳақиқий шармисорлик эди.
- Бир неча киши, – деди ниҳоят зўр-базўр, лаби қаҳрли кулгидан қийшайиб кетди, – бор-йўғи бир неча киши экан.
- Нечта? – сўради Беннет.
- Олти-етти киши, – тан олди Нурулла.
- Бирорта ҳам қурбон бермай қайтиб кетишдими? – ҳайрон бўлди Корнер, – Тасаввур қилаяпсизми, мистер Беннет, бунинг учун қанақа устаси фаранг бўлиш керак. Йўқ, ўша кимса ҳеч ҳам чегара кўшинлари полковниги бўлмаган. Бу ерда бошқа гап бор. Сиз уни шундайига ҳам ўзингизнинг қўлга тушган одамларингизга алмашиб олмоқчи бўлгансиз-ку, ахир?
- Ота-бобомнинг арвоғи ҳаққи қасам ичаманки, – хирилади Нурулла, – ўша полковникни тутиб олсам, ичагини бошига салла қиламан.
- Аҳмоқликни қўй, – унинг гапини дарҳол тўхтатди Беннет, – энди топаолмайсан. Агар чегарадан нарига ўтиб кетишмаган бўлса, қўлга олишинг мумкин. Билиб қўй, у бизга тириклай керак. Фақат, тириклай. Унинг учун сенга яхшигина ҳақ тўлаймиз. Катта пул.
- Қанақа ғалча одамсан-а, – бошини сараклади Нурулла, – икки кун олдин кўрсатмоқчи бўлганимда, ялинсам ҳам кўришни истамагандинг. Энди бўлса, эвазига катта пул бермоқчисан. Тушуниб бўлмайдиган одамсан ўзи, – деди у такоран.
- Балки, унинг қочиб кетгани менга маъқул келгандир, – ҳазиллашди Беннет, – у ҳақда батафсил билгим келаяпти.
- Унга табиб ёрдам берган, – Нурулланинг юзи бўғриқди.
- Қанақа табиб? – тушунмади Беннет.
- Мен қайдан билай, – яна қаҳрланди Нурулла оғзига катта гўшт бўлагини тикаркан, – табиб асли шу ерлик экан, аммо, шу пайтгача уни ҳеч ким билмаган. Ўша табиб лагерга келиб, полковникни олиб кетди. Одамлари эса менинг машиналарим ва одамларимни ўққа тутишди.
- Ҳозир қанча одами бор экан бунинг? – сўради Корнер инглизчалаб, форсийда Беннетдек бемалол гапираолмасди.
- Қанча одамнинг қолди? – сўради Беннет.
- Олтита йигитим тоғдан қайтгани йўқ, – овоз чиқариб санади Нурулла, – демак, юз эллик беш киши қопти. Ярадорлардан ташқари.
- Қизиқ, – деди Корнер, – Йигирма бешга бир. Бу ерда сараланган тўда ҳаракат қилган. Бирорта қурбон бермасдан қайтиб кетиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз нима, деб ўйлайсиз?
- Тўғри, – хўрсинди Беннет, хаёлидан ўзининг полковник билан учрашишни рад этгани кетмасди. Икки кун олдин ўша номаъқулчиликни қилмаганда ҳаммаси бошқача бўларди. Аммо, энди бу ҳақда афсусланишдан фойда йўқ.
- Одамларингни кўшни шаҳарларга юбордингми? – сўрди Беннет.
- Кеча жўнатганман, – деди Нурулла гўштини чайнаб бўлиб, – яна одам тўплашимга тўғри келди. Акс ҳолда яқин орада тўдамда бир ўзимдан бошқа тирик жон қолмайди.

- Улар қайси томонга кетган бўлиши мумкин, билмайсанми?
- Шимолга, – деди Нурулла шошилиб, – фақат, шимолга, чегарадан ўтиб кетишга қулай. У томондан келадиган вертолётларнинг катта ҳудудни айланиб учишига тўғри келади, чунки, ҳамма жойда зенит пулемётлари бор, устидан ўтиш хатарли.
- Полковникни ўғирлаб кетишганига қараганда, жуда муҳим шахсга ўхшаяпти. Шахсан ўзингиз кўрдингизми полковникнинг ҳужжатларнинг? – сўради Корнер Беннетдан.
- Йўқ, – тан олишга мажбур бўлди Беннет.
- Ҳужжатлари қаерда ўзи? – сўради Корнер.
- Полковникнингми? – аниқлик киритди Нурулла, – ҳеч қанақа ҳужжати йўқ эди.
- Чегара қўшинлари полковникнинг уруш кетаётган ҳудуд яқинида ҳужжатсиз юриши қизиқ-ку, – деди ўйланиб Корнер, – бу ерда қандайдир гап бор.
- Балки, вертолётда қолдиргандир, – тахмин қилди Беннет полковник борасида катта хатога йўл қўйганига яна бир бор иқрор бўлиб.
- Сизларнинг уриб туширишларинг учунми? – ҳазиллашди Корнер, – бу русларнинг расмиятчилигига тўғри келмайди. Улар, ҳатто, чегара генералидан ҳам ёнида ҳужжат олиб юришни талаб қилишади. Бу ерда бўлса, ҳужжатсиз полковник асирга тушиб ўтирипти. Кейин ўзи чегарачиман, дейди. Сўнгра команадос пайдо бўлади-да, уни ўғирлайди. Сизнинг назарингизда, шу далилларнинг ўзи айрим хулосаларни чиқаришга ундамайдими?
- Сизни тушундим. Демак, полковник бошқа маҳкамага мансуб бўлган, – Беннет озроқ хомуш тортди.
- Ишончим комил, – Корнернинг ҳиссиётсиз овози янгради.
- У ҳолда уни ўзимиз излашимизга тўғри келади, – ҳаяжонланди Беннет, – чегараларни ёпиш, бошқа тўдаларни огоҳлантириш керак. Ўз худудидан ҳеч кимни ўтказмасин.
- Бу ерда бошқа тўдалар ҳам борми? – сўради Корнер ҳорғин овозда. Ҳал қилиши лозим бўлган тенгламада номаълум рақамларнинг кўпайиб бораётгани унинг гашига тега бошлаганди.
- Ҳа, Алимуротнинг тўдаси бор.
- Жинидан ёмон кўрадиган душманининг номини эшитиб, Нурулла Беннетга қаради.
- Алимурот уни мендан кўра тезроқ тутади, деб ўйлайсанми? – тушунди у.
- Бунақа, деб ўйламайман, – деди Беннет шоша-пиша, – Алимуротнинг одамлари шу тоғларда юришини айтаяпман.
- Сен Абуқодирнинг одамларини унутдингми? – эслатди Нурулла.
- Буниси ким бўлди? – нотаниш исмлардан боши гангиган Корнер оғир хўрсинди.
- Тожик мухолифатидан, – тинчлантирди уни Беннет, – улар рус зобитларини жинларидан баттар ёмон кўришади. Агар полковникимиз қўлларига тушиб қолса, уни қутқаришнинг имкони бўлмайди. Бошини кесиб, чавақлаб ташлашади.
- Корнер афтини бужмайтирди.
- Ваҳшийлар юрти, – деди у гижиниб – бу тоғларда русларга нима бор экан ўзи?
- Мен эсам бизга нима борлигини ҳам тушунмайман, – ўша оҳангда жавоб берди Беннет.
- Иккаласи енгилгина қулишди. Нурулла уларнинг нима сабабдан тўсатдан хушчақчақлик қилаётганига тушунмасдан, ўзи ва одамла-

ри устидан кулишаяпти, деб ўйлади-да, гаши келиб, баттар хўмрайди. Кечаси меҳмонлар қароргоҳда тунайдиган бўлишди. Нурулла уларга алоҳида чодир ажратиб, кўшни Ишкашимдан келиб, гоҳо-гоҳо хизматида бўладиган икки соҳибжамолни ёнларига жўнатди. Аммо, у нафрат билан “янки”, деб атайдиган меҳмонлар такаббурлик қилди. Бунақа шоҳона совға учун миннатдорчилик билдириб, аёлларни шаҳарга қайтариб юборишди.

Эрта тонгда қуюндай учиб кирган Аюб Нуруллани уйғотиб юборди.

– Хўжайин, тур, – бақирди Аюб, – сенга муҳим гапим бор.

– Нима бўлди ўзи? – деди уйқуси очилмаган Нурулла тўнғиллаб.

– Қочқинларни топиш мумкин, – эълон қилди Аюб тантановор овозда.

– Қандай қилиб, – Нурулла тўшакка чордона қурди, – қандай топса бўлади?

– “Уچار машина” билан, – ёрдамчиси бармоғини нуқиб вертолётни кўрсатди, – америкаликлардан илтимос қил, тоғдан излашсин. Бунақа машина тўғри келган жойда учаверади. Қочоқларни дарров топади.

– Жуда яхши фикр, – қувониб кетди Нурулла, – мен кийиниб олай, уларнинг олдига борамиз.

У меҳмонларнинг ҳам яқин атрофдаги барча сўқмоқлар ҳамда ўтиш жойларини кўздан кечиришга ва қочган полковникни қандай қилиб бўлса-да, топишга қарор қилганини ҳали билмасди.

Асановнинг гуруҳи бу пайтда Ишкашимга ғарб томондан яқинлашиб борарди. Сўнгги мина қўйилганидан буён аллақанча фурсат ўтганига қарамай, портлаш товуши эшитилмади. Бу эса таъқибчилардан қутулганликларини билдирарди. Бироқ, Асанов бундан қувонадиган ҳолда эмас, ҳеч нарсани билдирмасдан полковникни душман қўлига қайта топшириш, уни олиб қочишдан кўра кўп бора оғир эканини билар ва хаёлан иккинчи босқичга ҳозирланарди. Лекин, йўқолган офицерлари – аёл кишининг ва ёшгина Альберт Елагиннинг бошига тушиши мумкин бўлган азоб-уқубатларни тасаввур қилганда, фикрлари тарикдай сочилиб кетар, диққатини жамлашга халал берарди. Асанов нечанчи мартадир Затонскийнинг гапига кўниб, гуруҳига аёл кишини қўшгани учун ўзини аямай сўкарди. Аммо, энди кеч эди. Зобитларни-ку қайтаролмайди, лекин, бунақа кайфият билан операцияни бой бериши ҳам ҳеч гап эмас.

Кречетов, гарчи, ўзи учун Нурулланинг қарогоҳига қайтиб кириш, қочишидан осон кечмаслигини сезиб турар, шунинг учун генералнинг аҳволини тушуниб, ортиқча безовта қилмасликка, саволлар билан бошини қотирмасликка ҳаракат қиларди.

Борзунов худди темирдан ясалгандек чарчоқ нималигини билмас, машаққатли доvonлардан ошиб ўтилгандан сўнг ҳам, Асанов унинг куч-қувватига ишониб, разведкага юборганидан ҳам оғринмасди. Асанов унинг ибрат олишга арзигулик етакчи, мушкул вазиятларда гангиб қолмайдиган, оғир-вазмин инсон, ишончли ҳамроҳ эканига ишонч ҳосил қилганди.

Чон Дин эса Асановга вужудида жўш уриб турган ўзига хос яратувчанлик салоҳияти билан ёқарди. У ишсиз ўтира олмас, қисқа танафус чоғларида ҳам корейс тилидаги майин бир куйни хиргойи қилганича нимадир қилар, ниманидир ясарди. Бош йўлбошловчи саналган Семенов эса қўрқмас ва жасур инсонгина эмас, зийрак, ҳозиржавоб дўст ҳам эдики, унинг ушбу хислатларига сафдошлари кўп бор шоҳид бўлишди. Бунақа одамлар билан ушбу худуддаги барча

тўдалар йиғилишиб келганда ҳам Асановга қўрқинчли эмасди. Аммо, унинг бу галги вазифаси бутунлай бошқача — Кречетовни қисқа муддатда ва мутлақо ишончли тарзда душман кўлига топшириш эди.

Улар икки соатлар йўл юргач, бошлари узра вертолётнинг таниш тарақлаши эшитилди.

— Вертолёт, — қичқирди олдинда бораётган Семёнов.

Ҳаммалари ўзларини ерга отиб, тошлар панасига биқинишди. Қоя ортидан қўринган катта вертолётни Асанов дарҳол таниди. “Демак, мақсадга эришибмиз, — қувониб кетди у, — меҳнатимиз зое кетмапти”. Бу Читралдаги америкалик резидентнинг вертолёти эди. Модомики, бу тоғларда пайдо бўлишган экан, демак ўзларини ўта даража қизиқтириб қўйган Кречетовни излашяпти, бу эса полковникни олиб қочишдан кўзлаган мақсадларига эришганликларидан далолат берарди. Қилган ишининг тўғрилигига ҳозиргача ишонмай тургани боис, бошлари узра душманлар ўтирган эмас, балки, уйларига олиб кетадиган вертолётни кўргандек суюниб кетди.

— Сиз ҳақ чиқдингиз, — деди Кречетов паст овозда, кўкда айланаятган машинани кўрсатиб, — Афтидан, менинг шахсим билан жиддий қизиқиб қолишган кўринади. Мен ҳалигача уларнинг вертолётини кўрмагандим.

— Бу Читралдаги америка резидентининг вертолёти, — шивирлади Асанов, кейин овозини баландлатиб олдинроқда ётган Семеновдан сўради:

— Агар нарига тарафдаги қоялар томонга қочиб ўтсак, улар бизни кўришармикин?

— Кўрашади, деб ўйлайман, — қичқирди Семенов, — яхшиси тошлар панасида ётганимиз маъқул. Қояга ёпишиб кетгандек кўринамиз, улар пайқамай қолишади. Агар чопсак, албатта, кўришади.

— Унда чопдик, — қичқирди жавоб ўрнида Асанов.

— Мумкин эмас, — Семенов генерал гапимни тушунмади, деган ўйда ортидан қичқириб қолди.

Аммо, тигиз дақиқаларда гуруҳ бошлигининг буйруғини сўзсиз бажаришга ўрганган офицерлар юз қадам наридаги қоя томон югуришди. Генерал гапимни эшитмади, деб ўйлаган Семенов ҳаммадан кейин чопарди.

— Ана улар, — Беннет Корнерга пастликни кўрсатди.

— Жами олти киши экан, — бош ирғади Корнер, — биз уларни пулемётдан отиб ташлашимиз мумкин.

— Кечикдингиз, сэр, — эътироз қилди Беннет, — кўряпсизми, улар қоя ортига ўтиб олишди. Бу ўша разведкачиларнинг ўзгинаси.

— Ораларида Кречетов бормикин?

— Бўлиши керак.

— Биз унинг борлигини аниқ билишимиз керак, — бақириб жавоб қилди Корнер.

Парраklarнинг шовқини одамга ўхшаб гаплашишга имкон бермасди.

— Улар қайси томонга боришлари мумкин? — сўради Корнер йўлбошловчи Аюбдан.

— Ишқашим томонга, — Аюб шаҳар тарафни кўрсатди, — чегара тарафга кетишлари ҳам мумкин. Йўқ, биринчи гапим тўғрироқ. Улар айланма йўл билан боришяпти.

“Улар Ишқашимдаги алоқачи билан учрашмоқчи, шекилли, — ўйлади Корнер. — Акс ҳолда бунча узоқ йўлни босмаган бўлишарди”.

— Улар Ишқашимга боришади, — деди баланд овозда Беннет, унинг фикрини англаб, — уларни ўша ердан топамиз.

– Одамларингиз полковникни юзидан танийдими? – сўради Беннет Аюбдан.

– Албатта, – бош ирғади Нурулланинг ёрдамчиси, – уни ҳамма танийди. Полковник деганлари юввошгина кўринганди, бирданига қочиб қолганини қаранг-а.

– Билиб қўй, Аюб, – деди Беннет уқтириб, – унинг бизга тириги зарур, фақат тириги. Калласининг кераги йўқ. Агар унга бирор нарса бўлса, шахсан Нурулланинг олдида ўзинг жавоб берасан.

– Нега бунақа дейсиз? – қўрқиб кетди Аюб. – Ҳаммаси жойида бўлади. Бошқаларини ўлдирсак майлими?

– Бу сенинг ишинг, – рухсат берди Беннет, – уларни нима қилсанг, қилавер, лекин полковникка тегинма. У бизга жуда ҳам керак, тушунасанми, Аюб.

Афгон йигит бошини қимирлатди. У Нурулланинг тўдасида хизмат қилса-да, ўзи пуштун эди.

– Сиз уни иккинчи марта кўлимизга тириклай тушади, деб ўйлайсизми? – шубҳаланди Корнер, – Бу устамонлар бизга бирор имконият қолдирмайди, деб кўрқаман. – У ишора қилиб, пастдагиларни кўрсатди.

– Бу ерни Афғонистон, деб қўйишипти, – қичқирди Беннет.

“Агар бир пайтлар русларнинг бўлажак вице-президентини икки бор асирга олишган бўлса, нега бу полковникни қўлга олиб бўлмас экан,” – ўйлади у, аммо Корнерга бошқа сўз қотмади.

## XI

Ёлғиз киши бу тоғларда ҳалок бўлади. Аёл Асановнинг ушбу иборасини эслаб, ҳозирги вазиятдан чиқишнинг йўлини топмаса, ўзининг ҳам нобуд бўлиши мумкинлигини аниқ ҳис этди. Аввалига тошлар орасидан мос келадиган чуқурликни топиб, Елагинни кўмди ва устини тошлар билан беркитди. Ҳа, айнан тошлар билан кўмди, бунинг учун юқоридан тошларни суриб келиб, аниқ мўлжал билан тоғ ёриғига тушиширишга тўғри келди. Шундан сўнг ўзини мурдаларга қўл уришга мажбурлаб, ўликлардан бирининг эғнидаги бир қадар ўзига мос келадиган тоғлик тожикларнинг эркакча кийимларидан бутунроғини ечиб олди. Нафрати ва жирканишини бир амаллаб босди-да, бу кулранг эғни-бошни кийиб, Зебакни ёки унинг яқинроғидаги бирор қишлоқни топиш умидида, ортига қайтди. Падерина жонини қанақа хатарга қўяётганини яхши биларди. Бу тоғлар бағрида эркаклар кийимидаги ёлғиз аёл ҳар қандай эркакнинг тайёргина қонуний ўлжасига айланиши ҳеч гапмасди. Аммо, ҳарбий либосда юриш ўзини-ўзи ўлимга маҳкум қилиш билан баравар бўлиб, Афғонистонда совет аскарларининг кийимини яхши билишарди.

Нотаниш йўлдан ортага қайтиш Елагин билан тоққа чиқишдан кўра минг бора мушкул бўлди. Икки марта чоғга учиб кетай деди. Худди, кўринмас вақт чизигидан ўтаётгандек тоғда об-ҳаво тез-тез ўзгариб турар, шамол бирдан ёмғирни бошлаб келса, бошланган бўрон ортидан қуёш пайдо бўлиб қоларди.

Энг даҳшатли синов тоғда кечган биринчи тунда содир бўлди, чиябўриларнинг увуллаши ва аллақандай шовурлар унинг уйқусини ўчирди, таҳлика ва қўрқув исканжасида тонгни орзиқиб қутган ҳолда, гулхан ёнида бедор ўтириб чиқишга маҳкум этди. Уфққа нур иниши биланоқ, уйқусизлик азобидан толиққан аёл яна йўл босишда давом этди. У нима бўлганда ҳам иккинчи кечада тоғда тунамасликка қатъ-

ий жазм қилди. Ортдан олти босқинчининг жасадини бурда-бурда қилаётган ҳайвонларнинг ириллаши ва қичқириғи, қушларнинг чийиллаши эшитилиб турарди.

Биринчи кун унча узоқлаб кета олмаганидан ўзига хос ваҳшиёна базм иштирокчиларининг жўровоз қийқиригини эшитишга мажбур бўлди.

У кун бўйи дам олмасдан, яланғоч қоялар ўртасида ўтган тинка қуритадиган оғир туннинг таассуротларидан қутула олмай, қуйи томонга эниб борарди. Кеч туш бошлаганда кўзига узоқдан қандайдир қишлоқнинг қораси кўринди. Гарчи, кўнглидаги шубҳа аримаса-да, у қуёш тоғ чўққиларига сўнги нурларини сочаётган, шафақ уфқларни қоплаётган кечликда танлаган йўлининг тўғрилигига амин бўлди. Узоқдан кўринган қишлоқ —“эри” Чон Дин билан бирга келган ўша қишлоқ эди. Бу унинг жонига ора кирадиган сўнги илинж бўлиб, тошлардан қаққонроқ сирпаниб туришига тутунди. Бундан ортигига ҳоли ҳам келмасди. Тикроқ қоядан эса тошга ўтирган кўйи пастга қараб сирпанди.

Унинг мўлжали тўғри чиқди. Нурулланинг тўдаси қароргоҳидан кўчиб кетган, қишлоқ эса уйқуга чўмганди.

Бироқ тоғлардаги масофа алдамчи бўлади. Кўзингга яқингинада кўринган қишлоқ, аслида анча олисда эди. Тун бўйи милтираган шуълаларни мўлжалга олган ҳолда йўл босиб, тонг отай-отай деганда энг четдаги уйнинг ёнига етиб келди. Чарчоқдан ўлар ҳолга келган аёл иродасининг сўнги қатраларни жамлаб, ўзини керакли уй томонга юришга мажбурлади, чунки бегона эшик остонасида йиқилиб қолиш ўта хавфли эканини яхши биларди. Ёнида бирорта ҳужжати бўлмаса-да, тўппончасини сақлаб қолганди.

Ўзлари илгари кўнган уйнинг олдида ҳушидан кетишга сал қолди. Бир амаллаб сўнги қадамларини босиб ўтди-да, очилаётган эшикни қоқишга улгурди ва ҳовли ичкарисига ҳушсиз ҳолда қулади. Аёл бошқа ҳеч нарсани эслай олмасди.

Падерина уйнинг аёллар бўлмасида кўзини очди. Кийимларини ечиб олишипти, тўппончаси ҳам йўқ эди. Эгнига афгон аёлларининг тўпиққача тушадиган тунги узун оқ кўйлаги кийдирилганди. Торгина эшикнинг тутқичи тиқирлаб, уйга эски таниши — уй бекаси кириб келди.

— Худога шуқур, — қувонди аёл, мулойим жилмайиб, — биз сени уйимизнинг бўсағасида ўлиб қопсан, деб кўрққандик.

— Раҳмат сизларга, — деди Падерина ҳам жилмайиб.

— Раҳматинг нимаси? — чин юракдан ажабланди бека, — сен шунақа аҳволда эдингки, мен дарров худо раҳматига олгур эрингнинг ҳалок бўлганини, ноиложликдан сен унинг кийимини кийиб олганингни пайқадим. Тўғрими?

Падерина сал ўйланиб, бош ирғади.

— Сени катта келинимиз кўриб қопти. У бақирган пайтида, ҳаммамиз чошиб чиқдик. Сени ўзим ечинтирдим, енгингда ва елкангдаги қон доғларини кўрдим. Лекин, бу сенинг қонинг эмасди. Мен ҳамасини тушундим, — деди аёл гурурли оҳангда. — Бизнинг тоғларда аёл кишига қийин, жуда ҳам қийин. Ёлғиз бўлса ундан ҳам оғир. Яхшиямки, босқинчиларнинг кетиб қолишгани, омадинг келиб, уларга дуч келмабсан. Лекин, уларнинг олтита одами тоғдан қайтиб келиши мумкин эмиш. Бутун қишлоқни “шўровий”лар ҳақида огоҳлантиришган. Атрофимизда уларнинг аскарлари юрганини айтишиб, кўринишлари билан хабар беришимизни буюришган. Қўшни ҳовли-

да худонинг қарғишига учрагур Нурулланинг беш йигити пойлоқчилик қилаяпти.

– Мен “шўровий”ларнинг аскарлари эмасман, – кулди Падерина.

– Буни кўриб турибмиз, – кулди аёл, – нима “шўровий”ларнинг калласи йўқми, келиб-келиб шу худодан қайтганларнинг олдига аёл кишини юборадими? Биз “шўровий”ларни яхши таниймиз. Лекин, сен ташвишланма. Мен эрим билан гаплашдим. У сени иккинчи хотин қилиб қолдирмоқчи. Озроқ дам олиб, сал ўзингга келгин, кейин муллага борасизлар, никоҳ ўқиб қўяди.

– Раҳмат, – Падерина кулгисини яширишга уринди.

– Сен ундан кўрқма, – деди аёл мамнун бўлиб, – у жуда қариб қолган. Аммо, бирга ётишингга тўғри келади. Менинг тунда елкасини иситиб қўйишимни яхши кўради. Энди бу ишни сен қиласан. Ёшсан, соғломсан, кучинг кўп. Балки, унинг қўлидан бирор иш келиб қолса, Оллоҳ таоло, биттагина қизчани, биз тилаб юрган қизалоқни бериб қолса ҳам ажаб эмас. Қизчамиз бор эди, беш ёшида илон чақиб, вафот этди. Шундан кейин бола кўрмадим.

– Аммо, неварларинг бор-ку, – эслатди Падерина.

– Булар келинларининг болалари, – тезгина эътироз билдирди аёл, – мен ўзимнинг уйимда қиз боланинг ўсишини, ҳамманинг қанақа қизим борлигини кўришини истайман.

– Ундай бўлса, чиндан ҳам сизларга иккинчи хотин керак экан, – бу сафар Падерина унинг важларини маъқуллаб, ўзини хоҳолаб кулиб юборишдан тия олмади.

Бека эридан айрилган ёш жувонни қувонганидан кулаяпти, деб ўйлади-да, ўзи ҳам хурсанд бўлди. Сўнг меҳрибонлик билан Падеринанинг бошини силаб, шўрвали идишни ёнига қўйди-да, хонадан чиқди. Падерина ўзи учун пиширилган аччиқ шўрвани тезгина ичиб, яна уйкуга кетди.

Кечкурун аллакимнинг қадам товушларини эшитиб, кўзини очди. Хонага мўралаган чолнинг ўзи экан. Уни кўриб, аёл беихтиёр кўрпани иягига қадар тортиб олди.

Унинг кўрққанини кўриб, уй эгаси мамнунлик билан кулимсиради ва эшикни сиртидан ёпди. Қарияга эридан айрилган гўзал туркман аёлнинг ўзидан чўчигани манзур келганди. Демак, яхши хотин бўлади, итоатгўй, меҳрибон, ўйлади эркак. Унинг иккинчи хотин билан эркаклик бурчини бажаришга ожизлик қилажагига иқрор бўлгиси келмасди.

Аёл унинг борлигини ҳам унутиб, яна қаттиқ уйкуга кетганда тушига босқинчилар ўқидан қайта ва қайта жон бераётган тирик капитан Елагин кирди. Тун бўйи беҳаловат қилган алағ-чалоғ тушлар тонгга бориб барҳам топгач, Падерина тинчланиб, соат ўнларда – тоғлар ортидан кўтарилган қуёшнинг нурлари юзига урилганда уйғонди. Ёнида уй бекаси бўлажак иккинчи хотинга атаган кийимлар ётарди.

Кийиниб бўлиб, аёллар аллақачон нонушта қилиб ўтирган иккинчи хонага ўтди. Алоҳида патнусда унинг учун тайёрланган тожикча лаваш, асал, сариеғ, шакар ва сут аралаштирилган пишлоқни эслатадиган ширин қаймоқ турарди. У тезгина нонушта қилиб, чойини ичди-да, ҳовлига чиқди.

Оддий шарқ оиласида аёл киши учун ҳаммиша уйда қиладиган юмуш топилади. Шу куни уй бекаси ва келинлари сон-саноксиз гиламларни ҳовлига ёйиб ташлаб, чангини қоқишар, уларнинг атрофида катта-кичик неваралар ўралашарди. Уй эгаси эса бир четдаги айвонда



чок хўплаб ўтириб, кичкинтойларнинг тўс-тўполонини жимгина томоша қиларди. У Падеринага кўзи тушгач, сарғиш ва бақувват тишларини кўрсатиб кулди. Маҳаллий одатга кўра, ичкари ҳовлида паранжида юриш шарт бўлмаса-да, подполковник биринчи марта ўзининг ўшанақа либоси йўқлигидан афсусланди.

Тезроқ бир қарорга келиш керак эди. Бу уйда узоқ қолиб бўлмайди. Демак, қандай қилиб бўлса ҳам, қишлоққа чиқиш ва бир амаллаб чегарага етиб олиш керак. Бу ёлғиз боши билан тоғдан ошиб ўтишдан осон бўлмаса-да, бошқа чораси ҳам йўқ эди. Энди, фақат ўзининг кучига ишонишга тўғри келади. Падерина ушбу сафарга аёл кишини қўшишни истамаган генерал Асанов нақадар ҳақлигини яна бир бор ҳис этди. Ҳатто, ўзи сингари тажрибали разведкачи ҳам, агар аёл киши бўлса, Шарқнинг ўзига хос ахлоқ-одоби ва анъаналари қошида ожизланиб, ҳар қандай эркакка нисбатан юз маротаба оғир аҳволга тушиб қоларкан.

Бир пайтлар Қобулдан чиқиб, ҳар қандай чегарага қадар ўз ҳаётидан хавотирланмасдан, хотиржам етиб бориш мумкин бўлган тинч мамлакатда ҳамма нарса ўзгариб кетган, уруш бу юртнинг азалий тартиб-қоидаларини остин-устин қилиб, бузиб ташлагани етмагандек, кейинроқ Тожикистондан оқиб келган келган қочоқлар ушбу заминга нафрат ва аламзадалиқ уруғини ҳам сочиб ташлаганди.

Кечқурун у уй бекасидан секингина суриштирди:

— Мени кечирасан-у, мабодо тўппончамни кўрмадингми? У эримдан сўнгги ёдгорлик эди.

— Иблиснинг ўйинчоғини тилиннга олма-е, — қўлларини силкитди аёл, — мен уни хонамга яшириб қўйганман. Уни ташлаб юбормоқчи бўлувдим, лекин, кичик келиним ўзингдан сўрамасдан, ҳеч нарса қилмасликни сўради.

— У менга жуда ҳам азиз, — тан олди Падерина, зеро сўзининг ёлғони ҳам йўқ эди, — уни хонамда сақласа бўлармикин?

— Бўлади, — рози бўлди бека.

— Жонингга тегаётганим учун узр сўрайман, яна битта илтимосим бор эди. Маҳаллий ҳаммомга бормоқчи эдим, — илтимос қилди Падерина, — аммо, киядиган нарсам йўқ. Ёпинчиқ маъносида айта-япман.

— Сенга ўзимнинг паранжимни бераман, — деди бека, — бу ерда, бизнинг тоғларда иссиқроқ кийинмасанг бўлмайди. Ҳаммомга бўлса, ошиқма, эртага аёллар куни эмас. Вақти келганда, ҳаммамиз бирга борамиз. Ҳали жуда камқувватсан, дамингни ол, боришга улгурасан.

Бека гапида турди. Аввал тўппончани келтирди, қандайдир қарғишларни қалаштириб, ерга қўйди—да, чиқиб кетди. Кейин неваралари паранжини олиб келишди. Қора кўзли, қувноқ ва шаддодгина икки қизалоқ бидирлаб, нотаниш меҳмонга ўзлари бир куни отоналари бозорга олиб борган Ишкашимнинг йўли ҳақида батафсил гапириб беришди.

Падерина ўша куни кечқурун уйкуга одатдагидан кўра эртароқ ётди. Тонг ёришмасдан олдин уйғонди. Яхшилаб кийингач, егулик сақланадиган хонага ўтиб, кеча тандирда ёпилган узунчоқ нон — чуракни ва бир бўлак қўй пишлогини олди. Шу заҳира билан у омадига, аниқроғи мўъжиза юз беришига ишониб, Ишкашимга етиб олмоқчи эди. Ишкашимдаги учрашув учун белгиланган энг сўнгги муҳлат кеча тугаган, аммо, кеча етиб боришга ҳеч қанақасига иложи бўлмаганди. Лекин, бошқа бирор чораси ҳам қолмаганди. Агар бу юртдан соғ-омон чиқиб кетиш нияти бўлса, битта йўл — таваккал

қилишгина қолганди. У паранжи тагига яширилган тўппончасининг дастасини пийпаслаб, журъатини йиғди-да, остона ҳатлаб, уни ҳали нималарга дучор қилиши ноаён бўлган тонг салқинига пешвоз чиқди.

Биринчи беш соатда, гарчи эгнидаги либоси аскарчасига йирик ва шахдам қадам ташлашишга йўл бермаса-да, имкон борича тезроқ юришга уринди.

У бораётган тупроқ йўл Зебак–Ишкашим шағал йўли билан ёнма-ён тушган бўлиб, пастдан аҳён-аҳёнда машина ва аравалар ўтиб қолар, бироқ улардан фойдаланишни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди. Жосуслар ҳақидаги кинолардагина террорчи аёлнинг ҳайдовчини ўлдириб, унинг машинасида белгиланган жойга ўз вақтида етиб бориши батафсил тасвирланади. Ҳаётда эса ҳаммаси бошқача кечади. Афғонистонда аёл кишининг машина бошқаришига ижозат берилмайди. Қатъиян тақиқланади.

Ҳайдовчини ўлдириш яна шунинг учун ҳам мумкин эмаски, бу йўлдан ўтаётган шахсий машиналар эгаларини Зебак ва Ишкашимда юзидан яхши танишади, машинани бегона одам бошқараётганини кўришса, албатта, тўхтатишади, ундан ҳам баттари, тортиб олишади.

Яна бир ишқал томони, йўл бўйида қўлини кўтариб, ўзини олиб кетишларини илтимос қилиш ҳам мумкин эмас. Шарқда, ҳатто, фоҳишалар ҳам бунга журъат қила олмайди. Шунинг учун ёндош тоғ сўқмоғидан пиёда юриб, кеч киргунча шаҳарга етиб олишга ҳаракат қилаётганди. Йўловчи машинани тўхтатишнинг ҳеч қанақа чораси йўқ эди. Бу ҳудудда ишлашнинг ўз усуллари ва ўзига яраша қийинчиликлари бор бўлиб, чор-ночор унга мослашишга тўғри келарди. Шунинг учун ҳам Падерина матонат билан йўлида давом этди.

У кун яримлаганда, чарчаётганини сизди. Пастдаги йўлда машина ва аравалар ҳаракати гавжумлашди, у ҳамон тоғ сўқмоғидан Ишкашим томон одимларди. У муюлишдан ўтар-ўтмас ўзига қараб келаётган икки йўловчини кўрди. Яширинишнинг ҳам, қочишнинг ҳам иложи йўқ эди. У тўппонча дастасини пайпаслаб, дадиллик билан йўлида давом этди. Иккала эркак ҳам тўппа-тўғри у томонга келарди.

Пастдаги йўлда аллақандай юк машинаси тарақлар, Падерина эса яна бир бор тақдирини синаб кўрмоқчи бўлгандек, елкасига милтиқ осган икки эркак сари юришда давом этарди.

*Давоми бор*

*Русчадан  
Бахтиёр РИЗО  
таржимаси*

**Бенедикт САРНОВ**

## **Ҳеч ажабланманг!**

### **ЎЗБЕКНИНГ ГОРЬКИЙСИ**

Василий Семёнович Гроссман Тошкентга келган эди. Бу воқеа ҳали унинг бошига ташвиш-кулфатлар тушмасдан анча илгари содир бўлганди. Тошкентлик ёзувчилар учун у анча мартабали бир зот эди: орденли, унвонли ва ҳоказо. Эҳтимол, ўша ташрифнинг ўзи ҳам расмий эмас, хусусий бўлгандир. Нима бўлганда ҳам уни зўр иззат-икром билан кутиб олишади. Шохбекат йўлагига маҳаллий “классик”лар саф тортиб туради. Уларнинг бошлиғи пойтахтлик меҳмонга ҳамкасбларини шундай таништира бошлайди:

□ – Марҳамат қилиб танишинг. Мана бу – бизнинг Маяковскийимиз... Катта ўзбек шоири... Новатор... Ўзбекнинг Маяковскийси... Бу эса – бизнинг Алексей Толстойимиз. Тарихий романлар ёзади. Мана бу эса бизнинг Гайдаримиз. Болалар ҳақида китоблар ёзади. Ўзбекнинг Аркадий Гайдари...

Гроссман қўл бериб кўришаркан бош ирғаб қўярди. Охири сабри чидамай сўради:

– Дарвоқе, қани ўзбекнинг Горькийси?

Ёзувчилар бошлиғи андаккина ўнғайсизланади, кейин ийманибгина жавоб беради:

– Ўзбекнинг Горькийси... мен ўзимман...

### **ЖЎЯЛИ МАСЛАҲАТ**

Мени ҳамиша Светлов, Жаров, Безименский, Уткин каби ижодкорларнинг 30- йиллардаги даҳшатли қатағонлардан қандай омон қолгани ҳайратлантирарди. Яқинда Светлов тақдирига даҳлдор шундай бир ҳужжат билан танишиб қолдим.

Михаил Аркадьевични сўроқ қилган терговчи шоирга хайрихоҳдек (эҳтимол, шеърлари ёққани учундир) эди. У дастлабки сўроқлар билан иш бир ёқли бўлмаслигини сезгандек, шоирга шундай маслаҳат беради:

– Биласизми нима қилиш керак? Сиз кўпроқ ичинг. Ҳамма ерда кайфингиз тарақ ҳолда кўриниб туринг. Аста-секин ҳамма сизни алкаш экан деб ўйлай бошлайди, шунга кўникади, ҳеч ким сизга жиддийроқ эътибор бермайди. Қараб-

*Русчадан  
Шодмон ОТАБЕК  
таржимаси*

Машхур танқидчи ва адабиётшунос Бенедикт Сарновнинг бу асари ўзи учун одатий бўлмаган, бўлакча бир жанрда ёзилган. Унда «тўқиб чиқарилмаган», кулгили, ғамгин, гоҳо фожий воқеалар қаламга олинган. Муаллиф ўзи гувоҳ бўлган, дўстлари, замондошларидан эшитган ғаройиб воқеалар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Сюжет жиҳатидан бири бири билан боғланмаган бу тафсилотлар ўтган асрнинг характерли жиҳатлари, шўро сиёсати билан боғлиқ ғаройиботлар, айниқса ўша даврдаги адабий муҳит ҳақида анча ёрқин тасаввур беради.

сизки, ҳамма бало-қазодан қутулиб қоласиз.

Охир-оқибат бу терговчининг ўзи ГУЛАГ қамоқхоналарида адои тамом бўлади. Унинг жўяли маслаҳатига амал қилган Светлов эса қатағоннинг аёвсиз тегирмонидан бутун чиқади.

## ОЛОМОН ФИКРИ

Зошченко ва Ахматова ҳақидаги ўша машҳур қарор эълон қилинган кунлар эди. Шаҳардаги кичик бир дўконда одамлар нимагадир тирбанд бўлиб навбатда туришарди. Ҳамманинг вақти зиқ, ҳамма шунақа навбатни туғдирган ароқхўр, ўғри дўкон мудирини болохонадор қилиб сўқар, уни аллақачон қамоққа тикиб қўйиш керак, деб жаврар эди.

– Уни қамаб қўйишса хотинига жабр бўлади, – дейди бир кампир ачиниби. – Хотин боёқшнинг айби нима?

– Ҳа, – уни қувватлайди бошқалар. – Хотинлар ҳамма нарсага балоғардон. Мана ҳозир ҳам шунақа бўляпти, Зошченконинг ярамас, тубан эканлигини ҳамма билади, аммо унинг хотини Ахматовани нега сўқишади? Ҳамма ишқал унинг эрида-ку!

– Ҳа, бечора хотинга қийин бўлди, – навбатда турган оломон яқдиллик билан хайрихоҳлик билдиради.

## КИМ КИМДАН ОР ҚИЛАДИ?

Зошченконинг бошига кулфатлар тушиб, камбағалчиликда қийналиб юрган кунларнинг бирида уйининг рўпарасига ялтироқ бир машина келиб тўхтайди. Унда Катаев иккита танноз хоним билан ўтирганди. Валентин Петровичнинг димоғи чоғ эди. У бир боғлам салмоқли пулни қўлида ўйнатганча қувноқлик билан хитоб қилади:

– Миша! Буни қара! Бу қалам ҳақи, ҳозиргина олдим, икковлон буни ювишимиз керак!

Деразадан қараган Зошченконинг бу таклифга парво қилмаганини кўриб, Катаев масалага аниқлик киритади:

– Мени сен билан мулоқотда бўлишдан ор қилади деб ўйлама!

– Аҳмоқ! – дея жавоб қилади Зошченко. – Сен эмас, мен ор қиламан!

## ҲАММАСИНИ ЎЧИРАВЕРИНГ!

Илья Григорьевич Эренбург ёзувчиларнинг мажлисларига камдан-кам келарди. Фақат энг муҳим деб ҳисобланган қандайдир бир мажлисгагина келарди. Навбатдаги йиғилишда бошқарувни сайлаш масаласи кўриляётганди.

Овоз бериш учун бюллетенлар тарқатилади. Унда Смирнов фамилияли уч нафар ёзувчининг номи ҳам қайд қилинганди. Уларнинг биринчиси машҳур носир, ашаддий антисемит сифатида кўпроқ ном қозонган Василий Александрович Смирнов эди. Ана ўша ноёб хислат-ларига монанд у «Дружба народов» журналининг бош муҳаррири эди.

Иккинчи Смирнов шоир эди, у ҳақда турли эпиграммалар тўқилганди.

Учинчи Смирнов «Брест қалъаси» асарининг бўлажак муаллифи Сергей Сергеевич Смирнов эди. У бу воқеалардан сал олдин «Новий мир» журналида Твардовскийнинг муовини бўлган, Твардовскийни ишдан олишганда кўрқоқлик ва ҳатто хоинлик қилган эди. Кейинчалик у Пастернакни ёзувчилар уюшмасидан ўчирган мажлисни бошқарганди.

Ҳозирча, Пастернакни уюшмадан ўчириш воқеасига ҳали узоқ эди, қолган

икки Смирновларга қараганда Сергей Сергеевич ҳалолроқ, ўша кезларда айтилган ибора билан таърифлаганда, тараққийпарварроқ ҳисобланарди. Бунинг устига унинг «Новий мир»даги хатти-ҳаракати ҳали ҳаммага ошкор бўлмаганди.

Хуллас, шу чалкашликлар гирдобида Эренбургнинг боши қотади, бориб Твардовскийдан маслаҳат сўрайди:

— Александр Трифонович! Бу ерда уч нафар Смирновнинг номи турибди. Менга улардан иккитасини ёмон, биттасини яхши дейишди. Сиз менга булардан қайси бирини ўчиришим лозимлигини айтол-майсизми?

— Учаласини ҳам ўчираверинг. Янглишмайсиз.

## ДЎСТЛАР ВА ДУШМАНЛАР

Ўтган асрнинг 60-йиллари мамлакатимизда «имзо чекувчилар» ҳаракати кенг қулоч ёзганди. Ёзувчилар (албатта, фақат ёзувчилар эмас, аммо мен бу соҳадагиларни яхшироқ билганим учун кўпроқ шулар ҳақида ёзаяпман) таъқиб қилинаётган диссидентларни қўллаб ёзилган жамоавий хатларга имзо чекардилар. Аввалига раҳбарият бу воқеанинг ўзини тан олгиси келмади, кейинчалик сал ташвишга тушиб қандайдир чора-тадбир кўришга чоғланади. Дастлабки чоралар юмшоққина бўлади. «Имзочилар» турли суҳбатларга чорланиб, тарбиявий ишлар олиб борилади, айни чоғда мабодо улар ўзбошимчаликни яна давом эттиргудай бўлишса, охир-оқибат жазо берилиши лозимлиги уқтирилади.

Лидия Корнеевна Чуковскаяни ҳам ана шундай суҳбатга чорлашади.

У билан Ёзувчилар уюшмаси Москва бўлими котиби Виктор Тельпугов суҳбатлашади.

Хонимга у имзо чеккан хатни радио орқали «душман овозлари» ҳамма ёққа ошкор қилаётганини афсус билан маълум қиларкан, котиб шундай дейди:

— Ахир душманлардан ёрдам сўрашга қандай журъат қилдингиз, Лидия Корнеевна?

— Мен тушунмайман, — дея елкасини қисади Лидия Корнеевна, — нега энди асарларимни матбуотда босиб чиқараётганларни душман, ҳатто номимни ҳам тилга олишни тақиқлаб қўйганларни эса дўстим дейишим керак? Нега?..

## ПАУСТОВСКИЙ ВА МУШУК

Паустовскийнинг мушук билан ғаройиб муомала қилиши ҳақида унинг хотини Татьяна Алексеевна шундай ҳикоя қилади. Константин Георгиевичнинг ўзи эса гурунг давомида чурқ этиб оғиз очмайди.

— Агар мушук иш столига сакраб, ишлаётган қўлёмаси устига ётиб олса, — дейди ёзувчининг рафиқаси, — Константин Георгиевич стол чироғида ҳузур қилиб исинаятган мушукка халақит бермаслик учун жониворнинг танасига тегинмай, бамайлихотир ёзишда давом этаверади. Ва ниҳоят, қоғознинг мушук танаси банд қилмаган қисми ёзиб тўлдирилгач, янги саҳифага ўтиш зарурати туғилади. Энди иложсиз қолган ёзувчи ижодини давом эттириш учун ёрдамга қақиради:

— Таня! Мушукни ҳайдаб юбор!

— Константин Георгиевич, шу гап ростми? — деб сўрайман ёзувчидан. Паустовский индамай бош ирғайди.

— Нега энди уни ўзингиз ҳайдаб юбора қолмайсиз?

— Мушук билан дўстлигимни бузгим келмайди.

## ВАҚТИНЧАЛИК БАҒИШЛОВ

Советлар давридаги цензура билан қандай курашгани ҳақида Евгений Евтушенко «Огонёк» журнали саҳифаларида шундай ҳикоя қилади. Мен унинг сўзларини айнан келтираман.

— Менинг энг дадил ҳийлаларимдан бири Пастернак ўлимига бағишланган «Тўсиқ» («Ограда») деган шеъримни қандай эълон қилганимдир. Пастернак номи ўша кезлар совет матбуотида Ватан хоини деган тушунча билан баробар эди. Бу шеърни ҳатто бағишловсиз чоп этиш ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмасди, илло унда Пастернак образи анча бўртиб турарди. Бу орада шоир В. Луговской вафот этиб қолади. Мен шоирнинг беваси Е.Биковадан цензурани чалғитиш мақсадида шеърни вақтинча Луговской хотирасига бағишлаб туриш учун лутфан ижозат беришини сўрадим. Барибир жамоатчилик, китобхонлар гап ким ҳақида кетаётганини яққол сезиб туришарди. Луговскойнинг беваси эса гамгин кулимсираб, «Володя хафа бўлмайди, буни тушунади...» дея рози бўлади.

### *БИЗДА ИЖОБИЙСИ БЎЛМАЙДИ*

Мен бир вақтлар «Новий мир» журналида, таҳририятга келган қўлёмаларга жавоб ёзиш билан тирикчилик қилардим. Қўлёмалар бир маромда келиб турарди. Ҳар бир берилган жавоб учун арзимас ҳақ тўланар, аммо мен сон кетидан қувиб, ҳақимни чиқариб олардим, қўлёмалар оқимининг эса таги кўринмасди.

Кунлардан бир куни навбатдаги жавобларимни топшириб, энди ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганимда қоровул хотиннинг овозини эшитиб қолдим. У ким биландир телефонда гаплашарди.

— Оласиз, — дер эди у. — Албатта оласиз... Қачон топширган эдингиз шеърларингизни? Бир ой олдин дейсизми? Ҳа энди, мана тез орада жавобини оласиз... Нима лозим бўлса ҳаммасини сизга ёзиб юборишади... Нима дедингиз исми шарифингизни? Булига?.. Сиз ҳаяжонланманг, ўртоқ Булига, албатта жавобини оласиз... Қанақа жавоб дейсизми?.. Салбий-да...

Худди мана шу ерга келганда мен тўхтаб қолдим ва қизиқиб кулоқ сола бошладим.

Мен жавоб қилган қўлёмза муаллифлари орасида дарҳақиқат Булига дегани ҳам бор эди. (Камёб фамилия бўлгани боис эслаб қолганим). Энг қизиғи шундаки, Булиганинг шеърларига ёзган жавобим ростдан ҳам салбий эди.

— Бунисини мен билмайман. Бир нарса деёлмайман, — дея гапида давом этарди Паша хола. — Бу ёғини сизга батафсил ёзиб юборишади. Аммо менинг аниқ билганим шуки, жавоби салбий бўлади...

Телефондаги гаройиб мулоқот якунига етгач, мен сўрадим:

— Паша хола! Унга жавоб салбий бўлишини сиз қаердан биласиз?

— Бизда ижобийси бўлмайди-да!

### **ШКЛОВСКИЙ БЕЛОМОРКАНАЛДА**

Ўтган асрнинг 30-йиллари Виктор Борисовичнинг акаси, машҳур филолог Владимир Борисович Шкловский қамоққа олинади. Виктор Борисович ёрдам сўраб Горькийга мурожаат қилади, у эса андак оғриниб бўлса-да, Ягода билан гаплашиб кўришга ваъда беради. Натижада Ягоданинг ўзи Шкловскийга телефон қилади. Исми шарифини тўлиқ айта туриб, у Владимир Борисович Беломорканалга «қайта тарбияланиш» учун юборилгани, у ерда шарт-шароит яхши экани, агар истаса буни шахсан ўзи бориб кўриб келиши мумкинлигини айтади. Айни чоғда бу бунёдкорлик жабҳасида жавлон ураётган собиқ киноятчиларни чекистлар жамиятнинг фойдали аъзоларига айлантираётганини ўз кўзи билан

кўришини писанда қилади. Хуллас, Виктор Борисович жўнаб кетади.

Акасини барибир қутқаролмайди: Владимир Борисович охир-оқибат Сталин қатағонида ўлиб кетади.

Виктор Борисовичнинг Беломорканалга сафари чоғида чекистлар энг олий-мақом меҳмондай иззатини жойига қўядилар. Унинг кимнинг кўрсатмаси билан келганини яхши билишарди.

Сафар чоғида мутасаддилардан бири азиз меҳмондан бу ерда ўзини қандай ҳис этаётгани ҳақида сўраб қолади.

Шкловскийнинг ўшанда айтган жавоби кейинчалик машҳур бўлиб кетади:

– Ўзимни тери дўконига кириб қолган тирик тулкидай ҳис қилияпман.

□

## АДАБИЁТ УЧУН ЯХШИ ЗАМОН БЎЛМАЙДИ

Шкловский билан жуда кўп мулоқотда бўлганман. Улардан бири, айниқса яхши эсимда қолган. Ўшанда тортишиб, ҳатто жанжаллашиб қолаёзганмиз.

Виктор Борисовичнинг ўзи гап бошлаб қолди.

– Менинг сиздан кўнглим тўқ, – деди у. – Тўғри, замона оғир... Нима ҳам дердим, даҳшатли давр... Аммо ҳамма даврлар шунақа бўлган. Адабиёт учун яхши давр бўлмаган. Менга яхши даврда яшаган биронта ёзувчини айтиб беринг-чи... Ана, айтолмайсиз?.. Ана шунақа!

Ўшанда мени нима жин урди, билмайман, (Шкловский билан илгари ҳеч қачон тортишмасдим, бунга ботинолмасдим) унинг доно фикрига жавобан, йўқ, бунақа эмас, дея ўшқириб юбордим. Йўқ! Ёлгон! Адабиётнинг аҳволи ҳеч қачон ҳозиргидай абгор бўлмаган! Ҳеч бир замонда! Ҳеч қачон адабиёт аҳлига, айниқса ёшларга ҳозир бизда бўлганидай ёмон бўлмаган.

– Сизнинг ҳасратингиз, – жавоб қилади Шкловский фақат ўзигагина хос бўлган қув табассум билан, – эрга тегишдан кўрқиб, «Эҳтимол сизга осон бўлгандир, ойижон! Сиз отамга теккансиз-да! Мени фирт бегонага узатишяпти!» дея мулоҳаза юритаётган қизалоқни эслатади.

□

## АВТОБУСГА ЙЎЛ БЎШАТИШ КЕРАКМИ?

Виктор Борисович мендан нима ёзаётганим ёки ёзмоқчи эканим ҳақида сўраб (60-йилларнинг бошлари эди) қолди. Мен унга «Шеърят куни» бош муҳаррири Смеляков ким ҳақида бўлса ҳам бирон нарса ёзиб беринг деганини айтдим. Инон-ихтиёрим ўзимда дедим. Мен унга Анна Ахматова ҳақида ёзмоқчи эканимни айтдим. (Узоқ танаффусдан кейин шоиранинг кичкинагина кўк китобчаси босилган эди).

Виктор Борисович хўрсиниб деди:

– Босиб чиқаришмаса керагов.

Мен ҳам, ҳойнаҳой босиб чиқаришмаса керак, дедим. У бунга жавобан барбод бўлиши олдиндан маълум бўлган ишга беҳуда вақт, куч сарфлашнинг нима ҳожати бор дея эътироз билдира бошлади. Мен бизнинг ишимиз натижаси қандай бўлишидан қатъи назар қўлимиздан келганча саъй-ҳаракат қилишимиз лозимлигини айтдим.

Мулоҳазаларимни хотиржам тинглагач, у менга яхши таниш бўлган ўша ёқимли, хомуш табассум билан жавоб қилди:

– Биласизми... Биз автобусга ҳиммат юзасидан йўл бўшатмаймиз...

## АДАБИЁТ ВА ҲАЁТ

«Литературная газета»да ишлаб юрганымда Бланк деган ёқимтойгина бир

кекса жуҳуд ҳам таҳририятда қандайдир менга номаълум бўлган иш билан куй-маланиб юарди. У ички ҳаёт деб аталмиш бўлим ходими эди. У ерда нима иш қилиши менга қоронғу эди, билишга ҳам қизикмаганман. Мен ишлайдиган адабиёт бўлими, менинг наздимда, газетадаги энг муҳим бўлим эди, бамисоли давлат ичидаги давлат эди. Бошқа бўлимдаги ходимлар менинг ўша кезлардаги ғўр тасаввуримга кўра иккинчи ва ҳатто учинчи тоифага тааллуқли кимсалар эди. Шундай бўлгач, «Литературка»га тасодифан келиб қолган қанақадир Бланк деган қария бошқа жойда, айтилик «Социалистическая индустрия» деган газетада ёки биронта заводнинг кўпнухали газетасида кароматини кўрсатиб юроверса ҳам бўладигандек туюларди.

Аммо бир кун мен ўша кезлар адабиёт оламида маълум ва машҳур бўлган Зиновий Паперний деган таниқли зотнинг Бланк билан оғиз-бурун ўпишаётганини кўриб қолдим. У Бланкка меҳру ихлос билан тикилди, елкасидан қоқиб кўйди. Кейин улар ён-атрофдан ўтиб турган менга ўхшаш ёшларга хотиржамгина қараб, нима ҳақдадир узоқ гурунглашишди. Кўпни кўрган кексалар ўтмишни, ўт-олов бўлган ёшлик чоғларини эслашаётгани шубҳасиз эди. Шундагина Бланк дегани ким ўзи, менинг қадрдон газетамда нима иш қилади, деб сўрадим.

— О! Бу жуда ажойиб одам, — дея жавоб қилган эди Паперний. Кейин шундай бир воқеани гапириб берди.

У, яъни Паперний «Литгазета»га келганда бу ернинг тартиб-қоидаси, пасту баландидан беҳабар бўлган, муҳаррирнинг биринчи топширигидан ўлгудек кўрқиб юрган. Охири ўзи кутган ўша даҳшатли лаҳза келади. Уни бош муҳаррир Ермилов ҳузурига чақиртиради. Ёш Паперний юрагини ҳовучлаб муҳаррир хонасига киради. У ерда Бланк ўтирган экан.

Ермилов майдалашиб ўтирмай, икковига қилинажак ишларни тушунтиради. Зудлик билан газетанинг шу сонига «Адабиёт ва ҳаёт» деган бош мақола ёзиш лозим экан. Паперний яна ниманидир сўрамоқчи бўлади, шунда Бланк сўзсизгина имлаб, уни қўлтигидан олганча ташқарига бошлаб чиқади.

— Энди қандай ишлаймиз? — деб сўрайди талмовсираб қолган Паперний Бланк билан холи қолишгач.

— Ортиқча бош қотиришнинг ҳожати йўқ, — дейди Бланк. — Мен адабиётни мутлақо тушунмайман, аммо ҳаётни биламан. Сиз эса ҳаётни мутлақо тушунмайсиз, аммо адабиётни биласиз. Шунинг учун сиз бориб адабиёт ҳақида ёзинг, мен бориб ҳаёт ҳақида ёзай.

— Кейин буларни қандай қилиб қовуштирамиз? — деб сўрайди Паперний ҳали-ҳамон масаланинг моҳиятини яхши илғай олмай.

— Қийин жойи йўқ, — дея жавоб қилади Бланк. — Сиз ўз қисмингизни «Бу орада адабиёт ҳали...» деган жумла билан тугаллайсиз.

Паперний худди шундай қилади. Бу ғаройиб жумла Бланк ёзган матн билан шундай йиғлаб кўришадик, биронта чок-поки сезилмай қолади. Ҳатто энг талабчан, қитмир газетхон ҳам бу яхлит матн бир-бири билан ҳатто таниш бўлмаган икки киши томонидан ёзилганини пайқай олмайди.

Дарҳақиқат, Бланк адабиётни тушунмас эди. Ҳаётни эса яхши биларди.

### *ДЕМАК, СИЗЛАР ЁЗУВЧИ ЭМАССИЗЛАР*

Институтимизга Эренбург келган эди.

Аввало, институт ҳақида бир оғиз сўз. У «Совет Ёзувчилари уюшмасининг А.М.Горький номидаги Адабиёт институти» деб аталарди. Буюк пролетар ёзувчисининг бошқа жўн, романтик ва беҳуда саъй-ҳаракатлари устидан истеҳзо қилишгани каби ундан кулишарди. Горькийнинг ўзи бир вақтлар ўртага ташлаган «Адабиётда илғорлик сари!..» деган шиор ҳам шундай кулгига сабаб бўлган-



ди.

Шунга қарамай, биз институтимиз билан фахрланардик. Ҳар қадамда институтимизнинг дунёда ягона эканлигини таъкидлашарди. «Ёзувчиликка ўқитиб бўлмайди» деган қитмир гапларга институтимиз ўз низомида қайд этилганидек, ўзини кўрсатган ёш ёзувчиларга олий адабий-филологик маълумот бериш мақсад қилиб қўйилгани айтиларди. Шу тариқа, Адабиёт институтига қабул қилинган ва уни битириб чиққан ёшларни ёзувчи деб ҳисоблаш одат тусига кирган эди.

Бу тартибга кўра, гўё ёзувчи маълумотсиз ва ҳатто андак саводсиз ҳам бўлавериши мумкиндай туюлиши билан бизнинг ишимиз йўқ эди. Бунинг устига бир куни «Правда» газетасида «Ёзувчи зиёли одам бўлмоғи лозим» деган бош мақола чиқиб қолади! Эсимда, бу мақола ёзувчилар ўртасида анча-мунча шовшувга сабаб бўлганди. Ёзувчилар норози бўлишади: уларни муттасил партиядан, халқдан ўрнак олишга, ҳаётни ўрганишга даъват этишгаётгани камлик қилганидек, мана энди зиёли бўлишга ҳам мажбурлашяпти!

Аммо бу воқеалар анча кейинроқ содир бўлган эди. Ўша вақтда мен Адабиёт институтида ўқирдим, ҳалигидақа беъмани талаблар ҳали ёзувчилар олдига қўйилмаганди. Сабокдошларимнинг ҳеч бири ўзининг ёзувчи эканлигига шубҳаланмасди. Кўпчилигимиз матбуотда кўришиб турардик, айримларимизнинг биринчи китобларимиз чоп этилиш арафасида эди.

Шундай қилиб, ўқув даргоҳимизга Эренбург келади.

У бизга ёзувчилик маҳоратининг сир-асрорлари ҳақида уч кун маъруза ўқийди.

Уни жуда ҳайрат билан тинглашди деёлмайман, ҳарқалай қизиқиш бор эди. Ҳаммаси сип-силлиқ кетаётганди-ю, аммо учинчи кеча якунланаётганда қизиқ бир ҳол юз беради.

Қаҳрамоннинг ўлимини тасвирлаётган ёзувчи гўё ўз ўлимини ёзаётгандек бўлиши ҳақида ҳикоя қиларкан, Эренбург Бальзак билан боғлиқ ўша ҳаммага ёд бўлиб кетган машҳур тафсилотни тилга олади.

— Бир куни Бальзакнинг олдига, — дея ҳикоя қила бошлайди у, — ўртоғи келади. У ёзувчининг оромкурсидан беҳол йиқилаётганини кўради. Томир уриши заиф ва нотекис эди. «Тезда дўхтир чақиринглар!» — деб хитоб қилади ўртоғи. — Жаноб Бальзак жон берапти!» Бу қичқириқдан ўзига келган Бальзак шундай дейди: «Сен ҳеч нимани тушунмайсан. Ҳозиргина Горио ота ўлди...»

Залда кулги кўтарилади.

Ўтирганларнинг ҳаммаси кулди деёлмайман, аммо бу бир-иккита ола қарганининг кулгиси ҳам эмасди. Кўпчилик, айтиш мумкинки, деярли ҳамма кулиб юборади.

Эренбург оқариб кетади. Лаблари титрай бошлайди. Бу кулги унинг нақ юрагига зарба бўлиб урилгани кўришиб турарди. Ўзини ҳақоратлангандек сезади, жавоб ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим эди. Ва у шундай жавоб қилади:

— Сизлар куляпсизларми? — у залга қаҳр билан тикилади. — Демак, сизлар ёзувчи эмассизлар!

□

## ИККИ ҚАТОРГИНА ЯХШИ НАРСА ЁЗГАН

«Литературная газета»да ишлаб юрганимда Михаил Матвеевич Кузнецов деган ёқимтойгина одам бошлиғим эди. Биз тезда у билан дўстлашиб кетдик, «сен»лашиб гаплашадиган бўлдик. Мен уни суйиб Михмат деб атардим. Бошлиқлар билан бунақа апоқ-чапоқ бўлиб кетиш камёб воқеа эди. Михматнинг ёши ҳам улугроқ, эгаллаб турган мавқеи ҳам баланд эди, мен бор-йўғи оддий ходим (жарангдорроқ бўлиши учун бизни махсус мухбир деб аташарди), у эса бош муҳаррир ўринбосари эди.

Иш юзасидан Михмат билан тез-тез тортишиб турардик. Фақат мен билан эмас, бошқа ходимлар билан ҳам унчалик чиқишмасди. Михмат ҳамма билан яқиндан тил топишиб кетса-да, газетада бирон қалтисроқ нарсани бервормасмикин дея ҳар биримиздан ҳадиксирайверар, бунга андак асоси ҳам бор эди. Бунақа масалада эътиқодида муқим турарди. Гоҳо шундай гап қотарди:

– Йўқ, йигитлар, бунақаси кетмайди! Бу сиёсатга тўғри келмайди!

Айрим ҳолларда эса бунақа айблов сал бошқачароқ жарангларди:

– Йўқ, йигитлар, бунақаси кетмайди! Буни ҳазм қилиб бўлмайди!

Сиёсат бобида ҳам, ўша ҳазми қийин нарса борасида ҳам Михмат фақат бизга эмас, ўзига ҳам унчалик ишонмасди, муттасил ҳадиксирайверарди. Биз унга ёзган нарсаларимизда сиёсатга зид, ҳазми қийин материаллар йўқлигини, бу нарсалар унинг кўзига рўёдек кўринаётганини айтар эдик.

Хуллас, бир куни Михмат мени хонасига чақириб, эътирозга ўрин қолдирмай тошшириқ берди:

– Мана бу Панферовнинг мақоласи. Газетанинг шу сонида босилиши керак. Сен унга масъулсан. Фақат, яна бирон ишқал чиқариб ўтирма. Ҳеч қанақа таҳрир-пахрир бўлмасин... Бирон нуқтасига тегинмайсан... Панферов – бу Панферов! Саводли ёзилганми, саводсизми, ишинг бўлмасин, қандай қоғозга тушган бўлса, шундай босамиз... Гапимни тушундингми? Биронта нуқта-вергулига тегма!..

Мен елка қисиб, тирик классикнинг кўлёмасига ҳатто қараб ҳам қўймай, матн кўчирувчиларга элтиб бердим. Кўлёмза кўчирилгач, уни яна ўшандоқ ўқимай ҳарф терувчиларга тошширдим. Босилиб чиққан саҳифани ҳам ўқиб ўтирмай (биронта нуқта-вергулини ўзгартириш мумкин бўлмагандан кейин ўқишнинг нима кераги бор?) қўл қўйиб юбордим. Аммо назорат саҳифаси босилиб чиққанда, «Ҳай майли, ўқисам бир ўқиб қўяй нима бало ёзилганини!» деган фикр хаёлимга келди. Ва ўқиб чиқдим. Унда ёзилган шундай галати жумлани ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим:

«Мана қирқ йилдан буён совет халқи дуч келган даҳшатли қийинчиликларни енгиб, қон ютиб, ахлатларга кўмилиб, сабр-тоқат билан коммунизм курмоқда!»

«Қон ютиб, ахлатларга кўмилиб»... Топиб айтганини қаранг. Айниқса «сабр-тоқат» ҳақида айтгани мени завқлантириб юборди. «Энди ўлсанг ҳам бўлаверадди, бундан зўр ёзолмайсан!» дейдиган одам йўқ.

«Ҳали шошмай тур, – ўзимча Михматни яниб қўйдим. – Ҳозир сенга биронта нуқтани ўзгартирмаслик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!»

– Ихтиёр ўзингда, Михмат, – дедим бошлиқнинг хонасига кириб, – аммо мен бу тошшириғингни бажаролмайман. Панферовнинг мақоласидаги айрим жумлаларни барибир таҳрир қилмаса бўлмайди.

– Мен сенга гапнинг пўст калласини айтдим! – дея бақирди Михмат. – Биронта нуқтасини ўзгартирмайсан! Сизларнинг одатдаги найрангларинг бу ерда кетмайди! Уни Панферов дейишади! Унинг ўз услуби бор! У, керак бўлса, андак мурувватга ҳам ҳақли!..

– Ҳақли бўлса ҳақлидир, – дедим. – Бош устига. Аммо менинг фуқаролик бурчим йўл қўймайдиган айрим нарсалар ҳам бор... Истаганингни қил, аммо бу мақолага мен имзо чеколмайман...

Ана шунда Михмат жазавага тушиб бақира кетди. Анчагача кимларнидир қоралаб гапирди. Тез орада Митя амаки (асосий ганимимиз – Партия Марказий Кўмитаси маданият бўлими бошлиғи Дмитрий Алексеевич Полицарпов) ҳаммазини ишдан ҳайдаб юборса тўғри бўлишини писанда қилди...

У сал ҳовридан тушгач, мақоланинг ўша жойини кўзига тўғрилаб қўйдим.

Бошқа бақаришга Михматнинг ҳоли қолмаган, шу боис мен тутқизган матнни ўқимокдан ўзга иложи ҳам йўқ эди. Масаланинг моҳиятини тушуниб етгач,

дами ичига тушиб кетди.

– Буни нима деб аташ ўзингга ҳавола, – дедим ачитибгина. – Сиёсатга қарши дейсанми, ҳазми қийин дейсанми – ихтиёринг!

Михмат ўзининг таҳрирда ишлатадиган қизил қаламини олиб, пешонасини тириштирганча, ҳатто андаккина таассуф билан мақоладаги ўша нордон сатрларни бўяшга тушди.

Унинг афсус-надомати тушунарли эди. Ахир Федор Иванович Панферов узоқ ҳаёти давомида ана ўша икки қатор жумладан кўра яхшироқ нарса ёзолмаган эди.

### *КАЗАКЛАР БАҲСГА АРАЛАШГАНДА*

Россия Фанлар академиясининг А.М.Горький номидаги жаҳон адабиёти институти анча нуфузли даргоҳ. У ерда ўтказиладиган жамики илмий баҳслар ўта академик мақомига эга ҳисобланади.

Аммо бу гал масала андак бошқачароқ тус олди.

«Тинч Дон»ни ростдан ҳам Михаил Шолохов ёзганми ёки бошқа муаллифми деган масала муҳокама қилинаётган эди.

Баҳс андак ланжроқ давом этарди. Аксарият сўзга чиқувчилар Михаил Александровичга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этишар, унинг даҳосидан ҳайратланишар, унинг муаллифлиги борасидаги ҳар қандай шубҳа-гумон қабохатдан бошқа нарса эмаслигини таъкидлашар эди.

Кимдир Шолохов шунчаки рус ёзувчиси эмас, айни чоғда православ ёзувчиси ҳам эканини писанда қилди. Айримлар уни атеист бўлган дейишди. Тўғри, аммо бу ҳеч нимани англамайди, зеро рус тупроғидаги атеизм православликни инкор этмайди.

Ёзувчи Пётр Проскурин орадан беш юз, минг йиллар ўтгач ХХ асрда яшаб ўтган рус ёзувчиларидан саноклиларигина эсга олиншини айтди. Ана ўша санокли адибларни ҳозир айтиши мумкин, аммо залда ўтирганларни хижолатга қўймаслик учун бундай қилолмайди. Шу боис фақат Шолоховнинг номинигина тилга олади.

Бошқалар ҳам тахминан шу йўсинда гапирдилар.

Ушбу мадҳиябозлик ичида Шолоховнинг муаллифлигига шубҳа билан қаровчиларнинг овози эшитилмай қолди.

Илмий конференцияга таклиф этилган Шолоховнинг ҳамюртлари баҳсга нуқта қўйдилар.

Дон казаклари вакили сўзга чиқиб, айнан шундай дейди:

– Россия олдида ва жамики ҳалол одамлар ҳузурида, оммавий ахборот гувоҳлигида шуни алоҳида таъкидлаб айтиб қўймоқчиманки, агар кимда-ким Шолоховнинг «Тинч Дон»ни ёзганига ишонмаса, казаклар бунақа одамни калтаклайди! Аёвсиз калтаклайди! Агар улар яхшиликча тушунишни ишашмаса, казакларнинг анъанавий мана шу усулини қўллашга мажбур бўламыз! Хўш, нима дейсизлар, казаклар? Гапим маъқулми?

Таклиф этилган казаклар бараварига хитоб қилишди:

– Маъқул!

Илмий баҳс ана шундай якун топди.

### **ЯГОНА ИМКОНИЯТ**

Елена Сергеевна Булгакова эрининг ўлими олдидан унинг асосий китоби — «Уста ва Маргарита» романини чоп этмагунча жон бермаслигини айтиб, қасам ичади. Ва ўз қасамига содиқ қолади.

Вақти-соати етганда бир куни у роман қўлёзмасини «Москва» журнаliga олиб боради.

Бундоқ қараганда бу тентаклик эди. Ўша кезлар Булгаковни чоп этиши мумкин бўлган ягона журнал «Новий мир» эди. Аммо «Новий мир» яқиндагина Булгаковнинг «Театр романи»ни босиб чиқарганди. Шу боис Елена Сергеевнанинг «Москва» журнаliga боришдан бошқа иложи қолмаган эди. «Октябр» журнаliga — Кочетовга рўпара бўлиш ақлга сифмасди!

«Москва» журнаliga ўша кезлар «Рубанюклар хонадони» романининг муаллифи Евгений Поповкин бош муҳаррир эди. Бу романи ўқимагандим, аммо фикримча, бу роман Кочетовнинг «Ака-ука Ершовлар» деган романига (буни ҳам ўқимагандим) ўхшарди.

Маърифатли китобхон ҳойнаҳой бу ҳазилни Генрих Гейнедан ўғирлаганимни сезиб турибди.

Агар беҳазил айтадиган бўлсак, Поповкиннинг номи эндиликда Сартаков, Пермитин, Закруткин каби унутила бошланган социалистик реализм намояндалари билан бир қаторда турар, кимдир ҳазил қилиб айтганидек, улар армия ва флотнинг қўллаб-қувватлаши туфайлигина ёзувчи бўла олишлари мумкин эди.

Аммо маълум бўлишича, Евгений Ефимович Поповкин, ҳарқалай, нимаси биландир улардан фарқланар экан.

«Уста ва Маргарита»ни ўқиб чиққач, у Елена Сергеевнага романи журналда босиб чиқариш мутлақо мумкин эмаслигини айтади.

— Аммо, — дея қўшимча қилади у, — бу менинг адабиёт тарихида қолишим учун берилган ягона имконият эканини тушунаман.

Бош муҳаррир ақл бовар қилмайдиган ишни амалга оширади. Романи журналда босиб чиқаради.

## ОЛОВ ОСМОНДАН ТУШАДИ

«Новий мир» журнаli таҳририятида Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси пайдо бўлгач, Твардовский бу асар учун оқибати ҳойнаҳой кўнгилсиз тугайдиган курашга бел боғлашдан олдин уни яқин дўстларига ўқиб чиқиш учун беради: уларнинг қўллаб-қувватлашига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлади. Асарни биринчилар қатори ўқиб чиққанлардан (таҳририят ходимларини мустасно этганда) бири Самуил Яковлевич Маршак эди.

Менга бу ҳақда у шундай деган эди:

— Мен ҳамини Александр Трифоновичга аввало сабр-тоқат билан гулханинг қаловини топиш керак деганман. Оловнинг ўзи осмондан тушади...

Қисса қўлёзмасини «Новий мир»га Лёва Копелев келтирганди. Ҳеч қандай осмондан тушадиган олов ҳақида гапириб ўтирмаган. У қўлёзмани Ася Берзерга ботиниб-ботинмайгина тавсия қиларкан, ўқиб чиқишни сўрайди. Балки мақташга журъат қилолмагандир, балки ростдан ҳам қисса унчалик маъқул бўлмагандир, азбаройи Александр Исаевич билан дўстона муносабатда бўлгани учун асарни журналга топширгандир. Аммо Ася қўлига фалакнинг гардиши билан қандай ноёб, қимматли асар келиб тушганини дарҳол англайди, пайтини топиб, бунақа ҳолатларда нима дейиш лозим бўлса ҳаммасини айтиб, қиссани Твардовскийнинг қўлига беради.

Твардовский қўлёзмани олиб, ўша кечасиёқ ўқиб чиқишга ваъда беради. Мутолаани анча кеч, тўшакка ётганида бошлайди. Аммо бир неча саҳифани ўқиб чиққач, бунақа нарсани ётган ҳолатда ўқиш мумкин эмаслигини англайди. Ўрнидан туради, кийиниб, столга ўтиради. Охиригача ўқиб чиққач, яна қайтадан ўқий бошлайди, асардан бош кўтаролмай қолади. Ана ўшанда бу асарни босиб чиқариш учун қўлидан келадиган ҳамма ишни қилишга қатъий аҳд қила-

ди.

Александр Трифоновичнинг журналдаги дўстлари, сафдошлари унинг бу эзгу ниятини қўлаб-қувватлайдилар. Аммо улардан энг яқини, Твардовскийнинг ўнг қўли, унга ва журналга ўта садоқатли, ҳаётда кўп оғзи куявериб эҳтиёткор бўлиб қолган Александр Григорьевич Дементьев юзма-юз келганда, ҳарқалай шундай дейди:

– Билиб қўй, Саша! Мабодо бу нарсани босиб чиқаролганимизда ҳам улар бизни бунинг учун кечиринмайди. Шу билан журнални ҳам бой бериб қўямиз.

У ақлли одам эди: ер тагида илон қимирласа сезарди!

Твардовский тортишиб ўтирмайди. Адаши тўғри айтаётганини биларди.

– Журнал биз учун қандай аҳамиятга эга эканини биласанми, Саша, – дея давом этади Александр Григорьевич, – у фақат бизники эмас. У бутун Россия-ники...

– Тушунаман, – дея жавоб қилади Твардовский. – Аммо бу нарсани босолмасам, бунақа журналнинг менга нима кераги бор?

## ИККИ ХИЛ ДУНЁ

Москвада узоқ йиллар машҳур америкалик журналист, нуфузли Америка газеталаридан бирининг муҳбири Генри Шапиро яшаган ва хизмат қилган эди. Унинг исми шарифи аҳён-аҳён бизнинг газеталарда ҳам кўришиб қоларди. Кунлардан-бир куни у ҳатто Сталиндан интервью олиш шарафига ноил бўлган. Марказий адабиётчилар уйида ҳам Шапиро деган жиккаккина, нимжон бир яхудий бўларди. Қанақа муносабат туфайли унинг номи билан ана ўша машҳур Америкаликнинг исми шарифи ўртасида ғалати бир дахлдорлик пайдо бўлганидан хабарим йўқ, балки шунчаки кулги учундир, ҳарқалай ёзувчилар ўртасида шунақа гаройиб атама пайдо бўлади. Ўзим ҳам гоҳо «Икки хил дунё, икки хил Шапиро» деб қўярдим. Аммо ҳар гал бу луқмани такрорлаганимда бечора совет кишисининг америкалик билан тенглашишига йўл бўлсин дегандек, коса тагидаги нимкосани назарда тутардим.

Бу иборанинг ҳақиқий маъноси бир куни «Известия» газетасидаги америкача ҳаёт тарзи билан бизнинг туриш-турмушимиз қиёслаб ёзилган мақолани ўқиганимдан сўнг яққолроқ англашилди. Америкада кўп йиллар яшагани кўришиб турган муаллиф мақоласида ёрқин бир мисол келтиради. Мана айтайлик, америкаликлардан бири Америкадаги қандайдир бир идорага телефон қилиб, сўрайди:

– Жаноб Бейкер билан гаплашсам бўладими?

Ишига пишиқ-пухта котиба бурро жавоб қилади:

– Жаноб Бейкер ҳозир таътилдалар. Унинг ўрнида жаноб Таккер ишляпти. Унинг телефони фалон-фалон. Агар сиз жаноб Таккер билан гаплашишни истагангиз, ҳозироқ улашим мумкин.

– Бизда эса, – дея афсус-надомат билан қайд қилади мақола муаллифи, – бунақа ҳолатларда бутунлай бўлакча манзарани кузатасиз. Мана ўша саволни бериб кўринг:

– Ўртоқ Петькин билан гаплашсам бўладими?

– У йўқ! – дея жавоб қилади котиба ва гўшакни шарақлатиб жойига қўяди.

Сиз иккинчи марта яна ўша рақамни терасиз.

– Кечирасиз, мен ҳозиргина сизга телефон қилувдим. Менга ўртоқ Петькин керак эди. Сиз уни йўқ дедингиз. Буни қандай тушунсам бўлади? Балки, у бирор соатдан кейин келиб қолар? Эҳтимол, у энди бу ерда ишламас?

Котиба яна гапни калта қилади:

– У таътилда.

Шундай дея яна гўшакни жойига қўяди.

Сиз яна телефон қиласиз:

– Кечирасиз, яна мен безовта қилияман. Ўртоқ Петькин қачон таътидан қайтишини айтолмайсизми?

– Ойнинг охирида.

Яна гўшак шарақлайди.

Андак ўйланиб тургач, сиз яна ўша рақамни терасиз:

– Худо хайрингизни берсин, мени кечиринг, жонингизга теккан-дирман. Балки сиз менга жаноб Петькиннинг ўрнига ким ишлаётганини айтарсиз?

– Ўртоқ Васькин.

Яна телефон узилиб қолади.

Сиз яна телефон қиласиз:

– Сизни шунақа безовта қилаётганимдан жуда хижолатдаман, – илтижо билан яна паст келасиз. – Барака тошинг, агар сизга малол келмаса, менга жаноб Васькиннинг телефонини берсангиз!

Ниҳоят, сиз таътилга чиқиб кетган жаноб Петькиннинг ўрнига ишлаб турган жаноб Васькиннинг телефон рақамини қўлга киритиш шарафига (шунисига ҳам шукур) муяссар бўласиз.

– Қанча вақт зое кетди! – дея ёзғиради муаллиф. – Одамнинг қанча саъй-ҳаракати беҳуда сарф бўлди, асаблари қақшади! Ҳамма ишқал шундаки, бизнинг котиба керакли сабоқни олмаган. У котибалик вазифаси нимадан иборат эканини билмайди.

«Известия»да ўша ажойиб мақола босилиб чиққанда мен «Литературная газета»да вақтинча бўлим мудури эдим. Муҳаррирга мўлжалланган, олдидаги мўъжаз даҳлизда котиба ҳам бемалол жойлашадиган каттагина, файзли хонада ўтирардим. Котибам ёш бўлмаса-да, анчагина савлатли, малоҳатли бир хоним эди. Унинг ташриф буюрувчилар ва телефон қилувчилар билан муомаламулоқоти ўша «Известия»да аёвсиз танқид қилинган котибаникидан деярли фарқ қилмасди. Балки унчалик қўнол эмасдир, аммо моҳияти ўша-ўша эди.

Бундай бўлишига сабаб котибам Инна Сергеевнанинг америкалик котибадай керакли сабоқни олмаганида эмас. Керакли тажрибага эга бўлмаганида ҳам эмас.

Мен ишга ярим кунча кечикиб, хонамда пайдо бўлганимда у ҳузуримга кириб, менга ҳисобот берарди:

– Иванов телефон қилди. Мен унга бугун ижодий кунингиз эканини айтдим. Кейин Сидоров телефон қилди. Мен унга эрталабдан Марказий Қўмитага кетганингизни эслатдим. Шундан сал ўтмай Петров кирди. Унга кечгача бўлмаслигингизни тушунтирдим. Раҳбарият нима учун жойингизда ўтирмаганингиз билан қизиқди. Мен эрталабдан Маршакнинг олдига кириб ўтмоқчи эканингизни айтдим...

Йўқ, Инна Ивановнани тажрибасиз деб бўлмасди. Аксинча, у жуда тажрибали эди. Нафсиламрини айтганда, у шунчаки тажрибалигина эмас, орзудаги, аъло даражада интизомли котиба эди. Аммо унинг интизоми америкалик ҳамкасбидан фарқли ўлароқ керакли томонга йўналтирилмаганди. Унинг асосий мақсади ҳар қандай йўл билан бўлса-да, хўжайинини ҳимоя қилишга, кўкрак кериб унинг осойишталигини муҳофаза қилишга қаратилган эди.

Котибам Инна Ивановна билан унинг америкалик ҳамкасби ўртасида фарқ бор эди, албатта. Аммо, масаланинг моҳиятига чуқурроқ қаралса, фарқ ҳар хил мактаб кўрган икки котиба ўртасида эмас, улар хизмат қилаётган икки хил давлат идорасида эди. Америка идорасида, агар ўша котибанинг иш юритиш усулидан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, ИШНИ БАЖАРИШ устивор ҳисобланарди. Ҳар қандай совет идорасининг бош мақсади эса ИШНИ БАЖАРМАСЛИК эди.

Дарҳақиқат, икки хил дунё...

## КИТОБ МАСАЛАСИДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

Василий Гроссманнинг «Гамгин кунлар» ҳикояси қаҳрамони ҳозиргина ҳаётдан кўз юмган акасининг кутубхонаси ҳақида шундай мулоҳаза юритади:

«Бу кутубхона ҳозир Николай Андреевич билан бирга дунёни тарк этди. Бир одамнинг хоҳиш-иродаси билан тўпланган китоблар ўша инсоннинг руҳий дунёсини ҳам акс эттириши ҳақидаги фикр Мария Андреевнани ҳайратлантирди. Айни шу лаҳза, акасининг ўлими оқибатида бу китоблар худди ўлган одамнинг калласидаги хужайра-лари янглиғ тўзғиб-йўқолиб кетаётган эди.»

Бу жуда ҳам нозик ва равшан фикр эди. Аммо совет давридаги зиёлилар орасида Гроссман қаҳрамони Николай Андреевичга ўхшаган одамлар ёмбидек камёб эди. Ҳаётда кўпинча бутунлай бўлакча манзара ҳукмрон эди.

Кўшниларибдан бири, машҳур ёзувчи бошқа уйга кўчаётган эди. Янглишмасам, у бошқа бир зиёли, чамаси ёзувчи билан уйини алмаштираётган эди.

Бир куни қандайдир тасодиф билан уйига кириб қолдим. Хоналардаги жиҳозларнинг ярми йиғиштириб қўйилганди. Биз, табиий, кўчиш машаққатлари ҳақида гурунглашдик. «Камбағал бўлсанг кўчиб кўр» деган мақолни ҳам тилга олдик.

— Ҳаммасидан қийин, мана булар, — дея сўлиш олиб гапирди кўшним бағри кенгина хонасидаги китоблар тахлаб қўйилган жовонларга ишора қилиб. — Буларни буюртма билан, деворга қоқтириб ясатгандим. Энди буларни қайта йиғиштириб олиш керак. Бўёғига қандай олиб боришаркин, қандай ўрнатишаркин...

— Китоблар нима бўлади? — дедим унга ачиниб. — Жавонлар сал-пал тирналса ҳечқиси йўқ. Аммо китоблар йиртилса ёки чанг-ғубор қўнса... Сен яхшиси кути-пути топиб, ичига тахлаб қўйишинг керак...

— Айнан китоблар масаласида ҳеч қандай муаммо бўлмайди, — дея эътироз билдирди у.

У менга китобларни ташиб овора бўлиб юрмаслигини, уйини алмаштираётган одамда ҳам айнан шунақа китоблар борлигини кулимсираб гапирди. Бальзак, Гюго, Золя, Драйзер, Горький, Лесковларнинг ўша жилдликлари... Қисқа қилиб айтганда, обуна нашрлар. Уйларини алмаштираётган ҳар икки ёзувчи ўзларига ҳаводай зарур бўлган китобларни эмас, обуна орқали қўлга киритиш мумкин бўлган асарларни йиғишган эди. Оддий совет китобсевари эса қандайдир бир танқис Драйзерга обуна бўлиш учун тонг саҳардан туриб навбатга туриши, йўқлама қилинаётганда навбатдан чиқиб кетмаслиги учун вақтида бориб рўйхатдан ўтиб туриши лозим эди. Бизнинг ёзувчи биродаримиз эса ортиқча жонини койитмай истаган нашрига обуна бўлиши мумкин эди. Бунақа имтиёзни қўлдан чиқариб бўлармиди?!

— Ўзимга керакли ўнтача китобни сумкамга солиб қўйсам бас — тамом вассалом, — деди кўшним кулиб. — Бошқасини ўйлаб ўтирмай алмаштираемиз-қўямиз!

*Давоми бор*

## **АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!**

Журналимизнинг кейинги сонларида  
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

Т. УАЙЛДЕР (АҚШ). **Авлиё қирол Людовик кўприги**. *Қисса*.

Болеслав ПРУС (Польша). **Фиръавн**. *Роман*.

АНОР (Озарбайжон). **Ҳикоялар**.

Рашод Нури ГУНТЕКИН (Туркия). **Ҳикоялар**.

Фредерик ДАР (Франция). **Қабиҳнинг қаҳри**. *Қисса*.

Ж. ЛЕКЛЕЗИО (Франция). **Диего ва Фрида**. *Роман*.

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ. (Россия). **Камбағаллар**. *Роман*.

Ю.РИТХЕУ (Россия). **Абадий музликнинг тугаши**. *Роман*.

Гуннар СТОЛЕСЕН. (Норвегия). **То абад сеники**. *Роман*.

Сьюзен ФОКС (АҚШ). **Самовий аҳду паймон**. *Роман*.

Булардан ташқари, Фарб ва Шарқ шеърятидан намуналар,  
фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик  
тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»** журнаliga 2010 йил учун обуна  
давом этмоқда.

**Индекс:**

**Якка тартибда – 828.**

**Ташкилотлар учун – 829.**